

Ҳалимжон ҲОМИДУЇ

**АВЕСТОДАН  
ШОҲНОМАГА**



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2007

**Масъул муҳаррир**

филология фанлари доктори,  
профессор **Н. КОМИЛОВ**


**Ҳомидий, Ҳамиджон.**

«Авесто»дан «Шоҳнома»га/Ҳамиджон Ҳомидий;  
Масъул муҳаррир Н. Комилов. — Т.: «Шарқ», 2007. —  
320 б.

Ушбу рисолада муаллифнинг «Авесто»нинг ёзилиш тарихи, моҳияти, адабий қиммати ҳақидаги энг сўнгги тадқиқотлари жамланган. Бундан ташқари, «Авесто» ва «Шоҳнома», Фирдавсий ва ўзбек адабиёти масалалари ҳам таҳлил қилинган. Китоб илмий ходимлар, аспирантлар ҳамда маънавиятимиз сарчашмалари билан қизиқадиган кенг илм-адаб аҳлига мўлжалланган.

**ББК 83.3(5Ў)**

ISBN 978-9943-00-131-2



© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, Тошкент, 2007.

**Падари бузурукворим Абдуҳомид Охунд  
хотираларига бағишлайман**

**«АВЕСТО»  
САБОҚЛАРИ**



## ЗАРДУШТ

### Ибтисо

Эрамиздан олдинги IX асрда илк куртаклари бизнинг юртимиз ҳудудида пайдо бўла бошлаб, VI асрда узил-кесил шаклланган маздопарастлик динининг асосчиси Зардушт ва муқаддас китоб «Авесто» хусусида кўплаб илмий рисоалар, дoston, қисса ва романлар яратилган. Бу асарлар яқин XIV аср давомида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва қисман Кавказ халқларининг яккахудолик эътиқоди бўлган зардуштийлик дини тарихи, моҳиятини аниқлаш, тадқиқ этишда, шубҳасиз, улкан аҳамиятга эга. Биз ҳам кейинги ўн йил давомида бу масалани, хусусан, Зардушт шахсиятини ўргатиш йўлида кўп сарчашмаларни варақладик, афсона ва ривоятларни кузатдик; «Авесто»нинг аксарият таржималарини, янги форсий табдили нашрларини, сосонийлар даври хроникаси «Динкард», «Бундахшин»нинг матнини, тўрт жилддан иборат «Авесто» луғати»ни, 1278 йили Баҳром ибни Пажду томонидан яратилган 1570 байтдан иборат «Зардуштнома»ни ўқиб чиқдик. Ва ниҳоят мушоҳадаларимиз бир жойга жамлангандай, фикрлар тўлишиб, теранлашгандай бўлди. Ана шу мулоҳазаларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишга аҳд қилдик.

### Зухуром

Кўҳна Хоразмдаги Спитама қавмининг сорбони Фароҳим хонадонида қизалоқ туғилди. Унинг кўзида хуршиди рахшон ҳувайдо, юзида эса моҳи тобон пайдо. Чақалоққа Дуғдова деб ном қўйдилар. Отана фарзандини еру кўкка ишонмай, мардум кўзидан пинҳон тарбиялай бошладилар. Қизча улғайган сари унинг сиймосидаги нур алақандай соҳир қудрат касб этар, хонадонда қуту барака ортиб борар-

ди. Ниҳоят, 10 ёшга тўлгач, қиз волидасининг ихтиёрисиз остона ҳатлаб кўчага чиқди: унга халқ назари тушди. Улар орасида гавво қўпди: баъзилар «бу қиз паризод» деса, бошқалар «қиз нутфасини фаришталар она бачадонига ўрнатиб кетган», деди. Қабих, жоҳил ниятли кимсалар «бу жодулик тимсоли, юртга қабоҳат келтиради, тошбўрон қилиб ўлдириш керак», дейишди. Отаизор не қиларини билмай, зор-зор йиғлаб ухлаб қолди. Уйқусида бир оқ кийимли мўйсафид келиб шундай деди: «Эй Фароҳим, ўрнингдан тур! Бу қизнинг қатлига йўл қўйма. Ундан башариятни жоҳилиятдан қутқариб, саодатга элтувчи ўғлон туғилади. Қизни қавм раисига топшир», деди-да кўздан ғойиб бўлди. Уйқудан сесканиб турган Фароҳим ярим кечада қизини уйғотиб, уруғ раиси, дўстиникига элди ва деди:

— Эй биродари азиз, қизимнинг ҳаёти хавф остида, авом омма ўлдиришни талаб этмоқда. Сен уни «духтархонд» (тутинган қиз) қилиб ол, шояд хонадонингга саодат келтирса, — деди. Қизнинг юзида аллақандай илоҳий нур кўрган раис «тожи сар» — «бош устига», деб қабул этди.

Шу-шу эл қаҳридан қутулиб, раис меҳрини қозонган Дуғдова янги оила арзандаси сифатида яшай бошлади, юзини ҳамиша ниқоблаб юрди. Раис манзилида Пурушасп отлиғ ўғлон балоғатга етмоқда эди. Яздони пок йигит қалбида Дуғдовага нисбатан меҳр пайдо қилди. Натижада қиз 15, ўғлон 17 ёшга кирганда ота-оналар уларнинг никоҳ тўйини ўтказишди. Оиланинг қут-баракаси кўпайиб борар, қўйлару туялар қўшалок туғар, яйловлар серўт, моллар мўл сут берарди. Ниқобланган Дуғдова рўзғор ишларига шўнғиб кетган: ҳали қўйларни яйловга ҳайдар, ҳали сигирларни серўт майдонларга элтар, ҳали жун қирқишда фаоллик кўрсатар эди.

Барча пайғамбарлар, дин пешволарининг саргузаштлари фавқулодда кечинмалар, руҳий ҳолатлар, илоҳий башорату кароматлар билан тўлиб-тошган. Зардуштнинг дунёга келиши, зуҳуроти ҳам ана шундай ҳоллардан холи эмас. Яздони пок туғилажак дин доҳийсининг қисматини нурга йўғиришни истади. Тангри фармони билан булут ва ёмғир фа-

ришталари Амрдод ва Хўрдоодлар осмоний гиёҳлардан Хум номли суюқлик тайёрлаб, ёмғир орқали ерга равона этдилар ва яйловларда ажиб гиёҳлар унди. Амрдод ва Хўрдоодларнинг башорати билан Пурушасп олтига сигирини ўша яйловларга олиб чиқди. Моллар янги униб чиққан гиёҳларни еб қоринларини тўйдиришди. Кечқурун Дуғдова молларни соғди ва эру хотин сутдан тўйиб ичишди. Натижада осмоний руҳ она қорнидаги туғилажак гўдак жисмига кўчди. Орадан узоқ ўтмай эрамиздан олдинги 623 йили фарзанд туғилди. Унга Зардушт деб ном қўйдилар. Чақалоқнинг пешонаси дўнг, бошининг орқаси япасқи эди. У бошқа гўдаклардек йиғлаб эмас, қаҳ-қаҳа уриб туғилди. Унинг таваллуди ҳақида «Авесто»нинг Фарвардин Яштида қуйидаги фикр мавжуд: «Зардушт туғилиши билан дунё яшнаб кетди, гуллар очилиб, дарёлар мавж ура бошлади, бутун мавжудот шодлик қўшиғини куйлашди. Барча балаңд овоз билан «бизнинг аҳволимизни яхшилайдиган пешво Спитамон Зардушт туғилди», дейишарди. Унинг овозидан девлар, бадкирдор одамлар, афсунгару ёлғончилар, инсу жинслар ларзага келди, нола чекишди, уни йўқотиш пайига тушишди. Бадхоҳлардан уч киши онаси ташқари чиққан маҳалда чақалоқ ётган хонага ўт қўйишди. Бутун уй куйиб кул бўлди. Ота-она, кўни-қўшнилар чирқираб қолишди. Аммо Яздони пок инояти билан Зардушт чўғлар ичида ўйнаб ўтирарди. Шундан кейин бадрафтору жодугарлар сардори Даврон Сурун гўдакни йўқотишга астойдил киришиб, уни маст буқалар орасига ташлайди, бир буқа танаси билан тўсиб, болани омон сақлайди; бошқа сафар дарранда бўрилар тўдасига рўпара қилади. Йиртқичлар Зардуштдан юз ўтириб кетадилар, осмондан бир эчки пайдо бўлиб болани эмизиб тўйдиради. Ночор қолган жодугар бошқа ҳийлалар ўйлаб чиқаришга киришади.

Кунлардан бир кун Пурушасп ўғлини етаклаб бораётиб сеҳру жоду пирларидан бирига йўлиқади. У гўдакка нигоҳи тушиши билан бир юқорига, бир пастгаю чор атрофга боқиб қалтираб кетади. Пурушасп ундан сўради:

— Эй Карп, яъни жодугарлар сардори, ўғлимни кўришинг билан бир пастга қарадинг, яна осмонга нигоҳ солдингу чор атрофни кузатдинг. Бунинг маъноси нима?

— Бунинг маъноси шуки, — деди Карп, — кўкка қараганимда билдимки, бу боланинг руҳи осмонга бориб етган, унга эргашган барча одамлар жаннатий бўладилар, қуйига қараганимнинг боиси шундаки, бу гўдак фаолияти туфайли бадкирдорлар, деу жодугарлар нобуд бўлиб, дўзахга маҳкум этиладилар. Атрофга қараганимнинг сабаби шуки, бу ўғлоннинг гуфтори ер юзининг барча гўшаларида этибор қозонади, сўзлари ҳаёт қонуни сифатида етти иқлимда тан олинади ва қабул қилинади.

Кўпхудолик тарафдорлари, кавийлару карплар, сеҳргарлару жодугарлар, молпарастлар бўлғуси дин пешвосини йўқотиш пайига тушгандилар. Доктор Ҳошим Ризоийнинг аниқлашича, уларга Усиж, Венд-ва, Грехма, Гаутама, Дреҳма сингари кўпхудолик арбоблари раҳнамолик қилишарди. Улар Зардуштни махсус режа асосида ўлдиришга киришадилар.

Шундан сўнг Пурушасп ўғлининг тарбияси ва муҳофазаси билан жиддий шуғулланди. Зардушт етти яшарлигидан ўн беш яшарлигигача донишманд, шоир Барзин Курас қўлида илм олди. Хусусан, у ижтимоий билимлар, табиатшунослик, каломи бадеъ, нотиклик санъатини пухта эгаллади; устози айтган шеърлар, асотирларни ёд олди; қабила баҳодирларидан жанговарлик, жаҳонпахлавонлик, чавандозликни ўрганди. 16 ёшида Зардушт белига оқил ва жасур йигит сифатида «мардлик камари»ни боғлади. Бу орада бир неча муддат тўхтаб турган Турону Эрон жанглари яна бошланиб кетди. У ҳам ана шу жангларнинг бирида иштирок этиб, сон-саноксиз кишиларнинг бекорга ҳалок бўлганларини кўриб, изтироб чеқди, ер юзидан жанжал, зулм-зўрлик, зулмат ва ёлғон уруғини қандай йўқотиб, халқ дарадига малҳам бўлиш, оламни ростлик, яхшилигу нур билан безаш лозимлиги хусусида ўйларди. Энди у нор туяларни боқишдан ташқари отаси уюштирадиган йиғинларда, қавм мўйсафидларининг баҳсларида иштирок этар, қабилаларда юриб, бутпараст,

молпараст, оташпараст, тошпарасту табиатпарастларнинг одатлари, эътиқоду расмларини ўрганар, турфа дунёқарашдаги пешволарнинг гурунгларию ваъзларини тинглар; баъзан эса диний қарашлар заминада юз берадиган қирғинбарот жанглarning гувоҳи бўларди. Бу ҳол, бир томондан, Зардушт дунёқарашини чархлаб, тафаккури решаларини бақувват қилса, иккинчи томондан эса мавжуд тузум, унинг низоми, расм-русумига нисбатан ғазабини кўзғар эди. Унинг назарида ўзи яшаётган макон жоҳилият ботқоғига ботган, ҳаётни ёлғончилик, фирибгарлик, сеҳру жоду, газандалик, қабоҳат қуршаб олгандек эди. Бундан ташқари, ҳар бир эътиқод бўйича бажарилиши мажбурий бўлган расм-русумлар, жумладан, муайян оиланинг йилига 1—2 мартабадан қурбонлик қилиш одати ер юзида молу кол, паррандалар, ҳатто одамлар зурриётининг тобора камайиб боришига олиб келаётганлиги Зардуштни ўйга толдирар, изтироб гирдобига тортарди.

## Яловбардор

Шунинг учун ҳам Зардушт руҳида аллақандай сокинлик, гўшанишинликка мойиллик пайдо бўла бошлади. Буни сезган Пурушасп кунлардан бир кун ўғлига «сенга нима бўляпти» маъносида нигоҳ ташлади.

— Мен ҳақиқат йўлига кирган бандаман, ҳақни изламоқдаман. Бу йўлдан мени ҳеч ким ва ҳеч нарса қайтара олмайди! — хитоб қилди Зардушт.

Бу ногоҳоний изҳоротдан ҳангу манг бўлиб қолган ота чурқ этмади. Ўша куниеқ Зардушт ёлғончилик, палидлик ва зулмат қоплаган муҳитни тарк этиб, Саблон тоғига чиқиб кетади. У 20 йил ғорда мева, гиёҳ илдиэлари, парранда гўштини тановул қилиб яшади: ўн йил якка тангри Аҳурамаздани кашф этиш учун тафаккур уммонига фарқ бўлди, ўн йил Яздонни мадҳ этувчи гот суруд-гимнлар яратди. Айрим тадқиқотчилар «Авесто» таркибига кирган «бир миллион шер» (Плиний) худди шу даврда ижод қилинган, деган хулосага келишган.

Йигирма йиллик риёзатдан сўнг кунлардан бир кун Ҳотифдан қуйидагича Ваҳдий келди: «Эй Спита-



мон фарзанди. Мен ҳамма мўътабарлардан сени мўътабарроқ қилиб яратдим ва сени ўзимга меҳрибон қилдим. Халқ ҳузурига борадиган вақт етди. Тур, узлат манзилени тарк эт, замон аҳлини ростлик, яхшилик ва ҳақиқат сари даъват этиш вақти келди!»

Ана шу вақтда Зардушт 39 ёшда эди. У Ваҳий туфайли тафаккур осмонини тарк этиб, тоғдан тушиб, ягона тангри кашшофи, унинг пайғамбари сифатида чорвадорлару ҳунармандлар, савдогарлару зиёлилар орасида кўпхудоликнинг зарари, яккахудонинг афзаллиги хусусида ваъзлар айтди, даъватлар қилди, нутқ сўзлади. Кўпхудоликнинг касофатини англаб етганлар, хусусан, ҳунармандлар (чунки улар жондор қурбонлик қилиш одатидан зада бўлишганди) унга кўплаб эргаша бошлади. Бундан ташқари, ирқий можаро ва қирғинлардан безор бўлган чорвадорлар ҳам унга қўшилишди. Бу йўлда унга амакиваччаси Мадийонмоҳ ҳамроҳ бўлди ва яқиндан кўмаклашди. Зардушт эски дин ва удумларнинг жамият ҳамда ҳаёт тараққиётига тўғаноқ бўлаётганини, кўп урф-одатлар инсон эрки, яратувчилик қудратини кишанлаб қўйганини аниқ далиллар билан исботлаб борар, Яздони пок номидан ростлик, яхшилик, хушбахтлик, маърифату саодат йўлини равшанроқ кўрсатишга интиларди, тангри нури ва меҳри уларни ҳақ йўлга ҳидоят этишини уқтирарди. «Сизлар ҳозир сажда қилаётган худолар харсанг тош бўлаги, ҳар хил буталар, яғочлардан бошқа нарса эмас. Улар сизларни ботилликда сақлайди. Ягона тангри Аҳурамазда эса сизларга теран ақл ва фаросат берган», — дерди нутқларининг охирида Зардушт.

Бу динни Мадийонмоҳ ва унинг ўғли Арасту билан бир қаторда туронлик таниқли жамоат арбоби Фраяно, қавм улуғларидан Асма Хванвант, Аспа Хванванта, Гаваяна, Парасат Гао, Воҳвасти, Исвантлар ҳам қабул қилишади. Мадийонмоҳ ҳижратда ҳам Спитамон Зардуштга ҳамроҳ бўлиб, унинг ҳимоятгари сифатида фаолият кўрсатади. Буларнинг тафсилоти доктор Ҳошим Ризоийнинг «Зардушт» (2001) китобида батафсил баён қилинган.

Кундан-кунга Зардуштнинг обрўси ошиб, эски эътиқодга мухолифликда юрган бутун-бутун гуруҳлар унга эргаша бошлади. Бу янги оқим бутун Хоразм бўйлаб ёйила бошлайди. Шаҳару қишлоқларда янги дин тарафдорлари тарғибот ва ташвиқот ишлари билан жиддий шуғулланадилар. Спитама уруғи ва унга қўшни қавмлар тўла маздопарамтликка ўтади. Зардушт шу ердан туриб бутун жараённи бошқариб борарди. Тез орада бу хабар Турон ҳокими Аржаспга етиб боради. Оммавий тус олаётган бу ҳаракат оқибатидан хавфсираган ҳоким Зардуштни тутиб дорга ошиш ҳақида фармон чиқаради. Бунинг устига «зулм, сеҳру жодуни ўзларига касб қилиб олган девсифат» (Х. Ризоий) кўпхудолик тарафдорлари ҳам Зардуштга ва унинг издошларига қарши куч тўплаётган эдилар.

### **Ҳижрат ва суқасг**

Ҳаёти хавф остида қолган Зардушт қаҳратон қишда 300 тарафдорлари билан кўп сарсон-саргардонликлардан сўнг Термиз орқали Балхга ўтади, у ердан Сеистонга кўчиб, шимолий Эронга йўл олади. Бир неча йил Табресу Язд ва бошқа вилоятларда юриб, ўз ғояларининг мукамал шакллантирилиши ва кенг халқ оммаси орасига ёйилишига эришади. Кўҳна ривоятларга кўра Зардушт ва унинг уламолари оқ либос кийиб юришар экан. Кунлардан бир кун у 30 коҳин билан Эрон шоҳи Гуштасп қабулига борибди. Шоҳ пайғамбарлик даъво қилаётган Зардуштдан ўз ақидаларини аниқ тушунтириб беришни сўрабди. Зардушт ҳар икки оламнинг яратувчиси Яздони покни таърифлаб нутқ сўзлабди, ўзининг тангри юборган элчилигини уқтирибди. Шунда шоҳ: «Қани ўша диннинг рамзи?» деб сўрабди. Зардушт қўйнидан бир жом чиқариб ҳавога отиб, ушлаб олган экан, жомдан нур таралибди. Бехосдан шоҳ бошчилигида барча аъёнлар бошларини саждага эгишибди.

Шундай бўлса ҳам Гуштасп Зардушт ва унинг ҳамроҳларини яна имтиҳон қилмоқчи бўлибди. У донишманд вазири Жомаспни чорлаб шундай дебди:

— Ўттизта сара донишмандларни йиғиб, мана бу пайғамбарлик даъво қилаётганнинг шериклари билан баҳслашиб, обдан синанглари, нима каромат кўрсатар экан?

Шундай қилиб бутун кечаси донишмандлар илоҳиёт, табиат ва коинот, турли қавмлар ва элатларнинг эътиқоди масалалари бўйича баҳслашибди. Эронликлар Зардушт бошчилигидаги туронликларнинг илмий қудратига тан беришиб, биринчи бўлиб Жомасп ҳаким янги динни қабул қилибди. Шундан сўнг Гуштасп ва унинг сарой аҳли ягона тангри Яздони покни эътироф этишибди; шоҳ фармони билан бутун Эрон мамлакати ҳудудида маздопарастлик эътиқоди жорий этилибди.

Худди мана шу даврда дастлабки қисмлари — дафтарлари Туронзаминида яратилган «Авесто» Зардушт ва қоҳинлари томонидан тўла тартиб этилади, бир нусхаси 12 минг хўкиз терисидан қилинган қоғозга олтин сувида кўчирилиб, Гуштасп хазинасига, иккинчи нусхаси «дижнабишт» — архивга топширилади. Йигирма бир наск (китоб)дан иборат «Авесто»нинг бизга қадар беш китобигина сақланиб қолган, холос.

Зардуштнинг шимолий Эронда паноҳ топгани ва у асос солган янги дин Эронзаминда жорий этилганини эшитган Аржасп ғазабланади. Туроншоҳ Зардуштни ҳибсга олиб, ҳузурига жўнатиш ҳақида Гуштаспга талабнома юборади. Рад жавобини олгач, у Рогирсо бошчилигидаги 300 минг лашкар билан Эронга ҳужум уюштиради. Тенгсиз жангда Гуштаспнинг укаси жаҳонпахлавон Зарир, шоҳ ўғилларидан Ардашер, Хурмузд, Навзар, Шидасп, Бадхусравлар ўлдирилади, Исфандиёр асир олиниб зиндонга ташланади. Аржасп Балх, Сеистон, Бехрўз шаҳарларини ғорат қилиб, ҳадсиз ўлжалару асирлар билан Хоразмга қайтади. Сеистон жангида Зардушт ҳам бевосита иштирок этади.

Орадан кўп ўтмай, Аржасп иккинчи маротаба Гуштаспга қарши лашкар тортиб, Зардушт билан шоҳни қўлга туширишга қасд қилади. Дастлаб у Сеистонга ҳамла қилиб, шоҳнинг отаси, мункайиб қолган Лухраспни қўлга туширади ва қатл этади.

Аммо зиндондан қутулган руинатан (темир тирноқ) Исфандиёр катта лашкар билан жангга кириб, Аржасп қўшинини тору мор этади, ўзини ўлдиради. Натижада Туронзаминда ҳам янги маздопарастлик дини жорий этилади.

Маълумки, Гуштасп янги динни қабул қилгач, Зардушт маслаҳати ва назорати остида шаҳару қишлоқларда ибодатхоналар қуриш ҳақида фармон чиқаради. Ибодатхоналар «Оташкада» деб аталади. Ана шундай оташкадалардан бири Балхда қурилади. Зардушт унинг очилиши маросимида иштирок этади ва сажда пайтида кўпхудолик тарафдори, Аржаспнинг лашкарбошиларидан бўлмиш Братарвахш томонидан чавақлаб ўлдирилади. Бу мудҳиш суиқасд эрамиздан олдинги 554 йилнинг саратонида содир бўлганди.

Афсуски, «Бундахишин»да Зардуштнинг туфилган манзили ва санаси, қотили аниқ кўрсатилгани ҳолда, профессор А. Бердимуродов у «Ургутдаги Дараға дарёси соҳилида дунёга келган, Зардуштни мухолиф коҳин ўлдирган» сингари тахминий гапларни ёзиб, ўқувчиларни чалғитган (А. Бердимуродов, Коҳин қўлидаги ўлим. «Даракчи», 2002 йил 2 май).

Зардушт дин пешвоси бўлиши билан бирга катта оила бошлиғи ҳам эди. Унинг Иставатр, Уруватр, Хурчитр номли ўғиллари, Фрини, Трини ва Пуручисто номли қизлари бўлган. Иставатр коҳинлар пешвоси, Уруватр Пушутан лашкарида бош қўмондон, Хурчитр ер ости шаҳар — Йимкарда зироаткорлар сардори ва мироби бўлган. Энг муҳими, Зардушт жоҳилият, зулм, қабоҳатга, табиатпарастлик, бутпарастлик, молпарастлик, ашёпарастликка қарши курашиб, нисбатан дунёвий, инсоний, маърифий ғояларни ўзида мужассам этган якка тангрини кашф этди, янги эътиқод замирида яхши амал, яхши хулқ, яхши хатти-ҳаракат ва яхшиликка йўналтирилган меҳнат ғояси ётардиким, бу башариятнинг барча замонларидаги энг олий ниятидир. Шунингдек, Зардушт замонида шароб тайёрлаш ва шаробхўрлик, кўпхотинлик қатъиян ман этилган эди.

Демак, Зардушт ва унинг авлодлари илму маърифат, инсонпарварлигу адолатпешалик тарафдорлари бўлган.

## **Зардушт шажараси**

Зардушт Пурушаспнинг ўғли, Пурушасп Подиратараспнинг ўғли, у Урагадхаспнинг ўғли, Урагадхасп Хадчаспнинг ўғли, Хадчасп Чихишнушнинг ўғли, Чихишнуш Пастраспнинг ўғли, Пастрасп Ареджадхашнинг ўғли, Ареджадхаш Хардхарнинг ўғли, Хардхар Спитапнинг ўғли, Спитама Ваэдиштнинг ўғли, Ваэдишт Нияземнинг ўғли, Ниязем Лерикнинг ўғли, Лерик Дурасробнинг ўғли, Дурасроб Манучехрнинг ўғли.

Пурушасп оиласида Зардуштдан ташқари Ратуштар, Рангуштар, Нотарига ҳамда Ниветиш отлиф тўрт ўғил бўлган. Пайғамбар хонадоннинг учинчи фарзанди эди.

### **«Авесто»нинг таркиби ва моҳияти**

Шарқшунослар орасида «Авесто»нинг яратилиши ҳақида турли фикрлар мавжуд: уларнинг айримлари ёдгорлик таркибидаги энг кўҳна мадҳиялар, мифлар ва мифологик образларга суяниб, унинг дастлабки қисмлари эрамиздан олдинги IX асрларда яратилган, деган хулосага келишган. Улар баъзи матн ва мадҳиялар яккахудолик эътиқоди пайдо бўла бошлаган илк пайтларда коҳинлар томонидан яратилиб, кейинчалик «Авесто»ни тузганлар улардан ҳам фойдаланган, деб уқтиришади. Бир гуруҳ авестошунослар китобнинг ёзила бошлашини бевосита Зардуштнинг Саблон тоғида кечган ҳаёти билан боғлайдилар ва бунда Ҳотлар асосан пайғамбар шеърларидан ташкил топганига суянадилар. Ҳарҳолда «Авесто»да аждоқларимизнинг энг қадимий шеърлари, мусиқа, бадий тафаккур мевалари, диний ақидаларию илмий дунёқарашлари мужассамланганлиги аниқ.

«Авесто» Зардушт ва маздопарастлик дини уламолари томонидан ёзилиб, тўпланиб бўлгач, махсус котиблар томонидан 12 минг хўкиз терисидан тайёрланган қоғозга олтин суви билан кўчирилган. Юқорида таъкидланганидек, «Авесто» 21 насқ (китоб)дан иборат бўлган. Бу ҳақда «Тарихи Бальямий»-

да ҳам аниқ маълумот мавжуд. Македониялик Искандар Эронни босиб олгач, «Авесто»нинг «дижнабишт» — архивда, оташкада, хазиначарида сақланган энг нодир нусхасини таржима қилдириб олиб, ўзини ёқтириб юборади. Гуштасп хазиначаридаги «Авесто» нусхасининг тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда. Сосонийлар сулоласининг дастлабки подшоси Ардашер Бобокан Хирбадан номли донишмандга «Авесто»ни қайта тиклаш вазифасини топширади. У бир қанча зардуштий уламолар билан ҳамкорликда обидани асл ҳолига келтиради. Кейинги тадқиқотлардан аниқланишича, Хирбадан юборган етти муъбад Сеистон, Балх, Марв ҳамда Эрон Виж (Хоразм)ни кезиб чиқадилар. Улар Туронзаминда «Авесто»ни ёддан биладиган бахши (қори)ларни қидириб топадилар. Натижада «Гоҳлар» ҳамда «Вендидод»нинг энг мукамал нусхаларини хоразмлик учта муъбад оғзидан ёзиб олишади. Сарчашмаларнинг гувоҳлик беришича, зардуштийлик узил-кесил шаклланган кезларда марказий шаҳарларда подшо ёки ҳоким фармонлари, марказий ҳокимиятнинг маҳаллий бошқарувчиларга, қўшни давлатларга йўллаган мактубларининг нусхалари ҳар хил наск (китоб)лар сақланадиган «дижнабишт» (архив)лар мавжуд бўлган. Самарқанд «дижнабишт»ида «Авесто»нинг нодир нусхаларидан бири сақланган.

Шундан сўнг Шопур икки даврида муъбадларнинг муъбади Озарпод Меҳроспандон «Авесто»нинг пароканда қисмларини тўплайди, ундаги кўп ном, тушунчаларни кенг шарҳловчи «Зенд Авесто» китобини яратади. Араблар истилоси даврида ўз эътиқодларида собит қолган юзлаб эронийлар хонадони Жанубий Ҳиндистонга ҳижрат қиладилар ва ҳозиргача аждодлар удумини асраб қолишган. Уларнинг Бомбейда зардуштийлик удумини ўрганадиган Комаилмий маркази ҳам мавжуд. Ана шу маънавият ўчоғида Ардашер даврида кўчирилган «Авесто» нусхалари сақланади. Шунингдек, китобнинг бир қўлёзмаси Россия Федерациясининг Санкт-Петербургдаги Салтиков Шчедрин номидаги Давлат кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида ҳам мавжуд. Бун-

дан ташқари, «Авесто» XIX асрнинг ўрталарида француз, инглиз ва немис, рус тилларида илмий изоҳлар билан бир неча маротаба нашр этилган: эндиликда биз «Авесто»нинг икки муаллиф томонидан бажарилган номукамал таржимасига ҳам эгамиз. Хуллас, бизга қадар бу китобнинг тўртдан бир қисми сақланиб қолган бўлиб, 1228 йили кўчирилган. Улар тубандагилардан иборат:

1. Гоҳлар. Бу қисм 72 бобдан иборат. Улар 4, 5 ва 7 мисралаи халқ кўшиқларига яқин шеърда битилган. Унда ягона тангри, ҳар икки оламнинг яратувчиси Аҳурамазданинг таърифи, Зардуштнинг саволи, Аҳурамазданинг унга жавоби, диний қоидалар, тангри фарзлари, оламнинг яратилиши, Одам Ота ва Момо Ҳаво саргузашти, ҳайвонот, наботот таснифи ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, Гоҳлар Зардуштнинг ижтимоий келиб чиқиши, Амрдот ҳамда Хўрдод каби фаришталарнинг пайғамбар шахсини шакллантиришдаги фаолиятини, зардуштийлик динини биринчи бўлиб қабул қилган Мадийунмоҳнинг таржимаи ҳолини, қадимги Турон тарихини ўрганишда ҳам ноёб манба ҳисобланади.

2. Яштлар. Кейинги пайтларда шарқшунослар орасида «Авесто»нинг айрим қисмлари зардуштийликнинг илк даврида қоҳинлар томонидан оғзаки яратилиб, оғиздан-оғизга кўчиб, қироат қилиб юрилган. Ёдгорлик узил-кесил шаклангач, ана шу дафтарлар унинг таркибига сингдирилган, деган фикр пайдо бўлган. Ҳошим Ризоий ва Аҳмад Тафаззулий ҳам шу мулоҳазани қувватлайди. 52 бобдан иборат Яштлар таркиби ушбу қарашни тасдиқлайди. Ундаги Митра, Анаҳито, Оша, Вертагна, Тир, Жамшид ҳақидаги қасидалар аждодларимизнинг уч минг йилдан бурунги тафаккур неъматларини эслатади. Яштларнинг аксариятида қадимий асотирлар мазмуни мужассам, турли маъбуд ва маъбудалар, самовий ёриткичлар тасвирланган бўлса-да, улар энг кўҳна замонлардаги ҳарбий санъат, қурооллар, уй анжомлари, хўжалик юритиш, турмуш тарзи, хунармандчилик, ўша жамиятнинг ижтимоий табақаланиши тарихини ўрганишда ёрдам беради. Яштлар шеърий йўл билан битилган.

3. Виспарад. Ибодат пайтида қироат қилинадиган матнлар мажмуи бўлган бу қисм 27 бобдан иборат. У наср ва назм аралаш халқ китоблари усулида ёзилган ва ҳам ёд олиш, ҳам қоҳинлар томонидан махсус қироат билан кўпчилик ҳузурида ўқишга мўлжалланган. Шу билан бирга унда қадимги Турону Эрон халқлари тарихи, афсоналарию эртакларини ўрганишга асқотадиган далиллар жуда кўп. Масалан, Гершасп ҳақидаги афсонанинг уч варианты мавжуд.

4. Вендидод. 24 бобдан иборат бу қисм, айтиш жоиз бўлса, соф илмий моҳиятга эга. Чунки унда аждоқларимизнинг милоддан олдинги неча минг йиллик тиббий, жўғрофий, космогоник, иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, тарбиявий, шунингдек, табиатшунослик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, наслнинг покиза бўлиши, юрт тарихи ва бошқа кўп масалаларга оид қарашлари мужассамлашган. Фикрлар асосан Зардуштнинг тангрига саволи ва Аҳурамазданинг унга жавоби тарзида ифодаланган.

5. Хорда «Авесто». Фанда «Кичик «Авесто» сифатида қабул қилинган бу китоб 22 бобдан ташкил топган. Барча олимлар уни ёдгорликдан сайлаб олинган оятлар мажмуи деб ҳисоблайдилар. Кейинги тадқиқотлар Хорда «Авесто»нинг 13 боби мустақил ёзилганлигини тасдиқлади. Унинг бир неча фаргарди махсус диний маросимларда ўқиладиган дуолардан ташкил топган. Дуолар сув, оташ, қуёш, ой номлари билан боғлиқ. Уни Шопур биринчи даврида Озорбот Меҳроспандон кўчирган. У соф диний моҳиятга эга бўлиш билан бирга маълум даражада илмий қимматга ҳам эга. Чунончи, унда қадимги боболаримизнинг сув ҳавзалари захираларидан оқилона фойдаланиш борасида қавмлараро тузилган шартномалар ҳақида фикр бор. Мурдани кўмиш пайтида, уч кун ўтгандан кейин, шунингдек, арвоҳ қайтганда ўқиладиган дуолар матни жуда ҳам аҳамиятлидир.

Авестошуносликда «Зенд Авесто» деган улкан ёдгорлик ҳам кўп тилга олинади. Баъзи олимларимиз бир неча жилддан иборат бу китобни ҳам «Авес-



то»нинг муайян қисми сифатида қайд этадилар. Аслида, бундай эмас. Маълумки, барча диний китоблардаги калима, ибора, бирикма, ном, атамалар зоҳирий ва ботиний маънога эга. Оддий ибодатчи бир ўқиган ёки тинглаганда уларнинг туб маъносини илғай олмаган. Шунинг учун махсус коҳин — уламо ёки қорилар ибодат ҳамда қироат олдидан ана шундай сўз ва ибораларни изоҳлаб, тушунтириб, шарҳлаб борган. «Авесто»ни бир киши қироат қилган ёки ўқиб берган, юзлаб одамлар тинглаган. Шу жараёнда махсус кишилар уни шарҳлаган. Натижада сосонийлар даврига келиб бу муқаддас китобнинг 20 дан ортиқ шарҳи — тафсири вужудга келади. Бундан ташқари, зардуштийларда ҳар бир авестохон унинг шарҳини тўлиқ ёддан билиши шарт бўлган. «Зенд Авесто» — ана шу тафсириларнинг умумий номи. Зардуштийларнинг таълим тизимида бошланғич ўқиш жараёнида «Зенд Авесто» ўқитилган. Таълимнинг юқори босқичида эса «Авесто»нинг ўзи ўргатилган.

«Авесто» бошқа барча диний китоблар сингари қомусий моҳиятга эга бўлган асар ҳисобланади. Унда зардуштийлик динининг қонун-қоидалари, фарз ва суннатлари, Яздони покнинг яккаю ягона яратувчилик қудрати таърифию мадҳи билан бирга ижтимоий ҳаёт, турли ижтимоий табақалар, моддий олам, ҳар хил касб соҳибларининг турмушда тутган ўрни, дунё ва инсоннинг нокомиллиги, мавжуд тузум тартиб-низомлари, уларнинг мусбат ва манфий томонлари, маздопарастликнинг асл моҳияти, бошқа динлардан фарқи, инсон тафаккурининг мутлақ моя билан боғлиқлиги ва бошқа кўп масалалар хусусида фалсафий мушоҳадалар юритилади.

Шунингдек, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини эъзозлаш, оила дахлсизлиги ва мустақкамлигига эришиш, ота-оналарнинг фарзанд олдидаги, фарзандларнинг ота-она наздидаги бурчи, қизларни оилавий турмушга тайёрлаш хусусида ҳам ибратомуз фикрлар мавжуд.

Маълумки, маздопарастлик динига Зардушт асос солган. У бутпарастлик, ашёпарастлигу девпарастликка асосланган кўпхудолик, унинг касофати ўла-

роқ ҳукм сурган жоҳилиятга қарши узоқ давом этган кураш натижасида пайдо бўлди. Зардушт Аҳурамаздадан ваҳий келиб, халқ орасида янги динга даъватни бошлаб юборар экан, ўзининг таълимотида «Андешаи нек» (энг аввало, пок эътиқод), «Гуфтори нек» (тўғри, рост сўз), «Кирдори нек» (Тангрини куйлаб мадҳ этмоқ яхши амал)га суянади. Демак, Зардуштийликда бош масала эътиқодда собитлик, росткавллилигу ҳалолу фидойилик устун туради. Ҳот ва яштларни кўздан кечирар эканмиз, ана шу бош масала бир қизил ипдек тизилиб ўтади. Айни пайтда Зардушт ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётда бир инқилобчи, реформатор сифатида гавдаланади. «Бу дин, — дейди у, — беҳуда қирғин урушларни бартараф этади, жангариларнинг йўлини тўсади». Бугина эмас, Зардушт таълимоти кишиларни фақат диний аҳкомларни ўрганиб, ибодат билангина шуғулланиш, гўшанишинликка даъват этмайди. Аксинча, унинг ақидалари кишиларни фаолликка, яратувчиликка, «нокомил дунё»ни такомиллаштириш учун интилишга, курашишга ундайди. У руҳият (равон)да Тангрини асраб, тилда ибодат қилиб, ерга икки кўллаб ишлов бериш лозим, чорвани кўпайтириб, боғлар ўстириш зарурлигини қайта-қайта уқтиради. Унингча инсоннинг яшашдан мақсади метиндек эътиқодли бўлиб, юртни обод, элни фаровон, турли қавмларнинг бир-бири билан дўст-иноқ бўлиб яшашини таъминлашдан иборат бўлмоғи зарур. Шунинг учун ҳам «чўлга сув чиқазиб, ернинг шўрини ювиб, захини қочириб, ерга ишлов берганлар» энг мўътабар инсонлар ҳисобланади. Ҳатто подшоҳ Жамшид Тангри буйруғи билан энг қаттиқ совуқларда одамларни асраш учун ер ости шаҳар қурдирган. Барча авестошунослар Зардуштни Шарқ фалсафий тафаккурига ахлоқ категориясини олиб кирган, дейишади. Шунинг учун ҳам улар Зардуштнинг «Амударё нақадар буюк ва суви қанчалик пок ва ширин бўлса, бизнинг дин ҳам шунчалик буюк ва покизадир», деган сўзларини кўпинча иқтибос қилиб келтирадилар. Гарчи Ҳот ва Яштларни асосан Зардушт мадҳиялари, Яздон билан савол-жавоби, меъ-

роҳ воқеалари ташкил қилса ҳам, ундан пайғамбарнинг ижтимоий келиб чиқиши, ота-онаси, фарзандлари, мураккаб саргузашти-ю Саблон тоғидаги анҳор бўйида ваҳий келиши, фаришталар Хўрдод ва Амрдод, янги динни биринчи бўлиб қабул қилган Мадийонмоҳларнинг Зардушт шахсининг шаклланишидаги ўрни хусусида ноёб далиллар мавжуд. Шунингдек, ушбу қисмларда кўёш, ой, юлдузлар, уларнинг ҳаракати, жойлашиш таносиби, ойнанинг 15 кун тўлишиб, 15 кун давомида кичрайиб бориши қонуниятлари ҳақидаги фикрлар хийла мароқлидир. Алоҳида Яштларда эл, юрт посбонлари, юртни қароқчилар, девлардан ҳимоя этувчи жасур ўғлонлар мадҳ этилади.

Энг муҳими шундаки, бу қисмлар деярли бошидан охиригача халқ оғзаки ижоди унсурлари, мазмун ва тимсоллари билан қоришиб, зийнатланиб боради. «Ҳаёт илдири» ҳисобланмиш мўъжизали шарбат Хум, илоҳий куч ва қудрат соҳиблари Митра, Меҳр, Анаҳито, Оша, Баҳром, Каюмарс, Жамшид, Гершасп ва бошқа мифологик тимсоллар ҳақидаги тафсилотларнинг ҳар бири ўнлаб саҳифаларни ташкил қилади. Биргина Анаҳито ҳақидаги парчаларни бир-бирига узвийликда ўқилса, халқнинг беқиёс аёл баҳодирлари ҳақидаги бир дostonни эсталади. Айни пайтда зикр этилган бўлимларда кўҳна Шарқ хроникаларида тилга олинган, кейинчалик бадий адабиётда анъанавий тимсолларга айланган ўнлаб афсонавий, тарихий шахслар, шаҳаншоҳлар, айрим сулолалар ҳақида ҳам ноёб маълумотлар сочилиб ётибди. Ҳатто Туронлик унчалик шуҳрат топмаган баҳодирлардан Гарсиваз ва Афривеслар ҳақида аниқ далиллар мавжуд.

Вендидодда бевосита зардуштийлик дини удумлари, маросимлари, улар пайтида ўқиладиган матнлар кенг ўрин олган, савол-жавоблар жараёнида тушунтирилиб, изоҳланиб борилган. Гарчи бу масалалар Зардуштнинг саволи ва Яздоннинг жавоби сифатида баён этилса ҳам, ҳаммасининг асл мояси Тангри эканлиги шарҳларда пухта идрок этилиб, тўлиқ изоҳлаб берилади. Шунингдек, ушбу қисм

Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг миллоддан бир неча аср олдинги тарихи, жўғрофияси, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвадорчилик, хунармандчилик, бинокорлик, ҳарбий хунармандчилик, мактаб, мадраса, хусусий таълими тарихини ўрганишда алоҳида қимматга ва аҳамиятга эга. Таълим ва тарбиянинг ҳаётий моҳияти, муаллим-устозларнинг жамият маънавий қиёфасини белгилашдаги, инсон камолотидаги ўрни хусусидаги муоҳазалар ҳам диққатга молик. Айниқса, табобатнинг назарий ва амалий жиҳатларни, табиатни фотат қилмаслик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, турмуш озодалиги, шахсий поклик ва ҳалоллик, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бориш, бутун жамиятнинг гигиеник ҳолатини сақлаш борасида қилинадиган ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусидаги фикрлар ҳамон қимматини сақлаб келмоқда. Дунё бўйича атроф-муҳитни, ҳавони ифлос қилиш, булғаш, ичимлик сув манбаларига турли оқаваларни оқизишга қарши кураш авж олган ҳозирги пайтда «Авесто»даги экологияга доир фикрлар катта назарий ва амалий аҳамиятга молик. Айни пайтда обида улкан адабий-маърифий қимматга ҳам эгадир.

Биз халқимизнинг бу қадимий ёдгорликдаги ижтимоий-фалсафий, илмий-назарий, маърифий, таълимий мулоҳазаларининг ана шу юксак қадрини ҳисобга олиб, уларнинг айрим жиҳатларини форсий табдили матнига суянган ҳолда баҳоли-қудрат изохлашга, тушунтиришга ҳаракат қилдик.

«Динкард», «Бундахишин» сингари ёдгорликлардаги далиллар ҳамда Эрон олимлари Ҳошим Ризоий, Аҳмад Тафаззулийларнинг сўнгги тадқиқотларига қараганда, «Авесто»нинг бизгача етиб келган қисми Ардашер Бобокан замонида етти котиб томонидан Хоразм уламолари оғзидан ёзиб олинган матнларнинг қиёсий таҳлили асосида яратилган нусха экан. Шунингдек, ушбу муаллифларнинг рисоаларида «Авесто» тили айнан қадимги Хоразм тили эканлиги ҳам узил-келил асослаб кўрсатилган.

## Авестошунослик тарихи

Аслида авестошунослик китоб яратилган кезлардаёқ бошланган. Чунки ўқиш ва қироат давомида «Авесто»нинг алоҳида фаргардларини, қийин сўз ва атамаларни тафсирлаш, шарҳлаб бориш ибодат пайтларида расм бўлган. Александр Мақдуний «Авесто»нинг бир нусхасини грек тилига таржима қилиб олиб, асл матнни куйдиргач, сосоний ҳукмдорлар уни қайта тиклашга киришар экан, йўл-йўлакай унинг яратилиш тарихи, зардуштийлик динининг моҳиятини текшириш ҳам бошланади. Натижада паҳлавий тилида «Зенд Авесто», «Бундахишин», «Динкард» сингари бир қанча китоблар яратилади. Бундай асарлар сосоний ҳукмдорлар замонида махсус котиблар томонидан изоҳ ва муқаддималар билан бир неча нусхада кўчирилган.

Ўрта асрларга келиб бу нодир ёргорлик кенг илм-фан аҳлига яқиндан маълум бўла бошлайди. 1728 йили инглиз олими Жорж Бауже «Авесто»нинг бир неча қисми қўлёзмаларини Жанубий Ҳиндистондаги зардуштий уламолардан қўлга киритиб Оксфорд коллежи кутубхонасига топширади. Шундан сўнг 15 йилга яқин ана шу Ҳиндистондаги маздопарастлар орасида юриб, уларнинг урф-одати, қадимги тилини ўрганган Анкетил Дюперрон «Авесто» алфавитини тиклайди, тили сеҳрини илғаб. 1771 йили обиданинг катта қисмини француз тилига таржима қилиб, сўз боши ва асл матни билан уч жилдда эълон қилади. Натижада Фарбий Европада «Авесто»га қизиқиш янада кучаяди, «Авестошунослик» пайдо бўлади. Гарчи Дюперрон тадқиқоти ва таржимаси атрофида кўп мунозаралару баҳслар бўлсада, охир-оқибатда уни «авестошунослик»нинг кашшофи сифатида тан оладилар.

Ана шу таржимадан кейин Фарб ариенталистлари «Авесто»ни ўрганишга жиддий киришадилар. Бирин-кетин немис, инглиз ҳамда француз тилларида ушбу ёдгорлик хусусида диний, фалсафий, тарихий моҳиятдаги китоблар чоп этила бошланади. Улар орасида И. Меймерснинг «Зардуштнинг ҳаёт йўли, низоми, даъватлари ҳамда асарлари» (1778—1784)

китоби алоҳида моҳиятга эга. Зероки, китобда муаллиф зардуштийликнинг туб моҳияти, унинг брахманлик билан умумий жиҳатларини тўғри аниқлаган, ишонарли далиллар асосида тушунтириб берган. Ҳатто муаллиф ислом дини билан зардуштийлар орасида умумий жиҳатлар ҳам мавжудлигига олимлар диққатини жалб этган. Эндиликда деярли барча авестошунослар Дюперрон меҳнатини эътироф этиб, унинг матнига суянадиган бўлдилар. Жумладан, Силвестр Де Саси, Тихсен, Уильям Жоне ва бошқалар Зардуштни инсоният бешигидаги биринчи шоир, воиз ва философ сифатида баҳолайдилар ва уни илм оламига таништиришда Дюперроннинг хизмати катта эканлигини махсус қайд этадилар. Масалан, Силвестер сосонийлар даври қоя қатибалари тилини ўрганиб, «Авесто»нинг паҳлавий тилидаги шарҳлари билан танишгач, Дюперрон меҳнатига юқори баҳо беради.

XIX асрнинг бошларига келиб ана шу таржима асосида қадимги Бақтрия, Мидия ва форслар дини тарихи, «Авесто» тилига доир бир неча илмий тадқиқотлар вужудга келади. Немис олимларидан И. Г. Роднинг «Зеңд халқлари», Эн Расконинг «Зеңд Авесто» ва зеңд тилининг қадимийлиги ва ҳаққонийлиги (1820—1827) китоблари шулар жумласидандир. Бу тадқиқотларда, бир томондан, зардуштийлик динининг катта минтақани қамраб олгани, ҳақиқатдан ҳам яккахудоликка асосланган эътиқод эканлиги кенг таҳлил этилса, иккинчи томондан, ёдгорлик тилининг грамматик хусусиятлари илк бор илмий жиҳатдан хийла пухта текширилади. Кейинчалик тилшунослардан Бопп, Жолли, Гарда, Жакиналарнинг турли ҳажмдаги китоблари нашр этиладиким, уларда «Авесто» тилининг фонетик, лексик ва морфологик жиҳатлари у ёки бу даражада ўрганилган.

XIX асрда «Авесто» Фарб философлари диққатини ҳам ўзига жалб этади. Г. Риттер ўзининг 12 томлик «Философия тарихи» китобида, Кечел ўзининг қатор мақола ва нутқларида «Авесто»даги диний ва фалсафий ақидаларини кенг шарҳлаган, улар мазмун, мундарижа жиҳатидан қадимги грек мифологиясидаги қарашлардан бирмунча бойлигини ало-

ҳида таъкидлашган. «Бу, — дейди Гегель, — чинакам зиё ва яхшилик динидир. Унда зиё зулматга, яхшилик зулмга қарама-қарши қўйилади». Гегель зардуштийлик динининг фаол, яратувчи, курашчан, элни фаровон, юртни обод қилувчи диндорнинг тарафдори эканлигини алоҳида уқтиради ва Зардуштни бу соҳада «реформатор» деб атайти.

Авестошунослик тарихида француз тилшуноси А. Бюрунуфнинг «Яснага шарҳ»лар китоби янги бир босқич бўлади. У Дюперрон ишини давом эттириб, «Авесто» тилининг лексик ва грамматик хусусиятларини хийла пухта ўрганади ва Бесутун ҳамда Персиполис катибалари тили билан ҳамда қадимги ҳинд Ведлари билан қиёсий типологик таҳлил этади. Натижада бу олим ёдгорлик лексик қатламини аниқлашда янги бир босқични бошлаб беради. С. Вендешман ўзининг машҳур «Зардуштийлик тажрибалари» номли тадқиқотида Митра ва Ардвиссура Анаҳито ҳақидаги мифларни ҳинд эпоси билан солиштирар экан, Бюрунуфнинг қиёсий-типологик усули нақадар илмий асосланганлигини яна бир бор таъкидлаган. Шундай қилиб, Фарбий Европа шарқшунослигида «Авесто»нинг моҳияти хусусидаги фикрларда икки йўналиш пайдо бўлади: айрим олимлар «Авесто» билан «Вед»ларнинг илдизи бир, улардаги мифларнинг ўхшашлиги шундай хулоса чиқариш ҳуқуқини беради, дейишса, икинчи гуруҳ олимлар бунга қарши фикр билдириб, ҳар икки ёдгорлик бўлак-бўлак заминда вужудга келган, уларнинг моҳиятида жиддий тафовут бор. Шунинг учун «Вед»ни ҳам, «Авесто»ни ҳам ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш ва баҳолаш лозим, дейдилар. «Авесто»нинг кейинги тўлароқ таржималари ва улар асосидаги тадқиқотлар иккинчи йўналиш тарафдорлари фикрларини тасдиқлади. Шу йиллари немис бастакори Рихард Штраус уч қисмдан иборат «О чём говорит Заратустра» деган симфония яратган. Асар бир қатор Ҳотлар асосида ёзилган.

Фарбий Европада «Авесто»ни ўрганиш, тарқалишига энг катта ҳисса қўшган олимлардан яна бири Макс Мюллердир. Оксфорд университетининг профессорси М. Мюллер (1823—1900) тарих, қиёсий ми-

фология, қиёсий тилшунослик, диншунослик, ҳинд адабиёти бўйича кўплаб тадқиқотларнинг муаллифидир. Хусусан, у «орийлар»нинг келиб чиқиши, дунё бўйича кўчиши ва тарқалиши тарихи бўйича ягона мутахассисдир. Мюллернинг ташаббуси ҳамда шахсий иштироки билан 1974—1904 йиллари инглиз тилида 49 томлик «Шарқнинг муқаддас китоблари» нашр қилинди. Шу силсиланинг 1-, 5-, 23-, 31-жилдлари «Авесто» мантилар ҳисобланади. Улардан «Вендидод», «Зенд Авесто»нинг бир қисмини (1-том, 1880; 33-том, 1883) Жем Дармстетер таржима қилган; «Зенд Авесто»нинг 3-қисми ҳамда Яшт, Ҳот, Виспарадни Л. Г. Мильс таржима қилган (31-том, 1884). Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Дармстетер «Авесто»нинг мавжуд китоблари танқидий матнини тузиш, инглиз ва француз тилларига таржима қилишдан ташқари ёдгорликнинг адабий қиммати хусусида бир қанча тадқиқотлар муаллифи ҳамдир. Уларнинг бир қисми кейинчалик муаллифнинг «Эрон лавҳалари» (1888) китобида жамланган. Унинг меҳнатлари туфайли авестошунослик янги поғонага кўтарилди ва кейинги авлод тадқиқотчилари учун мустаҳкам таҳкурси яратилди.

XX асрнинг бошларидаги авестошунослик тараққиёти бевосита Христиан Бартоломе (1855—1925) фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Гап шундаки, Бартоломе «Авесто»нинг таржималари, асл матни, у ҳақдаги тадқиқотларни 30 йил давомида ўрганиб чиқади, паҳлавий ва ёдгорлик тилини пухта ўзлаштиради; «Авесто»нинг тили хусусида бир қанча мақолалар ёзади, маърузалар қилади. Ва ниҳоят, 1878 йили «Қадимги Эрон тили луғати»ни чоп эттиради, Ҳотларнинг таржимасини яратади. Бартоломе луғатидан фойдаланиб Ф. Вольд «Авесто»ни мукамал таржима қилади ва у 1970 йили Страсбургда чоп этилади. Кейинги йиллардаги барча авестошунослар ўз тадқиқотларида ана шу икки манбага асосланишган ва асосланмоқдалар.

Рус шарқшунослигидаги Зардушт ва «Авесто»ни ўрганишга бағишланган дастлабки уринишларга А. Коссовичнинг «Зенд Авестодан тўрт мақола» (1860) китобини ҳамда XIII асрга доир «Зардушт-



нома» достонининг таржимасини (Х. Розенбергнинг эркин таржимаси) киритиш мумкин. Бундан ташқари, XIX асрнинг охирида В. В. Бартольд, К. Г. Залеман, А. Л. Пагодин, К. А. Иностарцевларнинг бир қатор тадқиқотларида ҳам «Авесто»нинг яратилиши, Зардуштнинг ватани ҳамда шахсияти ҳақида диққатга молик мулоҳазалар баён этилган. Шундан сўнг Б. А. Тўраев «Авесто»ни ўрганиш, таржима қилиб, зардуштийлик динини кенгроқ ўрганишга жиддий киришади. У бу соҳадаги изланишларини «Қадимги Шарқ тарихи» (II жилд, 1983) китобига киритади. Тадқиқотчи зардуштийликни буддизм билан солиштирар экан, улар ўртасидаги ўхшашлик, умумийликни аниқлаб кўрсатган ҳолда, зардуштийликда дунёвийлик, ҳаётийлик, жумладан, турмуш маданияти, деҳқончиликни ривожлантиришга даъват хийла устун эканлигини алоҳида таъкидлаган. Шарқ тарихи, санъати, дини, филологиясининг забардаст донишмандлари А. А. Фрейман, Е. Э. Бертельс, В. В. Струве, И. М. Дьяконов, Б. Г. Фофуров, Х. Мирзозода, И. Г. Алиевлар ҳам «Авесто»ни ўрганиш, таржима қилишга муносиб улуш қўшганлар. Жумладан, М. Дьяконов муғлар зардуштийларнинг асл ватани Ўрта Осиё эканлигини аниқлаган, Фрейман ёдгорликнинг айрим қисмларини русча янги, нисбатан комил таржимасини яратди, баъзи сўз, атама, ибораларни хийла тўла, тўғри изоҳлади; Бертельс эса ёдгорликнинг адабий қимматини биринчилардан бўлиб чуқур таҳлил қилди, мифологик мазмун ва тимсолларнинг асл ботиний маъносини тўғри тушунтирди; Фофуров «Авесто»нинг Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари тарихини ўрганишдаги аҳамиятига алоҳида эътибор берди. Муаллифнинг «Тожиқлар» (1972) китобининг муайян саҳифаларини «Авесто» таҳлили ташкил этади. Унда муаллиф Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари тарихини, давлатчилиги тарихини ўрганишдаги «Авесто»нинг аҳамияти, ўша даврдаги маънавий ҳаёт равнақи масаласини махсус таҳлил қилган. «Авесто»ни ўрганиш ва тарғиб этишда машҳур шарқшунос И. С. Брагинскийнинг хизмати ҳам катта. Олим «Тожиқ халқ шеърляти та-

рихидан» (1956) китобига «Вендидод» ҳамда «Яшт»-лардан бир қанча қисмларини таржима қилиб киритган ва уларнинг батафсил таҳлилини берган; Зардушт шеърятининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатишга интилган. Энг муҳими шундаки, олим «Авесто»даги мифларни хийла синчковлик билан текширар экан, уларнинг замини Ўрта Осиё эканлигини асослаган: қуёш, от, ой ва бошқа культлар бу минтақа халқлари оғзаки ижодида ҳамон давом этиб келаётганлигини аниқ мисоллар асосида кўрсатган В. В. Струвенинг авестошуносликдаги хизмати шундаки, у зардуштийлик динининг Ўрта Осиё халқлари қадимги аждодлари маънавий тараққиётидаги ўрни ва ролини тўғри ва холис кўрсатган. Шунингдек, Мирзо Фатали Охундов ҳам ўзининг фалсафий мақолаларида Зардушт ва унинг фаолиятини ижобий баҳолаган.

Рус шарқшунослигидаги Зардушт ва «Авесто»га бағишланган йирик тадқиқотлардан бири А. О. Маковельскийнинг Озарбайжон Фанлар академияси томонидан чоп этилган «Авесто» (Боку, 1961) китобидир. Тўққиз бобдан ташкил топган бу рисоланинг дастлабки саҳифаларида «Авесто»нинг таркибий қисмлари ва тили, асарнинг яратилиши, «Вендидод»нинг географик қиммати, ёдгорликнинг космологик ҳамда астрономик аҳамияти бир-бирига узвий боғланган ҳолда синчковлик билан тадрижий такомилда текширилган. Бундан ташқари, рисолада Зардуштнинг ҳаёти, дунёқараши, «Авесто» яратилган даврда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий аҳволи масалаларини ҳам таҳлил этган. Авестошунослик тарихи ҳамда астрономияга бағишланган боблари ҳам таҳлилнинг чуқурлиги, далилларнинг бойлиги билан киши диққатини ўзига жалб этади. Фақат шуни таассуф билан таъкидлаш лозимки, муаллиф тадқиқотда «Авесто»нинг қайси нусхаси ёки таржимасига таянганлигини таъкидламаган. Бундан ташқари, китобда зардуштийларни «оташпарастлар» дейишга мойиллик кучли. Нима бўлганда ҳам бу асар «Авесто» моҳиятини рус ўқувчиларига ҳар томонлама тушунтирадиган ягона ноёб рисоладир. Бундан ташқари, Е. Валентинованинг «Поиск» журна-

лининг 1990 йил 7-сонида эълон қилинган «Родина Заратустра» мақоласи ҳам янги далил ва маълумотларга бойлиги билан киши диққатини ўзига жалб этади.

Кейинги йилларда рус шарқшунослигида «Авесто»ни ўрганиш, тарғиб қилишда яна бир мунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Авесто»нинг русча ўгирмалари» (Санкт-Петербург, 1998) деган китобга рус шарқшуносларининг 1861—1996 йиллар орасида ёдгорликдан қолган насрий ва шеърый таржималари жамланган ва зарур илмий изоҳлар билан таъминланган. Бундан ташқари, Москвада «Восточная литература» нашриёти «Зардуштийлик»-ка оид матнлар ҳамда Санк-Петербургдаги «Нева», «Летний сад» нашриёти «Эроннинг энг қадимги илк ўрта асрлардаги мифлари» китобларини ҳам нашр этдиким, улар ёш авестошунослар, Шарқ асо-тирларига қизиқувчиларга муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Хусусан, унда «Бундахишин» («Оламнинг яратилиши»)нинг «Авесто» билан боғлиқ кўп масалаларга ойдинлик киритишга кўмаклашади ва бу соҳада янги жиддий тадқиқотларга асос бўлади.

Ўзбекистонда биз кузатган адабиётларга кўра авестошунослик, аниқроғи, «Авесто» ҳақидаги дастлабки мулоҳазалар 50-йилларда пайдо бўлади. Профессор Н. М. Маллаев «X—XII асрлар адабиёти» (1958) рисоласида Шарқ халқларининг энг қадимги ёзув ёдгорликлари ҳақида фикр юритиб, «Авесто»-нинг адабий қимматини ҳам алоҳида қайд этиб, Митра ва Анахиталар ҳақидаги мифларни таҳлил қилган. Кейинчалик бу мулоҳазаларнинг тўлдирилган нусхаси «Ўзбек адабиёти тарихи» (1963—1967—1976 й.) дарслигига киритилган. «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг кўп томлик нашрида (1-жилд, 1977) ҳам бу ёдгорликнинг адабий қиммати бирмунча тўғри изоҳланган, таҳлил қилинган. Шарқшунослардан М. Исҳоқова («Соғлом авлод учун», 1996 й. № 4) ҳамда А. Ирисов («Санъат», 1993 й. № 3) журналларидаги «Авесто»га доир мақолалари ҳам ёдгорлик моҳиятини кенг халқ оmmasига етказишда маълум маърифий аҳамиятга молик. Серзавқ шоир Ас-

қар Маҳкам «Митра» қасидасининг шеърий таржимасини яратиб «Санъат» журналининг 1993 йил сонларида эълон қилди. Бу ёдгорликнинг ўзбек тилига қилинган илк таржимаси бўлиб, анча муваффақиятли чиққан.

Филология фанлари доктори Фозила Сулаймонова ўзининг «Шарқ ва Ғарб» (1991) рисоласида қадимги Ўрта Осиё ва Эрон халқлари маданиятининг антик дунё цивилизациясига таъсир идизларини текширар экан, зардуштийлик ва у билан боғлиқ мифларнинг элин маданиятида кўринишларини аниқлашга эришди. Шу муносабат билан олима Зардуштнинг ватани, «Авесто»нинг яратилиши, кўчирилиши, дунёга тарқалиши, таркибий қисмлари ҳақида диққатга молик фикрлар баён этган. Шуниси диққатга сазоворки, муаллиф шарқшунослиқда биринчилардан бўлиб Жанубий Ҳиндистондаги зардуштийлик динини сақлаб қолган уч юз минг эронийлар ҳақида, уларнинг илмий маркази — Кома тадқиқот институти тўғрисида маълумот берган. «Авесто»нинг қайта тикланган нусхасининг икки қўлёзмаси Ҳиндистонда сақланади. Биринчиси Бомбейдаги Зардуштийларнинг маркази бўлмиш Кома институтида, иккинчиси Калькуттадаги давлат кутубхонасида. Ҳар иккиси парфийна ёзувда кўчирилган. Афсуски, фото нусхасини олишга муваффақ бўлинмади» — дейди олима. Демак, олима зардуштийлар билан бевосита мулоқотда бўлган ва дастхатлар билан танишган.

«Ўзбекистон» нашриёти 1991 йили ушбу сатрлар муаллифининг «Шоҳнома»нинг шухрати» рисоласини оммалаштирди. Китобнинг «Зардушт», «Билимлар хазинаси» бўлимларида «Авесто»нинг Тожикистонда чоп этиладиган «Маориф ва маданият» газетаси ҳамда «Садой Шарқ» журналида эълон қилинган қисмларига суяниб, Зардуштнинг ҳаёти ва ижодий биографиясини яратишга интилган. Бундан ташқари «Вендидод»даги далилларга суяниб аждодларимизнинг тиббий қарашлари, атроф-муҳитнинг тозалигига риоя қилиш, жамоа ва шахсий гигиена, доривор ўсимликлар ҳақидаги қарашларни баён этган. Шунингдек, «Педагогик антология

(I жилд. 1994)да ҳам автор бир мақола, «Авесто»дан таълим-тарбияга доир парчаларни русчадан ўзбек тилига ўгириб эълон қилган. Ўзбек тилида «Авесто» ва медицина, «Авесто» ва таълим-тарбия» мавзуларида оммавий моҳиятдаги китобчалар ҳам чоп қилинган.

Дунё авестошунослигида муҳим тадқиқотлардан бири Лондон университетининг профессори Мери Бойснинг «Зардуштийлар» (Лондон, 1979; Москва, 1984—1988) китоби ҳисобланади. Муаллиф китобда зардуштийлик динига қадар ҳозирги Яқин ва Ўрта Шарқдаги культларга кенг тўхтаган, янги диннинг пайдо бўлиши сабабларини кўрсатган. Шундан сўнг олима зардуштийлик таълимотининг назарий асосларини кенг тушунтирган, удумларни, алоҳида шарҳини бериб, тангри Яздон яратган етти худо номларини махсус изоҳлаб, улар фаолиятининг Аҳурамазда қудрати билан боғқилигини тушунтирган.

Ушбу китобнинг шу хилдаги бошқа асарлардан фарқи шуки, автор зардуштийликнинг пайдо бўлишидан замонамизгача бўлган тарихини тадрижий тарзда баён этган; қайси минтақаларда шу эътиқоддаги қанча аҳоли яшаши аниқ рақамларда кўрсатилган; зардуштийлик ва «Авесто»ни ўрганишга бағишланган халқаро анжуманлар хусусида маълумот келтирилган. Афсуски, шундай улкан тадқиқотда «Зардуштнинг ватани Волга бўйларида бўлиши керак», деган нотўғри, тахминий гап мавжуд. Ваҳоланки, «Авесто»даги далиллар Зардуштнинг ватани Мовароуннаҳр эканлигини тасдиқлайди. Ҳеч бўлмаганда Аҳурамазда яратган дастлабки юртлар Хоразм, Марв, Сўғд, Ҳирот эканлигига, туронлик шоҳлар Аржасп, Афросиёб воқеалар жараёнида иштирок этишига эътибор бериш лозим эди.

Шубҳасиз, «Авесто» ва зардуштийлик тарихини жиддий ўрганишда теҳронлик олим Абдулазим Ризоийнинг «Эронийларнинг асл насаби ва қадимги динлари» (Нависандэ, 1996) рисоласи катта ҳодиса бўлди. Зероки, олим китобнинг 200 саҳифасида паҳлавий тилидаги хроника, ёдномалар, бесутун катибалари ҳамда «Авесто»даги далилларга суяниб зар-

душтийлик динининг пайдо бўлиши, «Авесто»нинг яратилиши ва моҳиятини хийла холис ва теран тадқиқ этган. Айниқса, муаллиф Зардушт таълимотининг моҳияти, зардуштийликда жаннат ва дўзах талқини, беш маҳал намоз фарзи, байрам ва бошқа удумлар, иш ва ишчи фалсафаси, маздопарастликда тангрининг 101 номи шарҳи, оила ва никоҳ масаласи, ўлимдан кейинги ҳаёт, гуноҳ ва савоб сингари кўплаб муаммоларни «Ҳотлар», «Яшт», «Вендидод» ҳамда «Виспарад»лардаги далиллар асосида ҳижжалаб, нуктадонлик билан оммафаҳм услубда таҳлил қилган ва тушунтирган. Унда «Авесто»дан олинган мисоллардаги нисбатан мураккаб сўз ва ибораларнинг анча кенг шарҳланганлиги ҳам олим назарий мулоҳазаларини осон тушуниш имкониятини туғдирган. Зардуштийликнинг бошқа динларга таъсири ҳақидаги фикрлар ҳам ишончли далиллар билан назарий жиҳатдан пухта асосланган; зардуштийлик ва ислом масаласи кенг ёритилган.

Техника фанлари доктори Аъзам Азимов «Сирли кенглик» («Ўзбекистон овози», 25 апрель, 2002 й.) мақоласида «Форс қўлтиғидаги денгиз қирғоқлари Эрон, сўнгра Марказий Осиё мамлакатларигача келамиз. Бу ерда зардуштлар динининг Авасту қонунияти яратилган. Бу дин ориялик бўлмаганлар (яъни паст ирқлар) ва бошқа дин вакиллари камситган. Эрон тилида гапирувчилар ўтроқ халқларнигина Авасту — ориёлик деб қабул қилинган», деб ғалат фикрни баён этган. Авваламбор, зардуштийлик («зардуштлар» эмас) дини расман қабул қилинганда «Эрон тили» деган ибора бўлмаган. Иккинчидан, зардуштийликда бошқа диндаги элатлар камситилган эмас. Аксинча, бу дин барча қавм ва элатларни биродорлик, ҳамжиҳатликда яшашга даъват этган. Сониян «Авесто» зардуштийлик динининг қонуниятигина эмас, чексиз илмий моҳиятга молик маънавият сарчашмасидир. Муаллифнинг бошқа мулоҳазалари ҳам зиддиятли ва баҳс талабдир.

Ўзбекистонда зардуштийлик ва «Авесто» ҳақида яратилган энг сўнги тадқиқотлардан бири Муҳсин

Умарзоданинг «Авесто» сирлари» («Жаҳон адабиёти», 1997, № 4) мақоласидир. Дастлаб муаллиф Али Дўстхоҳ тайёрлаган икки жилдик «Авесто» хусусида маълумот беради, китобнинг қисмлари бўйича моҳиятини мухтасар тарзда шарҳлаб тушунтиради: Зардуштнинг туғилиши, фаолиятини батафсилроқ баён этади; Зардушт фалсафасини тўғри изоҳлашга интилади.

Мақолада Зардушт пандларидан намуналар таржима қилиб берилганлиги айни муддао бўлган. Мақола охирида «Авесто»нинг тақдири, авестошунослик тарихи ҳам лўнда бир тарзда баён этилган. Бундан ташқари, «Овози тожик» газетасининг 20 дан зиёд сонларида муаллифнинг янги мақолалари эълон қилинди. Умуман Муҳсин Умарзоданинг «Авесто»га оид барча мақолалари туркий ва эроний халқларнинг муштарак кўҳна ёдгорлиги моҳиятини ўзбек илм-адаб аҳлига нисбатан тўғри ва анча мукамал тушунтиришдаги дадил бир қадамдир. Хусусан, унинг «Зардуштнома» ҳақидаги мулоҳазалари авестошунослигимизда бир янгиликдир. Муаллифнинг эронлик авестошунослар ҳақидаги маълумотлари ҳам ўзбек китобхонлари учун қимматбаҳодир.

Бундан ташқари А. Қаюмов, А. Саъдуллаев, С. Ҳасанов, И. Жабборов, М. Қодиров, Т. Маҳмудов, М. Усмонов, А. Раҳимовларнинг ҳам «Авесто»нинг 2700 йиллиги муносабати билан тарғибий характердаги бир қанча мақолалари эълон қилиндиким, улар маълум маърифий қимматга эгадир. Аммо муҳтарам профессор Мусақул Усмонов «Авесто» ва «Шоҳнома» («Қалб кўзи» № 26, 219, 2000 й. сентябрь) мақолаларида ҳар икки манбада ҳам яхшилик билан ёмонлик, адолат билан зулм, нур билан зулмат ўртасидаги кураш ифодаланганлигини тўғри таъкидлаган ҳолда, бир мунча хатоларга йўл қўйилган. Мақола сарлавҳасининг даъвосича, «Шоҳнома»да ва «Авесто»да зикр этилган асотирий, афсонавий ва тарихий шахслар тимсолларининг қай даражада қайта яратилгани таҳлил қилиниши лозим эди. Муаллиф бўлса умумий, иккинчи даражали ўхшашликларни қайд этиш билан чегараланган. Бунинг устига «ҳум»ни «Хаома», «Бабр»ни «ғундуз», «Спитамон

Зардушт»ни «Ашаван Зардушт» деб хато ёзган; Зардуштнинг туғилган ҳамда вафоти йиллари нотўғри кўрсатилган: «Олов илоҳийлаштирилган», «Олов қуёшнинг ердаги ўғли», «Кийим-кечак», кўрпатўшак, ёстиқлар, умуман уй жиҳозлари ҳақида кенг тушунча берилган» сингари таваккал гаплар мавжуд. Аслида эса «Авесто»да Оташ муқаддаслаштирилган», «у Тангрининг ердаги ўғли». Афтидан мақола муаллифи асл манбани ўқимаган кўринади.

«Авесто»нинг яратилганига 2700 йил тўлиши муносабати билан М. Усмонов, А. Саъдуллаев, И. Жабборов, Э. Ртвеладзе, А. Асқаров ва бошқа тарихчи, шарқшунос, этнограф, археолог олимларнинг мақолалари эълон қилинди. Доцент Т. Каримовнинг «Авесто» изидан» (Чўлпон, 2000) китоби эссе характерида бўлиб, кўпроқ Толстов ва бошқа олимларнинг китобларидаги далиллар асосида битилган. Профессорлар Ҳ. Бобоев ҳамда С. Ҳасановларнинг «Авесто» маънавиятимиз сарчашмаси» («Адолат», 2001) китоби олти фаслдан иборат бўлиб уларда кўпроқ китобнинг маърифий-ҳуқуқий аҳамияти батафсил баён қилинган. Муаллифлар китобни ёзишда асосан Б. Ғофуров, И. Жабборов, А. Березиков, Ф. Сулаймонова, А. Макавелский, М. Имомназаров, Мери Бойс, А. Ирисов, Н. Маллаев тадқиқотларига ҳамда «Авесто»нинг «Гулистон» журналида эълон қилинган парчаларига суянган. Фақат русча манбаларга суянилгани учун кўпгина атама ва номларнинг ёзилишида жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, «Спитамон» — Спийтмон», «маздопарастлик» — «оташпарастлик», «Аҳурамазда» — «Аҳура-Мазда», «Дуғдова» — «Дағдуга», «Динкард» — «Дикард», «Бундахшин» — «Бундахиши» тарзида нодуруст битилган. «Низомий тўпламлар, Етти гўзал. — Т., 1982. 72-бетдан 94-бет) жумласидан ҳеч нарса тушуниб бўлмайди. Шунга қарамай «Авесто» маънавиятимиз сарчашмаси» рисоласи юбилейга энг кўҳлик тортиқ бўлди.

Маъмун академияси томонидан чоп этирилган «Хоразмнинг қадимги чорвачилиги ва «Авесто» деб номланган китоб киши эътиборини алоҳида жалб этади. Зероки, муаллифлар Б. Абдалниёзов ҳамда



А. Аҳмедовлар рисолада, бир томондан, «Авесто»нинг моҳиятини мухтасар шарҳлагач, қадимги Хоразм қишлоқ хўжалигини, хусусан, чорвачиликни батафсил ёритган: чорва моллари турларининг мукамал таснифи берилган. Иккинчи томондан эса милоддан олдинги замонларда вавилония, яҳудийлар, финикия, араблар, ҳиндлар, хитойлар, мисрликлар, шуммерлар, скифлардаги чорвачилик ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари ибодатхоналар ҳузуридаги чорвачилик, Хоразм аҳолиси орасидаги чорвачилик билан боғлиқ удумлар ҳақидаги мулоҳазалар ҳам ғоятда мароқлидир. Рисоладаги далил ва уларнинг таҳлил асосида чиқарилган хулосалар кишини мамнун этади.

Маълумки, «Авесто»да учрайдиган кўп удум ва маросимлар ё айнан, ёки баъзи бир ўзгаришлар билан халқимиз орасида давом этиб келмоқда. Тарих фанлари номзоди А. Ашировнинг Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти чоп этган (2001) «Авесто»дан мерос маросимлар» китобида Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида анъана сифатида давом этиб келаётган маросимлар ҳақида анча изчил фикр юритилган, кўплаб янги далил келтирилган. Ёдгорлик юбилеи куни кўҳна Хивада «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман арафасида дастурга кирган 30 дан зиёд маърузаларнинг ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларидаги тезислари алоҳида китоб сифатида чоп этиб, тарқатилди. Уларда «Авесто»нинг адабий, фольклорий, фалсафий, ахлоқий-эстетик, маросимий, археологик, иқтисодий, тамошавий қиммати сингари кўплаб долзарб масалалар қамраб олинган, таҳлил этилган. Хоразмлик олимлар А. Сотликов ҳамда Ҳ. Бобожоновлар ҳам «Авесто»нинг тарихий, маърифий моҳияти хусусида бир қанча мақолалар, алоҳида китоб эълон қилдилар. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Б. Дўсчонов бир қатор мақолалари ҳамда «Авесто» ва тиббиёт» китобида ёдгорликда табиблар тайёрлаш, жарроҳнинг бурчи, дори тайёрлаш усуллари, доривор ўсимликлар, жамият

ва шахсий покизалик, экологияга доир фикр, мулоҳазаларни келтирган, таҳлил қилиб, зарур илмий, назарий хулосалар чиқарган. Бу мулоҳазалар тиббиётимизнинг тарихини ўрганишда бир янгиликдир.

Истиқдол яратган имкониятлар туфайли «Авесто»нинг 2700 йиллик тўйи муносабати билан «Яштарлар китоби»ни рус тилидан профессор М. Исҳоқов, ёдгорликнинг форс тилидаги тўлароқ матни таржимасини Асқар Маҳкам яратдилар. Бу таржималар шубҳасиз, ёдгорлик ҳақида янги жиддий, илмий тадқиқотларнинг яратилишига туртки бўлади, деб умид қиламиз. Таржимага профессор Т. Маҳмудов батафсил сўз боши ёзган. Унда ёдгорликнинг, асосан, ижтимоий, фалсафий жиҳатлари анча батафсил таҳлил қилинган. Бундан ташқари юбилей йилида Техрондаги нашриётлар доктор Ҳошим Ризоийнинг «Зардушт», муъбад Феруз Озоргушаспнинг «Готлар ёки Зардуштнинг осмоний кўшиқлари», Сокина Манусурнинг «Авесто»да бадий санъатлар» сингари ўнлаб китоблари чоп этилдики, улар махсус талқин ва таҳлилни талаб этади. Профессорлар А. Абдуллаев ҳамда Ҳ. Абдуллаевлар «Шифобахш «Авесто» (Урганч, 2002) китобида рус тилида мавжуд бўлган фикрларни оммавий услубда умумлаштирганлар.

## **Зардушт фалсафаси**

Маълумки, қадимги туронзамин халқлари кўпхудолик эътиқодида бўлган замонларда арзимаган баҳоналар билан, жумладан, нуфузли қавмларнинг камсонли қабилаларни менсимаслиги, яйловлардан, сув манбалари ҳавзаларидан фойдаланиш ҳақидаги, шартномаларга риоя қилмаслик сабабларига кўра қирғинбарот урушлар кўп бўларди. Бундан ташқари турли-туман динларнинг турфа хил удум ва маросимлари ҳам оддий меҳнаткаш халқ учун машаққат ва кулфат келтирарди. Кунлардан бир кун ёш йигитча Зардушт кўчага чиқса бир тўда одамлар «парастиишгоҳ»га борамиз деб кетаётган экан. Йигит ҳам уларга қўшилибди. Узоқ вақт ўтмай, атро-

фи девор билан ўраб олинган бир майдонга етиб боришибди. Ичкарига киришса, одамларнинг катта издиҳоми. Бир чекқада қўй, эчки, новвосларнинг мурдаси ётганмиш. Ўртада эса қўлида қонга беланган пичоқ, ханжар ушлаган ўн чоғлик қоҳинлар ўлжасини кутган сайёддай олазарак турганмиш. Шу пайт ўнг томондаги эшиқдан икки киши бир қўйни етаклаб чиқибди. Ҳалиги уламолар турли хил овоз чиқариб, ашула айтиб, рақсга тушиб, қўйга ёпирилибди; тўғри келган жойига тиф суқиб, бир сонияда азоб бериб ўдиришибди. Бу ҳолат бир неча соат давом этибди. Майдон ҳайвонлар мурдасига тўлиб кетибди. Мазкур жой қишлоқ аҳлининг ўз тангриларига қурбонлик қиладиган «парастишгоҳ» экан.

Зардушт бу даҳшатли манзарадан ғоятда ғамгин, гандираклаб қайтди. Орадан кўп ўтмай йигит «сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартномасини бузганларга» қарши жангга сафарбар этилади. Арзимаган баҳона, сабабни деб минглаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритган урушнинг бевосита гувоҳи, иштирокчиси бўлади. Ана шу икки ҳодиса бўлажак халқ ва дин пешвоси Зардушт дунёқарашининг шаклланишида муҳим бир туртки, омил бўлди. Натижада у якка тангри Аҳурамаздани кашф этиб, Турону Эронда маздопарастлик дини қабул қилинган, кўпхудолик давридаги аксарият удумларни, жумладан, ҳайвонларни азоблаб ўлдириб, қурбонлик қилиш расмини манъ этди, молларни бўғзидан сўйишни жорий қилди, эл фаровонлиги, юрт осойишталиги, сулҳ амният, қавмлар биродарлиги-ю ҳамжиҳатлигини таъминлаш, жоҳилият ўрнида илму маърифатни, нисбатан дунёвийлик руҳидаги янги динни қарор топтириш учун курашди. Шунинг учун ҳам Яштлардан бири «Тангри ўзининг донолик ва гўёлик қудрати билан инсонни барча жонзотлардан шарафманд қилиб яратди. Бинобарин бандаларининг ҳаёт низоми биродарлигу дўстлик бўлмоғи даркор. Бас, шундай экан, андиша билан ҳам гуфтор ва кирдор билан ҳам одамларга озор етказманг. Бирон бир бегона сизнинг ҳузурингизга келса физо беринг, ўтириш учун жой кўрсатинг. Аждодларни очлик ва ташналикка, иссиқлик ва совуқликка ги-

рифтор этманг. Қўл остингиздагилар ва болаларга меҳрибон бўлинг, улуғлар ва кексаларни ҳурмат, қилинг» деб алоҳида уқтирган эди. Зардуштнинг илк фаолиятиданоқ инсонларни покандеш, росткирдору дурустгуфторликка чорлашининг, уларни тили рост, дили тоза, қалби покиза, ҳалол меҳнат, яхши касб-корга даъват этишининг боиси ҳам ана шу эътиқодда собитқадам бўлишга ундашидандир. «Мен бу йўлда некашдеш, некуфтор, хушкирдор одамларга ишонаман, мен маздопарастлик динига шунинг учун ҳам ишонаманки, у одамларга ошнолик, қариндош-уруғчиликда, сулҳу амниятда яшашни буюради», деганда ўзи тутган ва бошлаган мазкур йўл нақадар тўғри ва ишончли эканлигига комилан суянган эди.

Ҳақиқатда ҳам Зардушт ўз ақидаларининг дуруст эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилгани сабабли, дунёда биринчи бўлиб якка Тангри ғоясини илгари сурди: одамларни Тангрининг ҳар икки оламини яратувчиси эканлигига ишонтира олди. Яхшилик билан нопоклик, ривожланиш билан таназзул ўртасидаги доимий кураш Зардушт таълимотининг асосини ташкил қилади. У ўзининг бузғунчиликка қарши қатъий позицияси билан Аҳриманнинг барча кирдорларини рад этади. Унингча ерни, оламини гўзал қилиб, яхшиликни шарафлаб, тенгсизлик, зулм ва таназзулни заифлаштирган киши ферўзлик тарафдоридир. Зардушт ҳаёт, тирикчилик мушкулотларини ҳал ва бартараф этиш йўлларини аниқ кўрсатиб берди: «Жаҳон комил эмас, балки комиллик томон интилишдадир», деб уқтирди у. Инсон оламини комилликка етказмоқ учун поктийнатлик, фидойилик билан меҳнат қилмоғи, курашмоғи лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Айрим олимлар зардуштийликдаги Аҳриманнинг Аҳурамазда яратувчилигига муттасил қаршилиқ кўрсатишида, яъни ривожланиш билан қабоҳат ўртасидаги доимий курашда аждодаримизнинг дуалистик қарашлари инъикос этган, деган қатъий хулосага келишган. Ҳақиқатда ҳам инсоният пайдо бўлибдики, икки қутб — нур билан зулмат, адолат билан разолат, яхшилик билан ёмонлик, маърифат билан жоҳилият ўртасида азалий ва доимий кураш

кетади. Буни икки мутлақ моя — икки тангри ўрта-сидаги кураш сифатида талқин этмаслик керак. Бу ғайриилмийликни келтириб чиқаради. Бизнингча, бу мулоҳазалар унчалик тўғри эмасдек туюлади. Зероки, Аҳриман ягона, қудратли, ҳамиша барқарор куч эмас. Агарда Аҳурамазда яратган ҳар икки оламда барча мавжудот доимийлик моясига соҳиб бўлса, Аҳриман вужудга келтирган нарса ва ҳодисалар вақтинчадир. Улар мағлубиятга, бот фурсатда нест-нобуд бўлишга, ўлимга маҳкум этилган. Масалан, Аҳриман ер юзида инсон уруғини қуритиш ниятида Каюмарс (Гавамарта)ни ўлдиришга муваффақ бўлади. Аммо Каюмарс танасининг ҳар икки қисмидан янги одамлар, ҳайвонлар пайдо бўлиб, ерда ҳаёт ўз маромида давом этаверади. Ёки бўлмаса Тангри ер юзида дафъатан 16 кишвар — юртни яратганда, Аҳриман унга қарши ўн олти хил разолат ҳамда қабоҳат воситасини пайдо қилади. Лекин улар тараққиёт кучлари олдида забун-мавҳ бўлиб, кишварлар ривожланиб, гул-гул яшнайверади. Демак, Аҳриман «яна бир буюк тангри эмас», балки беқиёс қудрат соҳиби инсон, инсоният ва ҳаёт душмани Иблисдир. Бизнингча, Аҳурамазда буюк тангри. Айни сўз ҳам шу маънони англатади. «Авесто»да унинг ҳар икки оламининг яратувчиси эканлиги кўп маротаба уқтирилган.

Зардуштнинг буюк хизмати шундаки, у динни том маънодаги маънавий-ахлоқий асосга қурди. «Зардушт, — деб ёзади доктор Ризоий, — дунё тарихида мазҳабни сеҳру жодугарликдан, зоҳирий удум ва маросимларни кўр-кўрона бажарилишдан, мавҳумлик ва хурофотдан халос қилган ва уни ахлоқ поясида устувор этган биринчи шахсдир». Ҳақиқатда ҳам у ахлоқ меъёрини ҳаётнинг мезони, деб билди ва баний башарга яхши иш ва яхши хулқу амал оламини ҳам, одамни ҳам безайди, деб тушунтирди. Инсон аслан озод ва эркин, унинг яшаши, руҳияти, ижодий интилиши, меҳнатига ҳамроҳ ва пайваст бўлади. Бу дин тарафдорлари дунёдаги барча мазҳабларга эҳтиром билан қарайдилар, ўзга диндагиларнинг иззат-нафсини эъзозлашади. Зероки, маздопарастлик-

да инсоннинг қадр-қиммати, мартабаси назру ниёзи ва қурбонлик қилиши билан эмас, жаҳолат ва зулмга мардонавор қарши кураши, амалда собитқадамлиги билан белгиланади. Задрушт ваъзларидан бирида ўқиймиз: «Эй ватандошларим! Эй маздопарастлар, қариндош-уруғларим! Аҳурамазда эҳсони ва хушбахтликка етмоқ учун ягона Тангрига юз келтиринг! Эй парвардигор, ҳаммамиз сенинг номаларингнинг пайғамбарлари бўлайлик. Сенинг ва сен кўрсатган тўғри йўл душманларини ўзимиздан йироқлаштирайлик». «Эй девпараст гумроҳлар! Сиз ва ҳамроҳларингиз фикри бузуқ ва қалби қора гуруҳларсизлар. Сизлар кўпдан бери етти иқлимда беҳулқликни тарқатиб келмоқдасиз. Сизлар бадбинлик билан ном қозонган ва танилгансизлар». «Эй Аҳурамазда! Гумроҳлар ва ёлғонпарастлар халқнинг ростлик сари боришларини истамайдилар ҳамда уларни ўз юрти ва шаҳрини обод қилиш йўлидаги заҳматдан қайтаришни истайдилар. Уларнинг қилмиши бузғунчилик ҳамда вайронагарчиликдан иборат. Кимда-ким руҳан ҳамда жисман уларга қарши оёққа турса, рост йўл ва Аҳурамазда дини томон қадам қўядилар». Бундай таъкиду даъватлар ҳотлар ҳамда Виспарадда бот-бот учраб туради.

Зардушт фалсафасининг асосий жиҳатларидан яна бири ҳақиқатпарастлик ва ирфонжўйликдир. Шунинг учун Ҳотлар бошдан охиргача дониш ва маърифат зиёси билан йўғрилган. Унингча инсон ҳар жиҳатдан билимли бўлмоғи, жаҳонни дурустлик билан танимоғи, идрок этмоғи даркор. У яхшини ёмондан, гўзалликни хунуқдан, сарани носарадан, покни нопокликдан, донони нодондан ажрата билмоғи даркор. «Инсонни хирадманд, тили забонли қилиб яратган Тангрига олқишлар бўлсин! У инсонни ёмонликка қарши курашсин, уни нест-нобуд этсин, деб барча мавжудотга раҳбар ва сарвар этди». Шуниси характерлики, янги дин пешвоси кишиларни ҳамиша ростлик ва дурустлик йўлини тутишга ундар экан, инсон ҳаёти ва юрт равнақини таназзулга элтадиган ёлғон ва қинғир иш тарафдорларига қарши дадил курашга чақиради. Ҳотларда яна ўқиймиз: «Ёлғон тарафдорлари одамларни ростлик

сари интилишга қўймайдилар. Улар кишиларнинг ўз тирикчилигини ривожлантиришга, шаҳару қишлоқларини ободонлаштиришга тўсқинлик қиладилар. Бундайларнинг иши тескари ҳамда вайронгарчиликдан иборатдир. Эй мардум! Фирибгарлар сўзига асло қулоқ солманг. Чунки улар ростлик тарафдорларининг душманидир. Жаҳон ободонлиги учун курашиш лозим. Уни дурустлик билан нигоҳбонлик қилиш зарур. Оламни рўшнолик сари элтмоқ барча бандалар учун фарздир».

Зардуштийлар ақидасича, инсон пайдо бўлгандан бери одамзод андишасида икки гавҳар пайдо бўлган: бири андишада гуфтору кирдорда яхшилик бўлса, иккинчиси андишада кирдору гуфтордаги ёмонликдир. Доно ана шу гавҳардан яхшиликни интиҳоб этади, нодон эса ёмонликни танлайди. Ана шу икки гавҳар бир-бирига пайваст бўлганда, борлик ва йўқлик, ҳаракат ва сукунат пайдо бўлади, натижада ёмонлик ва таназулни бадхоҳлар тарафдорлик этса, мавжудият ва беҳрўзликни яхшилик тарафдорлари пайравлик қилади, қўллашади.

Шунинг учун барча одамлар «андешаи нек», «гуфтори нек» ҳамда «кирдори нек»ка юз тутиб, «андешаи бад», «кирдори бад» ва «гуфтори бад»дан юз ўгириб яшамоқлари, бирининг ҳамиша барқарорлигини, иккинчисининг эса маҳқумлигини таъминлаш учун курашмоқлари зарур, зероки, уларнинг бирида одаму олам камолоти инъикос этса, иккинчисида инсон ва ҳаёт разолати намоён бўлади: «Авесто»да ана шу мезоннинг назарий ва амалий жиҳатларининг мукамал таснифи берилган ҳамда ҳар бир маздопарастнинг ҳаётда, ишда ва амалда уларни бажариш, ахлоқ меъёрларига риоя қилиш йўл-йўриқлари кўрсатилган:

1. Андешаи нек: Тангрининг ягоналигига инонмоқ, имонда собитлик, таваккул, қаноат, хайрихоҳлик, меҳрибонлик, ҳақ танимоқ, сулҳжуйлик, кечиримлик бўла билиш, ошночилик, шижоатлилик, раҳмли ва муруватли бўлмоқ, поктийнатлик, инсоф, хушхулқлилик, беозорлик, очиқюзлик, эҳсонлилик, нафсини чегаралаш, касб ва илми севмоқ, масъулиятлилик ва ҳақиқатпараст бўлмоқдан иборат.

2. Гуфтори нек: ягона Тангрига ҳамду сано айтмоқ, тўғри сўзлик, аҳдида собитлик, ҳақгўйлик, салом ва таъзимда бўлмоқ, дурустгўйлик, тўғри ва рост гувоҳлик бермоқ, ширинкаломлик, ўйлаб, си-наб гапирмоқ, рост қавликдан иборат.

3. Кирдори нек: Тангри ва пайғамбар буюрган фарз ва суннатларга сўзсиз итоат этмоқ ҳамда уларни бажармоқ, яхши ишлаш, омонатга хиёнат қилмаслик, ожизларни қўллаш, серғайрат бўлмоқ, ота-она ва устоз ҳукмига фармонбардор бўлмоқ, халқ учун, Ватан учун хизмат қилмоқ, меҳмондўстлик, парҳезкорлик, ёмон ишлардан юз ўтirmoқ, меҳрибонлик, инсонсеварлик, жамият қонунларига итоат этмоқ, ўтганларни эсда тутиш, ҳақиқатталаб бўлмоқ, беморлар ҳолидан хабар олиб турмоқ, муҳтожларга ёрдам бериш, ўз иши ва касбига меҳр қўйиш, адолатли бўлмоқдан иборатдир.

1. Андешаи бад: Хурофотпарастлик, Тангрини танимаслик, куфр, ғурур, бадхоҳлик, душманлик, ҳақиқатга ишонмаслик, ҳадиксираш, жангарилик, суққўзлик, тошбағирлик, инсонфсизлик, ҳасад, ғаразгўйлик, нафс бандаси бўлмоқ, хасислик, дилсиёҳлик, вафосизлик, бадхулқлик, иши ва касбига масъулиятсизлик, нодонлик, парҳезни билмаслик, баҳонатаалаб бўлмоқ, шаккоклик, нодурустлик, гиналик, найрангбозлик, ғафлатга берилмоқдан иборат.

2. Гуфтори бад: Тангрини унутмоқ, ёлғончилик, туҳматчилик, ёлғон гувоҳлик бермоқ, вафосизлик, аҳдшиканлик, куфр айтмоқ, ноҳақлик, қасамхўрлик, аччиқзабонлик, ўйламай гапирмоқ, нодуруст ҳукмига келмоқдан иборат.

3. Кирдори бадни эса: Худо ва пайғамбарга итоат этмаслик, танбаллик ва ишёқмаслик, ўғрилик, қотиллик, мардумозорлик, тамагирлик, ситамгарлик, ҳунарсизлик, билимсизлик, омонатга хиёнат, ҳаромхўрлик, интиқомчилик, маккорлик, шошқалоқчилик, золим ва бадхоҳларни қўллаш, норавобинлик, бадахлоқлик, заифозор бўлмоқ, зиёнкорлик ва бошқалар ташкил қилади.

Ҳаёт ахлоқ ва маънавиятнинг ана шу мезонларининг барча жиҳатлари Ҳотлару Зардушт ваъзларида, пайғамбарнинг Тангри билан руҳий мулоқотлари —



меърож воқеасида ўз аксини топган: мусбат жиҳатлар зардуштийларнинг кундалик бажариладиган вазифалари сифатида уқтирилиб, манфий нуқталардан парҳез қилишга даъват этилган. Зардушт ақидасича, ҳар бир инсоннинг қалби пок бўлиб, хулқи хуш бўлса, ҳунар ва илм эгаллаб, бирон ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, ҳалол ризқу рўз топиб еса, унинг амали чин бўлади. Ундай обиднинг қўли ишда, дили ва тили ибодатда бўлиб, бу дунёни яшнатишга хизмат қилади. Зероки, хуш хулқу покдил, собитамалу ҳунарпарвар одамларгина оламни комиллик сари элтадилар, Тангри йўлидан асло адашмайдилар. Шунинг учун ҳам немис олими Макс Мюллер «Зардуштийлар фалсафаси» китобида «Зардушт ўз диний қоидаларини ахлоқ усулида баён этган илк мутафаккирдир. У янги бир осмон, янги бир олам тарафдори эди. Тоқим у ерда аввалину охирын ростлик ва дурустлик ҳукмрон бўлсин», деганда юз қарра ҳақ эди. Демак, Зардушт покиза ахлоқи, амалда собитқадам, ҳаётда фаол, курашчан, ижодий меҳнат соҳиби диндорни — инсонни шарафлайди; унинг фаолияти, тафаккур неъматига ишонади, илм ва ахлоқни инсон ҳаётидаги маёқ, деб билади. Зероки, ана шундай бандаларгина жоҳилият разолатини даф эта олади, ҳамюртларини рўшнолик ва беҳрўзликка олиб чиқа олади.

Хуллас, Зардушт фалсафаси инсоният бешигида табиат ва жамият, ҳаёт ва коинот, мутлақ моя ва инсон, моддий оламнинг нокомиллиги — ҳамиша ҳаракатдалиги, инсон камолотида касб-кор, маънавийатнинг ўрни, моддий борлиқнинг инсон онгига таъсири ва унинг акс садоси, мавжуднинг вужудлиги табиат унсурлари таснифи ҳақида ғоятда чуқур ва теран мулоҳазалардир. Унда юксак ахлоқ, ижодий меҳнат соҳиби инсон эъзози ва шарафи биринчи ўринда туради. Бу дунёқарашдаги ахлоқ категорияси муаммосининг тадқиқи ҳамон долзарблигича қолмоқдаки, уни ҳар тарафлама жиддий ўрганиб тарғиб қилмоқ зарур ва шартдир. Ана шундагина биз аждоқларимизнинг милоддан олдинги фалсафий қарашлари нақадар чуқур, юксак эканлигини мукамал тасаввур этиш имкониятига эга бўламиз.

## Мозий ҳаёт қатлари

«Авесто»нинг «Гоҳлар», «Виспарад» ҳамда бошқа қисмларини синчиклаб кўздан кечириб, айрим бандларни қиёсий ўрганилса, ушбу ёдгорлик том маънодаги диний мажмуа бўлиш билан бирга, даврнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кўзгуси эканлигини ҳам аниқ тасаввур қилиш мумкин. Зероки, унда, бир томондан, Аржасп ва Гуштасп бошқараётган ўша замон Турон ва Эрон давлатларининг ҳудуди, мавқеи, ҳарбий қудрати, ишлаб чиқариши, маънавиятига доир маълумотлар, далиллар келтирилган. Иккинчи томондан эса, гарчи «Авесто»да жамият қоҳинлар, ҳарбийлар, деҳқонлар, чорвадорлар ҳамда ҳунармандлар сингари табақаларга шартли равишда ажратилса-да, унда шоҳлар, вазирлар, бош қўмондон, лашкарбошилар, аскарлар, маслаҳатчилар, чорвадорлар, ҳунармандлар, табиблар, деҳқонлар, устозлар, додгустар (қозилар), ноҳия ва қавм раислари, мўъбадлар, дуохонлар, озарбон ва оташбонлар, олимлар хусусида хийла батафсил маълумотлар берилади; баъзан эса у ёки бу сулола тарихи баён қилинган. Аржасп ва унинг авлоди ҳақида сўз юритилганда, «У хеван қавмидан эди» дейилади. Баъзи олимлар «Хева» сўзининг келиб чиқишини шу қавм шажараси билан боғлайдилар. Масалан, бир неча ўринда қадимги Турон шоҳи Пашан ўғли Афросиёб ҳақида гап кетганда унинг шажараси вакиллари ҳам вақт-вақти билан зикр этилади. Айни пайтда Туроншоҳ давлатини мустаҳкамлашда жонфидалиқ қилган вазир ва бош қўмондон Пирони Виса шажараси ҳам бир неча ўринда эслаб ўтилади. Эрон шоҳи Ҳушиден Самарқанднинг Кенистон ноҳиясида туғилгани уқтирилади; Гуштасп салтанатдорлиги ҳақида гап кетганда каёнийлар сулоласига даҳдор кўп шоҳ ва шаҳзодалар, пешдодий, ашконий шоҳлардан баъзилари ҳар хил муносабатлар билан санаб ўтилади. Шу билан бирга машҳур вазир ва бош қўмондон Гударзи Гўшвад шажараси, жаҳонпахлавон, темиртирноқ Исфандиёр, Турону Эронда саргузашти кўп овозаларга сабаб бўлган, (жумладан, «Зариадр ва Одатида» афсонаси) баҳодир Зарир фаолиятлари

билан боғлиқ тафсилотларга ишора қилинади, улар билан боғлиқ бирон лавҳа эслатилади.

Бундан ташқари «Авесто»да ер усти ва ер ости шаҳарлар қурилиши, турли иморатлар, кошоналар, қалъалар, ҳар хил иншоотларнинг бунёд этилиши, ҳатто, шаҳар давлатларнинг пайдо бўлиши, турли минтақаларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳамкорлиги, маънавий жараён тарихи ва бошқа масалалар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд. Шуниси диққатга сазоворки, давлат бошлиқлари, вазирлар, маслаҳатчилар, бош қўмондонлар ҳақида фикр юритилганда уларнинг давлат, мамлакат равнақи, юрт тинчлиги, ободончилиги, дахлсизлиги борасида, адолатпешалик, инсондўстлик, ватанпарварлик йўлида амалга оширган тадбирлари, жонфидолигу жасоратлари алоҳида таъкидланган. Масалан, Жамшид шаҳар қурдиради; Афросиёб қалъа бунёд эттиради, Амударёдан янги шохобча торттиради; Ардвиссура Анаҳито фармойишига кўра юзлаб хона, қаср ва саройлар қурилади.

Шунингдек, ёдгорликда коҳинлар — зардуштийлик дини уламолари Аҳурамазда низомларини халқ онгига сингдирувчи, пок ғоя, пок ахлоқ ва пок ҳатти-ҳаракат, пок амални жамиятда жорий қилувчи тоифалар сифатида алоҳида таърифланади. Зероки, ноҳия раислари, Оташкадалар ҳузуридаги ўнлаб коҳинлар зардуштийлик қоида-таълимотини халққа махсус ўргатиш, қироат қилиш, ваъз айтиш билан машғул бўлган. Умуман «Авесто»нинг барча қисмларида Турону Эрон давлатчилиги, қонунчилиги тарихига доир махсус боблар, тарқоқ далиллар, қайдлар жуда кўп. Улар қадимшунослар қўлга киритган ашөвий далиллар, Бесутун катибалари, «Динкард», «Бундахишин» каби ёдгорликлар билан қиёсий-типологик усулда махсус, жиддий ўрганишни талаб этади. Дунёнинг яратилишига бағишланган бўлимнинг ўзи жаҳон тарихига доир бир қанча жумбоқларни ҳал қилишга кўмаклашади.

Маълумки, зардуштийлик дини аждодларимизда мавжуд бўлган кўпхудолик удумига қарши кураш жараёнида якка тангри Аҳурамаздани кашф этиш туфайли пайдо бўлган. Ушбу дин ўзининг илк пал-

лалариданоқ кўпхудоликнинг аксарият удумларини манъ этди. Жумладан, кўпхудолик анъанасига кўра ҳар бир хонадон ўз худосига жондор сўйиб, қурбонлик қилиши шарт бўлган. Худолар кўп бўлгани учун беҳисоб қурбонликлар натижасида чорва моллари, паррандалар беҳудага қирилиб кетиб, бу соҳа таназзулга юз тутди. Ваҳоланки, эрамиздан олдинги икки минггинчи йилдан то XIII асрга қадар минтақамиз аҳолисининг асосий касби чорвачилик бўлиб, уларнинг тирикчилиги шу соҳанинг ривожига боғлиқ бўлган. Зардушт биринчи навбатда ана шу қурбонлик қилишни, ҳайвонларни қийнаб ўлдиришни бекор қилади, ҳафтада уч кун этсиз овқат ейишни жорий қилади. Зардуштийлик удумига кўра ҳайвонларни бўғизлаб, миясига босқон ёки болта билан уриб, найза ёки пичоқ санчиб ўлдириш қатъиян ман этилган ва бунга йўл қўйган шахслар катта миқдорда жарима тўлаган, жазоланган. Туя, от, хачир, эшак биринчи эҳтиёж ҳайвонлари сифатида, ит, мушук инсон учун зараркунанда ҳашаротлар, даррандаларнинг кушандаси сифатида, уй, боғроғлар, овул ҳамда чорванинг қўриқчиси тарзида эъзозланган. Шунинг учун бўри, шоқол, тулки ва бошқа даррандалар, турли ҳашаротлар ер юзида ҳаёт равнақининг душманлари сифатида лаънатланган ҳолда мушук ва кучук эъзозланган. Кучукни калтаклаш ёки қасддан ўлдириш зардуштийлик динида энг олий гуноҳ ҳисобланган ва бунинг жаримаси оғир бўлган. «Кимда-ким кучугини яхши боқса, унинг ризқи бутун, ери ҳосилдор, хонадони ғамҳасратсиз, бола-чақаси дардларга чалинмайдиган бўлади».

Афтидан аждодларимиз энг қадим замонларданок чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришган. Қадимшуносларимиз юртимиз ҳудудидаги кўҳна манзилгоҳлар қолдиқларини қазиб пайтида топган далиллар, Туркманистон ва Сурхондарё ҳудудидаги тоғ қояларига туширилган ҳайвонларнинг нақши ҳамда «Авесто»нинг турли қисмларидаги ишоралар буни тасдиқлайди. Маълумки, барча авестошунослар «Ҳотлар» таркибидаги баъзи қўшиқлар, Йима, Гавамарта, Митра, Ардвиссура Ана-

ҳиталар ҳақидаги мифларнинг илдизи эрамиздан олдинги иккимингчини йилларга бориб тақалашини таъкидлайдилар. Аҳриман иттифоқо Гавамартани ўлдиришга муваффақ бўлади. Аммо бу билан у қабиҳ нияти — ер юзида одам ва чорва зотини қуритишга муяссар бўлолмайди. Гавамарта танасининг одам қисмидан кейинги авлодлар, ҳўкиз қисмидан эса чорва моллари пайдо бўлади. Ягона Тангри Аҳурамазда қудрати ана шунда. Мифларда чорва моллари, хусусан, от эъзозланади. Шунинг учун ҳам илоҳий қудрат соҳиби Ардвиссура Анаҳита ва Митра доим тўрт оқ от қўшилган фойтун-араваларида гоҳ ҳавода муаллақ учиб юрадилар, гоҳ ерда бўрондек шиддат билан юришади. Аҳурамазданинг фармонига кўра бандаларини ҳимоя қилиб, ҳамиша обу оташ билан таъминлаб, фаровон ҳаётни барқарорлаштириб туриш учун Ардвиссура Анаҳита ерга тушганда туронлик шоҳу баҳодирлар ҳам, эронлик акобиру атрофлар ҳам унга тоғ этагида, гоҳ бепоён саҳро четида, баъзан эса дарё соҳилида «юз от, минг қора мол ва ўн минг қўй пешкаш қилиб», ўз илтимос ва илтижоларини изҳор этадилар. Бу билан улар, бир томондан Аҳурамазда вакилини тантанавор, зардуштийлик одатида хос ва мос тарзда кутиб олаётганликларини кўрсатсалар, иккинчи томондан, ўз юртлари ёки шаҳарларида чорвадорликка махсус эътибор берилаётгани, бу соҳада ўсиш, ривожланиш мавжудлиги, мўл-кўлчилик таъминланганлигини намойиш этмоқчи бўладилар. Чорвадорлар, деҳқонларни мадҳ этган алоҳида «Ҳот»лар ҳам бор. «Чорва моллари учун яйловлари мўл бўлган бу сарзаминларга олқишлар бўлсин!», «Чорвачилик ривожланган, буғдойлари мўл ҳосил берадиган экинзорларни олқишлаймиз!» сингари кўплаб мадҳиялар учрайди Ҳотларда. «Вендидод»да ўқиймиз: «Мен — Аҳурамазданинг гиёҳлар устига ёмғирни мўл ёғдиришимнинг сабаби шуки, юрт аҳлининг молларига ўт-ўланлар, озиқ-овқат кўпайсин, одамлар учун емиш ҳозирлашга имконият туғилсин. Буларнинг бари тирикчилик моясидир», «Авесто»да чорва моллари қаторида жумладан ҳўкиз, отлар жумласида кучук ҳам муқаддаслаштирилган. Хонаки итни кал-

таклаган ё ўлдирган одам қаттиқ жазоланган, у ўлим жазосига ҳам ҳукм этилган. Кучук боласи 6—7 ойлик бўлганда уни 6—7 яшар қизча боқиб, катта қилса, бу унга омад, хушбахтлик келтирган. Умуман, ит чорвадору боғбон, зироаткору ҳунарманд барча-барчанинг яқин дўсти ҳамроҳи бўлиши лозим деб топилган.

Зардуштийлар ҳақиқатда ҳам чорвачиликка алоҳида эътибор берадилар: чўпон-чўлиқ тайёрлашга жиддий қараладиган бўлади, чўпон таёғини оладиган ворислар «лагомзадон», «зин задан» имтиҳонларидан ўтган. Туронзаминда чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида табиий яйловлардан ташқари Амударё соҳилларида сунъий яйловлар бунёд этилган. «Авесто»да узоқ яйловлардаги чўпонлар ҳақида ғамхўрлик қилиб, улар учун уй-жойлар, моллар учун юзлаб улкан сарой-қўралар қурилганлиги қайд этилган. Унда ҳайвонлар зоти тозалигини сақлаш, уларни урчитиш, соғлиғини асраш бўйича қизиқarli ва ибратли маълумотлар, тадбирлар ҳақида мулоҳазалар мавжуд.

«Авесто»да деҳқончилик энг олижаноб касб сифатида таърифланади, деҳқонлар эъзозланади. Зероки, Зардуштийлик жорий этилган кезлари Туронзаминда деҳқончилик анча тараққий этган, табиий суғориш тизимидан сунъий суғориш усулига ўтилган эди. «Вендидод» ҳамда «Виспарад»нинг алоҳида қисмларида деҳқончиликни ривожлантиришга, ерга чап қўлу рост қўл билан, бел ёрдамида, ўмоч воситасида астойдил ишлов беришга даъват; ернинг мелиоратив ҳолати, покизалигини сақлашга ундов анча кучли. Ҳатто Ардвиссура Анаҳита «Яйловларнинг ҳамиша хуррам, яшнаб туриши, зироатларнинг серҳосил бўлиши учун дарёларнинг мудом сероб, тўлибтошиб оқиб туришини таъминлайман», дейди Зардуштга. «Виспарад»да каналлар чиқазиш, ариқлар қазиш, дашту саҳроларни ўзлаштириб, суғорадиган ерларга айлантириш хусусида қимматли фикрлар кўп учрайди. Жуда кўп ўринларда ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири ернинг захини қочириш, шўрини ювиш, деб маслаҳат берилади. Янги каналлар чиқазиш, ариқ-зовурларни то-

залаш, ерларни ўз вақтида экишга тайёрлаш мўл ҳосил олишнинг асосий гаровидир. «Узоқ вақт ишлов бермай ва экин экилмай қолган ер энг бахтсиз заминдир. У эрсиз ва боласиз юрган қари қизга ўхшайди. Қари қиз эрга тегишни хоҳлаганни сингари, ҳайдалмаган ер қўшчини кутади». Айни пайтда ерга ишлов беришда сидқидилдан, ҳалоллик билан меҳнат қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Ҳамкорлик, ҳашар йўли билан ерларни созлаш, ерларни тақсимлашда адолат билан иш тутиш, анҳор ва ариқ сувидан фойдаланиш, сувнинг исроф бўлишига йўл қўймасликка жиддий қарашган. Зардуштийлик эътиқодидагилар орасида жамоа бўлиб каналлар чиқариш, ариқ-ҳовузларни тозалаш, ботқоқликларни қуриштириш учун кураш маросими бўлган. Бундай маросимда жамоа раиси, қозидан тортиб барча эркагу аёллар, хосу ом, болалар баробар қатнашган. Бу тадбир халқ сайли тусини олган. Давлат ва жамоа миқёсидаги оғир жиноятчилар канал қазишда ишлашга мажбур этилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Зардушт фаол диндор, яратувчи меҳнатни, ерни сеувчи ибодатчи тарафдори. Шунинг учун ҳар бир зардуштий, албатта, деҳқончилик, боғбонлик ва турли ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлмоғи зарур. У ерга энг сара уруғ сепмоғи, мевали ҳамда сояли, ихота дарахтлари ўтказмоғи лозим. «Ўз вақтида ерга тоза уруғ сепмоқ 10 минг ибодатдан, ҳар қандай қурбонликдан афзал», дейилади «Виспарад»да. Китобнинг кўп ўринларида боғбонлик алоҳида таърифланади, халқ боғу роғлар барпо этишга даъват қилинади. Меҳнат самарадорлигини оширишга даъват Зардушт таълимотининг ўзак масаласидир. Шунинг учун у диндорларга қуйидагича мурожаат қилади: «ғум саҳросини ўз меҳнати билан серҳосил ерга айлантирган одам комил диндордир. Дашту саҳрода 10 йил таркидунё қилиб юрган одамдан кўра ўша чўлга бир туп кўчат ўтқазиб, кўкартирган инсон афзалдир».

Деҳқонлар ва боғбонлар, уларнинг меҳнатини қадрлаш борасидаги мулоҳазаларда моддий неъматларнинг яратилиши оқибатида етадиган савоб, жа-

моани иқтисодий томондан таъминлашидаги аҳами- яти хусусидаги фикрлар она замин, юрт таърифи билан қоришиб, боғланиб кетади. Зардуштнинг Аҳурамазда билан савол-жавобларида «қайси ер энг яхши замин», «қайси юрт халқи энг бахтиёр одам- лар ҳисобланади?» деган сўровлар кўп учрайди. Ана шундай саволлардан бирига Аҳурамазда шундай жа- воб беради: «Мўъбад ўз барсами (хуш ҳид тарқа- тадиган хивичлар дастаси) билан халққа диний аҳкомларни эркин тушунтириб юрадиган, диндор уй-жой қуриб, боғ барпо этиб, мол-кол қилиб, хо- тин, бола-чақаси билан бемалол яшай оладиган, одамлар ерга бемалол ишлов бериб, экин экиб, су- фора оладиган; чорвачиликни ривожлантиришга им- конияти бўлган ва моллар яхши насл қолдира ола- диган ер энг яхши ер, бахтли юртдир». Хуллас, «Авесто»да таърифланган ва тарғиб этилган энг қут- луғ касб деҳқончиликдир. Зероки, бу касб соҳиба- лари зардуштийларни моддий неъматлар билан таъ- минлайди. Бу эса ҳаёт тараққиётининг асосий оми- лидир. Зероки, инсон яхши еб, ичмаса, қорни тўқ, эгни бут бўлмаса, оиласини боқа олмайди, яхши, соғлом насл қолдирмайди, ерга ишлов бериш, чор- вани боқиш, боғ бунёд этишга ярамайди.

Гарчи «Авесто»да ҳунармандлар зикри ёки таъ- рифига бағишланган махсус лавҳа, фикрлар учра- маса ҳам, матнда тилга олинган, ҳар хил муносабат билан қайд этилган далиллар эрамиздан олдинги асрларда ҳунармандчиликнинг барча соҳаси ривож- ланганлигини кўрсатади. Китобнинг турли ўринла- рида ранг-баранг манзилгоҳлар, шаҳарлар, қасрлар қурилиши хусусида фикр мавжуд. Жамшид қур- дирган қасрлар, ер ости шаҳарлар, чорвадорлар ва моллар учун қурилган бинолар, Ардвиссура Анаҳи- та қурдирган саройлар шулар жумласидандир. Ушбу бинолар хусусида гап кетганда, уларнинг ҳашами, нақшу нигори, қандиллари тавсифи берилади. Бу эса ўша даврлардаёқ бизнинг сарзаминимизда меъ- морчилик санъати анча юксак эканлигини тасдиқ- лайди. Ёдгорликнинг бир қанча бўлимларида оддий пичокдан тортиб фалохмону манжаниққача, духулу таблаққача — 50 дан зиёд ҳарбий қуроллар, ан-



жомларнинг номи, сарбоз ва отга кийдириладиган совутнинг бир неча тури санаб ўтилади: Ардвиссура Анахитанинг «Уч юз мода бабр терисидан жома кийиб», олтин этик кийиб, чоршоҳа сирға тақиб, минг хил товланадиган маржонлар осиб юриши таърифланади. Унинг бошидаги етти сайёра акси туширилган олтин тожи таърифига сўз ожизлик қилади. Бу далил қадимги аждодларимиз дегрезлик, қуролсозлик, заргарлик, пўстиндўзлик, рангли металл ва тошларга ишлов беришдек, дудама қиличлар ясашдек мураккаб ҳунарларни ҳам хийла пухта билишганлигини тасдиқлайди.

«Авесто»даги маълумотларга қараганда Марв шаҳарида (бу шаҳар Туркменистоннинг Байрамали тумани ўрнида бўлган) сидра тикиш учун ишлатиладиган махсус оқ сатин ва ҳарир ишлаб чиқарадиган корхона бўлган. «Виспарад», «Вендидод»да ҳарбийлар, айниқса, жаҳонпахлавонлар жанг пайтида либос остидан киядиган, ингичка мис симдан тўқилган камзул, юнгдан тўқилган ҳар хил кийимлар ҳақида фикр мавжуд. Булар юртимизда қадим замонлардаёқ тўқувчилик ва тўқимачилик касблари ҳам ривожланганлигини тасдиқлайдиган далиллардир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, зарудштилик, дини пайдо бўлган пайтда ўлкамизда деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик хийла ривожланган бўлган. Бунга Зардушт ва унинг тарафдорлари томонидан фаол инсон хусусидаги тарғибот ва ташвиқот ишлари, ўғиту даъватлари ҳам муҳим омил сифатида таъсир этганлиги шубҳасиздир.

## **«Авесто» Ва бадиий агабуёт**

Деярли барча муқаддас диний китоблар илоҳий аҳкомлар қомуси бўлиш билан бирга маълум маънода ўша халқ (ёки халқларнинг) бадиий тафаккури сарчашмаларидан бири ҳам ҳисобланади. Зероки, бундай обидалардаги диний-назарий асослар, қоидалар, пандалар, даъвату мурожаатларнинг асл решаси энг қадимги оғзаки ижодга бориб тақаладиган асо-

тир, ривоят, нақллар билан зийнатланиб боради, қоришиб кетади.

«Авесто»<sup>1</sup>нинг биз мутолаа қилган матнида ҳам ана шу хусусият яққол кўзга ташланади. Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, бу ёзув ёдгорлигининг нисбатан энг қадимий қисми «Вендидод»да ҳам, бевосита Зардушт шеърларидан иборат Яшт, Готларда ҳам Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг энг қадимги асотирлари — Митра, Ардвиссура, Анаҳита, Варахрана, Оша ва бошқалар хусусидаги мифларнинг мазмунлари, Каюмарс (Гава Марта), Жамшид (Йима) саргузаштлари турли муносабатлар билан зикр этилган. Митра ҳақидаги шеърӣй парчаларни (уни шартли равишда қасида деб ҳам юриштилади) бир-бирига мантиқӣй изчилликда синчковлик билан ўқиб, кузатилса, у ихчам бир дostonни эслатади. Чунки унда Митра қўшотли аравазида, мусаллаҳ ҳолда гоҳ эл-юртни бало-қазолар, ғанимлардан ҳимоя қилиб, чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатса, гоҳ инсониятга офат келтирадиган Аҳриманни маҳв этади. Шеърларда, бир томондан, Митра ана шундай илоҳӣй қудрат соҳиби сифатида таъриф этилса, иккинчи томондан, у нур, ҳаёт, яхшилик, униб-ўсиш, тараққиёт, яхши хулқ, яхши кирдор ҳомийси сифатида мадҳ этилади. Уларда халқ оғзаки ижодига хос ғулу (ўта, ақл бовар қилмайдиган муболаға), хитоб, такрор, истиора, сажъ, савол-жавоб, таносуб, тародуф, анафора, тазод, ўхшатиш, сифатлаш каби санъатлардан кўп ва хўп фойдаланилган. Форсий матн насрий баён бўлгани учун биз Митра қасидасидан шоир Асқар Маҳкамнинг русчадан ўгирмасидан бир мисол келтириш билан чегараланамиз:

*Эпчиллардан эпчилроқ Митра,  
Аҳли саҳо ичига мумтоз,  
Девюраклар ичига шердил,  
Жасурлардан жасоратлироқ.*

<sup>1</sup> Авесто. I—II жилд, «Марварид» нашриёти, Техрон, 1997. Биз матн ва ҳошияларда атайлаб Яшт, Ҳот, Фарғардларнинг рақамини ва саҳифаларини кўрсатишни лозим топмадик.

*Яшнаҗадир, гуркиратадир,  
Тўкинликлар яратгучидир  
Кўркам ҳаёт айлади инъом  
Ҳақиқатга ҳокимликни ҳам.*

(«Санъат», 1991, № 6, 24-бет).

Айрим шарқшунослар жумладан, Ризоий, Баҳромий, Мэри Бойслар «Авесто» таркибидаги «бир миллион шеър» (Плиний)нинг барчаси бевосита Зардушт қаламига мансуб дейишса, А. О. Маковелский уларнинг маълум бир қисми анча қадимий оғзаки ижод меваси, деган фикрни баён этган. Аммо барча авестошунослар бу шеърлар оғзаки ижод сарчашмалари заминда вужудга келганлигини бир оғиздан эътироф этиб, улар бармоқ вазнидаги поэзияга хийла ўхшаш эканлигини таъкидлайдилар. «Авесто»даги шеърларнинг барчаси бармоқ вазнидаги поэзияга жуда яқин. Улар кўпинча 8—9, баъзангина 11—12 бўғинли мисрлардан ташкил топган»<sup>1</sup>. Мадҳияларнинг тасвир усули ҳақида шуни айтиш керакки, деярли барча ҳолатда якка тангри Аҳурамаздани «икки жаҳоннинг яратувчиси ва асрагувчиси «сифатида ранг-баранг воситалар, номлар (тангрининг номи 101 та) орқали таъриф-тавсиф этиш, Яздонга содиқлик, фидойиликни изҳор қилиш, етакчидир. Баъзан хитоб, мурожаат, савол-жавоб усулларида ҳам фойдаланилганки, бу фикрларнинг тингловчига, ўқувчига тушунарли ва таъсирчан бўлишини таъминлаган. Ҳар бир мадҳия муайян мазмун қурилишига, ибтидо ва интиҳога эга бўлган ўзига хос бир асар ҳисобланади. Бадий-тасвирий воситаларнинг ўзи бир сеҳрангез хосиятга эга. Шарқшунос Абулқосим Исмоилпур «Сосонийлар давридаги шеърият, мусиқа ва шеъриятнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳақида гапириб, Борбад, Некисо, Амир шеърлари қутлуғ анъанага эга бўлган поэзия заминда вужудга келган эди. Шеърларнинг барчасида тазод, қаршилантириш усуллари ишлатиш

<sup>1</sup> А. О. Маковельский. Авеста. Изд-во АН Азербайджана, Баку, 1960, стр. 43.

устун<sup>1</sup>. «Авесто»да шеърий парчалар, бандлар алоҳида номлар билан аталган. Жумладан, бир мисра «афсман» деб номланган бўлиб, унинг маъноси «андоза», «миқиёс»дир. Паҳлавий тилида эса «патман» шаклида келади. «Гоҳларда эса «афсман» «мавзун» (яъни вазнга солинган нутқ) маъносида келади. Ҳотлардан бирида Зардушт Аҳурамаздага «... мен сенга номавзун нутқ билан эмас, вазнли суҳанлар билан мурожаат қилмоқдаман» дейди. Бир сўз — калима «Авесто»да «важонгҳа» — «важон», бир ҳижо «панд» деб номланади. Демак, «Авесто»да шеър ва унинг таркиби махсус атамаларда ифодаланган; мисра, қўш мисра ва 3—4—5 мисрадан иборат банд бўлган. Айни пайтда бу шеърларда Шарқ халқлари оғзаки ижодига хос барча бадий унсурлар ҳам ўз тажассумини топган. Айрим тадқиқотчилар Зардушт асарлари «Хос шеърлар», яъни зардуштийлик таълимоти, якка тангри ғоясини тушунадиган коҳинлар, уламоларга мўлжаллаб ёзилган, уларнинг асл моҳиятини оддий халқ англамаган, шунинг учун махсус уламолар оташкадаларда, қироат ва ижро олди-дан мадҳия моҳиятини изоҳлаб берган, шу йўсида «Авесто» шарҳлари» пайдо бўлган, деган хулосага келишган. Ҳарҳолда бу мадҳия ва қасидаларда яратувчи худо мадҳи билан бирга инсон руҳий кечинмаларининг ранг-баранг қирралари нафис тасвирланган, уларда аждодларимизнинг ҳаёт-қоинот, илоҳиёт, вафо, сидқ, ишқ, фарз, ризо уларнинг адоси хусусидаги мулоҳазалари кенг ифодаланган, ростлик, поклик, яхши иш ва яхши хулқ тарғиб этилган. Энг муҳими, бизнинг шеъриятимизнинг энг кўҳна тарихга эга эканлиги, ибодат адабиёти бизда анча бурун пайдо бўлганлигини «Авесто»даги шеърлар тасдиқлаб турибди. Ёдгорликнинг бошидан охирига қадар нур зулматга, меҳнатсеварлик ялқовликка, адолат зулмга, донишмандлик нодонликка, серфарзандлик зурриёдсевмасликка, фаровонлик қашшоқликка, обод юрт «хороб кишвирга» қарши қўйилиб, биринчиси мадҳ этилади, таърифланади, иккинчиси

<sup>1</sup> Абулҳосим Исмоилпур. Ашконий ва Сосонийлар даври ҳижоли шеърияти ва Амир тароналари. «Эроншинохтан», 1998, № 9, 26-бет.



рон, Хуросон ва Эрон халқларининг энг қадимги афсоналари, халқ қаҳрамонлик дostonларининг тим-соллари, мазмунлари, кўҳна хроникаларда учрайди-ган тафсилотлар юзлаб саҳифаларда учрайди; баъзан улар айнан оғзаки ижод асари сифатида нақл этилади. Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги энг ёрқин образлардан бири Гершаспдир. Кейинчалик бу образ «Шоҳнома»га кўчган Асади Тусий (XI аср) форс тилида «Гершаспнома» маснавийсини яратган. Ўзбек тилида ҳам у ҳақда афсона ва эртак мавжуд. «Авесто»нинг ҳум Яштларидан бирида «Гершасп ер юзида биринчи адолатли шахс, забардаст йигит, тенгсиз гурзибардор» деган жумлалардан сўнг Гершаспнинг халққа қирғин, юртга офат келтираётган Аждарни қидириб юриб, бир кулонни овлаб, кабоб қилиб пишираётганида тагидан наъра тортиб, баҳайбат махлуҳ тургач, паҳловон 40 газлик қиличи билан уни дунимта қилганида икки тоғ пайдо бўлиши хусусидаги эртак мазмуни баёни келган. Бундан ташқари Сиёвуш тақдири ҳақида уч нақл, баъзи тоғ, чашма, дарёларнинг пайдо бўлиши хусусида ҳам жозиб афсоналар келтирилган, изоҳланган.

Маълумки, Абулқосим Фирдавсий мангу барҳаёт «Шоҳнома»сини ёзишда 30 йил давомида Моваруннаҳр, Нимруз, Эрон халқлари орасидан йиққан, ёзиб олган оғзаки ижод далиллар билан бир қаторда қадимги хроникалар насрий сочмалар, тарих китоблари ҳамда «Авесто»дан фойдаланган. Фирдавсий ўз достонида юзлаб туронлик баҳодирлар образларини яратган. «Авесто»да ҳам ана шу буюк шоир қаламига мансуб образлардан бир силсиласи, жумладан, Пашанг, Аржасп, Виса, Пирон, Афросиёб, Гурдаз, Горазм, Африрес сингари ўнлаб баҳодирлар Яштлар, Гот ҳамда Вендидодда кўп зикр этилади: улар фаолияти билан боғлиқ айрим лавҳалар келтирилади. Фирдавсий рустами Достон сиймосини қай даражада меҳру муҳаббат билан, бадий юксакликда тасвирласа, унинг мухолифи, Турон шоҳи, замину замонни ларзага келтирадиган Афросиёбни тасвирлашда ҳам шу даражада юксак санъаткорлик маҳоратини кўрсатган.

Шунинг учун ҳам Туронзаминда Рустамга фақат

Афросиёбгина бас кела олади. У эронлик лашкарларга кўп таҳлика солган, ташвиш келтириб зафарлар қучган, «Авесто»да ана шу шоҳ ва жаҳонпахлавон ҳаётининг лаҳза ва лавҳалари Яшт ва Вендидодда турли тарзда қайд этилган ва акс топган. Масалан, бир ўринда Турон шоҳининг номарднинг сотқинлиги туфайли бандга илинганига ишора этилса, бошқа бир жойда, унинг мардлик ва жасорати баёни берилади; яна бир мавридда Афросиёбнинг Сиёвуш қатлига алоқадорлигига ишора қилинади; ранг-баранг саргузашти қисқа-қисқа жумлаларда баён этилади: «Ўша кезде туронлик жаҳонпахлавон Афросиёб дарёи Фароҳи Картдан чиқди ва деди: «Мен ҳанузгача ўша эронлик набокорлар ва Зардуштдан тожни тортиб ололмадим». Демак, бундан олдинги Яштлардан бирида Афросиёбнинг дарё тубига кириб кетиш лавҳаси баён қилинган. Хулоса қилиб айтганда, Афросиёб ҳақидаги қисмлардаги кўп ўринлар «Шоҳнома»даги бадий образга анча ўхшаш. «Авесто»даги туроншоҳ саргузаштлари билан боғлиқ лавҳаларнинг ҳар бири тарихий мавзудаги ихчам ҳикояни ҳам эслатади. Зардушт ҳаёти ҳақидаги лавҳалар, Маджунмоҳнинг қилмишлари ҳам шундай моҳиятга молик. Умуман, насрий парчаларнинг барчаси ҳам ўзига хос, сажънамо ички мусиқийликка эгаким, улар тингловчини ҳам, қироат қилувчини ҳам ўзига ром этиб, қалбига тугён солади.

Маълумки, «Шоҳнома»да пешдодий, ашконий, каёний шоҳлар силсилалари тасвири билан бирга улар фаолияти билан боғланган ҳолда юзлаб қаҳрамонлар тимсоли, фаройиб саргузаштлар ғоятда шавқовар бир тарзда бадий баркамолликда тасвирланган. Айни пайтда шу образлар тақдири билан боғлиқ фаройиб ҳодисалар, фавқулудда, ғайритабиий воқеалар тасвирига ҳам кенг ўрин берилган. Рустам ва Исфандиёрларнинг етти баҳодирлик саргузашти — «Ҳафт Хон», Фаридуннинг уч ўғлини имтиҳон этиши, Кайхусравнинг ўз ҳамроҳлари билан бўронда ғойиб бўлиши, Олтиншоҳли Сигир (Фариддунни боқиб катта қилган), Гургсарни забт этиш ҳийласи, афсонавий қуш Семируғ хислати шулар

жумласидандир. «Авесто»нинг бизгача етиб келган қисмининг ҳар тўрт бўлимида бевосита туронлик ва эронлик халқларнинг қадимги оғзаки ижоди билан боғлиқ ана шу воқеалар ҳар хил муносабатлар: тангрига мурожаат, ақл-заковат, ростлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, элсеварлик ғояларини тарғиб этиб, эгрилик, фирромлик, талон-тарож, зулм-зўрлик, мардумозорлик, юртни вайрон қиладиган жангларни лаънатлаш ва қоралаш онларида таъкидланади, келтирилади. Жумладан, зулм, табоҳкорлик, эл-юртга зарар етказиш ҳақида гап кетганда елкасидан ўсиб чиққан икки илонга одамлар миясини едириб юрган Эрон шоҳи Заҳҳок (Ажи Даҳак) қисмати эслатилса, одамлар учун рўшнолик, оташнинг кашф этилиши хусусидаги нақлда Жамшид фаолияти зикр этилади; ҳаёт «Авесто»да жамшид, Тангрининг амри билан одамлар учун Оловни кашф қилади. «Шаҳаншоҳ Жамшид замонида ҳам йил яхши келди. Ушбу заминга туялар, қўйлар, иту паррандалар лиқ тўлди, олтиндек товланиб ёнадиган олов кашф этилди. Чорва молларию паррандалар шу даражада мўл бўлдики, юртга сизмай кетди», «Бу ерда қуёш, ой ва юлдузларнинг чиқиб ботиши йилига бир мартаба кузатилади, холос». Ривожланиш, инсонларнинг кўпайиши, ҳаёт душмани девларни йўқ қилиш хусусида сўз юритганда Таҳмураси девбанд тилга олинади. Фариддун ўз тасарруфидаги ерларни Фирдавсий талқинида уч ўғлига бўлиб берган «Авесто»даги далилга кўра 4 га бўлиб уч ҳудудни ўғилларига беради, бир қисмида эса ўзи ҳукмронлик қилади. Назаримда, «Авесто» бошқа соҳалар билан бирга, ижод, адабиётнинг ҳам бир қомусига ўхшайди. Зероки, унда Мовароуннаҳру Хуросон ва Эрон халқларининг қадимги шеърляти, насри ҳақида мукамал тасаввур туғдирадиган далиллар мавжуд. Бундан ташқари деярли энг кўҳна оғзаки ижоднинг барча тимсоллари, биргина Золи Зар сулоласи бўлмиш Сеистон баҳодирлари бундан мустасно, ҳатто Сому Наримонлар ҳам барча қисм ва дафтарларда кўплаб мартаба зикр этилган, тилга олинган. Ҳатто ёдгорлик матнида Фирдавсий, Низомий, Асади Тусийлар асарларида юзлаб ҳолатларда учрайдиган қуёш чи-



қиши ва ботиши тасвирларининг «Албруз тоғи ортидан Хуршиди тобон олтин ханжарларини кўтариб чиқиб, этагида фарқ бўлди» сингари илк илдиэларини ҳам кузатамиз. Бас шундай экан, биз қадимги шеърятимиз, оғзаки ижодимиз хусусида, айниқса, оғзаки бадиий ижод билан ўрта аср шеърятининг муносабати, анъанавий тимсоллар ҳақида, муסיқа билан шеърятнинг ўзаро таъсири хусусида фикр юритганимизда бевосита «Авесто»га қайта-қайта муурожаат қилишимиз лозим, унгагина суянишимиз шарт.

## Ҷурғавсуӣ Ва «Авесто»

Ушбу ёдгорлик яратилгандан кейиноқ бир неча марта кўп нусхада кўчирилиб, оташқадалар ҳузуридаги кутубхоналарда ҳамда динжқабиштларда сақланган. Ҳатто Зардушт мадҳиялари — Ҳотлар ҳам алоҳида мажмуа сифатида китобат қилиниб, кенг халқ оммасига тарқатилган. Улар ўз замонларидаёқ оддий улус орасида ҳам, илм-адаб ўртасида ҳам насклар, «Зенд Авесто», муғлар кўшиғи, муғлар китоби шаклида шуҳрат топган. Шунинг учун ҳам Зардуштий уламолар «Авесто» ёки унинг алоҳида китобларини ёддан билишган. Профессор И. С. Брагинский муғ (моғ, мағ) сўзини грекча калима деса, доктор Ҳошим Ризоий Зардуштнинг ҳаёти ва фаолиятига оид рисоаларида уни паҳлавийча сўз бўлиб, «оташ» маъносини англатишини исботлаган.

Илк ўрта асрлардан бошлаб Шарқ олим ва шоирлари бу кўҳна, муқаддас китобга қизиққан ва уни ўз асарларида ҳар хил муносабатлар билан тилга олишган. Рудакий, Унсурий, Манчехрий, Саолибий, Низомий, Фарруҳийлар сингари буюк алломалар ўз асарларида Зардушт номини, «Авесто», «Зенд», «Яздон» сўзларини ҳар хил мавридларда, турли мақсадларда фойдаланганлар, тимсол, бадиий, тасвирий восита вазифасида қўллаганлар, ҳатто кейинчалик «Яздон» сўзи ҳамиша «Аллоҳ», «Тангри» маъносида, «Аҳриман» эса «Иблис», «Шайтон», «Зулмкор» маъносида қўлланилаверган. Бу адилблар ижодида зардуштийлик динидаги адолат билан зулм,

яхшилиқ билан ёмонлиқ, зиё билан зулмат, донолик билан жаҳолат ўртасидаги кураш бир қизил ипдек тизилиб ўтади. Айниқса, бу ҳолат «Шоҳнома»да ҳар жиҳатдан теран из қолдирган.

Абулқосим Фирдавсий, бир томондан, аждодлар қадриятларига алоҳида эътибор берганлиги учун қадимги динларга, урф-одат, уламоларга меҳр билан қарайди. Шу туфайли «Шоҳнома»нинг бир неча ўрнида «Авесто»га бир илмий, тарихий китоб сифатида, қадимий диний аҳкомлар мажмуи тарзида қайта-қайта мурожаат этади. Зардуштни маънавийт пешвоси, алломаи замон, деб таъриф-тавсиф этади: у асос солган динга ижобий муносабатда бўлади. Иккинчидан, шоир турли мавридларда «Зенд Авесто» китобини кўрганлигини уқтиради. Шарқшунос Баҳромий Фирдавсийнинг бир устози унга «Авесто»нинг мухтасар бир нусхасини тақдим этганлигини уқтирса, мутаржим О. Чунакова сосонийлар давридаги зардуштийлик матнларига асосланиб, «Шоҳномаи паҳлавий» яратилганлиги ва Фирдавсий уни ўқиганлигини таъкидлаган. Акбаршоҳнинг «империя кутубхонаси»да мазкур асардан бир нусха сақланганлигини инобатга олса, бу фикр тўғри эканлигига ҳеч шубҳа қолмайди.

Ҳақиқатда ҳам «Шоҳнома» матнини синчковлик билан кузатар эканмиз, «Авесто» ҳақидаги кўплаб далиллар, ишораларни учратамиз. Кейинги тадқиқотлардан маълум бўлишича, «бир донишманд» Фирдавсийга «Зенд Авесто»нинг нодир нусхасини, «эт билан тирноқдай бўлиб кетган бир дўсти» эса «бошдан-оёқ қадимий дostonлардан иборат» кўҳна бир китобни тақдим этади. «Шоҳнома» мундарижаси билан батафсил танишган киши буюк шоир шоҳ китобни ёзишда ровийлар, бахшилар, нақллардан ўзи бевосита ёзиб олган кўҳна ривоят ҳамда дostonлар билан бирга юқоридаги манбаларга ҳам суянганлигини аниқ сезади. Асарда пешдодийлар, ашконийлар, каёнийлар, сосонийлар каби қадимий Ажам шоҳлари тарихини, шажарасини назм риштасига тортишда шоир бевосита «Авесто»даги тартиб ва далилларга суянган бўлса, аксарият ўринларда «Авесто», «Зенд Авесто»ни маънавий ҳаётда дастурил-

амал бўганлигини таъкидлайди. Масалан, «Шоҳнома»нинг кўп дostonларида тасвирланишича, шаҳзодалар, қўшин бошлиқлари, вазирлар бирон-бир масъул вазифани гарданларига олиш олдида «Авесто» гувоҳлигида, яъни уни қўлларига олиб, тавоф қилатуриб қасамёд этадилар. Шоир тасвирича аксарият Оташқадалар ҳузурида ташкил этилган, мадраса типигаги билим даргоҳларида «Авесто»дан сабоқ олганлар; дабистон (мактаблар)да эса «Зенд Авесто» («Авесто шарҳлари») асосий фан сифатида ўқитилган.

«Анушервон» дostonида ҳикоя қилинишича, кунлардан бир кун Ҳиндиё ҳамда Фарокин номли донишмандлардан «Авесто» бўйича таълим олган, ёш подшоҳ Кисро Анушервон туш кўрибди. Тушида гўзал бир оҳу саройга кириб келиб, подшо кўлидаги шароб тўла жомни олиб, «нўши жон этиб» (бир симириб) кўздан ғойиб бўлибди.

Тонг саҳарлаб шоҳ юртнинг зўр донишмандларини йиғиб, тушининг таъбирини сўрабди, ҳеч ким жавоб беролмабди. Охир-оқибат бир неча кунга муҳлат берибди. Яна бирон-бир уламо шоҳ тушини таъбирлай олмабди. Шундан сўнг подшоҳ чопқир ва сўзамол одамларини йиғиб, қўлларига бир лангандан олтин бериб, дебди:

— Бутун мамлакатни айланиб жар солинглар, кимда-ким тушим таъбирини айтса, бошидан зар сочинглар.

Ходимлар турли вилоятлар, шаҳру қишлоқларга боришибди. Хосу ордан сўрашибди, суриштирибди. Аммо подшоҳ тушини таъбирловчи донишмандни учратишмабди. Анушервоннинг Озодсарв деган надини бор экан. У кўп шаҳарларни айланиб, охири Марвга бориб, зодагонларга муддаосини изҳор этибди. Шунда улардан бири:

— Фалон гузарда бир авестохон муаллим йигитча бор. У гўдакларга «Зенд Авесто»дан дарс беради. Подшоҳ тушининг таъбирини ўшандан бошқа киши айта олмаса керак, — дебди.

Ўша донишманд йигит ҳузурига борган Озодсарв мақсадини айтибди.

— Бу масалада билимим ожизлик қилади. Аммо

менга «Авесто» ёрдам беради. Фақат туш таъбирини шоҳ ҳузурида айтаман, — дебди муаллим. Шундан сўнг йигитга ҳам от, анжом ҳозирлаб, икковлон яшин тезлигида ярим кечада пойтахтга етишибди. Эртаси куни Озодсарв йигитни саройга бошлаб борибди. Подшоҳ тушининг тафсилотини баён этибди.

— Шоҳим, саройингизда нечта канизак бор, — сўрабди йигит.

— Етмишта парипайкарим бор, — жавоб берибди шоҳ.

— Ана шу канизаклардан бири эркақдир, — таъкидлабди муаллим.

Анушервон ҳангу манг бўлиб қолибди. Ва ўйлаб туриб:

— Буни қандай билиш мумкин, — дебди.

— Эрта тонгда барча канизакларни тахт пойидан бир-бир ўтказасиз, уларнинг хиромидан аниқлаймиз, — уқтирибди йигит.

Эртаси куни шундай қилишибди. Аммо канизаклар юришидан қайси бири эркақлиги билинмабди. Шунда подшоҳ «бу ёғи қандай бўлди» деган маънода муаллимга гинаомуз нигоҳ ташлабди.

— Энди шоҳим, бўлар иш бўлди, — дебди йигит, — уят, номус деган сўзларни бир ёққа йиғиштирамиз. Эрта тонгда сиз тахтингизга чиқиб ўтирасиз, мен ёнингизда тураман. Канизакларни эса биттадан урэн (фақат ички либосда) ҳолда ҳузуримиздан ўтказишсин.

Одатда канизаклар бир хонада икки кишидан яшашаркан. Улар шоҳ ҳузуридан урэн ўтказаетганида Моҳрўйи Чочийнинг ҳамхонаси ёш йигит бўлиб чиқибди.

Подшоҳ қиздан ғазаб билан «бу не ҳол» деб сўраган экан, канизак шундай жавоб берибди.

— Бу йигит менинг акам. Онамиз бир, отамиз бошқа. Усиз мен ҳаётимни тасаввур эта олмаганим учун сиз мени саройга олдиртирганингизда қиз суратида ўзим билан бирга олиб келгандим.

Подшоҳ аъёни давлат билан маслаҳатлашибди. «Уларнинг насибаси ўлим», дейишибди киборлар бир оғиздан. Ҳар иккисини ўз хосхоналарида дорга ошишибди.

Бу ўн етти яшар донишманд кейинчалик Анушервон давлатининг мустаҳкам устунни бўлган, Шарқда «адолатли вазир» рамзига айланган Бузуржмеҳр эди.

«Шоҳнома»да донишмандларнинг «Авесто»га суяниб таъбир айтиши бир неча ўринда учрайди. Масалан, Ардашер Бобокан Бахманга қарши жангда оғир аҳволга тушади. Шунда «жаҳондида, бедордил бир қария» қўйнидан «Зенд Авесто»ни чиқариб, унга қараб башорат қилиб, подшонинг бу жангда зафар топажагини айтибди. Ҳақиқатда ҳам оломон муҳорабада Ардашер ғалаба қозонибди. Демак, бу китоб қадим замонларда бир таъбирнома вазифасини ҳам ўтаган экан.

Кўпдан-кўп кўҳна ёдномалар, «Шоҳнома»даги баъзи бир ишораларга қараганда ҳақиқатда ҳам аҳмоний ҳамда сосоний подшолар сулоласи замонда «авестохонлик» маданий ва адабий ҳаётда қутлуғ бир анъана бўлган. Таълим тизимининг барча босқичларида «Авесто» бир дастуриламал сифатида ўқитилган, ўргатилган. Аҳмонийлар замонидан қолган катибалар — тошлардаги битиклар таркибида келадиган кўп мулоҳазалар ҳам бу фикрларни тасдиқлайди.

«Шоҳнома»да ҳам «Авесто»дагидек собит эътиқодлилик беамалликка, адолат зулмга, маърифат жоҳилиятга, рўшнолик зулматга, ҳалолу поклик нопокликка, танбаллик, беҳунарлик ғайратлиликка, касб-кор эгаллашга қарама-қарши қўйиб тасвирланган. Ҳатто Фирдавсий қуёшу Ой — «Авесто»даги ҳаёт ва нур тимсоллари васфига махсус қасидалар бағишлаган: Аҳурамазда — ягона тангри, Зардушт эса нисбатан дунёвий моҳиятга молик янги дин пешвоси сифатида мадҳ этилади. Ҳатто асарда «Зардуштнинг пайдо бўлиши ва Гуштаспнинг унинг динини қабул қилиши» номли махсус фасл мавжуд. Унда янги дин пешвосининг фаолияти тўғри ва анча батафсил тасвирланган. Аржасп Зардуштни тутиб юбориш ҳақида Гуштаспга йўллаган мактубида янги дин пешвосини «жодугар, нодон чол» деб ҳақоратлайди. У Балхни босиб олганда «оташкадалар, Зенду Устони» ёқиб юборади. «Шоҳно-

ма»да ҳам Гуштаспнинг вазири «Авесто»дагидек «Жомасп ҳаким» деб аталган: «Зенди Зардушт» деб «Авесто»нинг пайғамбар томонидан битилганлиги аниқ қайд этилган. Аржасп томонидан Гуштапсга нома элтган шахслар номи ҳам «Авесто»даги билан бир хил.

Маълумки, «Авесто»да кўпхудолик тарафдорларининг айрим тоифаси ҳам, Аҳриман тарафдорлари ҳам, қабилараро шартномалар, аҳду паймонларини бузувчилар ҳам «девпарастлар» деб лаънатланади. Таҳмурас подшолиги ҳақида гап кетганда ер юзида газандалик ҳамда вайронагарчиликнинг тарафдорлари бўлмиш «Мозандарон девларининг ярминигина йўқ қилди». Афсуски бу қолганлари Аҳурамазда бандаларига «ўз вожгунликлари» туфайли (айтган ваъдасининг аксини қилиши) кўп азиятлар етказишади, дейилган. Ҳақиқатда ҳам «Шоҳнома»да тасвирланишича, ана шу Мозандарон девлари Кайковус авлодлари-ю Золи Зар фарзандларини кўп ташвишга солади, юрт ва эл бошига кулфатлар келтиради: Ковус бошчилигидаги бутун Эрон лашкарларининг кўзини кўр қилишади. Зол тадбири билан Рустам бу сеҳрнинг калити девлар сардори билан боғлиқ эканлигини билиб, Деви Сафидни ўлдириб, унинг жигарини подшо кўзига суртгач, барчанинг кўзи очилади.

Кунлардан бир кун бир гуруҳ деҳқон ва чорвардорлар шаҳаншоҳ ҳузурига келиб, гоҳ оху, гоҳи бўри тимсолидаги бир махлуқ пайдо бўлиб, ҳаммаёқни хароб, вайрон қилаётганини айтиб, мадад сўрайдилар. Подшо бу балои ногаҳонни даф этишга Рустами Достонни юборади. «Зенду Авесто»дан сабоқ олган Рустам дашту саҳроларни, тоғу тошларни қидириб «газанда махлуқнинг» изини топа олмайди. Шунда унинг сеҳргар Акван дев эканлигига ишонч ҳосил қилади. Тинкаси қуриган баҳодир Рахшини ўтга қўйиб, уйқуга кетади. Пайт пойлаб юрган Акван уни даст кўтариб, осмону фалакка чиқади. Кўзни очган Рустам дев қўлига тушганини сезади. Қаҳқаҳа урган Акван дев шундай дейди:

— Эй Рустам, тила тилагингни: сени тоққа урайми, дарёга солайми.

Девларнинг вожгуна эканлигини билган жаҳонпаҳлавон:

— Мени тоққа ургинким, сендек номарднинг қўлида ҳалок бўлганимни ҳеч ким билмасин, — дебди.

Шунда Акван дев Рустамни дарёга ташлайди. Жаҳонпаҳлавон сузиб соҳилга чиқади ва Раҳшига миниб, навбатдаги олишувда Акванни ўлдиради.

Барча шарқшунослар «Исфандиёр», «Рустамнинг Акшбус билан жанги», «Афросиёб», «Яман шоҳининг Фаридун фарзандларини имтиҳон қилиши», «Ардашер» дostonларида «Авесто»нинг изи борлигини уқтиришган.

Маълумки, «Авесто»да Митранинг яқин кўмакдоши Вертрагна «барча олоти ҳарбаси темирдан, қўллари, оёғию боши, томирлари бари темирдан», деб таърифланган. Унга ҳеч қандай қурол таъсир этмайди, ўтда куймайди, яъни у темиртирноқ. Фирдавсийнинг тасвирлашича, табиатан бойликка, тахтга ўч бўлган Гуштасп қариб-қартайиб қолган бўлса ҳам ҳокимиятдан воз кечгиси келмайди. Ўғли Исфандиёр эса иложи борича, тахтни тезроқ эгаллаш пайида. Буни сезган подшоҳ ўғлини чалғитиб туриш, бир амаллаб йўқ қилиш мақсадида девлар, гургисарлар жангига, хатарли муҳорибаларга жўнатади. Ёш Исфандиёр барча топшириқ ва шартларни мардонавор бажаради: Эроннинг энг хавfli душмани гургисарларни таслим эттиради. Энди Гуштасп олдида икки йўл қолади: ё тахтни Исфандиёрга топшириши керак ёки яна баҳона ўйлаб топиши зарур. Подшоҳ энг хатарли йўлни танлайди: У Исфандиёрга шундай дейди: Эй ўғлим, етти иқлим бизнинг тасарруфимизда. Аммо Золнинг фарзанди Рустам тахтни ҳам, мени ҳам писанд этмайди. Ўшани занжирбанд қилиб келтирсанг, хотиржам бўлиб, тожни сенга топширадим.

Амалпараст, такаббур Исфандиёр ҳеч ким енга олмайдиган Рустамни олишувга даъват этади, насиҳатларига ҳақоратомуз сўзлар билан жавоб қайтиради. Натижада замин у замонни ларзага солиб юрган икки баҳодирнинг жанги бошланади. Бир неча кунлик олишувда қариб қолган Рустам абгор бўла-

ди. Шунда афсонавий қуш, Золнинг тарбиячиси Семурғни кўмакка чорлайди. «Авесто»даги илоҳий, сеҳрли Вараға қушига ўхшаган Семурғ тўфону бўронлар ичидан пайдо бўлади. Воқеа тафсилотини эшитгач, Рустамни койий бошлайди:

— Нима қилардинг у билан олишиб. Оддий баҳодирнинг шаҳзода билан майдон талашини раво эмас. Бунинг устига унинг бутун аъзоси чўяндан, ҳеч қандай қурол кор қилмайди, ўтда ҳам куймайди. Исфандиёрни ҳеч ким ўлдиролмайди, ҳалок этган одамнинг ўзи ҳам узоқ яшамай, фалокатга учрайди.

— Бўйин эгиб яшагандан кўра, тик туриб, мардларча ўлган афзал, — жавоб беради Рустам.

Шундан сўнг Семурғ сеҳрли бир чўпни бериб, ундан икки ўқ ясаб, эртанги жангда Ифандиёрнинг икки кўзига уришни тайинлайди. Рустам Семурғ айтгандай икки ўқ билан Исфандиёрни ўлдиради. Ўзи ҳам узоқ ўтмай ўтай укаси Шоғод қазиб қўйган қудуққа тушиб ҳалок бўлади. Демак, Фирдавсий Исфандиёр ҳамда Семурғ образларини яратишда «Авесто»даги далилларга суянган, улардан файз топган. Вараға қуши ҳам амали бут, аҳдига вафодор, поктийнат одамларга бахт, зафар келтиради. Унинг бир патини ўзида сақлаган одам ҳар қандай бало, офат, душманни енгади. Афросиёб ҳамда Сиёвуш «Шоҳнома»даги энг ёрқин образлардан ҳисобланади. Фирдавсий Рустам билан Афросиёб ўртасидаги яккама-якка олишув, оломон жанглари тасвирлаб, туроншоҳнинг мағлубияти сабабларини келтирар экан, «аммо Рустам унинг ўрдугоҳини (қўрғонни) фатҳ этолмайди», дейди-ю бунинг сабабини изоҳламайди. «Авесто»нинг икки жилдлик форсий таълиқида Афросиёб ҳақида бешта нақл келтирилган. Уларнинг бирида «Туроншоҳ қалъаси икки тоғ оралиғида жойлашган бўлиб, бутун деворлари темирдан қўйилган, уни энг зўр манжаниқ тошлари ҳам бузолмайди» дейилган. Бу далил икки жиҳатдан аҳамиятли: биринчидан, «Шоҳнома»да тасвирланган Афросиёб қалъасининг мустаҳкамлиги сабаби ойдинлашади, иккинчидан, милoddан олдинги мингинчи йилларнинг бошларидаёқ аждодларимиз темир-



дан қўйма девор қуришдек касбга эга эканликларини билиб оламиз.

Шаҳзода Сиёвуш тақдири ҳақидаги қисса, ривоят ва қўшиқ Шарқда кенг тарқалган ва офиздан-офизга, китобдан-китобга кўчиб юради. «Авесто»да ҳам Сиёвуш ҳақидаги лавҳалар тарқоқ ҳолда келади. Аммо уларда Фирдавсийнинг «Сиёвуш» достонидаги аксарият далиллар, деярли кўпчилик образлар зикр этилган. Ҳатто, «Сиёвуш Гарсивази шум фитнаси туфайли қатл этилди» деб махсус қайд қилинган. Демак, Фирдавсий ҳар икки дostonни «бир кекса деҳқондан эшитган қиссаси» асосида яратилганлигини таъкидлаган бўлсада, «Авесто»даги тафсилотлар ҳам шоир ижодий лабораториясида қайта ишланганлиги табиий ҳолдир. Буни ҳар икки китобда ҳам Афросиёб золим, босқинчи, деб таъкидлансада, у Турон заминда Рустамга бас келадиган ягона жаҳонпахлавон сифатида тасвирланганлигини ҳам кўрсатади. Фирдавсий «темирдан ясалган тоғ ҳам Афросиёб номини эшитганда сув бўлиб эриб кетади», дейди:

*Кўҳи оҳанин гаргад ҳамчу об,  
Агар бишнавад ному Афросиёб.*

Бундан ташқари «Шоҳнома»да тасвирланган Баҳром Гўр билан «Авесто»да мадҳ этилган Баҳром образлари ўртасида жуда яқинлик бор. Ҳар икки китобда келтирилишича ҳам Баҳром энг учқур оҳугўрни овлашда моҳир, жасоратда беҳамтодир. «Баҳром Яшт» тафсилотлари «Шоҳнома»даги Баҳром Гўр воқеалари билан ҳамоҳанг.

Юқорида қайд этганимиздек, «Шоҳнома»да тасвирланишича, баъзи қаҳрамонлар бирон муҳим масала бўйича қасамёд қилишда Зардуштни тилга олиб, қўлларида «Авесто»ни тутган бўладилар. Масалан, лашкарбоши Баҳроми Чўбина исён кўтариб, тахтни эгаллайди. Мағлубиятга учраган Хусрав Парвиз Румга қочиб кетади. Хусравнинг яқин паҳлавони Биндуй зиндонга ташланади. Шунда Биндуй зиндонбонга қараб: «Эй, мени чиқариб юбор, Хусрав қайтиб, тахтни яна эгаллагач, сенинг гуноҳингни шоҳдан сўраб

бераман», дейди. Зиндонбон: «Ундай бўлса, Зардушт ва Усто номи билан қасамёд эт», дейди:

*Бигуфт ину баг дафтари Занд хост,  
Ба савганг Биндуйро банг хост.  
Чу Биндуй бигирифт Устову Занд...*

Мазмуни: шундай дейди-ю Занд дафтари олиб, қасам билан биндуйни банд этмоқчи бўлди. Биндуй эса «Зенд Авесто»ни қўлига олди (Абулқосим Фирдавсий, Шоҳнома. — Душанбе: «Ирфон», 1966, 9-жилд, 82-саҳ.).

Ҳақиқатда Биндуй зиндондан чиққач, Мусалда Хусрав Парвизни қўлларида «Зенд Авесто»ни ушлаган ҳолда ўзининг ҳам, зиндонбоннинг ҳам бегуноҳ эканликлари ҳақида (ўша жилд, 140-саҳ.) онт ичади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Фирдавсий «Авесто»ни кўпинча вазн, қофия, мантиқ талабидан келиб чиқиб «Зенд», «Усто», «Устову Занд», «Занду Усто», «Уст» шаклида қўллаган ёки ишлатган. «Шоҳнома»нинг икки ўрнидагина «Зардушт китоби» атамаси учрайди, холос.

«Шоҳнома»даги Каюмарс, Таҳмурас, Ҳушанг, Жамшед, Фаридун, Заҳҳок, Кайхусрав ва уларнинг шажаралари тасвиридаги воқеа ва далиллар ҳам «Авесто»даги тафсилотларга жуда яқин. Фақат «Авесто»да Заҳҳок олти кўзли-ю уч бошли (подшо елкасидан ўсиб чиққан илонларининг бошу кўзларини қўшиб) тарзида зикр этилган. «Авесто»да Фаридун ўз мамлакатини «Шоҳнома»да тасвирланганидек учга эмас тўртга бўлиб, марказий ҳокимиятни ўз тасарруфи ва бошқарувида олиб қолади. Муаллиф ўз дostonларида қуёшнинг тантанавор чиқиб, уфқни заррин қалами билан безаб ботиши манзарасини юзлаб кўринишларда тасвирлаган. Биз шунга ўхшаш лавҳани «Авесто»да «Қуёш ўзининг олтин найзаларини кўтариб, Албурз тоғи ортидан чиқиб, унинг этакларига бош қўйди» тарзида кўп маротаба кузатамиз. Демак, бу тасвирда ҳам буюк шоир ана шу анъанани давом эттирган, уни янги бир босқичга олиб чиққан.

Хулоса қилиб айтганда, Абулқосим Фирдавсий дунё шеърятининг гултожи бўлмиш «Шоҳнома»ни ёзишда қадимги хроникалар, бевосита ўзи тўплаган халқ оғзаки ижоди асарлари, «Шоҳномаи Мансур»лар билан бир қаторда «Авесто»дан ҳам нодир дастхат ёдгорлик сифатида ижодий фойдаланган. Биргина Золи Зар бошчилигидаги Сеистон баҳодирларини ҳисобга олмаганда қадимги Ажам шоҳлари ва улар замонида фаолият кўрсатган барча шахсларнинг «Авесто»да ҳар хил муносабатлар билан зикр қилинганлиги шундан далолат беради. Қувонарлиси шундаки «Авесто»да адолатпеша деб таъкидланган барча шахслар «Шоҳнома»да ижобий образ; «девпараст», «зулмкор» деб қайд этилганлари эса, салбий образ сифатида тасвирланган ва улар шоир ижодий ниятини қабарик тарзда ифодаланишига хизмат қилган. Энг муҳими шундаки, шоир «Авесто»ни маърифат қитоби, билимлар хазинаси, оғир дамларда инсон руҳиятини тетиклаштирадиган, мушкулотларини ҳал этишга кўмаклаша оладиган бир дастуриламал сифатида эъозлаган.

### **«Авесто»га таълим-тарбия ва устоз талқини**

Мазкур ёдгорликдаги айрим қайд ва ишоралар, ном ва атамалар, «Биндахшин»нинг алоҳида фасллари зардуштийликнинг илк куртаклари пайдо бўла бошлаган даврларда ҳам ҳозирги Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда таълим ва тарбия бирмунча ривожланганлигини кўрсатади. Барча қавм ва қабила аҳллари орасида «лагомзадан» (отга сувлиқ солиш), «зин задан» (отни эгарлаш), «камарбастан» одатига қатъий амал қилинган. Кўҳна сарчашмалар ва «Авесто»даги далиллар шуни кўрсатадики, таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар ўқитилган, ҳунарлар ўргатилган. Масалан, чорвачилик билан шуғулланадиган қавмларда кўпроқ шу соҳага доир ҳунар ва малакалар ўргатилган: қиз болаларга юнгдан ип йиғириш, урчуқ ва чарҳда ишлай билиш, ҳар хил либослар тўқиш, тикиш, юнг олишни билиш шарт бўлса, ўғил болалар эса молларни боқиш, урчитиш

ва туғдириш, туя, отларни парваришлаб, уларни бошқара олиш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани дарранда ҳайвонлар, қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари мажбурий бўлган. Ана шу малакалар ҳосил бўлгач, қизлар 15, ўғил болалар 17 ёшида «лагомзадан» ва «зин задан» имтиҳонидан ўтган. Натижада улар балоғат ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб, «қадбону» (уй бекаси), «қад худо» (уй хожаси, оила бошлиғи) бўлиш, чўпон чўлиғини олиб, от суриб, туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритишган. Алоҳида иқтидорли йигитлар эса, човандозликка махсус тайёрланган, ҳарбий машқларда иштирок этган.

Ҳунармандчилик, деҳқончилигу боғдорчилик билан шуғулланадиган қавмларда эса, йигитлар «камарбастан» расмидан ўтишган. Бунда қавм оқсоқоллари ҳар бир йигитни ота касбидан ташқари ҳарбий билимлар, чавандозлик, кураш тушиш, «кўҳнавардлик» (ҳар хил тўсиқларни, баландликларни ошиб ўтиш) бўйича имтиҳондан ўтказишган. Афтидан ҳарбий таълимга алоҳида эътибор берилган шекилли. Зероки, «Авесто»да 50 дан зиёд ҳарбий қуролларнинг, шу жумладан, қалъа деворларини тешиб, бузишда ишлатиладиган, улкан тошларни отадиган палахмон, манжаниқ, совут остидан кийиладиган мисдан тўқилган юпқа камзуллар ҳам тилга олинган. Айни пайтда бу далиллар аждодаларимиз ҳунармандчиликнинг барча турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берганликларини тасдиқлайди.

Зардуштийлик дини, яъни якка Тангрига эътиқод расман қабул қилинган, ўлкамизда таълим-тарбияга эътибор янада кучайди. Ибодатхона — оташқадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилади, мадраса типидagi билим даргоҳлари ташкил қилинади, уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилади; таълим жараёнига энди математика, астрономия, тиб билими, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар тобора кўпроқ кириб боради; бунда ёшларнинг маънавий камолотига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бир томондан, уларга зардуштийлик дини асослари, Аҳурамазданинг фарз-

ларию Зардушт ўғитлари ҳар жиҳатдан пухта ўқитилиб, каломи бадеъ асосларига суянган ҳолда «ҳот»лар махсус ёдлаттирилса, икинчи томондан, уч яхши ишда сусткашлик қилмаслик кори нек, гуфтори нек, кирдори некни ҳамиша эсда тутиш; уч ёмон ишдан, яъни кори бад, гуфтори бад ва кирдори баддан юз ўгиришни қуймақулоқ қилиб ўргатилган. Таълим тизимидаги бу ўзгариш ўз навбатида янги «сидрапўшлик» удумини жорий қилишни тақозо этган. Аҳурамазда томонидан жорий этилган фарзлар ҳамда Зардушт ўғитларидаги суннатларни тўла бажарадиган, ҳар жиҳатдан пок, юксак ахлоқлилик меъёрларини ўзида намоён этган, устоз фотиҳасини олган диндор оқ матодан чакмон, кўйлак кийиб, устидан юпқа ҳарир камар боғлаб юриши жорий этилади. Қиш пайтларида ҳам асосий либос остидан «сидра» кийиб юриш шарт бўлган. Бу одат яқин XIII аср давом этган. Бизнингча, Муқанна бошчилигидаги кўзғолончиларнинг оқ либос кийиб юрганлиги, яъни «сафедпўш» («оқ кийимлилар») эканлиги ҳам ана шу анъана билан боғлиқ бўлиши керак. Ҳар бир зардуштийнинг поктийнат, хулқи ҳалол, қўли тўғри, некбин бўлиб вояга етказилиши кўзда тутилган. Ана шу эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб «Авесто»да тарбиячилар, муаллимлар, устоду мударрисларнинг бурчлари белгиланган, улар зиммасига жамиятнинг энг муҳим юки топширилганлиги қайта-қайта уқтирилган. Натижада муаллим ва мударрислар ўз илмини нечоғлик ўзлаштирганлиги, касбига муносабати, чечан, уddaбурон, фидойилиги, танбал, бефарқ ва масъулиятсизлигига қараб «яхши» ва «ёмон» устозларга ажратиб изоҳланган, баҳо берилган.

Устоз ҳақида гап кетганда «Авесто»нинг бир неча ўрнида «устодлар устоди», «барча билим ва ҳунар калити» Яздон мадҳ этилади; у ҳамма нарсани яратувчиси, ҳар икки олам сеҳрини билгувчи, барча билимлар мояси, бандаларига инъом этувчидир. Зардушт эса барча поктийнат одамларга Яздон буюрган илмларни «яхшилик йўсини ила ўргатиб, уларни яхши билан ёмонни ажрата оладиган қилади, уларни тўғри йўлга ҳидоят этади», дейилади. Зероки, «кимдаким ақлу фаросат билан ёмонликка қарши

курашса, у Аҳурумазда йўлини тутган бўлади». Хуллас, Яштларда Зардушт одамлар руҳиятига рост сўз, пок ақида, ҳалол ниятни сингдирадиган устозлар пешвоси сифатида мадҳ қилинади, «Зероки, Спитамон Зардушт бу дунёда Яздон таълимотига қулоқ тутадиган ягона одамдир», «Угина «Маздо» ва «Оша» сурудларини одамлар қулоғига сингдиради. Шунинг учун унга комил ақл ва бурро нутқ берилган». Бу ерда Зардуштнинг воизлигининг алоҳида таъкидланганлиги диққатга сазовордир.

Яхши устозлар «соғлом ақл-ҳушли фарзандларни, жасур, доно ва турли тилларни биладиган ўғил-қизларни, элни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонларни, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган авлодни» тарбиялайди. У ёшлар қалбида ўз дини, халқи, юртига меҳр уйғотади, уларни ҳалол меҳнат эвазига ризқу рўза топиб яшашга ўргатади, некбинлик, покдоманлик, дўстлигу ҳамкорлик, ҳамжиҳатлигу хушравобинлик, одамларга фақат яхшилик ишташ ўқувчиларга донишманд устозлардан юқади, ёдгорлик бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам устозларни «шаҳару қишлоқларда, бутун мамлакатда маънавиятдан таълим берадиган, Оша йўлини тутганлари туфайли, хонадонларга янги аҳкомларни олиб кирадиган халқ ардоғига соҳиб бўлган тоифалар сифатида олқишлаймиз». Тангри покандеш, ғафлатдан йироқ, уйқуни ўзига «ҳаром» биладиган, Зардушт оинини ўзига сингдирган устозларни ёқтиради, «чунки улар ўз донолиги, хирадмандлиги билан Яздонга яқин кишилар ҳисобландилар, унинг қалбини ҳақиқат нури билан ёритади». Ҳар бир маздопараст устоз кишиларни рост йўлга бошламоғи, яхшилик йўлида раҳнамолик қилмоғи, ёшлар қалбига ҳаётга муҳаббатни сингдирмоғи лозим.

Олдин таъкидлаганимиздек, зардуштийлик дини кишиларни беш вақт намоз ўқиш ҳамда бошқа фарз ва суннатларни бажаришга даъват қилиш билан бирга уларни фаол, яратувчилик меҳнат билан шуғулланишга ҳам ундайди. Муболағали бўлса ҳам қуйидаги парчада ўқув ва билимнинг қудратига ишонч бўртиб турибди. Ёш, ўспирин болакай Сангиндаст

жаҳонпахлавон Гершасп маҳобатини эшитиб, ҳали ўсиб улғайсам, унинг адабини ўзим бераман, деган маънода қуйидагича лоф уради: «Мен ҳозир ўспирин йигитчаман, устозим қўлида ўқиб, ўрганиб балоғат ёшига етсам, икки қўлимда заминни чархдек, осмонни қалқондек кутараман». Ҳатто ота-оналар Яздондан билимли, ўқимишли фарзанд ато этишни илтижо қиладилар. «Менга хонадоним, қишлоғим, шаҳару мамлакатим шуҳратини дунёга кўз-кўз қиладиган, ўқимишли, ишбилармон ўғлон бер», дейилди хотлардан бирида.

«Авесто»да қиз болалар тарбиясига алоҳида эътибор бериш лозимлиги бир неча ўринда махсус таъкидланган: «Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга жиддийроқ киришсинлар. Зероки, улар ота-она хонадониди бўлган вақтларида ота рўзғорини тартибга солиб, зийнат бериб борсалар, жуфти ҳалоли манзилига боргач, болалар тарбияси, таълим билан, келажак насл тарбияси билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади». Ҳар бир некбин одам бирон касб билан шуғулланиши, банд бўлиши, «ақл ишлатиб» «икки қўлаб ерга ишлов бериб», «чорва парваришлаб», «бирон дастгоҳни юргизиб», «бирон олоти кор» ёки «олоти ҳарба ясаб» кун кечирмоғи, беғараз ризқу рўз топиб емоғи, бировларга муҳтож бўлиб, «қўл узатиб, тиланчилик қилмоқдан» асранмоғи даркор. Ана шу ақида тақозоси ўлароқ, таълимнинг амалиёт билан боғланиб олиб борилишига аждодларимиз жиддий эътибор беришган. Оташқадалар қошидаги устахоналар, вақф ерлари, дармонгоҳ (поликлиника), сиҳатгоҳ (касалхона), дорихоналар айна пайтда амалиёт ўтказиладиган корхоналар вазифасини ҳам ўтаган. Ҳар бир табиб, жумладан, жарроҳ ўз малакасини уч маротаба аниқ синовдан ўтказмасдан туриб, касални даволашга киришмаслиги ҳақидаги талаб шу умумий тартибдан келиб чиққан қарордир. Яхши устоз ва мударрислар ҳамиша ана шу тартибга риоя қилишган. Одамлар онгига илм, қалбига рўшнолик, назарига некбинлик, қўлига ҳунар сингдиришга, беришга интилишган, тўғри йўл тутиб, рост сўзлашга, виждонан ишлашга ўргатилган.

Ҳот ва Яштлардаги аксарият парчаларда худди яхшилик ёмонликка, адолат зулмга, донолик нодонликка зид қўйиб тасвирланиб, биринчиси олқишланиб, иккинчиси иллат сифатида қораланганидек, яхши устозлар нодон устозларга қарши қўйиб тасвирланган. Ёмон устоз ўз лоқайдлиги, фаросатсизлиги, уқувсизлиги, ҳунарини, билимини, малакасини такомиллаштириш йўлида заҳмат чекмаслиги билан ёш авлоднинг, умуман, одамларнинг зеҳнини ўтмаслаштирибгина қолмай, уларнинг ақлини занглатади, ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабатларини сусайтиради, имон-эътиқодларини заифлаштириб, маънавий жиҳатдан қашшоқлаштириб қўяди: «Ростини айтсам, ёмон устод ҳаётни ғамгин қилади, жоҳилларни улуғ санаб, буюк аёлу эркакларни Яздон неъматларига етишдан маҳрум этадилар. Улар ўз нодуруст таълими билан халқни энг яхши юмушлардан бездирадилар, нотўғри пандлар билан халқни тирикчилик йўлидан уриб, ёмонлайдилар». Энг даҳшатлиси ёмон муаллим, устод имон-этиқодни куйдиради, одамларни Яздон йўлидан қайтариб, жоҳилият сари етаклайди, Ватан равнақи, одамларнинг ижодий меҳнатини кўра олмайди, ер очиб, қўш ҳайдаб, экин экканлару боғ бунёд қилганларга рашк кўзи билан қарайди, халқни энг қутлуғ анъаналаридан маҳрум этадилар: «Ёмон устод ҳаёт чироғини сўндиради. Улар жоҳилларни буюк билиб, энг мўътабар аёлу эркакларни тангри йўлидан қайтарадилар. Улар ўз нодонликлари билан халқни энг яхши хислатлардан юз ўгиртирадилар; жаҳон халқлари ҳаётини ёлғон гаплар билан паришон қиладилар».

Зардуштнинг Тангри билан мулоқоти — Меърож воқеаси баёнида ҳам яхши ва ёмон устозлар ҳақида мулоҳазалар мавжуд. «Ношуд, ёмон муаллим ўқувчи қалбидан хирадмандликни йўқотар экан, Эй Яздон! Ёмон устоддан ўз паноҳингда асра», дейди Зардушт. Яхшилик тимсоли Оша таърифига бағишланган саҳифаларда ҳам таълим-тарбияга, хусусан, маънавий тарбияга доир диққатга молик мулоҳазалар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, эрамиздан олдинги ет-



тинчи асрнинг охири ва олтинчи асрнинг биринчи чорагида яратилган қадимги Эрон ва Турон халқларининг муштарак энг кўҳна ёдгорлиги «Авесто»да таълим-тарбиянинг айрим жиҳатлари ҳақида қизиқарли далиллар мавжуд. Хусусан, таълимнинг амалий моҳияти, устознинг ёш авлод тарбияси, жамият олдидаги бурчи, маъсулияти ҳақидаги мулоҳазалар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Бизнинг бу мулоҳазаларимиз «Авесто»нинг икки жилдлик сўнгги форсий нашрини ўқишда пайдо бўлган дастлабки таассуротлар, холос. «Динкард», «Бундахишин»даги таълим-тарбияга доир фикрларни, муаллимнинг ўқувчи олдидаги, ўқувчининг устоз наздидаги мажбуриятлари, ўқувчи гигиенаси, мактаб ашёлари, ўқув қуролларига муносабат, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги бурчлари хусусидаги мулоҳазалар ёдгорликнинг ўзбекча таржимасини ўрганган ҳолда таҳлили махсус тадқиқот олиб боришни талаб этади. Умуман, зардуштийларнинг таълим тизими муаммоси алоҳида ўрганишга арзигулик долзарб масаладир.

### **«Авесто» Ва тиббиёт**

Кўҳна Шарқ инсоният тиббий қарашларининг ҳам қадимий ўчоғи ҳисобланади. Туркий ва форсий тилларда сўзлашувчи халқларнинг кўҳна оғзаки ижоди намуналари ҳамда «Авесто»даги далиллар буни аниқ тасдиқлайди. Ёдгорликнинг барча қисмларида, хусусан, «Вендидод»да табиблар тайёрлаш, уларнинг бурч ҳамда вазифалари, табобат амалиёти, касаллар таснифи, уларнинг пайдо бўлиш сабаб ва омиллари, беморларни даволаш усуллари, муолажада энг оммавий — фаол усуллари, доривор ўсимликлар, уларнинг таснифи, ноёб доривор гиёҳлар ҳақида хийла қимматли маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари уйманзил, жамоат жойларини, атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш, тоза тутиш, шахсий гигиенанинг турли жиҳатлари ҳақида ҳамон ўз қимматини йўқотмаган маслаҳатлар, тавсиялар кўп.

«Вендидод»да қуйидаги касалликларнинг номи санаб ўтилади ва уларнинг пайдо бўлиш сабаби ҳамда

манбалари ҳақида фикр юритилади: ўлим, қўққисдан пайдо бўладиган дард, иситма, безгак, бош мия офриғи, ожан, ажху, илон чаққан, дурук, хафақон, кўз тегиш, руҳият марази, пўсидаги ва гандидаги. Буларнинг кўпчилиги тозаликка риоя қилмаслик, бепарволик натижасида пайдо бўлса, «Пўсидаги» (гангрена) ҳамда «Гандидаги» (ўсма) касалликларини «Аҳриман ер юзида инсон уруғини қуритиш ниятида атайлаб пайдо қилган», дейилади. Шундан сўнг бундай маризликка йўлиққан беморларни даволаш усуллари, бунда табиб масъулияти алоҳида уқтирилган. Эрамаздан олдинги VII асрнинг охирида аждодларимиз табобат соҳасида қуйидаги даволаш усулларини қўллашган: Оташкадалар ҳузурида махсус дармонгоҳ (поликлиника), сиҳатгоҳ (касалхона)лар ташкил қилинган бўлиб, бу соҳа давлат тасарруфига олинган, сарфу харажатлар вақф мулки даромади ҳисобидан қопланган. Давлат назорати остида бўлгач, шубҳасиз, даволаш йўллари такомиллашиб борган: «Айрим табиблар беморларни Оша — яхши руҳ илоҳий кучни даъват этиш кўмагида даволашса, баъзилари ўз илми кучи билан муолажа қилади, бошқа бир гуруҳ табиблар тиф билан касални тузатишга уста, яна бир тоифалар ҳар хил маризликларни турли-туман гиёҳлардан тайёрланган малҳамлар воситасида даволайдилар, бир гуруҳ табиблар эса беморни ҳар хил шарбатлар воситасида оёққа турғизадилар. Энг яхши табиблар баржуванд маншара — дуо ўқиш усулида даволайдилар», дейилади. Улар даволаш жараёнида қуйидаги дуоларни ўқишлари лозим, деб 20 мисрада ўша дуонинг мукамал баёни берилган. Характерлиси шундаки, табиб ўқийдиган ҳар бир дуо: «Эй ёмон кўз, қаердан келган бўлсанг, бу бадандан чиқиб, ўша ерга даф бўл!» — деган хитоб билан, касални ҳайдаш оҳанги билан тугайди. Демак, қадимдаги аждодларимиз «кўз кириш», «кўз теккан» каби халқ иримларига ишонган ва у доим мавжуд бўлган. Шунингдек, барча табиблар у ёки бу касални даволаш жараёнида, албатта, гоҳларни қироат қилиб турган.

Баъзан тўғридан-тўғри Яздонга мурожаат этиб, дардига даво тилаш — сўраш оҳангидаги парчалар

ҳам учрайди. «Вендидод»нинг эллигинчи фаргардида ўқиймиз: «Шундай қилгинки, ҳамма касалликлар бир йўла нобуд бўлсин: ажални йўқот, жинлар вужудга келтирган барча беморликларни йўқ қил».

Китобда табиб маданияти, ахлоқи, унинг касбига фидойилиги, табиб меҳнатини қадрлаш масалалари баёнига ҳам алоҳида саҳифалар ажратилган. Жумладан, табиб маънавий, руҳий жиҳатдан пок бўлмоғи, эътиқоди мустаҳкам, турмуш тарзи ҳам, либоси-ю асбоблари махсус суюқликда тозаланган, ўзи бир неча амалий тажрибалардан, синовдан ўтган бўлиши шарт. «Вендидод»да ўқиймиз: «Зардушт сўради: «Табибликни бошламоқчи бўлган маздопараст ўз малакасини ва ҳунарини дастлаб маздопарастларда синаб кўрсинми ёки девпарастлардами?» Аҳурамазда жавоб берди: «Табиблик касбини эгаллаган маздопараст яхшиси ўз салиқаси ва чапдастлигини девпарастларда синаб кўргани маъқул. Агар уч дафъагача девпараст жарроҳ тифидан омон қолмаса, ундай одам бу касбдан воз кечмоғи лозим. Уни одамлар муолажасига яқинлаштирмаслик керак. У уч дафъада ҳам девпарастни пичоқ билан муваффақиятли даволай олса, у тақдирда табиблигини давом эттириши, маздопарастларни ҳам тиф билан даволаши мумкин». Ўз навбатида табиблик ҳунари жамоа, халқ томонидан энг ноёб касб сифатида эъзозланган, уларнинг меҳнати, хизмати керагича қадрланган, натурал ҳақ тўлаш йўли билан тақдирланган. Мураккаб, яъни кўп касалликка чалинган беморларни бир йўла бир неча табиб бамаслаҳат билан даволашга киришса, бунда жарроҳ билан дуохон муолажасига алоҳида эътибор берилган, уларнинг ютуғи эъзозланган. Масалан, ҳар бир муваффақиятли чиққан жарроҳлик учун табиб меҳнати беморнинг моддий имконияти, касби, жамоада тутган мавқеи, эгаллаган вазифасига кўра қўй, эчки, эшак, сигир, бия ва туя инъом этиш йўли билан тақдирланган. Умуман, жарроҳлик табобатда дев, инсу жинс, жодугарлар «нафаси тегиши» туфайли вужудга келган касалликни даволайдиган энг қулай усул сифатида эъзозланган. Аждодларимиз ҳатто ҳомилани ҳам жарроҳлик йўли билан олиш усули-

ни қўллашган. Дорилар орасида «заҳримор» — «илон заҳри» ҳам қайд этилган. Аммо «хазанда — сакраб чақувчи илон бошқа судралиб юрувчи газанда ҳашаротлар қатори нест-нобуд қилиниши лозим», дейилган фиргардлардан бирида.

Беморни даволашда аждодларимиз халқ табобатидан ҳам муваффақиятли фойдаланишган. Шарқшунос Баҳромийнинг таъкидлашича, «Авесто»да мингдан зиёд доривор ўсимликлар, гиёҳлар рўйхати келтирилган, улардан дори олиш ва тайёрлаш йўллари кўрсатилган. Дорилар кўпинча шира, барг, гул, дон, буга ва гиёҳ илдизи ширасидан, заъфарон, коски, кунжут, кўкнори, ҳазориспанд, зира, пиёз, седана, катрон, найшакар, турп, хурмо, сабзи, беҳи, асал, зайтун мойи, савсан, зирк, баргизуб, дўлона каби гиёҳ ва ўсимликлардан тайёрланган. Жарроҳликда шаробга Ҳум ҳамда наша шираси қўшиб, беҳуш қилишда фойдаланилган. «Оқ Ҳум барча доривор гиёҳларнинг подшоси ҳисобланган». «Сен Амурдарё ўртасида униб чиққан, Семурғ уя қурган жойда яшасанг-у (яъни ўсимлик устида) ундан инсон саломатлиги учун наф тегмаса, у икки пулик қимматга эга эмас. Агар у дарахт беморлар дардига асқотадиган бўлса, уни «барчанинг табиби» деб аташ лозим. Бундай ўсимлик, ҳамманинг кўмақдоши» деган номни олишга арзийди».

«Авесто»даги тиббий далиллар ота-боболаримизнинг табобатга доир қарашлари рим, юнон ва араб табобатларидан кўҳна ва узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатади. Ундаги тиббий маълумотлар кўпроқ «Вендидод»нинг турли бобларида жамланган. Мазкур ёдгорликдаги тиббий фикрларни тахминан қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. Ташреҳ (анатомия) ва мизож (физиология).
2. Беморликларнинг олдини олиш воситалари.
3. Касалликлар ҳақидаги маълумотлар.
4. Беморларни даволаш усуллари.
5. Табибларнинг ахлоқи ва табобатга оид баъзи қонун-қоидалар.

«Авесто»да инсон организми мушак, суяк, тери, мия, асаб, бадан юнги, томир ва қонга (асаб ва мия, бадан туки дарахтга ўхшатишган), бадандаги томир-

лар қора қонли томирлар, қизил қонли томирлар ва оқ, яъни қонсиз томирлар (асаб)га бўлинган.

Баданнинг қуввати эса жон, виждон, равон (тан), идрок ва азалий (қадимий) руҳ каби 5 қисмга бўлинган. «Жигар қон манбаи бўлиб, тананинг ўнг томонида жойлашган» дейилади.

Ёдгорлик матнида замин, хона, бадан, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва сақлаш қоиданизомунига алоҳида эътибор берилган. Унда гўристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда, баландликда жойлаштириш, уни махсус девор ёки чўп панжаралари билан ўраб қўйиш, мурдашўйларни махсус тозалikka риоя қилиши уқтирилган. «Одам ёки ит мурдаси теккан ерда бир йилгача зироат экиш мумкин эмас» дейилади. «Вендидод»да мурда теккан либос, еларни қатрон қилиш, ўликни дафнгача махсус жойда асраш, унинг либосларини махсус панада сақлаш, уни бараҳна (яланғоч) ҳолда қўйиш ва бошқа омиллар хусусида фойдали маслаҳатлар мавжуд. Бир ҳайвон ёки парранда ўлигини ўз вақтида халқ назаридан олиб, ерни чуқур қавлаб, кўмиб қўйиш йўли билан юртда микроб ёки касал тарқалишининг олдини олган одам «жаннатий киши» ҳисобланган. Зардушт дейди: «Ростини айтсам, қуёшу ой ҳамда юлдузлар ҳам нопоклардан азият чекади», «мурда чиққан хонани пок этмоқ учун, танани уч маротаба ювиб, кийимларни ҳам уч маротаба ювиб, қатрон қилмоқ лозим. Албатта, ўша лаҳзаларда гоҳларни ўқиб турмоқ шарт. Шундан сўнггина бу хонага бошқаларнинг кириши мумкин». Худди шу ўринда сувни, оташни, умуман, барча ҳаёт манбаларини буллаган, уни нобуд этган «одамлар дўзахийдирлар» — деб қайта-қайта уқтирилади.

Маълумки, зардуштийлик дини қабул қилинган илк пайтларда ўликни куйдириш ёки ўлимтикхўрларга едириш расм бўлган. Масалан, мурда тоғ ёки баланд тепалиқда ясалган махсус супага қўйилган. Дарранда ҳайвон ёки паррандалар еб кетгач, суяклари йиғиштириб олиниб, кўмилган ё бўлмаса махсус жойда, идишда сақланган. Марҳумнинг аъзо суякларидан бирини ёки калла чаноғини сақлайдиган бундай хум ёки суяқдонлар илмда «Остадон» деб

юритилади. Бундай Остадон намуналари Хоразм, Фарғона, Тошкент воҳаларида қадимшунослар томонидан кўп қўлга киритилган. Ҳаёт ривожланиб, илм-фан, маънавият юксалгач, бу одат ҳавони булғаш, мурдани еган ҳайвон ёки қушлар сув ҳавзаларига теккач, турли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлаётганини сезиб, ўликни ювиб, махсус кафанга олиб, муаяйн чуқурликка кўмиш; захкаш минтақаларда эса, сағаналарда сақлашга қарор қилинган. Ўликни куйдириш одати ҳам атроф-муҳитнинг покизалигини асраш мақсадида, ўтин танқислигининг олдини олиш учун манъ этилган. «Авесто»да таъкидланишича, мурдани куйдириш учун тўпланган ўтин бошқа мақсад учун ишлатилмай, бекорга ёқиб юборилиб, чўғи тупроқ билан тез ўчирилиб, кўмиб ташланган. Бу аслида ҳам тансиқ бўлган ўтиннинг исрофланишига олиб келган.

«Авесто»да инсонлар ҳамиша ювиниб, тараниб юриши, инсу жинсларнинг нафаси тегмаслиги, ҳаводаги қўланса нарсалар ўтириб қолмаслиги учун қалпоқ кийиб, рўмол ўраб юриш тавсия этилади. Бир кунда юз, қўлни бир неча марта ювиш, тиш, бурун, қулоқларни тозалаб юриш алоҳида уқтирилган. Масалан, сочиқ, тиш ювиш воситаларини махсус жойда асраш, олинган соч ва тирноқларни одам яшайдиган жойдан нарига, элик қадам узоқликка, мушук, кучуклар кавлаб чиқара олмайдиган даражадаги чуқурликка кўмиб қўйиш тавсия этилган. Чунки зардуштийларда танадан жудо бўлган ҳар бир нарса мурдор ҳисобланган. Ҳовли эшиги олдига ёки кўчага ахлат тўплаб қўйган фаррош ёки уй бекаси 25 дарра калтаклаш билан жазоланган. Ҳовуз, чашма ва ариқ бўйига мевали дарахт ўтқазилмаган. Чунки бир дона мева сувга тушиб чириса, «юз минг микроб» тарқатаркан. Ҳайз кўрган аёл сув ҳавзаларидан 15 қадам наридан ўтиши лозим экан. Ҳайз муддати ўтгунча аёл бошқалардан алоҳида яшаши лозим экан. «Кимда-ким мурдор ерни пок этувчини хушнуд этса, у оташга хушнудлик бахш этади, сувни, ерни, дарахтларни, эътиқоди бут аёлу эркакларни хушнуд этади», «Гўристонлик ери элик йилдан сўнггина ўзининг олдинги пок ҳолатига келади», син-

гари фикрлар ёдгорликнинг турли қисмларида кўп учрайди. «Авесто»да ана шундан кейингина бундай заминга мевали дарахтлар ўтқозиш ёки у ерда зироаткорлик билан шуғулланиш мумкинлиги ўқтирилган. Шунингдек, унда хонаки ҳайвонлар: қўй, эчки, сигир, хачир, эшак, от, туя ва бошқаларни сақлаш ва парвариш қилиш озодалиги хусусида ҳам фойдали маслаҳатлар мавжуд. Бир саги оби-сув итини ўлдириб, унинг мурдасини чириб, микроб тарқалишига сабаб бўлган киши бир аскарга от, дубулға, совут, қалқон, этик, каманд, камон, найза, гурзи, палахмон олиб беришдек жарима тўлашга мажбур қилинган. Ҳомилани қасддан нобуд бўлишига сабабчи аёл жазоланган. Бу фожиага мабодо эркак алоқадор бўлса, қатл этиш ҳақида ҳукм чиқарилган.

Ёдгорликда беморни дуо билан даволаш ҳам энг оммавий усул сифатида қайд этилиб, дуо матнлари келтирилган. Бу муолажа жараёнида дуохон барсум хивичлари билан бемор баданидаги касалларни ҳайдаб чиқарган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, зардуштийлик рамзи қуёш, нур, оташ турли дардларни даф этувчи восита, деб ҳам тушунилган. Шунинг учун Яштларда айрим касалликларни, ғам, андуҳни бартараф этишни сўраб қуёшга ва Оташга мурожаат, илтижолар мавжуд. Ошаш таърифига бағишланган махсус қасидада бу фикр яққол кўзга ташланади.

Инсон ёки ҳайвон ўлиги тушган сой, ариқ, ҳовуз, қудуқларни бир неча марта қатрон қилиш (сувга тўлдириб бўшатиш, ёмғир суви билан ювиш, тўлдириб бўшатиш) таъкидланади. «Ахурамазда жавоб беради: ўт-ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ердир. Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган (ғизо тополмайдиган) ер энг ёмон заминдир». Атроф-муҳитни, кўча-кўйни, бутазорлару ўтлоқларни, ерни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахслар «400 қамчи уриш жазосига» гирифтор қилинган. Инсон яшаётган хонадаги обреза, алоҳида ясалган хонада ювиниш ёки чўмилиш қатъий манъ этилган. Чунки ювиниш

жараёнида инсон аъзоларидан чиққан кир ва қўланса ҳид яна буғланиб, нафас йўли орқали баданга кириб, оғир касалликларни пайдо қилиш мумкин. Деярли барча касалликларни даволашда парҳез асосий омиллардан бири ҳисобланган. Ҳомиладор аёллар парҳезига алоҳида эътибор берилган. «Авесто»даги муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш воситаларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ахлатларни беркитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, қум билан кўмиб ташлаш. Шу йўл билан микроблар ўлдирилган ёки камайган.

2. Оташ, иссиқлик ва совуқлик таъсири билан йўқотиш. «Авесто»да оташ покловчи ва офатни кетказувчи восита ҳисобланади. У билан ҳатто кийим-кечакларни турли микроблардан тозалаб, зарарсизлантириш мумкин.

3. Кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар (исфанд-исириқ, миҳик, фиф, садаф, пиёз, алоз, сандал) тутатиш йўли билан. Буларнинг кўпи ҳозир ҳам микробкушдир. «Вендидод»нинг 6 бобида шамол, ҳайвон, парранда, пашша орқали турли касалликлар тарқалиши таъкидланиб, унинг олдини олиш йўллари кўрсатилган.

Касаллик тарқатадиган ҳайвон ва ҳашаротларни йўқотишга даъват этилган ҳолда, «Авесто»да уй жониворларини эҳтиёт қилишга чақириқ кучлидир. «Вендидод»да бир уй итини ўлдирилган киши 10000 барсум, 10000 руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги жарима бериши лозим бўлган. Шунингдек, у 1000 эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи, касал тарқатуви пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим». Уй ҳайвонларидан мушук ва итларни боқиш қондасига риоя қилиш, парранда ва ҳайвонларга беҳуда озор бермаслик, уларнинг бемаҳал ўлимига сабаб бўлмаслик уқтирилган. Ов тозиси, чўпон кучути, хонаки итларни эҳтиётлашга даъват ёдгорликда анча кучли.

«Вендидод»нинг 5 ва 11-бобларида доимий бадан тарбия билан шугулланиш, кунда юз-қўлни бир неча марта ювиш, сочни тоза тутиб, тирноқларни тез-тез олиб, тозалаб туриш тавсия этилади. Инсон меъ-



ёри билан доим тўқ юриши, гўшт истеъмол қилиши лозимлиги таъкидланган.

«Авесто»да иссиқлик, совуқ ҳаво, очлик, пурхўрлик, руҳий изтироб, бузилган таом ейиш, тозалikka рия қилмаслик; Аҳриман юборган қурт, пашша ва бошқа ҳашаротлар, ёмон ҳаво касалликларнинг асосий манбаи, дейилади. Унда 9999 касалликни Аҳриман пайдо қилган, дейилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Вендидод»да пешдодийлар сулоласидан чиққан, дунёдаги биринчи табиб Тирити фаолияти анча батафсил баён қилинган. Уни осмондан ёмғир томчиларига самовий гиёҳлардан тайёрланган қудратга молик ҳумни ёғдирган Тирити Ишия барча сувларнинг ўғлига ҳам нисбатан берадилар. У табобат тангриси даражасидадир. Тирити маризликларни доривор ўсимликлардан тайёрланган малҳамлар, тиф воситасида ҳамда Гоҳларни ўқиш-дуо билан даволаш усуллари жорий этган; кўп беморликларнинг сабабчиси Тўфон аждаҳосини ўлдиришга муваффақ бўлган. Зероки, Аҳурамазда Оқ Ҳум атрофида унган 10 минг доривор ўсимликларни унинг ихтиёрига берган.

Юқорида қайд этганимиздек, «Авесто»да бир неча минглаб ўсимликлар ва улардан дори тайёрлаш усуллари, ҳатто уларнинг кўраси «оташи саргинсўз» ҳақида ғоятда қимматли маълумотлар мавжуд. Хусусан, доривор гиёҳлар султони Ҳум хусусидаги далиллар қизиқарлидир. «Авесто»нинг тўққизинчи Ҳоти қисмлари ҳамда «Хорда Авесто»нинг бир боби Ҳумнинг хосияти тавсифи ва таърифига бағишланган. Барчанинг дармонбахши бўлган бу мўъжизавий шарбат кишиларга шижоат, кўркамлик, бехрўзлик, сокинлик, пок руҳ, соғлом ақл, мангу умр ҳада этади; баҳодирларга зафар келтиради, ўғри, қароқчи, газандалар ҳидини узоқдан билишлик қобилиятини беради; бепуштларга пушт, ўғилсизларга ўғил инъом этади. Ҳумдан ичган одам ер юзини обод, халқини шод, юртини фаровон этади. Шунинг учун Ҳумни нўш этмоқ насиб қилган Жамшед, Фаридун, Уторидлар юртни юксалтириб, ер юзидан жоҳилият, қабохат ва разолатни, зулму вайронагарчиликни бартараф этганлар, ривожланишу

тараққиёт, ўсиб-униш, кўпайиш равнақ топган. Чунки Ҳумнинг асл уруғи жаннатдан келтирилган. У биринчи бўлиб одам суратида Зардуштга кўринади ва бўлажак дин пешвоси «сен кимсан?» деб ундан сўрайди. Шунда Ҳум: «Эй Зардушт! Мен одам танасидан ажални йироқлаштирувчиман! Эй Спитамон!

— Мени қидириб топ ва мендан нўш эт! Ва мени олқагин!

Зардушт унга қараб хитоб қилди:

— Ҳурмга олқишлар бўлсин!

— Эй Ҳум!

Жаҳон аҳлидан ким биринчи бўлиб сени нўш этишга муяссар бўлди? Ва унга нима инъом этилди-ю қандай бахтга эришди?

Ана шунда ажални даф этувчи Ҳум шундай жавоб берди:

«Бу гўзал олам аҳли орасида мендан дафъатан ичиш бахтига муяссар бўлган инсон Жамшеддир. Шунинг учун довюррак, шердил ва ҳурчехрадир. Унинг замонида чорва мўл бўлди; одамлар ва барча жонзот ўлим ва қарилик нималигини билмадилар, ер юзи ҳамиша хуррам, озиқ-овқатлар мўл-кўл бўлди».

Матнда Зардушт билан Ҳумнинг савол-жавоби мукамал келтирилган ва унинг саккиз хил бало, дардни даво этиши махсус қайд қилинган.

Бундан ташқари «Авесто»нинг турли қисмларида одам анатомияси, физиология, насл-насаб, ирсият, ҳужайралар, қон таркиби ва бошқа масалаларга доир кўплаб маълумотлар сочилиб ётибди. Хусусан тангри томонидан аввал Руҳ сўнгра Жисм-Тананинг яратилиши, Одам Ато ва Момо Ҳаво тақдирлари, наслнинг асл бўлиши, 17 хил суюқлик, жумладан, қоннинг хоссалари ҳақидаги тафсилотлар-у далиллар ғоятда катта илмий аҳамиятга эга. Жумладан, зурриёт ва унинг хоссалари ҳақида ўқиймиз: «Аёлларда ҳайз маҳали тутагач, эркак унга яқинлашгач ўн кеча мобайнида у ҳомиладор бўлади. Аёл ҳайздан тўла покланган бўлиб, эркак бақувват бўлса, ўғил туғилади, аёл уруғи устунлик қилса, насл қиз бўлади. Ҳар икки томон уруғи тенг қудратга эга

бўлса, эгизак ёки уч фарзанд дунёга келади. Агар эркак уруғи олдин қўзғалса, у аёл уруғига қўшилиб, уни кучайтиради. Натижада заиф насл туғилади. Аёл уруғи совуқ ва суюқ бўлади. Ранги қизил ва сариқ тусдадир. Эркак уруғи бош миядан сизилиб чиққан бўлиб, иссиқ, қуруқ ҳамда оқ ва кулранг бўлади. Агар аёлнинг барча уруғи олдин ҳаракатга келса, у бачадонни тўла эгаллаб олади. Эркак уруғи эса бачадоннинг устки қисмини тўлдиради. Ташқарида қолган барча уруғ яна қонга айланиб, асосий қон томирларига сингиб кетади». Шундан сўнг турли ранг ва тусдаги қавмларнинг пайдо бўлиши, уларнинг биологик, физиологик сабаб ҳамда хусусиятлари анча батафсил баён қилинган, тасниф этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакким, «Авесто»да наслнинг асл бўлиши омиларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Биринчи навбатда оила қурадиган йигит ва қизчаларнинг ҳар жиҳатдан бениқсон, соғлом бўлиши ҳисобга олинган. Иккинчидан, ҳомиладор аёл изтироб чекмаслиги, асабийлашмаслиги, кўпроқ мева, гўшт истеъмол қилиши, фақат ҳалол меҳнат эвазига топилган ризқни ейиши уқтирилган. Болани тарбиялашда узвийликка амал қилинган, яъни чақалоқ икки ёшга қадар она сути билан тўла таъминланиши, учинчи ёшга ўтгандагина мол сути ва сутдан тайёрланган овқатлар билан парвариш этиш лозимлиги уқтирилган. Она сутидан ажралган гўдак, албатта, 5 ёшгача сигир сутини истеъмол қилишни қанда қилмасликка риоя қилишлик махсус таъкидланган. Умуман, «Авесто»даги соғлом насл талқини масаласи алоҳида тадқиқ этишни талаб қилади.

Маълумки, Жамшед замонида Эрон Вижда барча жонзоту, дову дарахтларнинг қирилиб кетишига сабаб бўладиган қаҳратон қиш хавфи туғилади. Шунда ҳотифдан Жамшедга «Инсониятнинг келажак тақдири сенинг бўйнингда, унинг тадоригини кўр» деган нидо келади. Шоҳ қишлоқларда «Йимқард», шаҳарларда «Йимгирад» номли ер ости шаҳарлар бунёд этади. «Авесто»да ана шу манзилгоҳлар муҳофазаси, ҳаёт тарзи, турмуш гигиенаси ҳам анча

батафсил баён этилган. Бундан ташқари ёдгорликда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, яйловлар, бутазорларни пайҳон қилишга йўл қўймаслик: экинзорлару, боғу роғларга, мевали дарахтларга зарар етказмаслик, атроф-муҳитнинг покизалигини асраш, чашма, қудуқ, ариқ, ҳовузларнинг тозалигига эътибор бериш хусусида ҳам ибратомуз фикрлар мавжуд. Масалан, ҳовуз лаби ёки ариқ бўйида мол боққан ёки ўша ерга отини боғлаган ҳар қандай шахс 25 қамчи калтакланиш билан жазоланган.

Хуллас, «Авесто»да аждодларимизнинг қадимги табиий ва тозалик ҳақидаги қарашлари мужассамлашган. Маълумки, Александр Македонский Эрон, Мовароуннаҳрни забт этгач, «Авесто»нинг энг мукамал, нодир нусхасини Эладага элтиб, тарих, математика, астрономия, жўғрофия, тиббиётга доир қисмларини грекчага таржима қилдириб, аслини ёқтириб юборган. Авестошунослар асарнинг кўҳна нусхасида табиб қасамёд матни, жомга заҳар тўкаётган илон нақши бўлганлигини уқтирадилар. Демак, Гиппократ қасамёди, деб келинган врач қасамёди, табобат рамзи ҳам асли ўзимиздан чиққан экан. Хуллас, бу қадимий маънавият сарчашмасидаги тиббиётга доир қарашларни ҳар томонлама ўрганиш фанимиз тарихи учун ҳам кони фойдадир. Айниқса, инсонлар уй-рўзғор озодалиги, атроф-муҳит покизалиги, табиатни муҳофаза қилиш хусусидаги фикрлар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

### **«Авесто» жўғрофияси**

Бошқа соҳалар каби географияга доир фикр-мулоҳазалар ҳам «Авесто»да анчагина. Аксарият авестошунослар ёдгорликнинг жуғрофий қиммати ҳақида фикр юритганда, «Вендидод»даги бир фаргардга суянадилар ва уни, ҳатто, «Географик поэма» деб ҳам атайдилар. Ваҳоланки, китобнинг барча бўлимларида ҳам Турону Эрон, умуман, дунёнинг энг қадимги географиясига доир далиллар тўлиб-тошиб ётибди. Ундаги географик маълумотларни шартли равишда уч туркумга: турли шаҳарларнинг пайдо бўлиши, қурилиши ва жойлашиш

ўрни; дунёдаги ҳамда Турону Эрон ҳудудидаги тоғлар ҳақидаги маълумотлар, шу минтақалардаги кўллар, дарёлар, уларнинг шохобчалари, каналларнинг сони хусусидаги далилларга бўлиш мумкин.

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, «Авесто»да Ҳиндистондан Каспий денгизи соҳилларигача бўлган улкан ҳудуддаги халқлар, яъни зардуштийлик эътиқодини қабул қилган юртларнинг пайдо бўлиши, турли шаҳарларнинг вужудга келиши баён этилган. Айни пайтда Аҳурамазданинг қўша «кишварлар»ни обод қилишига қарши Аҳриманни турли-туман разолат ва қабоҳат кучларини яратиб, унга монеталик кўрсатишга интилиши ҳам ўз аксини топган. Аҳурамазда ерда ҳаётни бунёд этгач, «рубъи маскун»ни обод этмоқ учун таъкид этилган ҳудудда 16 та мамлакатни яратади ва уларнинг пойтахти номлари билан зикр этади. Ўқувчиларда мукамал тасаввур ҳосил қилдирмоқ учун ўша ўриннинг тўла таржимасини келтирамиз:

## **Биринчи фарғарг**

Аҳурамазда Спитамон

Зардуштдан ҳол-аҳвол сўрагач, шундай деди:

Мен турли сарзаминларни шундай яратдимки, ҳар бири ўз халқи кўзига гўзал кўринсин. Агар мен бу манзилгоҳларни ана шу тарзда яратмаганимда эди, ҳамма ўз юртини қўйиб, Эрон Вижга қараб кетиб қолишарди.

1. Мен — Аҳурамазда биринчи бўлиб яратган сарзамин-кишвар гўзал Эрон Виждир. У Детиё дарёси соҳилида жойлашган. Ўша пайт вужуди ўлим нишонаси бўлган Аҳриман келиб Детиё дарёсида қизил илонлар пайдо қилиб, дев яратган «қиш»ни ер юзига келтирди.

У ерда ўн ой қиш бўлиб, икки ой баҳор бўлади, холос. Ана шу икки ойда ҳам бу ерда ҳаво, сув, тупроқ ва дарахтлар учун совуғлик қилади.

2. Мен — Аҳурамазда яратган иккинчи кишвар-сарзамин Сўгддир. Ўша заҳоти вужуди ўлим бўлган Аҳриман келиб, моллар подаси орасида ўлат тарқатадиган пашшани яратди.

3. Мен — Аҳурамазда яратган учинчи кишвар-сарзамин пок ва шуҳратли Марвдир. Ўша заҳоти ўлим нишонаси бўлмиш Аҳриман келиб гуноҳ тарқатадиган чумоли яратди.

4. Мен — Аҳурамазда яратган тўртинчи сарзамин-кишвар ол байроқли гўзал Балхдир. Ўшанда вужуди ўлим бўлган Аҳриман келиб, газандалик билан майса ва ғаллани қуритадиган чигирткани яратди.

5. Мен — Аҳурамазда яратган бешинчи гўзал сарзамин-кишвар бу Марв билан Балх оралиғида жойлашган Нисодир.

Ўшанда вужуди ўлим бўлган Аҳриман келиб газандалик билан эътиқодсизлик ва худосизлик гуноҳини яратди.

6. Мен — Аҳурамазда яратган олтинчи обод сарзамин-кишвар бу Ҳерирудли Ҳиротдир. Ўшанда вужуди ўлим бўлган Аҳриман келиб газандалик билан разиллик моясини яратди.

7. Мен — Аҳурамазда яратган еттинчи яхши сарзамин-кишвар Вия Гита, яъни Қобулдир. Ўшанда вужуди ўлим бўлган Аҳриман келиб газандалик билан насли Гершаспа бориб тақаладиган одамхўр Ханшитий номли парини яратди.

8. Мен — Аҳурамазда яратган саккизинчи яхши сарзамин-кишвар сувлари мўл, яйловлар юрти Урвийдир. Ўшанда вужуди ўлим бўлган Аҳриман келиб газандалик билан такобурилик ва фирибгарлик руҳини яратди.

9. Мен — Аҳурамазда тўққизинчи бўлиб яратган сарзамин-кишвар Гургон ўлкасидаги Ханнатдир. Ўшанда вужуди ўлим бўлган Аҳриман келиб Гун касаллигини пайдо қилди.

10. Мен — Аҳурамазда яратган ўнинчи сарзамин-кишвар обод Ҳерхуттидир. Ўшанда ўлим тимсоли Аҳриман келиб, газандалик билан кечиб бўлмайдиган мурдаларни тупроққа кўмиш гуноҳини пайдо қилди.

11. Мен — Аҳурамазда яратган ўн биринчи сарзамин-кишвар бу гўзал Ҳирманддир. Ўша кезде ўлим тимсоли Аҳриман келиб газандалик билан Зиёнбар жодугарни яратди.

12. Мен — Аҳурамазда яратган ўн иккинчи сарзамин-кишвар бу Рай бўлиб, унда уч нафар фармонбардордир. Ўша кез ўлим тимсоли Аҳриман келиб, ишончсизлик билан қарғаш гуноҳини пайдо қилди.

13. Мен — Аҳурамазда яратган ўн учинчи кишвар-сарзамин пок ва ҳушбахт Чахардир. Ўшанда ўлим тимсоли Аҳриман келиб кечиб бўлмайдиган мурдаларни ёқиб юбориш гуноҳини пайдо қилди.

14. Мен — Аҳурамазда яратган ўн тўртинчи гўзал кишвар-сарзамин Варни Чохор бўлиб, Ажидахакнинг кушандаси Фаридун ўша ерда туғилган. Ўшанда ўлим тимсоли Аҳриман келиб, газандалик билан аёлларда жисмоний ноқислик ва бедаргорликни бунёд этди.

15. Мен — Аҳурамазда яратган ўн бешинчи сарзамин-кишвар Хафтруддир. Ўшанда ўлим тимсоли Аҳриман келиб газандалик билан аёлларда ўта ҳарорати баланг касалликни яратди.

16. Мен — Аҳурамазда яратган ўн олтинчи сарзамин-кишвар «Рангҳо» чашмасининг атрофидаги ерлардир. Ҳозирги пайтда бу ерда халқ бошқарувчисиз яшайдилар. Ўшанда ўлим тимсоли Аҳриман келиб, газандалик билан девлар иши бўлмиш қаҳратон қишни яратди. Бундан ташқари мен яна кўплаб гўзал, гул-гул яшнаган мамлакатларни яратганман».

Айрим тадқиқотчилар Детиёни Аракс дарёсининг эски номи дейишса, баъзи авестошунослар «Эрон Виж»нинг ҳудуди ҳозиргача аниқланмаган, у Хуросон ўлкасида бўлиши мумкин», деган хулосага келишган. «Урвитиш» эса ҳозирги Тус шаҳри оқинидадир. «Чохар» кишвари ҳам аниқланган эмас. Айрим олимлар қадимги замонларда Хуросон минтақасида «Чахар» ва «Чахра» деган шаҳар бўлганлигини уқтирадилар. Баъзи олимлар «Ҳафтруд кишвари»ни ҳозирги Панжоб вилояти, деб тахмин қиладилар. «Варна кишвари»нинг ҳудуди ва ўрни ҳам ҳали аниқланмаган. Кўп олимлар «Нисо»нинг аниқ ўрни хусусида ҳам иккиланадилар. Агар қадимги Марвнинг Туркманистоннинг Байрамали тумани ўрнида бўлганлиги ва Туронзаминнинг марказий ша-

ҳарларидан бири эканлигини ҳисобга олсак, Нисон ана шу Марв билан «уммул булдон» — шаҳарлар онаси Балх оралиғида жойлашган, деб тахмин қилиш мумкин. Шу ўринда бир мулоҳазани баён этишни истар эдик. Олим А. О. Маковельский ўзининг «Авеста» китобида ёдгорликда тилга олинган шаҳар ва минтақаларнинг номини аниқлаш борасида фикр юритар экан: «Айрим олимларнинг «Вендидод»да тилга олинган биринчи мамлакатнинг «Хоразм» деб аташларига келсак, бу сўз «Авесто»нинг бирон жойида тилга олинмайди» дейди. Афтидан муаллиф ёдгорликнинг асл нусхаси, ҳеч бўлмаса форсий матнини ўқимаган кўринади. Яштарнинг бир неча ўринда Амударё соҳилида жойлашган Хоразм юрти зикр этилган. Кейинги вақтларда «Эрон Виж»нинг Хоразм эканлиги «Авесто»даги далиллар асосида тасдиқланган. Шунингдек, Яштарда яна Арзиhi, Сузи, Фардафшун, Вовартарашти, Воварчирашти, Хунирас каби янги яратилган кишварлар зикр этилган. Авестошуносликда уларнинг қайси минтақаларда жойлашганлиги ҳали муайян бўлмаган. Жамшед, Фаридун, Афросиёб, Кайхусрав ҳақида гап кетганда улар тасарруфидаги шаҳарлар, юртлар, бунёд этилган манзилгоҳлару қалъалар ҳам тилга олинади, санаб ўтилади. Аҳурамазда яратган 16 кишвардан баъзилари Ҳот ва Яштарда ҳар хил мавридда такрор тилга олинади; тоғларнинг номлари ҳам баъзан такроран келади; янги яратилган «ҳафт кишвар» — етти мамлакат эслатиб ўтилади. Шунингдек, дунёнинг яратилиши, ер юзини тўрт океан ўраб туриши, Волга, Ҳинд ва Тигр дарёлари, қуруқлик билан сувлик жойларнинг таносиби ва бошқа маълумотлар ҳам борки, улар алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Юқорида эслатганимиз, Жамшед қурдирган ер ости шаҳарларда энг қаҳратон қишда одамлар билан бирга барча жонзотлардан бир жуфтдан, ҳамма зироат, ўсимлик ва дарахтларнинг уруғидан ҳам сақланган. Бу тафсилот Нуҳ пайғамбар замонидаги туфон воқеасини эслатади. Фарқи шундаки, Жамшед буларни совуғдан, Нуҳ эса «обу азобдан» асрайди. Ер ости шаҳарга нуқсонли одамлар ва жонзотлар



киритилмайди. Зероки, уларга «Аҳриман нафаси тек-кан».

Ер юзида пишиқ ғиштдан иморат қуришни ҳам шу Жамшед бошлаб берган. Ҳарбий қуроллар ҳамда меҳнат асбобларини яшаш, кўприклар, тегирмон қуриш, либос тўқиш, кема, паром ва гупсарлар яшашни ҳам халққа у ўргатган ва расм қилган. Оташни Жамшид кашф этгандан сўнг<sup>1</sup>, барча туман, овул, маҳалла, гузарларда Оташбон (Озарбон) назорати остида Оташгоҳлар ташкил қилинади. Бу ерда доим олов ёниб турган ёки унинг чўғи бўлган. Халқ ундан тутантириқ олиб, уйларида олов ёққан. Шундай қилиб оташ Турону Эрон халқларининг асосий ҳаётий омили, рўшнолик, покланиш, совуқдан жон асраш воситасига айланиб, муқаддаслашиб борган. Оташнинг халқимиз удумларида ҳамон бир символ-рамз тарзида сақланиб қолиши ана шу анъана билан ҳам боғлиқ. Афсуски, баъзи қадимшунослар айрим манзилгоҳларни қазिश пайтида топган улкан кулдонларга асосланиб ҳамон «оташқада» билан «оташгоҳни» бирдай талқин этиб келмоқдалар.

Баъзи Авестошунослар Аҳурамазданинг кишварлар яратишга қарши Аҳриманнинг турли-туман қаршиликлар кўрсатиши, яхшиликка нисбатан қабоҳат ва разолат кучларини рўпара қилишида «аждодаларимизнинг дуалистик қарашлари» инъикосини кўрадилар. Бу, бизнингча тўғри эмас, «Авесто»нинг бир неча ўрнида Аҳриман-Иблисни якка Тангри яратганлиги қайд этилган. Кейинчалик у такобурлашиб Аҳурамазданинг ягоналигига шак келтириб, унинг яратувчилик қудратига зид хатти-ҳаракат қилишга аҳд этган. «Кишвар яратилиши» жараёнида ҳам «кирдари бад» сардори Аҳриман ўзининг иблислигини намоён этган.

Бундан ташқари «Авесто»да яна ўнлаб шаҳарлар, манзилгоҳлар, саҳрою даштлар ҳақида бири-биридан шавқовар ва қимматли маълумотлар келтирилган. Уларнинг аксарияти Помир тизма тоғлари этакларидан, кўҳна Бақтриядан Озарбайжонгача бўлган ҳудудда жойлашган. Жумладан, Табриз, Рашт,

<sup>1</sup> Бошқа бир ривоятга кўра оловни Хушанг кашф этади.

Энзали шаҳарлари Озарбайжон минтақасига кирса, Арзаби шимолий-ғарбий Мидияда жойлашган. Харақтерлиси шундаки, «Вендидод»да зардуштийларнинг «14 марта кўчиб», яна «14 марта янги шаҳарлар бунёд этганлик»лари нақл этилади. Барча Авестошунослар «Вендидод»да тилга олинган шаҳарлар, воқеалар тарихий ҳақиқатга мос ва рост келишини тасдиқлашган.

«Авесто»даги иккинчи бир қизиқарли географик далиллар дунё тоғлари хусусидаги маълумотлардир. Икки жилдик форсий матни кўздан кечирар эканмиз, унинг турли қисмларида етти иқлимдаги тоғларнинг миқдори, тузилиши, уларда қор бўлиши ёки бўлмаслиги, доимий музликлар хусусидаги маълумотлар, тафсилотларга кўзимиз тушади. Жумладан, «Замёд Яшт»да қуйидагиларни ўқиймиз:

«Эй Спитамон Зардушт!

Ушбу заминдан дастлабки бош кўтарган тоғ билан Албурз бўлиб, бутун Шарқу Ғарб сарзаминларини ўраб олган.

Иккинчи тоғ Зардаз бўлиб, «Мануш»нинг у томонидан Ғарбу Шарқ сарзаминларини ўраб олган. Ушбу тоғлардан кейинчалик Ушидам, Ушидран ва Арзифия тоғ тизмалари ўсиб чиқди. Олтинчи Орзу тоғи, еттинчи Бумия, саккизинчи Завдит, тўққизинчи Мазишвант, ўнинчи Антардангху, ўн биринчи Арзиш, ўн иккинчи Войтигас тоғлари пайдо бўлди». Шу тартибда яна эликдан зиёд тоғ ва тоғ тизмалари санаб ўтилади ва хитобан шундай дейилади: «Эй Спитамон Зардушт!»

Шундай қилиб, дунёда 2244 та тоғ бор. Бу тоғлар ер юзини қанчалик ўраб, тўсиб олмасин, яратганининг ўзи чорвадорлару паррандапарварларга у ерларда ризқу рўз яратиб беради». Диққатга молик томони шуки, ҳар бир улкан тоғнинг 6—8 тагача тизмалари ҳам санаб ўтилади; деярли барча тоғлар саҳролардан ўсиб чиққан; айримларининг хоссалари алоҳида таъкидланади. Масалан, «Ишкат Упайирсин тоғи доимий муз ва қор билан қопланган», «Хирманд ва Киёниса дарёчалари ўшидам тоғи чўққиларидаги қалин қорларнинг эриши натижасида пайдо бўлган дарёлардир». Бундан ташқари Рай

ва Техрон шаҳарларини шимол томонидан ўраб олган Дамавон тизма тоғлари ҳам бир неча ўринда қайта-қайта зикр этилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қадимги аждодларимиз ерларнинг меллиоратив ҳолатини яхшилаш, ариқ қазिश, канал чиқариш, сув ҳавзалари — дамбалар қуришга ҳам алоҳида эътибор беришган. «Вендидод» ҳамда Яштларда қадимги Хоразмни сурориш тизими ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Баъзи лавҳаларда у ёки бу дарё шохобчаларининг пайдо бўлиши тарихи баён этилган. «Авесто»даги далиллардан маълум бўлишича, ўша даврларда биргина Амударёдан мингта шохобча ва мингта анҳор ажралиб чиққан экан. «Билгилким Ардвиссура Анаҳита минг дарёча ва минг анҳор уларнинг ҳар бир чаққон йигитнинг қирқ кунлик чопадиган йўл узунлигида бўлиб, дарёи Фарохи Карт томон оқсин. Тўлиб-тошиб оқаётган бу сувлар бора-боргунча соҳилларини сероб қилсин. Менинг измимда бўлган ана шу сувлардан етти кишварга ариқлар оқсин, суви қишин-ёзин асло камаймасин, у эркаклар пуштию аёллар сутини пок этсин». Айрим дарёнинг узунлиги, улар сув билан таъминлайдиган минтақалар аниқ кўрсатилган, таъкидланган. Агар Ҳерируд Ҳирот ҳамда унинг «атроф-жавонибини» сувдан сероб қилса, Пурут ва Ишкат тоғларидан оқиб тушадиган Новтак сувлари бир неча ўлкани обод қилади: «У ерда тезоб ва кенг дарёлар мавжуд. У ердаги кенг анҳорлар ва Наватларнинг кўпириб оқадиган сувлари Ишкат ва Пуратлардан янада қудрат пайдо қилиб, улар билан учрашиб, Марв, Ҳирот ва Суғд томонларга шиддат билан оқиб боради». Сеистонни Ҳирманд, Хомун, Хурдор, Амвонни, Сафед дарёчалари сув билан таъминлайди.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, баъзан у ёки бу дарёдан пайдо бўлган янги ирмоқлар эслатилади, айрим шохобчаларнинг вужудга келиши у ёки бу тарихий шахс билан боғланади. Масалан, Вангоздо, Уждонун Амударёнинг янги пайдо бўлган ирмоқлари бўлса, «Ҳирманд ва Каёнис дарёлари Ушидам тоғларидаги қорлар эриб, оқиб келадиган сувлардан вужудга келган», Хуштаро, Хушпо, Фардно, Хор-

нангти, Уштун, Урудо, Арзи, Зарнимитий анҳорлари кўп боғу роғлар, яйловларни обод қилиб, оқаваси Каёнис дарёсига бориб қўшилади. Бундан ташқари Каёнисга улкан Хирманд дарёсининг ирмоқлари бўлмиш Райманд ва Фармандлар ҳам келиб қўшиларкан. Амударёнинг учта ирмоғи бевосита Гуштасп, Афросиёб ва Кайхусрав сингари тарихий шахслар билан боғлиқ тарзда изоҳланади; шунинг учун ҳам улар тарихда «дарёчаи Хусрав» деб юритилади. «Вендидод»нинг айрим фарғардлари, Замёд Яшт, Ардвиссура Анахитоларда яна ўнлаб дарёлар, руд ва анҳорлар ҳақида қизиқарли далиллар бор. «Авесто»да қуёш галактикаси, ой, ер, юлдуз туркумлари, кеча ва кундуз, ойнанинг куйиши, қуёш тутилиши, ҳайвон ҳамда паррандалар олами, зарарли ва фойдали ҳашаротлар дунёси иқлимларнинг ўзгариб туриши ер, тоғ ва дарёларда юз берадиган табиий ва ғайритабиий ҳодисалар хусусида ҳам бир-бирдан ғаройиб кўпдан-кўп далиллар мавжуд. «Бу ўлкада қуёш, ой ва юлдузларнинг чиқиши ва ботиши бир йилда бир мартаба кузатилади, холос. Ўша ерларда энг яхши ва улкан ранг-баранг дарахтлар ўстирилади. Юксакликдаги хушманзара бу ерларга дунёдаги энг яхши зироатлардан экишади «Жонварони панжгона» (беш уруғли жониворлар), «Ситорағони хафтгона» (етти туркумли юлдузлар), «Ситорағони хафтранг» (етти рангда товланувчи юлдузлар) «паррандағони хафтғони» (етти уруғли қушлар), «Хафт кишвар» (бу ерда етти иқлим маъносида қўлланилган) сингари сўз ва иборалар ҳам кўп учраб туради. Ер юзини етти иқлимга бўлиб шарҳлаш, инсоният тарихини даврлар ва босқичларга бўлиб талқин этиш ҳам анча батафсилдир.

Бундай мисоллар «Авесто»да анчагина. Умуман, ёдгорликда сув тириклик воситаси, ҳаёт омили, покланувчи манба, юрт ободлигини таъминловчи асосий захира деб таърифланади; уни исроф ва ифлос қилмасликка, сув чиқаришга даъват этилади. «Тоғ жилғаларидан биттасини қуритган одам тангри қаҳрига учрайди». Бундан ташқари Фарохи Карт, Хирманд, Каёниса, Навтак, Ҳерируд дарёлари энг пок ва муқаддас сувлар сифатида кўп таърифлана-

ди: «Фарохи Карт дарёсининг суви қанчалик ширин, пок ва муқаддас бўлса, донишманд ва хушбахт Зардушт яратган дин ҳам шунчалик покиза ва муқаддасдир». Сув ҳаёт манбаи, ёруғлиқдир деганлари ҳам шундан бўлса керак. Ёдгорликдаги тоғ ва дарёларнинг номини этнографик ва топонимик тадқиқотларининг ўзи алоҳида илмий тадқиқот ёки мақолага мавзу бўлиши мумкин.

## **Оташкада — маърифат ва маънавият ўчоғи**

Мовароуннаҳр, Хуросону Эронда янги маздопарастлик-зардуштийлик дини жорий қилинган (эрамиздан олдинги VI аср) барча ноҳиялар, шаҳару қишлоқларда ибодатхона-оташкадалар қурила бошланади. Улар шоҳ Гўштасп томонидан тайинланиб, Зардушт (эрамиздан олдинги 623—554) назорати остидаги меъморлар тарафидан чизилган махсус нақша-проект асосида бунёд этилган. Турли шаҳарлар, қавмлар, чорвадор аймақларда, аҳоли ғуч яшайдиган жойлар гузарида қад ростлаган ибодатхоналар «оташкада» деб юритилган. Унинг раисини Озарбон деб аташган. Озарбон зардуштий уламолар орасидан шоҳ томонидан тайинланган. Суҳравардий «Ҳикмат-ал-Ашроқ» асарида «Оташпараст» сўзининг келиб чиқиш тарихини ёритатуриб «биринчи оташкадалар Ҳушанг, Жамшед, Фаридун ва Кайхусравлар замонида қурилган» деб таъкидланган (Ҳошим Ризоий. Зардушт. — Техрон: «Беҳжат» нашриёти, 2001. 890-бет).

Оташкалалар одатда шаҳар четидаги мазористон ёнига баландликка, 4 метрдан 10 метргача бўлган улкан таҳкурси-фундамент устига очиқ-кенг майдонга қурилган. Бино таҳкурсиси асосан қаттиқ харсанглари тўртбурчак шаклида кесиб, устма-уст ўрнатиш усулида ишланган. Тошларни бир-бирига жипслаб ёпиштиришда «ирзир» номли қоришмадан фойдаланишган. Ҳар бир оташкада жойлашган манзилига қараб ўндан юзтагача ҳужра, хона, толор (зал), қитобхона, оҳангхона (махсус созандалар жўрлигида гоҳ (мадҳия)ларни куйлашни ўргатдиган гўша)лардан ташкил топган. Агар қироатхона-

ларда кўпроқ «Авесто»нинг «Вендидод» қисми махсус усул ва оҳангда ўқишга ўргатилса, оҳангхонада 50—100 киши жамоа бўлиб, Аҳурамазданинг ягона-лигини мадҳ этувчи шахсан Зардушт томонидан яратилган қўшиқ-гоҳ(гот)ларни ижро этишни ўрганишган. Бизга қадар сақланиб қолган оташкадада му-сиқа хоналарининг мавжудлиги ҳам бу далилни қувватлайди.

Сиртдан қараганда фақат ибодатхонадек туюлган оташкадалар мамлакат ижтимоий, маърифий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Жумладан, шаҳар дод-густури (қозиси), вақф мулклари бошлиғи, қавм раиси, идораси, дорихона, дармонгоҳ (поликлиника), сиҳатгоҳ (беморхона)лар ҳам шу ерда жойлашган. Бундан ташқари ноҳия ёки шаҳар мактаб ҳамда мадрасалари типигаги билим даргоҳлари ҳам оташкада қарамоғида бўлган. Кутубхоналарда дунёдаги бошқа динлар, дунёвий билимларга доир китоблар, «Авесто» нусхалари, «Авесто» тилида битилган ҳар бири ўнлаб дафтарлардан ташкил топган қуйидаги китобларнинг дастхатлари сақланган:

1. Накатум наск: 54 фаслдан иборат бу китобда ростлик ва дурустлик, адолат, мардум ҳақи, идора йўсинлари хусусида баҳс юритилади.

2. Китоби сарнижат: қозилик низоми ва ҳуқуқи ҳақида китоб.

3. Хуспорам: деҳқонлар ва чорвадорлар ҳуқуқи бўйича баҳс юритилган китоб.

4. Сақатум наск: шоҳлар ҳукуматининг тузилиши баёни, адолат, қозилик, давлат мулки ҳақида баҳс юритилади.

5. Вендидод: таҳорат расми, мурдани кафанга олиш қондаси ва дафн маросими, табобат ва табиб бурчлари ҳақида баҳс юритилади.

6. Ходухун наск: ўлимдан кейинги ҳаёт, жаннат ва дўзах ҳақидаги китоб.

7. Стут Яшт: инсоннинг тангри наздидаги ва ўтганлар руҳи олдидаги бурчи ҳақидаги қонунлар мажмуаси. Кейинчалик бу етти китоб зардуштий уламолар томонидан паҳлавий тилига таржима қилиниб, бир филофга бирлаштирилган. Афтидан турли хужжатлар ҳамда диний китоблар сақланадиган мах-

сус идора — дижнабиштлар ҳам оташкадалар қарамоғида бўлган.

Айрим тадқиқотчилар бу маънавият масканларида Зардуштнинг мадҳиялари алоҳида китоб сифатида кўп нусхада кўчирилиб, сақланган, деган фикрни ҳам илгари сурадилар. Бу ерда китобдордан ташқари ўнлаб авестохонлар, кўҳна ривоятлар донишмандлари — ноқил ва ровийлар фаолият кўрсатишган. Дорихоналарда эса ўнлаб халқ табиблари, доришунослар турли гиёҳлардан махсус дорилар тайёрлашган. Доривор гиёҳларнинг сони мингдан зиёд бўлган. «Авесто»даги баъзи қайд, ишораларга қараганда оташкададаги барча сарф-харажатлар подшо ёки ҳоким томонидан ажратиб берилган вақф мулки даромадидан қопланган. Сиҳатгоҳда ҳар хил касалликлар 11 усулда даволанган. Дармонгоҳ ва сиҳатгоҳларда соҳа кишилари пизишк — табиблардан ташқари турмуш қурмай, ёши 21 дан ошган қизлар жамоа йиғини ҳукми билан маош бериб ишлатилган. Бу ердаги даволаш тизимида дуо ва жарроҳлик йўли билан даволаш ҳам қўлланилган. Ҳомилани жарроҳлик усули билан олиш ҳам жорий қилинган.

Машҳур шарқшунос, паҳлавий тилининг донишманди, мутаржим О. М. Чунакованинг аниқлашича, «Шоҳнома» битишга интилиш форсларда қадимулайёмдан мавжуд бўлган экан. Жумладан, паҳлавий тилида ёзилган «Шоҳнома»нинг нусхалари оташкадаларда қироат этилган ва кутубхоналарда сақланган. Акбаршоҳ замонида салтанат хазинасида «Шоҳномаи паҳлавий»нинг нодир нусхаси сақланганлиги ҳам бу мулоҳазани яна бир қарра тасдиқлайди.

Мазкур ибодатхоналар давлат юмушларини бажаришда ҳам ҳокимларга яқиндан кўмаклашган: «Сидрапўши», «Камарбастан» удум-синовлари шу ерда ўтказилган. Ёшларни аскарликка сафарбар этиш, канал қазииш, дамбалар қуриш, фавқулодда табиий офатларнинг олдини олиш учун оммавий ҳашарлар ташкил қилиш, ҳар хил байрамлар, сайллар ўтказиш ҳам бевосита оташкадалар фаолияти билан боғлиқ бўлган.

Оташкадалар турли табиий офатлардан эҳтиёткорлик юзасидан баландлик устига хом ва пишиқ гиштлардан қурилган. Бундай оташкадалар Урганч, Термиз, Балх, Бомийён, Марв, Меҳан (Туркменистон), Хутгалиён (Тожикистон), Табрез, Язд, Сеистон, Исфаҳон сингари қадимий шаҳарларад қад кўтарган. Ҳиндистоннинг Кома ҳамда Эроннинг Исфаҳон вилоятларидаги оташкадаларнинг қолдиқлари нисбатан бутунроқ сақланиб қолган. Сосонийлар даврида 10 метр баландликка қурилган Исфаҳон оташкадасининг ўнлаб ҳужраси деворлари бизнинг замонамизгача мукамал сақланиб қолган. Язд Оташкадаси энг кўркам ва улкан бўлиб, ҳозир ҳам фаолият кўрсатади. Академик А. Асқаров Сурхондарёдаги Ёрқўтан харобаларини қазиш пайтида улкан оташкада қолдигини топган. У ҳам махсус толар (зал) ва юзлаб ҳужралардан ташкил топган экан.

Демак, илк куртаклари ўлкамиз ҳудудида эрамиздан олдинги IX асрларда пайдо бўлиб, VI асрда узил-кесил шакланган, якка Тангри ғоясини кашф этган маздопарастлик, яъни зардуштийлик динининг ибодатхоналари бўлмиш оташкадалар диний аҳкомларни кенг халқ оммасига сингдириш, турли-туман диний қоида, удум ҳамда иримларни бажарадиган маскан бўлиш билан бирга илм-фан, ижтимоий фикр ҳамда маънавият масканларидан бири бўлган. Уларда жамиятнинг жуда кўп ижтимоий-сиёсий, маърифий масалалари бажарилган, ҳал этилган.

Бундан ташқари оташкадалар маънавиятимизнинг ҳам чинакам маркази ҳисобланган. Чунки «Авесто»да эрамиздан олдинги бир неча юз йилликлар давомида иқтисодий, сиёсий, илмий, ҳарбий ҳаётга, ҳуқуқ-низомга доир нодир мулоҳазалар билан бирга инсоннинг руҳий, маънавий оламининг ранг-баранг қирраларига оид фикрлар сон-саноксиз. Зардушт янги маздопарастлик динининг туб моҳияти ҳақида гапириб, нутқларидан бирида қуйидагиларни уқтиради: «Бу дин турли қавмларни ҳамжиҳатлиқда, дўст-биродарлиқда яшашга даъват этади, жангариларнинг йўлини тўсади». Демак, зардуштийликнинг бош шиори яхши иш, яхши хулқ ва яхши амал бўлганидек ирқи, қавми, аймоғи, динидан қатъи назар ҳаммани



башарнинг ягона аъзоси деб билади, динни рўқач қилиб мунофиқлик билан, эл орасига ноиттифоқликни ёядиган ҳар хил риёкор оқимларни қаттиқ қоралайди. Яштларда олижаноб инсоний фазилатлар ғайриинсоний хатти-ҳаракатга, шаръий амаллар ғайришаръий ишларга зид қўйиб тасвирланган, баён этилган: «Биз истаймизки, бу юртда фармонбардорлик, бўйсунмаслик, сулҳ жанжал, тўғрилиқ эгрилик, ғайратлилик танбаллик, ростсўзлик ёлғончилик, адолат зулм устидан ҳамиша ғалаба қилсин». Ҳотларда қайта-қайта уқтирилишича, бу дин жоҳилият ўрнига маърифатни, жанг ўрнига сулҳу амниятни барқарор этиш учун пайдо бўлган. Маълумки, ҳамма замонларда маънавиятнинг инкишофи илмадаб аҳлининг, мударрису муаллимларнинг тафаккур даражасига, ўз вазифасига жонфидолик билан муносабатига, халқ, Ватан наздидаги масъулиятни нечоғлиқ ҳис этишларига боғлиқ бўлган; шунинг учун ҳам «Авесто»да муаллим ва устозлар маънавият дарғалари сифатида мадҳ этилган. «Шаҳару қишлоқларда, қолаверса, бутун мамлакатда халққа маънавиятдан таълим берадиган муаллимларни Оша йўлини тутганлари учун, ҳар бир хонадонга янги дин аҳкомларини олиб кириб, эл ардоғига соҳиб бўлганликлари учун мадҳ этамиз, олқишлаймиз».

Гоҳларнинг дастлабки бандларида Зардуштнинг ўзи кашф этган мутлақ моя — ҳар икки оламнинг яратгувчиси Аҳурамаздаги илтижолари ўз ифодасини топган. Уларда, бир томондан, янги дин пешвосининг ҳаёт зиддиятлари, дунё носозланиб, ер юзини жоҳилият тарафдорлари босиб кетаётгани ҳақидаги ташвишларию руҳий изтироблари ифодаланган бўлса, иккинчи томондан эса у Тангридан одамларга «бахрўзлигу шодмонлик» бахш этишни, «илоҳий каломлар воситасида гумроҳларни яхшиликлар манзилига бошлашда» қўллашни сўрайди: «Оламнинг ободлиги, жаҳоннинг осойишталиги учун жидду шаҳд қилмоқ, уни асрамоқ ва ёруғликка томон элтмоқ кераклиги» хусусида қайғуради, аҳдида собитлигини таъкидлайди.

Юқорида уқтирганимиздек, «Авесто»нинг турли қисмларида халқлар биродарлиги-ю ҳамжиҳатлиги,

эл-юрт бутунлигини асрамоқ, фаровонлигини таъминламоқ учун бирлашишга даъват, аҳду паймонларга садоқатли бўлишга, қариндош-уруғчиликни эъзозлашга ундов хийла кучлидир. Хурмуздга мурожаатлардан бирида ўқиймиз: «Мен сени ардоқлайман ва сендан ўтинаман: ишончсизлик ва сустниятлилик ўртадан кўтарилсин. Қариндош-уруғлар калтафаҳмлиқдан, ҳамкорлар, яқинлар алдовидан, дўст-ёронлар фитна аҳлидан омонлиқда бўлиб, олам ёмон раҳбарлардан халос бўлсин». Бошқа бир бандда эса ер юзида адолат ва ҳақиқатни пойдор қилмоқ учун поктийнат кишилар билан бир тан, бир жон бўлишга чақирилади: «Эй эзгу ниятга кўнгил кўйган, дил боғлаган зотлар! Фазабни ичга ютинг, жаҳлнинг баҳридан ўтинг; ўзни тундлик, жоҳиллик қаршисида янада қудратлироқ ва саботлироқ тутинг. Оша — ҳақиқатнинг ер юзида ёймоғи, пойдор ва устувор бўлмоғи учун пок мардлар сафига кўшилиш». Яна бир гоҳда эса Зардушт қабиладошларига «душман зулми ва озори муқобилида бирлашайлик» деб мурожаат этади. Бундай бешликлар ҳар бир росткирдор, дурустгўй, собитамал маздопараст қалбида, ҳар бир китобхонда жасорат, ватанпарварлик, бирлигу ҳамжиҳатлик руҳини пайдо қилади ва тарбиялайди.

Задустийлик таълимотига кўра ҳар бир маздопарастнинг руҳан ва хулқан комиллиги, унинг яхшиликка юз тутиб, рост йўлни танлаб, дунёвий билимларни ўрганиб, ўз касбини эъзозлаган ҳолда Аҳурамазда фарзларини нечоғлиқ адо этиши билан белгиланган. Зероки, қўш ҳайдаб, дон эккан, чорвани парваришлаб, чўлда боғ яратган, ернинг захини қочириб, шўрини ювиб зироат эккан зардуштийнинг равони пок, хулқи хуш, амали чин бўлади. «Яхшилик йўлини кўрсатган, бизни яхшилик чорраҳасига элтган Маздонинг энг рост донишини қабул қиламиз. Чунки у барча билим ва ҳунарларнинг калитидир». «Вендидод»да таъкидланишича, соч, соқол, тирноқларни ўз вақтида олиб туриш; юз-қўлни бир кунда беш маҳал ювиб юриш инсоннинг руҳини пок, қалбини чоғ бўлиб юришини таъминларкан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳот ва Яшт-

ларда инсонпарварлик, ватандўстлик, бандаларга ҳамиша яхшиликни раво кўрмоқни тарғиб қилиш, танбаллик, ғафлат ва лоқайдликни қоралашга бағишланган бандлар кўпдан-кўп учрайди. Улар гоҳ Зардушт нутқлари қобифида, гоҳ пайғамбарнинг Аҳурамаздаги мурожаати, саволари ва Тангрини унга жавоби баёни таркибида келади. «Дурустқирдорларнинг энг яхши фазилати янги жаҳонни кўришга интилмоқдир», «Тангри шому саҳар ўзгаларга ёрдам қўлини чўзадиган бандаларини ёқтиради», «Эй Аҳурамазда! Менга етук ва ишбилармон, диншунос, анжуманоро, ватанпарвар, хушхулқ, инсондўст, оғиримни енгил қиладиган фарзанд бер. Токим у хонадоним, қишлоғим ҳамда юртим овозасини оламга ёйсин». Яштларнинг қайси бандини ўқиманг, диний қонун-қоидалар, фарзу суннатларнинг тарғиби билан бирга маънавиятнинг барча қирраларига дахлдор фикрларга дуч келасиз. Масалан, бир бешликда беҳуда қирғин урушларда зарар кўрганларга мадад беришга даъват этилса, бошқа бирида кишиларга ситам қилмоқ, зарар етказмоқдан йироқ юришга чақирилади: аччиқзабонлик, дилозорлик қораланади.

Маълумки, инсоннинг маънавий етуклиги унинг дўстликка садоқати, кечиримли бўла билиши, жоҳилларнинг қалбини ҳидоят нури билан ёрита олиши, ёмонликка яхшилик билан жавоб бера олиши каби олижаноб ҳолатлар билан белгиланади. «Авесто»нинг турли қисмларида ана шундай файзу фазилатларни тарғиб этадиган кўплаб парчаларни, алоҳида банд ва фаргардни учратамиз. «Ўзгаларни яхшиликка йўллай олган одамларнигина яхши одам дейиш мумкин», «Тангри ростгўйларнинг нигоҳбонидир», «Менга ҳамиша ғайрат ва шижоат бахш эт. Мени ҳамиша ғафлат уйқусидан йироқ тут», «Қаерда икки тан бир-бирини қўлласа, ўша ерда иш юришади», «Мен бу юртда чорвачиликни ривожлантириш йўлида заҳмат чекаётган одамларнинг озодлигини истайман, уларнинг ўзаро борди-келди қилиб яшашларини таъминлайман». Демак, Тангрининг шиори ер юзида ҳамиша осойишталик, унибўсиш, фаровонликни таъминлаш. Бандаларининг

имон-эътиқоди, амалларининг оқибат натижаси ҳам ана шу бирлик, маъмурчиликни таъминлашга қаратилмоғи зарур. Бундан ташқари «Виспарад» ҳамда «Вендидод» қисмларида ҳам инсон маънавияти билан боғлиқ мулоҳазалар кўп. Чунончи, поклик ва ростлик ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир. Зардушт ақидасича Аҳурамазда дини бу поклик ғояси. Шунинг учун у мардумларга ростлик ва поктийнатликни элтади. Зардушт Тангрига мурожаат этади: «Эй Аҳурамазда! Яхшилик элчиси менинг ҳузуримга келиб илк бор аҳкомларингдан сабоқ олган кундан бошлаб сени поклик билан кашф этганман. Сенинг паёмларингни халққа етказиш қанчалик машаққатли бўлмасин, сенинг аҳкоминг мен учун мўътабардир. Мен уни ўз эгалари — мардумларга албатта етказгум!» Шунда Аҳурамазда деди: «Ўзгаларга рўшнолик истаган одамнинг йўли албатта ҳамиша нурафшон бўлғай!» Одамнинг танаси ҳам, сўзи ҳам, иши-ю тафаккури ҳам пок бўлмоғи лозим, дейилади фарғардлардан бирида.

Бошқа бир ўринда Зардушт ўзининг ҳаёт, тиркичилик, юртга, инсонларга беҳрўзлик келтириш зарурлиги хусусидаги мулоқоти жараёнида Тангридан қуйидагиларни сўрайди: «Одамлар орасидаги ишончсизлик орадан кўтарилсин, қардошларда бири-бирига душманлик бартараф бўлсин: ҳамкор ва ҳаммаслаклар ғаламислардан қутулишсин, жаҳон ёмон раҳбарлар қўлидан халос бўлсин!» Худди шу ўринда бадхоҳу нарровобин, жоҳилу бадбинлар қаттиқ қораланади. «Бедин тонг саҳарлаб она замин ва Хуршедни кўришни ўзига гуноҳи азим деб билади, халқ қалбидан Яздон сўзларини кетказишга интилади». Демак, «Авесто» маънавиятимизнинг илк сарчашмаларидан биридир. Унда имон, эътиқодда собитлик, илм ўрганиш, касб-кор эгаллаш, халқни адолат, маърифат, инсондўстлик, ватанпарварлик, она сайёрани эъзозлашга ҳидоят этишга даъват бош масала ҳисобланади. Инсон маънавий жиҳатдан пок ва комил бўлса касб-ҳунар, илм билан ризқ топиб яшаса, унинг имони бут бўлади, эл назаридан қолмайди. Фафлат, танбаллик, жоҳилликка элтади, жоҳиллик эса беватанлигу жангариликка элтади. Бун-

дайлар Тангри қаҳрига, эл лаънатига учрайди. Хулоса қилиб айтганда, «Авесто»да кишилар ҳаётининг барча жабҳалари, хатто эл, юрт осойишталиги, мамлакатдаги вазиятнинг беқарорлиги-ю ўзи ҳақида эмас, ўзгалар хусусида ғамхўрлик қилиш, уларнинг иззат-нафси, тақдирини ҳисобга олиш ҳақида ҳам ҳамон ўз моҳиятини йўқотмаган мулоҳазалар, пандлару даъватлар хийла бисёр. «Ҳот» ва «Яшт»ларда айниқса тинчлик учун курашга, ўзгаларга беҳрўзлик тилашга чорловчи бандлар анчагина. «Биз юртимиз, манзимиз тинч бўлишни истаймиз, хонадонларга осойишталик ҳукмрон бўлсин». Ёдгорликнинг барча қисмларида инсонларни яхшиликка даъват этиб, ҳамиша ўзгаларга наф етказишга ундов ҳам хийла кучли. Жумладан, «Хурмузд яшт»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Биз Аҳурамазданинг яқин дўстларидан бўлишни истаймиз. Чунки биз барчага яхшилик истаб, андишаи нек билан фикрлаймиз, гуфтори нек билан сўзлаймиз, кирдори нек билан ишлаймиз... Зеро ўзгаларни беҳрўзликка етказган одамгина ҳақиқий инсондир». Биз ушбу мухтасар лавҳада «Авесто» маънавиятининг айрим жиҳатлари хусусидагина мулоҳаза юритдик, холос. Бу соҳа бўйича махсус, жиддий тадқиқотлар олиб бориш маънавиятимиз сарчашмалари нақадар узоқ тарихга, теран томирга эга эканлигини янада мукамалроқ идрок этишга кўмаклашади.

## **Ҳуқуқшунослигимиз сарчашмаси**

Башарият улкан умидлар, эзга ниятлар билан учинчи минг йилликка қадам қўйди. Янги аср халқлар ўртасида тинчлик, барқарорлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик асри бўлиб қолади, маданиятлар бир-бирига янада яқинлашади, деган улуғ умид ҳар бир инсон қалбини мунаввар этиб, унга кўтаринки руҳ бағишламоқда. Ҳуқуқий демократик дунёвий давлат қуриш ва бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ишқи билан астойдил меҳнат қилаётган республикаимиз халқлари бу асрни миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини такомиллаштириш билан

қарши оладилар. Зеро, «Миллий истиқдол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тарққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур»<sup>1</sup>, — дейди Президент И. А. Каримов.

Миллий ғоя ва истиқдол мафкурасининг шаклланиши ва такомиллашувида миллий, маънавий-маданий мерос ва унга илмий-ижодий муносабат алоҳида аҳамият касб этади. Миллий ғоя ҳуқуқий демократик давлат ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ва давлатчилигимизнинг миллий асосида вужудга келишни маънавий-руҳий жиҳатдан йўналтиргандагина у янги, умумий қадриятларга айланиши мумкин.

Маълумки, Туронзамин энг қадимий маданият марказларидан бири эканини Ғарб ва Шарқ тадқиқотчилари исботлаганлар. Масалан, оромий ёзувлари бу ерларда 5 минг йил муқаддам юзага келиб, маданий тараққиётда катта бир сакраш содир бўлган. Грек тарихчиси Геродотнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда ҳақиқат тартиб ўрнатувчига сифиниш зардуштийлик дини шакллангунга қадар ҳам мавжуд бўлган. Қадимги аждодларимиз эътиқод қилиб келган Митранинг асосий ақидаси ҳақиқат ва ўртоқлик (дўстлик) бўлган. Ҳақиқатга сажда қилиш — дўстга бўйин эгиш бўлиб, у буюк қонун ҳисобланган. Ҳақиқатга сажда қилиш маросимларида йигитлар қиличлари билан қўллардан қон чиқариб, дўстга содиқ қолиш учун қасамёд қилганлар. Турк йигитлари камар тўғаларининг икки томонидан одам юзи қиёфаси ифодаланган бўлиб, ҳар икки тўға қўшилгандагина одамнинг икки юзи пайдо бўлган. Бу тўғалар одамлар ёвузликка қарши бирлашиб курашганларидагина чинакам инсоний си-

---

<sup>1</sup> Ушбу бўлим фалсафа фанлари доктори, профессор И. Каримов билан ҳамкорликда ёзилган.

фатларга эга бўлишлари мумкин, деган ғояга бир ишора эмасмикан. Бу Шарқ ва Ғарб халқларини инсонпарварлик ғоялари асосида илмий техника инқилоби шароитида улар ақл-идроклари маҳсули бўлган фан-техника ютуқларини янги бунёдкорлик томонга буриб юбориш рамзи бўлиб қолса, ажаб эмас. Буюк аллома Абу Али ибн Сино давлат емирилгач, ўша давлатни шакллантирган шахслар руҳи яшаб қолади, бинобарин, ана шу руҳни тиклаш, уни бугунги авлодлар руҳига пайванд этиш орқалигина тараққиётга эришиш мумкинлигини таъкидлаган эди. Бу билан Ибн Сино фалсафа фанидаги барча соҳада ворисликни сақлашнинг бағоят муҳимлигига эътиборни қаратган эди. Демак бугунги ўзбек давлати ўша қадимги ва Ўрта асрлардаги турк давлатчилигининг ҳуқуқий вориси сифатида шакллансагина у мустаҳкам асосга эга бўла олади, деб ўйлаймиз. Француз тадқиқотчилари инсонпарварликнинг дастлабки шакли орийлар руҳи сифатида Марказий Осиёдан Хитой, Ҳиндистон, Оврўпага кириб борганлигини исботлаганлар. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, эрамиздан олдинги VI асрларда узоқ Шарқдаги Амур дарёсидан тортиб Волга бўйлари-гача ҳамда бутун Кичик ва Ўрта Осиё орларини ўз ичига олган турк давлати бўлган. Милоддан олдинги V асрда Олтой ва унинг атрофида «Баланд арава» номи билан аталган турк давлати ҳукм сурган. Хитой манбаларида Хун ва Сўғд қони бўлган турклар «Самовий мағрурлар» деб аталади ва улар дўстлик ҳамда биродарликни жуда-жуда қадрлаганликлари таъкидланади.

Бу фикрлардан маълум бўладики, инсоният тарихида энг жиддий бурилишни бошлаб борган зардуштийликнинг айнан Марказий Осиёда юзага келиши батамом қонуний ҳодисадир. Файласуф Карл Яснерснинг фикрича, эрадан 800—200 йиллар ўтгач жаҳон динларининг асослари яратилдики, барча соҳалар йўналишларида ялпи умумийлик (универсаллик)ка интилишга ўтила бошланди. Ўша пайтларда нимаики ўйланган ва бунёд этилган бўлса, башарият шу кунгача ўша мақсадлар билан яшаб келмоқда.

Зардуштийликдаги эзгуликни қарор топтириш ғоясини инсонпарварликнинг буюк тамал тоши, деса бўлади. Шу ғоя асосида шакланган давлат ва жамиятда одам энг олий қадрият даражасига кўтарилади. Аҳурамазда ўз бандаларига ирода эрки бериб, эзгуликни ёвузликдан ажрата билишни, фақат ёвузликка қарши кураш жараёнидагина қачонлардир жамиятда эзгулик барқарор бўлишини айтади.

«Авесто»да жамият бир бутун ижтимоий тузум сифатида тасвирланади ва бунда давлат муассасалари билан бирга жамоат ташкилотлари баҳамжиҳат фаолият кўрсатишлари кераклиги таъкидланади.

Жамиятда эса шоҳ, бош вазир (у айна пайтда бош қўмондон), вазирлар, бош мўъбод (коҳинлар сардори), қўшин бошлиқлари, сарбозлар, олимлар, мударрислар, табиблар, устоз, муаллимлар, воизлар, ҳунармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар, раис, боғбонлар, додгустир, мироб, котиб ва шу сингари ижтимоий табақалар бўлиши айтилади. Айна пайтда улар тавсифланиб, ҳуқуқ ва бурчлари батафсил баён этилади.

Жамиятни бошқариш учун Илоҳий Низом ва Одил Низом (Оша) зарурлиги айтилиб, давлат маҳкамаларида ва жамоат ташкилотларидаги барча йўналишлар шу Низомлар доирасида фаолият кўрсатишлари керак бўлади. Илоҳий Низом талаблари «Авесто»нинг «Вендидод» ва «Ҳот» дафтар (китоб)ларида баён этилган. Илоҳий Низомларга кўра одам фаолиятининг барча йўналишлари эзгулик руҳи билан суғорилган бўлиши шарт. Аҳурамазда одамларни эзгу фикратда, эзгу каломда ва эзгу амалда сусткашлик қилмасликка даъват этади.

Оламни яратган, эзгулик нурини таратган ва одамлар фаолиятини ўз фаришталари орқали назорат қилиб борадиган Аҳурамазда (Ягона тангри) «Вендидод»да одамлар ёмон фаолиятлари учун шу ёруғ дунёда жазоланиши кераклигини Зардуштга тайинлайди. Масалан, кимда-ким била туриб дин ва эътиқодни бир зардуштийга ўргатмаса арзон ўлим билан жазоланиши кераклиги айтилади.

Таълим ва тарбия жараёнида устоз ва шогирд бурчи ҳамда масъулияти Низом-қонунда белгилан-



ган. Бунга кўра Устоз Аҳурамазда ўғитлари ва талабларини қандай бўлса шу мазмунда ўқувчига етказиши керак бўлган. Ўқувчилар илоҳий ва дунёвий Низом талабларини яхши ўзлаштириб олишлари зарур бўлган. Қизлар 7 ёшдан 15 ёшгача, ўғил болалар эса 7 ёшдан 17 ёшгача ўқиши мажбурий ҳисобланган. Кейин ихтиёрий равишда ўқишни давом этириши мумкин. Аҳурамазда ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилиши ва тириклик идрокини вайрон айлашини айтиб, ундай кишилар одамларни ростликнинг бебаҳо сармоясидан ва эзгу ниятдан бебаҳра айлашига эътиборни қаратади. 33-Ҳотда «Ҳар бир киши бу дунёда тирикликни бунёд этувчи қонун бўлган Оша — ҳақиқат таълимоти асосида яшаши лозим», дейилади. Шу ҳотнинг 3-бандида бундай дейилади: «Ҳар ким ҳақиқат йўлида зардуштий билан — хоҳ қариндоши, хоҳ ҳамкори, хоҳ дўст-ёри бўлсин — энг яхши алоқада бўлса ва кимда-ким ўз ғайрати туфайли мавжудотни ҳифз-ҳимоя айласа, ҳақиқат — Оша ва эзгу ният саройида абадий саодатга восил бўлажак».

«Вендидод» Зардуштнинг турли ҳаётий масалаларга оид Аҳурамазда — ҳақиқат ва Олий ҳакамга мурожаати ва олган жавоблари асосида тузилган. Унда шахсий, оилавий-маиший ҳаётдан тортиб ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий соҳаларгача ҳар бир одам феъли-атвори, хатти-ҳаракати, бутун фаолияти қандай бўлиши кераклиги уқтирилади. Масалан, бировнинг айби билан бўғоз ит ўлса, ўша одам ўлимга маҳкумдир. Кимдаким ҳайз кўрган аёл билан жинсий алоқага кирса, унга ҳам арзон ўлим вожибдир. Агар эркак киши балоғатга етган қиз ёки жувонни ҳомиладор қилган бўлса ва у аёл номусига чидай олмай гўдакни нобуд қилса, эркак ва аёл қатл этилиши айтилади. Эркак киши аёлни хоҳ никоҳда, хоҳ никоҳсиз ҳомиладор қилиб қўйса, гўдак дунёга келиб балоғатга етгунга қадар эркак уни ўз қарамоғига олиши керак бўлган. Мабодо эркак аёлни етарлича ҳимоя қила олмаса ва гўдакка шикаст етса, ундай эркакка ўлим тайин этилади. Нафақат одам зоти, балки уй ҳайвонларига ҳам илтифот

кўрсатиш ҳар бир диндорнинг бурчи ҳисобланган. Уларни эъзозламаган, озор берган одамлар албатта жазоланган. «Бандалари Зардуштнинг буюк каломига содиқ қолишга ўзини бурчли ҳисоблайди». «Мен — Зардуштийман! Бутун вужудим жон-танним билан дев ва девпарастларнинг душмани ҳақпарастлар паноҳиман».

Илоҳий Низом руҳи билан суғорилган Одил Низом талаблари бажарилишини назорат қилиш ва тегишли қарорларга келиш ҳар бир овул, қишлоқ ва туманда ташкил этилган жамоа маҳкамалари Оташқада (ибодатхона) қошида бўлган. Раис, додгустир (қози — судья) ҳамда бош мўбадлар раҳбарлигида жамоа йиғини чақирилиб, эл ҳамда Ватан тақдири билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган ва муайян қарорлар қабул қилинган. Чунончи, йигитларни ҳарбий хизматга жалб этиш, канал қазилмоқ каби оммавий сафарбарлик ишлари ана шу йиғин қарори билан амалга оширилган.

«Вендидод»даги ҳуқуқий қарашларни — жиноятларни шартли равишда қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. Динга қарши жиноятлар: ғайридин билан никоҳга кириши қоҳинни ҳақоратлаш, мансабни суистеъмол қилиш.

2. Шахсга қарши жиноятлар: ҳужум, таҳдид солиш, ҳомилани тушириш, аёлга ҳомиладорлик пайтида шикаст етказиш.

3. Ҳайвонларга, уй ҳайвонларига, хусусан, турли хилдаги итларга қарши жиноятлар.

4. Мулкий жиноятлар: ўғирлик, қароқчилик, паймоншиконлик, талон-тарож, босқинчилик.

5. Ахлоқий жиноятлар: фоҳишабозлик, зўрлаш, эр-хотинларнинг хиёнатини, қасддан оила қурмай юриш, никоҳ қоидаларини бузиш, зино, хиёнат.

6. Табиатга қарши жиноят: ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузиш, ернинг мелиоратив ҳолатига қарамаслик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидасини, жамоат ва шахсий гигиенани бузмоқ, боғ-роғ, резаворга зарар етказмоқ, сувни исроф қилмоқ, бетартиб бутазор яратмоқ, дарахт ўтқазмоқ.

«Авесто»да бу ва бошқа хил жиноятларга бериладиган жазо ёки улар ҳар хил мажбурият ҳамда жарималар билан алмаштиришнинг аниқ меъёри ёхуд мезонлари белгилаб қўйилган. Масалан, денгиз кучугини ўлдирганга белгиланган жазо билан чўпон итини ҳалок этганнинг жазосида ҳам, жаримасида ҳам жиддий фарқ бор. Ёки ҳовуздан ювилмаган кўзада сув олган билан буғдойзорни пайҳон қилган, дарахтнинг шохини синдирганга бериладиган жазолар ҳам ўзаро фарқ қилади. Демак, гуноҳ учун бериладиган жазо тартиблари қатъий низомга, қонун тусига кирган бўлган.

Подшоҳ ва вазирлар муҳим давлат аҳамиятига молик ишлар билан банд бўлганлар. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш маҳкамалари самарали ишлари учун унга ёрдам берганлар. Аммо уларнинг ички ишларига ҳуда-беҳудага аралашавермаганлар. Бу ҳол маҳаллий маҳкамалар ва «эркак уйлар»и каби (ҳозирги чойхоналарга ўхшаш) жамоат муассасалари масъулиятини ошишига имкон туғдирган. Ҳар бир одамнинг феъл-атвори хатти-ҳаракати бутун фаолияти жамоатчилик назорати остида бўлиб, уларнинг мусбат ва манфий жиҳатларини белгилаш мезони — Илоҳий ва Одил Низомлар бўлган. Маълумки, қадимги Эрон Виж (Хоразм)да қаҳратон қишларда жон сақлаш учун йимкард (ер ости шаҳар)лар қурилган. «Авесто» ва «Бундахшин»да йимкардларнинг бошқарув тизими қонунлари ҳам батафсил баён этилган. Шунингдек, илк зардуштийлик давридаги туроншоҳ Аржасп ва унинг давлати тафсилотлари ҳам мавжуд. Атроф-муҳит тозалиги ва жамоат жойлари покизалигини махсус кишилар назорат қилиб борганлар. Кимда-ким тозалик ва озодаликка риоя қилмаса, уларни аввало, ўзи тартибга чақирган ва қилган иши учун жавобгарликка албатта тортилган. Дарахтнинг бир шохини синдирган ҳам, нопок кўзани ҳовузга солган ҳам 25 қамчи калтакланиш билан жазоланган. Турмушга чиқиб зурриёт қолдириш кераклигини унутган балоғат ёшидаги қизлар қопга солиниб 50 қамчи калтакланган. Балоғатга етиб, уйланмай юрган йигитлар эса темир камар боғлаб юриши шарт бўлган. «Авесто»да оила мустаҳкам-

лиги, аёл эрки, хотин-қизларнинг жамоат ишлари, ибодат маросимларида эркаклар билан тенг иштироки ҳам алоҳида таъкидланган. Бу масала ёдгорликнинг деярли барча қисмларида ўз ифодасини топган.

Зардуштийликда бир эркакка бир никоҳ раво бўлган, холос. Эр-хотиннинг бир-бири билан келиша олмаслиги, келиннинг қайнана ёки қайнатага ёқмаслиги, фитна, бўҳтон, чақимчилик туфайли оиланинг бузилиб кетишига маҳалла-кўй, жамоатчилик сира йўл қўймаган. Никоҳ томонларнинг бирида жинсий ёки руҳий ноқислик мавжуд бўлган тақдирда ёки хиёнат содир этилган ҳолдагина бекор қилинган. Зино ва зинокорлик қаттиқ қораланган. Зинокорлар 14 та ариққа кўприк солиб бериш билан ўз гуноҳларини ювиши мумкин бўлган. Бундан ташқари «Вендидод»да яйлов ва экинзорларни пайҳон қилган, хонаки ҳайвонлар, ов ёки чўпон кучугига озор етказган, уларни қасддан ёхуд билмай ўлдириб қўйганларга қўлланиладиган жазо, жарима тартиб меъёрлари ҳам батафсил баён қилинган.

Ижтимоий ёки хусусий мулкка кўз олайтирган ва уни ўғирлаганлар, қароқчи ва йўлтўсарлар ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бировнинг жонига қасд қилганлар Ватан хоини сифатида дорга осиб ўлдирилган. Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ҳукм ижро этилгунга қадар канал қазиш, ҳовуз ва қудуқлар кавлашда ишлатилган.

Умуман, ҳар бир соғлом одам диний талаб ва низомларни бекаму кўст бажариш билан бирга ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиши шарт бўлган. Айни чоғда, унинг Низомларга риоя қилиши муқаддас бурчи ҳисобланган. Илоҳий ва дунёвий қонун-қоидаларни ҳурмат қилиш, қадрлаш руҳида тарбияланган жамоатчилик муҳитида қонунларни бузиш ҳоллари камдан-кам одамда учраган. Низом-қонунни бузган киши дарҳол эл-юрт одида шармандаю шармисор бўлган. Ундай одамдан қариндош-уруғ, ёру биродарлар ҳам юз ўтирган. Жамоатчилик нафратига дучор бўлган кишининг истиқомат жойларида бош кўтариб юриши амри маҳол бўлган. Ҳуқуқшунослигимизнинг сарчашмалари шун-

чалар тиниқ, шунчалар тугалки, биз уларни ўрганишимиз, улардан ижодий фойдаланиш малакасини ўзимизда ҳосил этишимиз бағоят муҳимдир.

Албатта, аждодларимизнинг меросини қандай бўлса, шундайлигича ўзлаштириш керак, деган фикрдан йироқмиз. Аммо ҳуқуқий демократик давлат қуришимизга азму қарор қилган халқимий ўтмиш маънавий меросига ижодий ёндашиб, бугунчи барча ижтимоий муносабатларни такомиллаштирсалар, айти муддао бўлар эди. Айтиқса, одамларни, аввало ёшларни қонунларни ҳурматлаш, қадрлаш руҳида тарбиялашда қадим аждодларимизнинг тарихий тажрибалари қўл келиши мумкин. Чунончи, қонунлари сўзсиз бажариш механизмини вужудга келтиришда, бунда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш каби муассасалар ишларини юқори савияга кўтаришда аждодларимизнинг бой тажрибаларига таяниш жиддий аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

### **«Авесто»да оила ва аёл эрки талқини**

Жамият аъзоларининг ярмидан кўпини ташкил қиладиган хотин-қизлар барча замонларда моддий ва маънавий неъматлар яратишда эркаклар билан бақамти заҳмат чекиб келганлар. Кўҳна Шарқ тарихи зарварақаларидан аёл заковатию жасорати, карматию матонати хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳамма маънавияти юксак юртларда аёллар оила сардори — она, элнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида аъвозланган, эрки муҳофаза қилинган.

«Авесто»да ҳам оила эрки, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, онанинг хонадондаги мавқеи масалалари турли ўринларда ҳар хил муносабатлар билан махсус қайд этилган, изоҳланган. Зардуштийликда қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Зардушт таълимотича ҳар бир ота-она ўз қизини балоғат ёшига (15 ёшга) етгунча замонасининг барча ҳунарларини билишини таъминлаши, мол боқишу рўзғор тутишни мукамал ўргатиши, эътиқодда босиқ, покиза қилиб тарбиялаши зарур. Бу бир томондан, ота-она ишини енгиллатиб, хонадон

юмушларини ҳамиша саранжом, пок, исфрогарчиликсиз бўлишини таъминланса, иккинчи томондан, қиз тушган хонадоннинг ободлигини таъминлашга замин яратади, қайната ва қайнана куёв ҳурматини қозонади, янги оила мустақамлигини таъминлайди. Бунинг учун қиз бола ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол бўлмоғи зарур. Бунда онанинг роли ва мавқеи анча юксақдир.

«Авесто»нинг жуда кўп ўринларида бевосита аёллар мадҳини учратамиз. Жумладан 3-ҳотда «Биз барча аёллар ва эркакларнинг пок рафторлари ва равонларини мадҳ этамиз» дейилса, Яштларда «Биз пок ва шижоатли аёлу эркакларнинг руҳи равонларини мадҳ этамиз», деган фикрларни ўқиймиз. Зардушт бўлса, «аёл ҳуқуқини таҳқир этмоқ ёмон амалдир, у нодонлик белгисидир» дейди. Зардушт қизини турмушга бериш олдида қуйидагича насиҳат қилади: «Эй Пручисто, эй кенжа қизим, мен сенинг отанг эканман маздопарастлик динининг тарғиботчиси Жомаспни сенга жуфти ҳалолликка интиҳоб этдим. Энди сен ўзинг билан — ақлу фаросат билан маслаҳат қил, бу маслаҳатни қабул эсанг, поклик расми билан ақди никоҳ боғлаймиз». Зардушт яна бўлғуси келин-куёвларга қуйидагича мурожаат қилади: «Энди мен Сизларга шахсан мурожаат этаман: пандимга қулоқ солинг ва айтганларимни хотирангизга муҳраб олинг. Ҳалоллик билан кун кечириш йўлида ғайрат ва шижоатли бўлинг. Ҳар бирингиз яхши хулқингиз билан бир-бирингизга меҳр қўйинг, токим муқаддас эр-хотинликни ҳурсандлик ва хушбахтлик билан ўтказинг». Зардуштийларда никоҳ бир умрга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ раво бўлган эмас. Эру хотиннинг бир-бирига хиёнати қаттиқ лаънатланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилиниб, жазоланган ва никоҳдаги эри учун «ҳаром» ҳисобланган.

Аждодларимиз жамиятда, оилада аёлнинг эрлар билан баробар ҳуқуқли бўлишларига интилишган. «Авесто»нинг 53-Яштида Аҳурамазданинг бу хусусидаги фарзларини Зардушт пандлари келтирилган. Яштлардаги мулоҳазаларга қараганда жамият ҳаёти-

нинг бирон соҳасида хотин-қизлар ҳуқуқи чекланган эмас. Чунончи, улар рўза тутган, беш вақт намоз ўқишни қанда қилмаган, ибодатни ўз хоҳишларига кўра яққа ёки эркаклар жамоасига ҳамроҳликда адо этишган. Оташқадалардаги қироатда муסיқа жўрлигида Яздонни мадҳ этувчи мадҳияларни ижро этишда қатнашган. Оила бутунлиги ва фаровонлигини таъминлашда аёлнинг ўрнига алоҳида эътибор беришган.

Шунинг учун ҳам аёл маъбудалардан бўлмиш Оша яхшилик тимсоли. У ер юзида ҳамиша яхшилик тантанасини таъминлайди; юрт осойишталиги-ю, эл фаровонлигининг барқарорлигини бунёд этмоқ учун Аҳриман ҳамда девларга қарши кураш олиб боради. Ўша кезларда «Ошабону» деб ном қўйишнинг расмий тус олганлиги ҳам ана шу рамз билан боғлиқ.

«Авесто»нинг, асосан, насрий баёнлардан иборат бўлган «Вендидод» қисмида оила бутунлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотиннинг мажбурияти никоҳнинг бекор қилиниши сабаби ва шартлари анча батафсил баён этилган. Алоҳида Яштларда Аҳурамазда ёки Зардуштнинг келин-куёвларга даъвати, мурожаатлари келтирган. Аҳурамазда дейди: «'Йи Спитамон<sup>1</sup> Зардушт! Мен оилали эркакларни оиласиз мардлардан кўра муҳтарам тутаман. Кимда-ким балоғат ёшига етган йигитнинг уйланишига моддий ёрдам берса, унга бу дунё-ю у дунёда савоб ёғдираман», «уйланиш, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига йўл кўрсатмоқ ва моддий ёрдам бермоқ ҳаммазҳабларнинг вазифасидир». Зардушт дейди: «Эй оила қураётган йигит-қизлар, сизларни огоҳлантириб шуни айтмоқчиманки, ҳар бирингиз покиза ҳаёт йўлида ғайрат қилингиз. Ҳар бирингиз яхши хулқ ва яхши хатти-ҳаракат, амал билан ўз ҳаётингизнинг ҳуррам ва саодатли ўтишига эришинг!» Шуниси характерлики, зардуштийлар одатича қиз балоғатга етгач, уни турмушга бериш ота-она измида бўлса ҳам қизнинг розилиги албатта

<sup>1</sup> *Спитама, Спитамон* —Зардуштнинг лақаби. Унинг Спитама қавмидан эканлигига ишора.

сўралган ва у билан ҳисоблашган. Кадхудо (эр), кадбону (хотин) машваратисиз, розилигисиз қизни эрга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган. Ўз вақтида жуфти ҳалол танлай олмай ёки бошқа жисмоний сабабларга кўра турмуш қурмай, ёшлари ўтиб қолган аёллар додгустир (қози) фатфоси билан Оташкада ва унинг қарамоғидаги китобхона, дармонгоҳ (поликлиника), сиҳаттоҳ (касалхона) ҳамда ҳужраларда хизмат қилишган. Бунинг учун натурал тарзда маош олган.

Зардуштийликда кўп хотинлик қатъий манъ этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балофатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўзидан зурриёт қолдиришни истамай қасдан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб 25 дарра калтакланиш билан жазоланган; йигит зурриёт қолдириш қобилияти бўла туриб атайлаб уйланмай юрса, у бадном қилиш мақсадида ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур этилган.

Бундан ташқари «Авесто»да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш хусусида ҳам диққатга молик мулоҳазалар мавжуд: «Эй мардум, ўзгаларнинг яхши маслаҳатларига қулоқ тутинг ва уларга равшан андиша билан қаранг. Яхши билан ёмонни фарқлашга диққат қилинг. Ҳар бир эркак ва аёл фурсатни бой бермай ўзи тўғри йўлни танласин, токим ҳаёти пок ва хирадмаңд ёр билан ўтадиган бўлсин». Юқорида таъкидланганидек, «Авесто»да никоҳ ва талоқнинг ўзига хос мезонлари бирма-бир қайд қилинган. Жумладан, турмушга чиқиш ва уй бекаси бўлишнинг беш тури кўрсатилган:

1. Подшоҳ хотин. Бунинг маъноси шундаки, йигит ва қиз ота-оналарининг розилиги билан турмуш қурадилар. Бунда оналарнинг мавқеи баланд бўлади.

2. Аюқхотин. Яъни «яккабону». Агар йигит бирон оиладаги ягона фарзанд — қизига уйланса, отонани яккалаб, меросхўрсиз қолдирмасликка ваъда беради. Янги оилада туғилган биринчи ўғил бобо-



сию бувисининг номига ўтказилади ва бола уларнинг меросхўри бўлади.

3. Чокар хотин. Аввалги жуфти ҳалолдан ажралган эркак ёки аёл ўзига янги турмуш ўртоғи танлайди. Зардуштийлик эътиқодича, эр ёки хотин вафотидан сўнг олдинги жуфти ҳалолига никоҳ соҳиби ҳисобланади. Бинобарин иккинчи эр ёки хотин олдингисининг «чокари» бўлиб қолаверади. Шунингдек, эр фарзанд кўриш илинжида биринчи хотин розилиги билан иккинчи маротаба уйланса, иккинчи аёл биринчисига нисбатан «чокар хотин» ҳисобланади.

4. Ўзбошимча хотин. Зардуштийлик дини қоидасига кўра, ўғил-қизлар 21 яшар бўлгунга қадар эркин жуфти ҳалол танлаш ҳуқуқига эга эмас. Агар йигит қиз билан аҳду паймон қилиб, ота-оналар розилигисиз никоҳдан ўтмоқчи бўлса, жамоат вакиллари бундай тўйни ўтказишган. Аммо мўъбад никоҳ ўқиётганда томонлар ўзбошимчалик билан оила қураётганликлари учун уларга тегажак меросдан маҳрум этиладилар» деган жумлани кўшиб қўйган. Бу келин «худсар — ўзбошимча хотин» номини олган.

5. Ситтар хотин. Агар эр-хотин узоқ муддат яшасалару зурриёт кўрмасалар ёки кўчага биров ташлаб кетган чақалоқни олиб «фарзандхонд» қилиб олишса, оила аёли «ситтар хотин» бўлади.

«Авесто»нинг айнан шу масалага оид бобларида никоҳни бекор қилиш ва талоқ масаласи ҳам изоҳланган. Бу ерда ҳам эру хотиннинг тенг ҳуқуқлигига алоҳида эътибор берилган ва никоҳ бекор қилинишининг қуйидаги ҳолатлари санаб ўтилган.

1. Никоҳдан сўнг томонларнинг бирида асабий ноқислик, телбалик аломати зоҳир бўлса, солим томон бу никоҳдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

2. Эр эркаклик қобилиятига эга бўлмаган тақдирда аёл талоқ қилиш имкониятидан фойдалана олади.

3. Уч йил давомида ҳам эр оиланинг моддий жиҳатини таъминлай олмай келса, ҳатто аёлини боқа олмаса хотин бундай эрни ташлаб кета олади, яъни талоқ қилади.

4. Агар томонлар бир-бирларининг бошқа эр ва

хотин билан зино қилганликларини сезса, бундай никоҳ «ҳаром» бўлади ҳамда солим томон нопок томонни гуноҳкор сифатида талоқ қилади.

5. Агар хотиннинг ҳаёти эр зулмидан хавф остида қолса, у ўз жуфтини талоқ қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

6. Хотин ўз эридан қониқмай ножўя, ғайришаръий хатти-ҳаракатлар қилса, эркак бундай аёлдан воз кеча олади. Эркак киши уйланиш пайтида олдинги хотинини бекитсаю тўйдан кейин бу сир фош бўлса ҳам бундай никоҳ ботил ҳисобланади.

7. Эркак ёки хотин Зардуштий динидан юз ўтирса, яъни бошқа динни қабул этса, талоқ вожибдир. Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, ифво, туҳмат эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота-она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилишга йўл қўйилмаган. Хотин-қизлар орасида учраб турадиган бўҳтон, чақимчилик, хусумат гуноҳи азим сифатида қаттиқ қораланган. Гап ташувчи ифвогарлар дарра уриш билан жазоланган.

Қуйидаги фикр аёл зотининг жамиятда, оилада, инсоният тарихида тутган ўрнига берилган энг адолатли баҳодай туюлади: «Дастлабки кундаёқ Аҳурмазда аёлларга буюрди: Эй аёл! Сени эътиқодли ва паҳлавон эркакларни вужудга келтириб меҳр тўла оғушингда парвариш эт, деб яратдим. Токи улар нодурустлик ва нопоклик илдизини ер юзидан йўқотсинлар».

Шуниси характерлики «Авесто»да аёллар номи ҳам рамзий моҳиятга эга эканлиги изоҳланган. Масалан ёдгорлик матнида хотинлар «Рита Сиябону» ёки «Ошабону» деб аталган. Бунинг маъноси «поклик ва ростлик нури»дир. «Бону» сўзи ҳам «чаргон, ёруғлик» маъносини англатади. «Матри» яъни, «Она» сўзи «тарбияловчи» маъносида изоҳланган: «Авесто»да сингил сўзи «Совасри» шаклида қўлланилган бўлиб, «Муқаддас ва хайрихоҳ» маъносини англатади.

Хуллас бутун Турону Эрон халқларининг муштарак ёдгорлиги «Авесто»да аждодларимизнинг оила ва хотин-қизларни муқаррам тутиш ҳақидаги пеш-

қадам фикрлари ўз ифодасини топган, мужассамланган. Энг муҳими, зардуштийлик эътиқодидаги болаларимиз оилани жамиятнинг муқаддас бўлаги деб билиб, унинг ривожу равнақи, мустаҳкамлиги учун курашган.

## Қатрага ҳаёт акси

Олдинги лавҳаларимизда таъкидлаганимиздек, дунёдаги биринчи энг мукамал битилган диний китоб «Авесто»да инсоннинг ҳаёт омили, турмуш тарзи, касб-кори, руҳий олами ва бошқа кўп масалаларга доир теран мулоҳазалар ғуж-ғуж. Жумладан, ёдгорликда олам ва одам яратилгандан бери унинг мавжудлиги — яшашининг бош мояси сув манбалари — абадий музлик ва қор билан қопланган осмонўпар тоғлар, тубсиз уммонлар, кўллар, дарёлару чашмалар ҳақида ҳам маълумоту далиллар бисёр. Аҳурамазда етти тангридан бири, асотирий алп қизлар тимсоли Ардвиссура Анаҳитани тўрт оқ от қўшилган фойтуни билан заминга йўллар экан, унга оламдаги «энг юксак тоғ» Ҳукардан оқиб келадиган, минг анҳору минг шохобчали «Суви энг муқаддас ва энг пок» Дарёи Фароҳи Карт (Амударё)ни ўз ҳифзига олишни топширади. Чунки бу дарёни «Тангри икки соҳилида бандаларим боғу роғлар барпо этсин, зироат экиб, бепоён буғдойзорлар бунёд этиб, кенг яйловлар вужудга келтириб, чорвачиликни ривожлантирсин» деб яратган. Амударё аксарият қисмларда «Аҳуройи сув», «Пок сув», «Нек сув», «Ардвиссура Анаҳита суви», «Яхши сув дини билан» сингари сўз ва ибораларда тилга олинади, васф этилади. Ҳатто «Виспарад»да махсус «Об ниёиш» — «Сув алқови» («Авесто», 1997, II жилд, 901-бет) мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакким, «Авесто»нинг икки жилдлик форсий матнида ҳам, инглиз, француз, рус, ўзбек тилларидаги таржималарида ҳам Орол денгизи ва унга қайси дарёлар қуйилиши ҳақида фикр мавжуд эмас. Аммо сосонийлар даври ёдномаси бўлмиш, фанда «зардуштийлар замони матни» деб қабул қилинган «Бундахишин» («Олам-

нинг яратилиши») китобида ўқиймиз. «Авесто»да ёзилишича, Хоразм кўли (бу сўз китобда «Хваразм, Хваранис» шаклида келади — Х,Х,) шу минтақадаги энг улкан кўл. Ҳукар тоғидан бошланадиган Дарёи Фароҳи Карт унга қуйилади. Агар «Бундахишин»ни «Авесто»нинг бизгача етиб келмаган бир бўлагининг эркин баёни эканлигини ҳисобга олсак, Орол денгизининг илк тавсифи ҳам шу ёдгорликда берилганлиги ойдинлашади.

Бундан ташқари «Вендидод» ҳамда «Яшт»ларда юзлаб кўллар, сув ҳавзалари, дарёлар ҳақида бири-биридан қизиқарли маълумотлар келтирилади; Арак, Вехруд, Диглат, Фрот, Хушерас, Дарғам, Зенд, Харо, Ҳерируд, Меҳра, Марвруд, Ҳитманд, Балхруд, Сапед, Мисрган, Синд, Даити, Чичист, Салма, Касик сингари дарёлар тавсиф этилар экан, ҳар бирининг неча яйловлару қайси шаҳарларни сероб қилиб, қаерга қуйилиши географик нуқтаи назардан аниқ кўрсатилган. «Зишманд дарёси йўлда Хвегандар дарёсига қуйилиб, Сўғд томонни айланиб, Самарқанд орқали ўтиб, Фарғона шаҳри марказидан оқиб ўтади. Уни эл орасида Ашард дарёси деб ҳам юритишади». «У ерда чуқур ариқлар, кенг анҳорлар тўлиб-тошиб оқиб, Яшкарт ва Фурут дарёларига қўшилиб, Ҳирот, Марв орқали Хоразм томонларга тез оқиб боради». «Авесто»да 17 хил сувнинг таърифи берилган. «Барча сувлар йиғилишиб, вужуднинг мавжудлигини таъминлайди», дейилади Ҳотларнинг бирида. Бундан ташқари «Бундахишн»да «Кўлларнинг табиати ҳақида», «Дарёларнинг хоссалари хусусида» сингари махсус боблар мавжуд. Жумладан, унда ҳамиша Фрахвард кўлидан сув олиб, тўлиб-тошиб турадиган Озарбайжон кўли Чичист, доим халққа фойда келтириб турадиган Тус тоғи чўққиларида жойлашган Субар сингари ўнлаб кўллар ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд. «Фраздан кўли Сеистонда жойлашган. Нақл қилишларича, Фразданга диндор бирон-бир нарсани ташласа, мамнуният билан қабул қилар экан; ғайридин, беамал ташласа, сув жунбушга келиб, тўлқинлар ўша нарсани қирғоққа иритар экан». Урвис кўли юксак ҳукар тоғи орқасида жойлашган». Дарёларнинг хоссалари хусусида ҳам

ғаройиб мулоҳазалар бор: бир ўринда «Арак Эл-бурснинг ғарбий томонидан оқиб тушса, Вехруд унинг шимолидан оқиб тушади. Сўнгра шу манбадан ўн саккиз дарёча вужудга келади... Қизиғи шундаки, бу сувларнинг барчаси охир-оқибатда яна ўша Арак ҳамда Вехрудга қўшилиб кетади», дейилади. Баъзи дарёлар ҳақида мулоҳазалар тарихий ва этнографик аҳамиятга ҳам эга. «Катрумаян дарёси Кангдиздадир. Бу юрт Эрон Вижда бўлиб, Зардуштнинг отаси Пурушаспнинг ҳовлиси ана шу дарё бўйида жойлашган» сингари камёб далиллар ҳам баён этилган. Бундан ташқари Нив (Нил), Тигр ва Евфрат, Ҳинд океани ва унга қуйиладиган дарёлар, уларнинг суви таркиби, баъзиларининг пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотлар ғоятда қизиқарли ва завқлидир. Улар ажойиб ва ғаройиб далилларга бойдир.

Мазкур китобнинг «Аҳриманнинг Тангри яратувчилигига қарши ҳамласи» бобида ҳам сув муаммоси ўз ифодасини топган. Аҳриман Тангрининг доноликла яратувчилигига қарши хуруж қилганида Тир муқаддас амал ҳимоясига киришади. Натижада у ўттиз кун давомида олий хилқат яратган рўшнолик бағрида парвоз этиб, ўн кеча-кундуз ёмғир ёғдиради. Ер юзини одам бўйи келадиган сув босади. Аҳриман яратган зараркунанда барча жонзотлар ҳалок бўлади. Қаттиқ шамол эсиб, сувларни ер юзининг бир минтақасига суриб кетади ва ундан Дарёи Фарохи Карт (Амударё) ҳосил бўлади. Заминда ўлимтиклар қолади. Шу он қурғоқчилик деви пайдо бўлади. Тир унга қарши курашиб, маҳв этади. Тирнинг гурзисидан қурғоқчилик деви Скинчакар (бир ўринда Апа Уса) наъра тортиб, йиқилади. Ёфingarчилик олдидан момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақилиши ана шу Спинчакар ноласи эмиш. Тир дунёни бадбўйликдан тозалаш учун яна ёмғир ёғдиради. Дунёдаги шўр сув океан ва дарёлар ана шу сувдан пайдо бўлган экан (Бундахишн. — Техрон: Тус нашриёти, 2000. 51—54-бетлар).

Маълумки, зардуштийлар одатига кўра қиз болалар 15 ёшида, ўғил болалар эса 17 ёшида диндорларнинг оқ ҳарирдан тикилган махсус либоси

сидрани кийиш — «Сидрапўши» удумидан ўтадилар. Ана шунда улар якка тангри Аҳурамазда номи ила қасамёд этадилар. «Эй Спитамон Зардушт!. Сув ва Оташ ҳузурида қасамёд этган одам ҳаргиз густоҳликка йўл қўймаслиги лозим. У ҳамсояси берган омонатга асло хиёнат қилмасин!» Демак, Зардуштийларда сув оташ сингари ёруғлик, поклик, ҳаёт, ўсиб-униш рамзи бўлган. Ҳатто ёмғир ёғдирадиган осмоний булут Сигирга ўхшагани учун сувни сигир билан; қуёш, ой, юдузлар Албруз тоғи ортидан чиққанидек, барча дарёларнинг бош ўзани ҳам Албруздан бошлангани учун, сувни ою қуёшларга тенглаштириб мадҳ этиш «Авесто»да хийла кучли. Осмондан ёмғирга илоҳий суюқлик Ҳумни қўшдириб ёғдирадиган фаришта Хўрдодининг асосий вазифаси сувни ҳар қандай нопокликдан асраш ва доимий оқиб туришини таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам Ҳотларда сувни авайлаб сарфлаш, унинг поклигини асрашга даъват бот-бот учраб туради. «Инсон бутун умри давомида сув, оташ, ер, ҳавони, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни, неклик моюсини бус-бутун ва покиза асрашга мажбурдир. Ер, сув, олов, ҳавони эъзозлаш қоидаларини бузган ҳар бир одам 400 қамчи калтакланиш жазосига маҳкум этилажак».

Бугина эмас, ёдгорликда сув манбаларини покиза сақлаш, эҳтиётлаш, муҳофаза қилишга ундовчи бандлар кўп. Жумладан, «Вендидод»да канал, ариқ ва ҳовузларни вақти-вақти билан ҳашар усулида тозалаб туриш, атрофлари покизалигига алоҳида эътибор бериш қайта-қайта уқтирилган. Ичимлик суви оқадиган ариқлар, ҳовуз ва қудуқ лабига, соҳилига фақат ихота буталари ўтқазииш тавсия этилиб, мевали дарахтлар ўтқазииш қатъиян ман этилган. Зероки, бир дона мева сувга тушиб чириса, юқумли касалларни тарқатадиган микроблар пайдо қиларкан. Сувга тупуриш, ҳас-ҳашак ёки баргларни ташлаш қаттиқ қораланган. Ҳовуз ёки қудуққа ўлимтик ёки бирон мурдор — қўланса, ифлос нарса тушса, уни тоза сув ёки ёмғир суви билан бир неча бор тўлдириб, бўшатиш йўли билан қатрон қилиш тавсия этилган. Ўшандан кейингина мазкур ҳовуз ёки

қудуқ сувидан одам ва моллар ичишига ижозат берилган. Сув манбалари лабида ёки атрофида ҳар хил матоларни ювиш, мол боқиш, туя ва отларни боғлаш, таҳорат қилишга рухсат этилмаган. Бирон кишининг нопок сатил, кўза билан ҳовуз, қудуқ ёки ариқдан сув олганига бировнинг назари тушса, у «25 қамчи калтаклаш» билан жазоланган. Сув муқаддас бўлгани учун ундаги жонзотлар, ҳайвонларни ғорат қилишга асло йўл қўйилмаган. Масалан, денгиз кучугини ўлдиришса, шундай қурғоқчилик бўладики, яйловлар тақир чўлга айланади, элдан фаровонлик, ривож юз ўтиради. Бундай одамга «Вендидод»да Зардуштнинг Тангри билан мулоқоти савол-жавобда 18 қисмдан иборат жарима тайинланган. «Эй Аҳурамазда! Денгиз кучугини ўлдирганнинг гуноҳи қандай ва у нечук жазога маҳкум?! Аҳурамазда жавоб берди:

— Уни минг қамчи уриш билан калтаклаш лозим. Оташгоҳ учун ўн минг боғ ўтин ҳозирлаб бериши даркор. Ўн минг зараркунанда илонни ўлдириш билан ўз гуноҳини ювмоғи мумкин».

Ҳамиша «Сувни поклаб» юрадиган балиқлар, алоҳида сув ҳайвонларини тутиш, овлаш ҳам гуноҳи азим ҳисобланган.

Баъзи фарғардларда оташ билан сув таърифи ёнма-ён берилган ҳолда уларни эҳтиёт қилишга даъват хийла кучли. «Зардушт сўради:

— Бирон маздопараст сувга ёки оташга булғанч нарсени ташласа, ўз гуноҳини ювиб, покласа бўладими?

Аҳурамазда жавоб берди:

— Йўқ, ундай одамнинг гуноҳини ҳеч нарса билан пок этиб бўлмайди. У абадул-абад нопок, гуноҳкорлигича қолади. Ундай одам дўзахийлардандир. У пашша ва чигирткаларга ривож истайди: гиёҳларга қирғин келтирадиган қурғоқчиликка авж тилайди».

Зардуштийлар одатига кўра ўғри, қароқчи, зинкор, жамоат ва давлат мулкига хиёнат қилганлар, ватанфурушлар ўлим жазосига ҳукм қилинган. Ана шундай офир жиноятчилар то ҳукм ижро этилгунча канал қазил, ариқ қазиш, ҳовуз, қудуқ ковлаш ва

кўприк солиш сингари оғир ишларни бажаришга мажбур этилган. Бу ерда кучли бир фалсафий тафаккур бор: биринчидан, ерда ҳаётнинг мавжудлиги, поклиги билан боғлиқ ишларни бажариш жараёнида зора гуноҳкорларнинг вужуди, руҳи покланса дейилса, иккинчидан, зора ана шу рўшнолик рамзи билан боғлиқ юмушни адо этиш туфайли Тангри улар гарданидаги ҳунбаҳодан кечса, деган илинж бор. Ғайридин билан алоқа қилган зинокор 17 та ариққа кўприк солиб бериш жаримасига гирифтор бўлган. Нопок одамлар сув манбаларига яқинлашмасликлари керак. Ҳайз кўрган аёл ҳовуз ва ариқдан 15 қадам наридан ўтиши лозимлиги «Вендидод»да махсус уқтирилган.

Маълумки, халқимизда қадимул аёмдан сув ҳар хил касалликларни даф этувчи, юртга ободлик, элга фаровонлик бахш этиб, ер юзидан қўланса ҳидлар, микробларни кетказувчи, рўшнолик рамзи, деб билишган. Шунинг учун ҳам қурфоқчилик пайтларида осмонга илтижо қилиб, ёмғир чақириш маросимларини ўтказишган, кўшиқлар куйлашган. «Авесто»да ана шу анъананинг илк излари кўзга ташланади. «Тоза сувлар, ёмғирлар ёғилсин, тупроқни яшнатсин, дарахтларни ям-яшил этсин, одамларга тоза соғлиқ, янги куч-қувват бахш этсин!», «Эй Сув! Зудлик билан кел! Бепоен осмондан булуту ҳаволар орасидан минг дона, ўн минг дона ёмғир томчилари бўлиб замин томон ёғилгил!» Шундан сўнг сув бир қанча касалликларни даф этувчи, микробни ўлдирувчи восита сифатида махсус фаргарда таърифланади, уни эҳтиётлашга даъват қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, «Авесто»да дунё сув манбалари: музликлар, денгиз, кўллар, 2244 та тоғлар, дарёлар, уларнинг минглаб шохобчалари, каналлар ҳақида бошқа бирон-бир кўҳна манбада учрамайдиган далиллар келтирилган, ернинг мелиоратив ҳолатини сақлаш ва яхшилаш борасида қимматли фикрлар баён этилган. Айни пайтда ана шу ҳаёт манбаи, ёруғлик, поклик тимсолини авайлаб-эъзозлаш ҳам алоҳида таъкидланган. Чунки «тоғ жилғаларидан биттасини қуритган ҳам, бир қатра сувни



булған ҳам Тангри қаҳрига учрайди. Улар дўзахийдирлар». Ҳа, халқимиз «Сув ёруғлик» деб бекорга айтишмаган.

Умуман, ёдгорликдаги сув ва сувга муносабат масаласи алоҳида ўрганишни тақозо этади. Зероки, булут тангриси Амрдод, ёмғир худоси Хўрдод, оби ҳаёт маъбудаси Ардвиссура Анаҳиталар васфига бағишланган Гоҳ ҳамда Яштлардан ташқари жуда кўп ўринларда сув таърифи мавжуд. Шунингдек, «Тир Яшт» (Тиштария юлдузи ҳақидаги) қасидаси фақат сув ва ёмғир мадҳига бағишланган. Яштда Тиштарнинг қурғоқчилик деви Опушга қарши муттасил кураши ранг-баранг бадий бўёқларда тасвирланган. Сув ғови маъносини билдирувчи Опуш ҳар қандай намликка қарши. Бардавом курашда Тиштар уни енгиб, заминни сероб қилади. Халқимизда арпаю буғдойга ўроқ тушиши муносабати билан ўтказиладиган Тиргон байрами ҳам ана шу анъана билан боғлиқ. «Бундахишн»даги «Дарёларнинг хоссалари», «Кўлларнинг хоссалари» сингари бобларда ҳам сувни эҳтиётлаш, исроф ва ифлос қилмаслик, улардан мақсадли фойдаланиш хусусида қимматли мулоҳазалар мавжуд.

### **Асл насли деб...**

«Авесто»да жуда кўп ҳаётий муаммолар хусусида баҳслар мулоҳазаю мушоҳадалар билан бирга зурриётнинг асл бўлиши тадбирларини кўриш хусусида ҳам теран фикрлар мавжуд. Ёдгорликнинг аксарият бандлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамоат, оила, шахсий гигиена хусусида панд-насихатлар берилганда ақлий, жисмоний, руҳий поклик бирма-бир санаб ўтилади, унга риоя қилиш меъёр-низомлари уқтирилади, шунга даъват қилинади. Ҳатто биз буни Тангрига илтижо ва мурожаатларда ҳам учратамиз: «Аҳурамазда яратган яхшилик моятсига, соғлом, ақл-ҳуши тетик фарзандларга, жасур, доно, турли тилларни биладиган ўфил-қизларга, узоқни кўра биладиган, юртни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонларга, яхши келажак, порлоқ

ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган поктийнат авлодларга олқишлар бўлсин!»

Маздопарастларнинг ақидасича, соғлом авлоднинг пайдо бўлиши, бенуқсон наслнинг туғилиши учун соғлом турмуш тарзи, таъминоти бўлиши лозим. Бунинг учун эса биринчи навбатда ота-она жисмоний бақувват, жинсий бенуқсон, ўз ҳунари, меҳнати билан ҳалол ризқу рўзини ўзи топиб ейдиган бўлиши лозим. Шу сабабли ота-оналар бўлажак куёв ва келинларни танлашда обдан ўйлаб иш қилишган. Ҳар жиҳатдан бенуқсон йигитга, қадди-қомати, рангу рўйи мос, соғлом қиз танланган. Унинг зоти, насл-насаби суриштирилган. Афти ёки терисида нуқсонли бор, оқ, қора, қизил доғи бўлган қизлар келинликка, йигитлар эса куёвликка сайланмаган, яъни улар «тенг — тенги билан» ҳикматига риоя қилишган. Ҳатто инсонлар қирилиб кетиш хавфи туғилганда подшоҳ Жамшед Тангридан келган ваҳийга кўра ер ости шаҳарлар қурдирган. Бундай манзилгоҳларда, бошпанга «Аҳриман нафаси теккан», деб нуқсонли одамларни, ҳайвону паррандаларни, тухум, уруғларни киритмаган. Наслининг тоза бўлиши учун ҳомиладор аёл ҳаяжонланмаслиги, изтиробга тушмаслиги, ҳалол луқма ейиши лозим бўлган. Бола она кўкрагидан ажралгач, унинг узлуксиз мол сутини ичиб юриши, сут маҳсулотларини бисёрроқ истеъмол қилиши соғлом ва ўқтам ўсишининг асосий гарови эканлиги махсус таъкидланган. Аждодларимиз ҳамма даврларда ҳам наслнинг асл бўлиши хусусида обдан ўйлаб иш қилишган. Бобомиз Амир Темур «Тузуклар»ида ҳам бу хусусда ибратли мулоҳазалар мавжуд: «Ўфилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим, бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим».

Бундан ташқари, болаларнинг бардам-бақувват ўсишида атроф-муҳит покизалиги, жамоат жойлари гигиенаси, тураржой, иш қуролининг покизалиги ҳам муҳим роль ўйнаши «Авесто»да махсус таъкидланган. Масалан, гўдакнинг соғлом бўлиши учун уни кўпроқ тоза ҳавода олиб юриш, бадани, юз-

қўлини, бошини бир кунда бир неча марта ювиб туриш, унинг совуқ сувни асло истеъмол қилмаслиги махсус уқтирилган. «Хум Яшт»да аъзолар озодалигига эътибор бериш, айниқса, юз-қўлларни ҳамиша ювиб туриш, Аҳриманнинг нафаси тегмаслиги, чанг ва бошқа булғанч ғуборлар ўтириб, турли касалликларни келтириб чиқармаслиги учун бошга қалпоқ кийиб, рўмол ўраб юриш ҳақидаги фикрлар такрорланиб келади.

«Авесто»даги кўплаб далиллар шуни кўрсатадики, қадимги аждодларимиз болаларнинг чақалоқлигидан жисмоний, ақлий ва жинсий тарбиясига жиддий эътибор беришган. Улар ёш болалар очиқ ҳавода, жисмоний меҳнатда чиниқиб вояга етишлари лозим, деб билишган. Бунинг учун эса ёшлар чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик юмушларига жалб этилишлари зарур, шу касбларни эгалламоқлари шарт. Зардуштийликда ёшларнинг ўзбошимчалик билан турмуш қуришларига йўл қўйилмаган. Бу масала жамоа, ота-оналар измида бўлган. Ғайришаърий хатти-ҳаракат жуда қаттиқ қораланган, оғир жазоларга маҳкум қилинган. Зардуштийлик пайдо бўлган дастлабки пайтларда тупроқнинг ҳолатини бузмаслик учун ўлик ерга кўмилмаган. Мурда одамлар назаридан йироққа — баланд тепаликка элиб махсус супаларга қўйилган. Унинг гўштини калхат, ўлимтикхўр паррандалар, дарранда ҳайвонлар еб кетгач, суяклар йиғиштириб олиниб, алоҳида жойда сақланган ёки махсус жойга кўмилган. Бироқ бу одат эл орасида турли касалликларнинг тарқалиши, ҳавонинг бузилиши, наслнинг аслига зарар етишига сабаб бўлаётгани аниқланиб, кейинчалик жасадни дафн этиш расм қилинган.

Шунда ҳам қабристонлар аҳоли яшайдиган жойдан йироқда — баландликда, ариқ, ҳовуз, сув ҳавзаларидан анча узоқда барпо этилган. Захкаш юртларда жасад махсус даҳмаларга кафанга ўраб қўйилган; бошқа жойларда эса маълум чуқурликда қавланган қабрларга дафн этилган. Мурдани сақлаш, унинг либослари, ётган жойини қатрон қилиш, ювиш қоидаларининг, мурдашўй гигиенасининг «Венди-

дод»да алоҳида берилиши ҳам марҳум аъзосидаги касалликларнинг бошқаларга юқмаслигининг олдини олиш чора-тадбирларидан келиб чиққан хулосалардир.

Бундан ташқари, ёдгорликда ариқ, ҳовуз, қудуқларни тоза тутиш, уларнинг атрофига мол, туя, от, паррандалар ва итларни яқинлаштирмаслик, ичимлик сув манбалари соҳилига мева дарахтлари ўтқазмаслик удумлари ҳам соғлиқни сақлаш, ҳар томолама, ҳар хил касалликларни олдини олишда муҳим омиллардан ҳисобланган. Бир дона хурмо, ўрик, нок ёки олмаининг ҳовузга ёки ариққа тушиб чириши ҳар хил касалликларни пайдо қиладиган микробларнинг тарқалишига сабаб бўлар экан. «Авесто»даги бу мулоҳазалар аждодларимизнинг милоддан олдинги даврларда ҳам авлодларнинг соғлом бўлиши хусусида қайғуришганликлари, шунга интилганликларини кўрсатади.

Айрим ҳамкасбларнинг мақолаларида, маъруза ва ўзаро суҳбатларида «зардуштийлар ака-сингилларнинг ўзаро никоҳга киришига рухсат берган», деган тахминий фикрларга дуч келамиз. Бу ҳол мазкур ғоя ва дин ҳали узил-кесил шаклланмасдан бурун ривоятларга кўра баъзан учраган. Аммо зардуштийлик расман қабул қилинган, ака-ука фарзандлари, ҳатто яқин қариндошлар фарзандларининг ўзаро жуфт бўлишига асло йўл қўйилмаган. Ҳатто шажаранинг аслигига путур етмасин учун киборлар фарзандларининг оддий фуқароларнинг ўғил-қизлари билан никоҳга киришларига ҳам ижозат этилмаган.

## **«Ардвиссура Анаҳита» қасидаси хусусига**

«Авесто»да баён этилишича ҳар икки оламнинг яратувчиси Аҳурамазда томонидан халқ этилган етти тангрининг бири, сув маъбудаи Ардвиссура Анаҳита алоҳида қудрат, шавкат ва салобат соҳибаси. Буни биз Яздоннинг тўрт оқ от қўшилган фойтунда Анаҳитани заминга йўллаганида пайғамбар Спитамон Зардуштга мурожаатидаёқ яққол ҳис этамиз: «Эй Спитамон Зардушт! Ҳамма ерда ҳукмфармо, дармонбахш, девларнинг танобини тортиб қўядиган, аху-

ро динига эътиқодли Ардвиссура Анаҳитани менинг хоҳишимла эъзозла! У моддий оламда мадҳ ва олқишга сазоворлардандир. У яхшиликлар келтирувчи, моллар ва қўйларни кўпайтириб, кишиларни яшнатувчидир; дунёни яхшиликла яйратади».

Аслида «минг шохобча ва минг анҳорли Дарёи Фарохи Карт (Амударё) соҳибаси» Ардвиссура Анаҳитага ҳамиша икки соҳилдаги юртларни, боғу роғлар, зироаткорлик, чорва молларини сувдан сероб қилиб туриш, дарё ва каналларда сувнинг ҳамиша тошиб-тўлиб оқиб тушишини таъминлаш юклатилган. Аммо хилқати поклик, яхшилик, софлик ва нур билан йўғирилганлиги учун у ер юзида яхшиликнинг барқарор бўлишига интилади, тангри бандаларининг мушкулини осонлаштиради: «У ҳамма эркакларнинг тухумини пок этади, ҳамма аёлларнинг туғишини осонлаштиради; барча аёлларнинг бўшалиши олдида кўкраклариди сут пайдо қилади».

Бутина эмас, у мамлакат, шаҳар, қишлоқ ва ҳар бир хонадонга нигоҳбонлик, паноҳбахшлик қилади; софдил, динида собитқадам, некбин ва некдил одамларни доим хуррам ва шодмон бўлишини таъминлайди. Бунинг учун эса халқ унга балаңд овоз билан ўқилган хушбахтлик намозида жавоб беришлари керак. Шунинг учун бир хил зотли 4 оқ оти билан ҳаёт, поклик, хуш ахлоқ, яхшилик, униб-ўсиш душманлари бўлмиш девлар, бутпарастлар жодугарлару парилар — барча ахринманкирдорларга қарши курашади.

Ардвиссура Анаҳитанинг бу ҳаётбахш файзию зафар келтирувчи қудрати наздида лол қолган уламою пайғамбарлар, зодагону шаҳзодалар, жаҳонпахлавону деҳқонлар ўзларининг вафодорликларини, собит эътиқодликлари, ҳалоллигу хушхулқликлари, халққа, шаҳару мамлакатларига фиойилик билан қилган хизматлари билан намойиш этадилар. Дарёю ариқлар Ардвиссура Анаҳита ҳамиша сероб, чорва молларини серпушт, аёлу эркакларни поктийнат, барчани маздопарастликда қойим кўрган Ардвиссура Анаҳита бутун фикру зикрини бандаларнинг хоҳиш ва илтижоларини ижобат бўлишига қаратади. Ўзларини Ҳурмузд жонфидолари, деб бил-

ган баъзи зодагон ва уламолар Ардвиссура Анаҳита қошига ҳар хил илтижолар қилиб, инъом-эҳсон, қурбонликлар қилиб келадилар. Агар улар яхши ният билан, халқ, эл-юрт, инсоният манфаатларини кўзлаб, тоза хулқ билан келган бўлсалар, уларнинг хоҳиши ижобат бўлади: юрт ободлигию эл фаровонлиги, осойишталиги энг олий мақсаддир.

Биринчи бўлиб унга Зардушт мурожаат этади: унинг нияти девсийрат, ёлғончи, фирибгар, бедие-нат, эътиқодда нособит, бутпарасту ашёпарастлар уруғини қуритиб, юртда поклигу софлик, яратувчилигу ижодкорлик дини — маздопарастликни тантанан қилдириш. «Зардушт ундан сўрайди:

— Эй Ардвиссура Анаҳита! Эй яхшилик ҳомийси ва эй жаҳонпахлавон! Мен — Пурушаспнинг ўғли, шуни истардимки, барча халойиқ янги динни қабул қилишса, фақат диндан сўз юритиб, ҳамма хатти-ҳаракатларида имон-эътиқодли бўлишса.

Ҳамиша жасорат ва шижоатлигу очиққўлликни ёқтирадиган, диний аҳкомлар пешкаш қилувчини эъзозлайдиган Ардвиссура Анаҳита унинг истагини бажо келтиради». Натижада буюк Аҳуро Турону Эрон халқлари дилини янги дин нури билан мунаввар этди — барча халқлар маздопарат бўлдилар.

Шундан сўнг Жамшед етти иқлимга шоҳ бўлиб, халқни фаровон, ютни обод этиб, илму донишни равнақ топтиришни, Тахмурас барча газандалар, иблис, жодутарлар, Мозондарон девлари устидан музаффар этишни, Фаридун эса уч қоринли, уч бошу олти кўзли, девсийрат газанда, чаққону забардаст, Оша юртини хароб қилиб, жаҳон аҳлига қирғин келтирган Ажи Даҳакни забун этиб, унинг ҳарамидеги мазлума Сангхук ва Арнавак номли маликаларни озод этишда қудрат бахш этишни сўрайдилар. Ардвиссура Анаҳита уларнинг бу истагини бажо келтиради. Айни пайтда Ажи Даҳак (Заҳҳок) «Буррий сарзаминида унга юз от, мингта мол ва ўн мингта қўй пешкаш қилиб, етти кишварда яхши одамлар уруғини қуритишда мададкор бўлишни сўрайди». Унинг истаги инсониятга зид бўлгани учун рад этилади. Шунингдек, бошқа бир гуруҳ босқинчи ва талончи, бойликка ружу қилган шоҳларнинг

илтижолари ҳам ижобат бўлмайди. Шуниси диққатга моликки, барча шоҳлар Ардвиссура Анаҳитага Элбурс, Дамованд, Ҳамованд, Помир, Тиёншон тоғлари этакларида ёки Детиё, Ҳирманд, Амударё сингари аниқ жойларда мурожаат қиладилар; мамлакатлар, ҳудудлар тарихан мавжуд жўғрофий аталардир.

Шунингдек, Ардвиссура Анаҳита шаҳзодалар, жаҳонпахлавонлар, эл-юрт пуштипаноҳлари бўлмиш адолатли шоҳлар, баҳодирларга ҳам офир дамларда мадаккор бўлади: у ҳамма ерда эл-юрт пуштипаноҳи, дардманд, маҳзун, хушхулқу поксийрат бандаларга кўмак учун ҳозир нозир. Замину замонни ларзага келтириб, халқни, Ватанни бало-қазолардан, аждару девлардан ҳимоя қилиб, эгилиш нималигини билмаган Гершаспни гандрави зарринпошна кўп танг қилади, таҳликага солади. Жаҳонпахлавон Ардвиссура Анаҳитадан «бу газанда устидан зафар қозонишни» илтижо килади. Натижада Гершасп Ганравни қатл этиб, «Гуйистон заминида» осойишталик ўрнатади: Кайхусрав у бахшида этган қудрат билан «мутгасил давом этган жангларга» барҳам бериб, юртда тинчликни таъминлайди; одамларга зиён етказадиган «ситамакор гўйлар, карплар, жодугару парийларни» ер юзидан йўқотади: ҳатто, Ардвиссура элсеварлик, ватанпарварлик руҳидаги, ер юзидан разолат ва душманлик кучларини йўқотиш учун бел боғлаган аскарлар баҳодирларга дарёлардан кўприксиз ўтиш учун «сувни вақтинча қуришиб, йўл очиб» беради. Жумладан, «навдарийлар хонадонидан бўлмиш Вишурани Вишгухитий дарёсидан» қўшини билан кўприксиз ўтказиб қўяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қадимги Шарқда, барча замонларда сув, ёмғир, маъмурчилик, қут-барака, ҳосилдорлик, ишқ, оила, оналик, кўпайиш ва хушбахтлик маъбудаси сифатида илоҳийлаштириб, олқишланган Ардвиссура Анаҳита одамлар тасавурида ҳақиқий инсон, киборлар назарида эса давлат ва ҳокимият ҳомийси сифатида гавдаланган. Шунинг учун ҳам зардуштий маъбудалардан Ардвиссура Анаҳитагина аҳамонийлар ҳамда сосонийлар даврида ҳам анча машҳур бўлган. Ўша

давр шоирлари Борбад, Некисо, Амир шеърларида, мусиқа ва қўшиқларда унинг васфи мавжуд. Бугина эмас, уй-рўзғор буюмлари: кўза, лаган ва шамдонларга, қоятошларга Ардвиссура Анаҳита суратлари чизилган; қандакорлик, тоштарошлик усули билан туширилган. Сосонийлар даврида зарб этилган барча тангаларга унинг нақши туширилиб, остига паҳлавий тилида «Аноҳит — Ферўзлик» деб ёзиб қолдирилган. Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланаётган Сосонийлар даврига тааллуқли мис лаганда эса «Авесто»нинг «Обон Яшт»ида тасвирланган — Уқоб сифатида осмону фалақда парвоз этиб юрган Ардвиссура Анаҳита тасвирланган. Пастда эса камон ва болта каби қурол кўтариб олган сарбозлар акс эттирилган. Демак, Ардвиссура Анаҳита халқ онгига сингиб, кундалик турмушда уларнинг маънавий-руҳий ҳамроҳига айланган ягона маъбуда бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Ардвиссура Анаҳита ҳақидаги қасидада маъбуда халқ, ватан, яхшилик, яхши хулқ, поклик, осудалик, дўстлик, сулҳу амният, мўл-кўлчилик, дунёнинг гул-гул яшнашини таъминлаш учун курашув сиймоси сифатида тасвирланган. Ардвиссура Анаҳита сиймоси тасвирида муболаға, сифатлаш, ўхшатиш, қиёслаш санъатлари кўп қўлланилган. Хусусан, унинг шаклу шамойили, тасвири инсон ташқи қиёфаси тасвирининг энг ёрқин намунасидир.

## **Зардуштийларни «оташпараст» гемане**

Маълумки, кўҳна Турону Эронда узоқ давом этган кўпхудоликка қарши кураш жараёнида эрамиздан олдинги VII асрнинг охирида якка тангри — Аҳурамаздаги эътиқод кашф этилиб, ғалаба қозонади. Унга Хоразмнинг Спитама қавмидан чиққан ер юзидаги биринчи шоир, воиз, файласуф, дин ва жамоат арбоби Зардушт асос солади. Шунинг учун ҳам бу дин «Авесто» ҳамда ўша замонда яратилган барча китобларда, ҳатто «Шохнома»да ҳам «Маздопарастлик» ёки «Зардуштийлик» дини деб аталиб келинган.



Аmmo ўрта асрлардан бошлаб айрим китобларда, баъзи муаллифлар бу динни «мажусийлик», яъни «оташпарастилик» деб аташган. Натижада асл тарихий ҳақиқатни, «зардуштийлик» динининг туб моҳиятини билмаган Фарбий Европалик, улар анъанасини давом эттирган бизнинг баъзи олимларимиз ҳам ҳамон бу динга нисбатан «оташпарастилик» атмасини қўлаб келаётирлар. Ҳақиқатдан ҳам шундайми? «Оташпарастилик» сўзи қаердан келиб чиққан? Нега зардуштийлик динига эътиқод қилувчиларда оташ бу қадар улуғланади, муқаддаслашган?

Биз ушбу «нега»ларга «Авесто» ҳамда сосонийлар даврида пахлавий тилида яратилган, зардуштийлик тарихини ўрганишга кўмаклашадиган «Динкард» (Дин саргузашти) ва «Бундаҳишин» китобларига суяниб баҳоли-қудрат жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Маълумки, Жамшед (бошқа ривоятларга кўра Тахмурас) томонидан оташ кашф этилгач, барча қишлоқ, шаҳар, гузарларда махсус оловхона — оташгоҳлар қурдиради. Салтанатни эгаллаган ёки тахтга ўтирган ҳар бир подшоҳ махсус — энг ҳашаматли оташгоҳлар қурдириб, ўз шўҳратини оширишга интиланган. Тарихдаги «Жамшед оташи» «Баҳром оташи». «Кайхусрав оташи» деган сўзлар ўшандан қолган. Марказий шаҳарлардаги оташгоҳлар саройга яқин, оташкада — ибодатхона олдига сайилгоҳлар ёнига қурилган. Аҳамоний подшолардан Курушнинг кучли бўрон турганда оташгоҳдаги олов бобоси қурган гўзал қасрга ёпирилиб, кулини кўка совургани ҳақидаги шикоят қоятошларга битилган катибалар орқали бизга қадар етиб келган. Ана шундан сўнг оташгоҳлар қасрларнинг жануб тамонида бунёд этиладиган бўлган экан.

Жамшид подшолиги замонида (700 йил ҳукмронлик қилган) саккиз ойлик қаҳратон қиш бўлади. Бутун мавжудотнинг учдан икки қисми ҳалокатга учрайди. Шу кезлар Тангридан «Ё Жамшид, ер юзида бундан кейин барча мавжудотлар зотининг қолиш-қолмаслиги сенинг донишинга боғлиқ. Бунинг тадоригини кўр», деган ваҳий келади. Шунда подшоҳ етти иқлимдан донишмандларни йиғиб кенгашади: қуёш нуридан фойдаланиб фишт пишири-

лади, «ирзир» номли қоришма кашф этилади. Натижада Эрон Виж (Хоразм)дан бошлаб барча жойда ер ости манзилгоҳлар — йимгардлар — ер ости шаҳарлар қурилади. Қиш тушгунча барча — одам, ҳайвонот, парранда, наботот ўша ерга жойлаштирилади; сув, олов ҳам олиб кирилади, деҳқончилик йўлга қўйилади. Оташгоҳлардан ер юзига махсус мўрилар чиқарилган. Ўша ўчоқларга мўри ишлаш ўшанда расм бўлган экан. Қадимшунослар Орол бўйи шаҳарларида, Хоразм ҳамда Туркменистонда ана шундай «йимгард» харобаларини топишгани илм-фанга маълум.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оташкадалар ҳам, оташоҳлар ҳам махсус нақш асосида қурилган гузаргоҳларда жойлашган. Халқ турли маросимларни, сайил, байрам тантаналарини ана шу ерда ўтказишган. Ҳамиша ловулаб ёниб, алангаси осмонга интилган оташ улар учун бир мўъжиза, Тангрининг бандаларига инъоми, унинг зуҳури, поклик рўшнолик рамзидек туюлган. Ҳатто халқ орасида «Оташ Тангрининг ўғлидир, у бекорга мудом осмонга интилмайди», деган ақида ҳам пайдо бўлган. Шарқ фалсафасидаги пантеистик таълимотнинг иддизи ана шу тушунчага бориб тақалса, ажаб эмас. Зардуштийларда оташ ва ўтин муқаддас саналгани учун бировнинг ўчган оловини ёқиб бериш ёки тутантириқ инъом этиш яхши ҳадея ҳисобланган. Демак, оташ нур, рўшнолик, инсонлар руҳиятини покловчи, уни ёруғликка ҳидоят этиш рамзи, симболи бўлиб, кундалик турмушларининг асосий воситаси бўлган.

Сосоний подшоҳлар «Авесто» ҳамда ўша тилда битилган китобларни паҳлавий тилига таржима қилдирадilar; «Шоҳномаи паҳлавий»ни туздирадilar. Ана шу ёргорликларда зардуштнинг номи бузиб, «Магупта» тарзида ёзилади. Техронлик доктор Ҳошим Ризоийнинг аниқлашича, халифа Маъмун даврида ана шу паҳлавийча китоблар Марвдан Бағдодга келтирилган 19 нафар «китобий одамлар» томонидан араб тилига таржима қилинган ва уларда Зардушт «Магупта» шаклида ёзилган. Шарқшунос И. С. Брагинскийнинг аниқлашича, «Маг», «Мог», «Муғ» сўзларининг авесточа маъноси «оташ, олов»-

дир. Натижада илк ўрта асрларданоқ араб тилидаги илмий адабиётларда Зардушт — оташпараст, у асос солган дин эса «оташпарастлик» деб ёзила бошланган. Оташ Аҳурамазданинг бандаларига инъом этган нури, зиёси, унинг ердаги инъикоси. Шунинг учун ҳам у Гуштасп ҳузурига кириб, янги динга ҳидоят қилганида унинг қўлида олтин мижмар (жомда) «Жаннатдан келтирган оташи» ёниб турар эди. Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»да бу лавҳани ғоятда таъсири акс эттирган. Ҳатто оташ саодат, илм-маърифат нишонасидир. Қуръони каримнинг 320-сурасида ҳам Аллоҳнинг бандалари учун яшил дарахтдан оташни пайдо қилганлиги ҳақида фикр мавжуд (Ҳошим Ризоий. Зардушт. — Техрон: «Беҳжат» нашриёти, 2001. 905—910-бетлар).

Йигирманчи йилларда рус шарқшунослари тадқиқотларида маздопарастларни «огнепоклонники» деб ёзиш одат тусига кирган. Уларнинг асарларидан файз топган бизнинг олимларимиз ҳам ана шу анъанани давом эттиришган. Форсий тилда яратилган илмий, бадий асарларда, «Авесто»га ёзилган муқаддима ҳамда шарҳларда ҳам «оташпараст» деган сўз мавжуд эмас. Ҳатто «Шоҳнома» қаҳрамонларидан бири ўз муҳолифига: «Бизни оташпараст дема, биз маздопарастмиз», деб хитоб қилади.

Демак, зардуштийларда оташ ёруғлик, нур, нурафшон йўлга ундов, поклик ҳатто баъзи касалликларини даф этиш рамзи, воситаси бўлган. Митрадан нур ёғилиб туриши унинг қуёш тангриси эканлигини белгисидир. Кейинги йилларда «Динкард» ва «Бундахишин» сингари «Авесто» ҳамда зардуштийликнинг тарихини ўрганишдаги ноёб ёдгорликлар илм-адаб аҳлига маълум бўлди; ёдгорликнинг иккита ўзбекча таржималари, икки жилдлик форсий матни юзага келди. Улар асосида хорижда ҳамда мамлакатимизда ўнлаб рисоалар нашр қилинди, теран илмий мақолалар ёзилди. Уларда «Авесто»нинг ёзилиши, моҳияти, зардуштийларнинг фалсафий қарашлари, Зардушт шажараси ҳақида мутлақо янги далилларга асосланган илмий мулоҳазалар оммалаштирилди. Бас шундай экан, биз бундан кейин энг қадимги аждодларимиз эътиқод этган,

якка тангрига эътиқод асосига қурилган динни «оташпарастлик», «мажусийлик» деб атамасдан, «маздонапарастлик», «зардуштийлик» деб номласак, тарихий, илмий ҳақиқатга асосланган бўламиз. Якка тангрига эътиқод қилгандан сўнг яна қандай қилиб оташпараст бўлиши мумкин?

### **Етми иқлим ҳомийси**

«Авесто»да аждодларимизнинг эрамиздан олдинги икки минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган юзлаб асотирлари, асотирий тимсоллар, тамсиллар, лавҳалар келтирилган, учрайди. Шулардан бири кейинчалик бутун Шарқу Фарб мифологиясида чуқур из қолдирган Митра ҳақидаги мифдир. Гарчи бу образ энг кўҳна замонларда, илк пайдо бўлган пайтларида қуёш худоси сифатида оламни мунаввар этадиган, еру кўкни Меҳр (қуёш) ёғдуси-ю тафтидан баҳраманд қиладиган бир буюк тимсол бўлган эсада, аста-секин унинг сиймоси мутлақо бошқача моҳият касб этиб боради — адолат, жасорат, ободлик тимсолига айланади.

Маълумки, қадимги аждодларимиз алоҳида-алоҳида қабилалар сифатида яшаган пайтларда ўрмон захираларидан, яйловлар, сув ҳавзаларию тоғ ресурсларидан баҳамжиҳат фойдаланиш хусусида ўзаро шартномалар тузишган; бир-бирларининг отарларининг дахлсизлигини таъминлашга келишиб олишган. Замонлар ўтиши билан бақувватроқ қабилаларни камжонли қабилаларни талайдиган, аҳдларини бузадиган, чорва молларини қароқчилар гонат қиладиган бўлган. Ана шундай бир жаҳолат, вайронгарчилик, ноиттифоқлигу бузғунчиликнинг олдини олиш учун Аҳурамазда Митрани тўрт оқ от қўшилган фойтунда бандалари ҳузурига йўллайди. Халқ жасурлардан жасоратлироқ, зийраклардан ҳам ҳушёрроқ, ҳудудсиз яйловлар соҳибни, ҳамиша дармонбахш, адолатпеша, паймондор, эркакларга пушт, аёлларга ҳомила ҳадя этадиган ана шу Митрани алқовлару дуойи хайр, қурбонликлар билан пешвоз олади, ардоқлайди. Зероки, у бир зарб билан ўн минг, юз минг душманни ҳалок этади; у воиз, ҳақгўй,

сўзамол, «ўн минг кўзли-ю, ўн минг қулоқли Митра абадул-абад уйқу билмасдир»; у «узоқни дурбиндай кўриб, ҳушёрликда кузатиб туради». Митра доим «юз тифли болта» кўтариб юради. Фойтундаги отлари гоҳ осмонда, гоҳ ер узра учиб, сузиб юради, улар «осмоний физолар» тановул этади. Уларнинг олд туёқлари олтиндан, орқадагилари эса кумушдан; бошқа анжомлари металлдан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Митра чинакам жасорат соҳиби. У ер юзини обод, осойишта бўлишини, чорвадорлару деҳқонлар, ҳунармандларнинг қароқчилар хуружидан эмин бўлишини таъминлайди; бузғунчию ғоратгарларнинг танобини тортиб қўяди. Унинг сиймосида инсондўстлик, мардалик, ватанпарварлик ғоялари мужассамланган.

*Қулоқлари минг биттадир,  
Нигоҳлари минг биттадир.  
Ва девларнинг каласига  
Салодир чўнг чўқмор билан.  
Мамлакатни бузади палид,  
Ҳам лафзсиз тубан каззоблар.  
Амр этилган аҳдга содиқ бўл,  
Спитама, унутма зинҳор.  
Файридин баттолларга ҳам,  
Садоқатли яхшиларга ҳам.  
Вафо, қавл баб-баровардир.*

Бундан ташқари мифда Митра ҳалоллик, хушхулқлик, поклик, содиқлик, ростгўйлик, хушсийратлик, яхшилик, сахийлик, поктийнатлик, собит эътиқодлик тимсоли, ҳимоятгари сифатида ҳам гавдаланади. У аҳдсизлар, жодугарлар, девларга қарши курашади. Зероки, уларнинг дуоси мустажоб бўлмайди, қурбонликлари инобатга олинмайди: улар ўлимга маҳкум этилгандирлар:

*Келтирмасин қурбонлик зинҳор,  
На мунофиқ, на аблаҳ, бузғунчи.  
На ҳиссиз, на имонсиз расво,  
На Ҳотларни куйламовчилар,  
Аҳуро ва Зардушт динининг  
Душманлари, муҳолифлари.*

Асарда касб-хунар эгаллаш, ақл-заковат тарғиби, донишмандлигу покизалик, юксак ахлоқ алқови Митранинг «ўнг томони узра» мудом учиб юрадиган», «оппоқ ҳирқа кийган», «олий эътиқод тимсоли» доим сарбаланд Рашну сиймосида мужассамланган.

«Авесто»даги кўп мифологик образларда халқ қаҳрамонлигининг ранг-баранг жиҳатлари мужассамланган. Шу билан бирга алоҳида жасорат ва ғалаба — зафар тангриси Вертрагна ҳам мавжуд. Қизиғи шундаки, ана шу илоҳ Митра ҳақидаги мифда ҳам асосий сиймо билан ҳамроҳ, унинг кўмакчиси, ёрдамчиси, аниқроғи, бир лашкарбошиси сифатида намоён бўлади, ҳаракат қилади. Маълумки, Шарқ халқлари эртакларида, кейинчалик ишқий-саргузашт дostonларда, жангнома қиссаларда темиртирноқ одам, яъни ўтда куймас, сувда чўкмас, тиф ўтмас қаҳрамон образи яратилган. Афтидан, унинг иддизи қадимги аждодларимизнинг асотирларига бориб тақалади. Чунки Вертрагна «Авесто»да «чўян одам» сифатида тавсиф этилган ва у «Митра қасидаси»да (авестошунослар Митра ҳақидаги мифни «қасида» деб ҳам юритадилар) қуйидагича гавдаланади:

*Биз Митрага топинамиз,  
Мутлақ илоҳ Маздо яратган.  
Вертрагна елиб боради унинг олдида.  
Қамроҳидир дарғазаб қобон,  
Қаҳрлидир, ханжар тишлидир.  
Бир ҳамлада ёриб ташлайди  
Ўткир қозиқ тишлари билан.  
Қутиргандир ва енгиб бўмас,  
Олачилор тумшуқли ва сержаҳл.  
Орқа-олдин оёқлари темирдан,  
Темирдандир дум ва жағи,  
Томирлари бари темирдан.*

(Асқар Маҳкам таржимаси)

Демак, Вертрагна сиймосида қадимги аждодларимизнинг эл-юртнинг пуштипаноҳи, енгилмас идеал қаҳрамон ҳақидаги орзу-умидлари мужассамланган.

Машхур шарқшунос, «Авесто» таржимонларидан бири, профессор И. С. Брагинский Митрада адолатли, яхшилиқ тарафдори, мамлакат бутунлигини таъминлайдиган бошлиқ — ҳоким ғояси ҳам тараннум этилганлигини алоҳида таъкидлаган. Ҳақиқатда ҳам 5—8-бандларда Митра юрт осойишталиги, қавмлар ҳамжиҳатлигини барқарор этиб, Ахурамазда бандаларига «девору эшиклари мустаҳкам» уй-жой, сурув тўла қўра-қўрғон, ўғиллар қаҳқаси билан тўлган» оила инъом этадиган; уни душмандан», «қароқчи, ғоратгар, жодугару сеҳргарлардан ҳимоя қиладиган бир ҳукмрон сифатида, таъриф-тавсиф этилади. У «аҳдида турмовчиларга қирон келтиради», «одамларни ҳалок этиб, йўлдан оздирадиган сеҳргарларни маҳв этиб», бу юртни гуллаб-яшнатади, ростқавл одамлар мамлакатини зафарлар сари, энг юксак тараққиёт чўққисига элтади. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам «кулбамизни, ҳовлимизни, қавмимизни, халқимизни, Ватанимизни ташлаб кетмаймиз! Митра ҳомийлигида бутун ўлкамизни ғанимлар ғоратидан метиндай ирода билан асрагаймиз», дейилади бандлардан бирида. У ҳамиша кишиларга «куч ва зафар, фаровон ҳаёт, адолатли тартиб, шараф, поклик, илм, чин амал, маърифат бахшида» этади. Унинг қудрати олдида «ичи қора, бедин одамлар, девлару жодугарлар, сеҳргару карапанлар қароқчилару ковиёнлар ҳамиша забун», уларни шердиллик билан енгиб, юртни донишмандлигу адолат билан нигоҳбонлик қилади.

Ўн бешинчи бандда Митранинг ғанимлар устидан ҳамиша зафар кучиши таърифланиб, унга алқовлар айтилар экан, «сен уларнинг қўлидан қувватини, оёғидан қойимликни, кўзидан нурни, қулоғидан эшитиш қобилиятини оласан, тифини ўтмас, ўқини нишонга тегмас қилиб қўйиш қудратига эгасан», деб унга топинишга даъват этилади. Характерлиси шундаки, худди ана шундай бандалардан бирида Митра бутун оламни кузатиб туради, ер юзи унинг тасарруфида, деб курраи замин Арзани — Шарқ, Савахи — Фарб, Фрадуфшу — Шимолий Шарқ, Видадафшу — Шимолий Фарб, Ворубар-

зи — Жанубий Шарқ, Вородзарзишти — Жанубий Фарб ҳамда Хванирата — Марказий ер сингари етти иқлимга бўлиб кўрсатилади. Шундан сўнг осмоний тангри Митра ана шу кишварлар устида учиб юриб, уларга бахт улашади, юртларнинг ривожини, мустақамлигини таъминлайди», дейилади. Юқоридаги далиллар ҳамда турли бандларда Сўғд, Марв, Нисо, Хоразм, Ишкат, Парут, Харайва, Гава (Сўғдиёнадаги шаҳар), Харо (Элбруз тоғининг бир чўққиси), Харати, Хукар (Помир тизма тоғлари), Ранхи сингари дарёлар, тоғлар, жой номларининг турли муносабатлар билан тилга олиниши қасиданинг қадимги дунё географиясини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланишини кўрсатади. Бундан ташқари ҳар хил сабаблар билан ўнлаб ҳарбий қуроолар, ашёлар, қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари, анжомлар, ўсимлик, ҳайвонларнинг турлари ҳам эслатилади; ҳарбий тактика ва стратегия, жанг усуллари зикр қилинади; қадимги аждодларимизнинг баъзи бир удумлари эслатиб ўтилади; илоҳий қудратга молик, муқаддас шарбат Хум задуштий уламолар ушлаб юрадиган, руҳий касалликларни дуо билан даволаш жараёнида ишлатиладиган, ўзидан ёқимли ҳид чиқарадиган майда хивичлар дастаси Барсумларнинг таърифи берилади. Ҳарбий истехком, анжом ҳамда қурооларнинг номларининг ўзи жуда катта тарихий, этнографик ҳамда топонимик моҳиятга моликдир. Унда палахмон, болта, гурзи, ўқ-ёй, пичоқ, найза, бир неча тигли ханжар, камон ва каманд кўп тилга олинади.

Хуллас, қасиданинг бошидан охиргача ривожланиш таназул устидан, юксак амал динсизлик устидан, ободлик вайронагарчилик устидан, юрт барқарорлиги газандалигу тескаричилик устидан зафар кучади; аҳдсизлару қароқчилар, босқинчилару бузғунчилар, жодугарлару сеҳргарлар билан бўлган яккама-якка олишувларда ҳам, оломон жангларда ҳам Митра адолатпешаю ватанпарвар, содиқамалу элсеварларга ғалаба келтираверади. У ана шу қудрати, файзи, илоҳий мадади билан барча замонлар аҳли тамизига руҳ бахш этаверади, порлоқ келажак сари ундайверади.



Демак, «Авесто»даги ҳар бир Яшт қай даражада диний моҳиятга эга бўлишидан қатъи назар муайян сюжет ва композицион қурилишга эга бўлган бадиий асардир. Уларда васф этилган маъбуд ёки маъбудалар муайян даражадаги шеърят ва тасвирий санъатда анъанага айланган тимсоллар экан. Асо-тирларнинг мавзу-мундарижаси қанчалик ранг-баранг бўлса, улардаги бадиий-тасвирий воситалар шу даражада хилма-хил, жозибалидир. Ҳар бир Яшт китобхонга ўзига хос бадиий-эстетик завқ беради, уларда аждодлар руҳига меҳр уйғотади.

## Барҳаёт удумлар

Мазкур ёдгорликда аждодларимизнинг энг кўҳна, ранг-баранг удум ва иримлари ҳам ўз ифодасини топган. Уларнинг аксарияти қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзи, касб-кори, дафн маросими, ўтганларнинг хотирасига муносабат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кундалик турмуш тарзи, жамоат жойлари ҳамда шахсий покизалик, ҳалоллик меъёрларига риоя қилиш сингари масалалар билан боғлиқ.

Маълумки, зардуштийлик дини илк пайдо бўлган кезларда (эрамиздан олдинги IX—VIII асрлар) ўликни дафн этиш ман этилган. Бунда улар «Она ер муқаддас, у барча жонзотнинг боқувчиси, тупроқнинг таркибини бузмаслик керак» деган ақидага риоя қилишган. Шунинг учун ҳам ҳар бир қишлоқ, туман, шаҳарларда тоғ ёнбағри ёки баланд тепалиқда махсус супалар, майдонлар қуриб, мурдани ўша ерга элтиб, бараҳна (ялонғоч) тарзда қўйишган. Ўлимтикхўр ҳамда ваҳший ҳайвонлар ўлик гўштарини еб кетгач, суякларни йиғиштириб олиб, алоҳида жойда асрашган. Баъзи қавмларда эса мурда куйдирилиб, кули йиғиштириб олиниб, эъзозлаб сақланган. Жамоаларда аждодлар руҳини авайлаб ана шу суякларнинг баъзи қисмини, кулни сақлаш мақсадида улкан хумлар қопқоқли остадон-суякдонлар яшашган. Бундай остадонлар Қорақалпоғистон, Хоразм, Фарғона, Тошкент вилоятлари худудидан топилган. Тўйтепадан топилган эрамиздан

олдинги VIII асрга доир бир остадонда инсон бош суяги бизгача етиб келган.

Мурда чиққан уйда уч кеча-кундуз овқат пиширилмаслиги, яъни қозон осиб, гўшт қайнатмаслиги расм бўлган. Бу одат юртимизнинг барча минтақаларида ҳозир ҳам давом этади. Қўни-қўшнилар ана шу уч кун давомида азадорларни иссиқ овқат билан таъминлаб туришади.

Бундан ташқари «Вендидод»да таъкидланишича, марҳумнинг либослари ҳам, мурдага тегиб кетган азадорлар кийими ҳам қуёш нурига ёйиб покланиши лозим. Халқимизда ана шу анъана марҳум ашёларини бир кеча-кундуз қуёш ва ой нурида сақлаб қатрон қилиш сифатида давом этиб келмоқда.

Бизнинг ислом динимизда ҳар қандай вазиятда ҳам намозни бузиб бўлмайди. Маздопарастларда ҳам шундай экан. Ривоятларга кўра Зардушт намоз пайтида ёнидаги ғаними қўйнидан ханжар чиқарганини кўрган. Аммо ибодатни бузмаган. Натижада қотил ханжар суқиб ўлдирган.

Зардуштийлар ақидасича, инсон танасидан ажралган ҳар бир узв — қисм мурдор ҳисобланган. Шунинг учун улар инсон назаридан йироқда пинҳон бўлмоғи кўзда тутилган. Ана шу боис одам танасидан олинган соч, тирноқлар кишилар яшайдиган жойдан 50 қадам йироққа мушук ва кучуклар ковлаб олмайдиган чуқурликка кўмиб қўйилиши шарт бўлган. Кўмиш жараёнида эса дуо ўқиб туриш талаб қилинган.

Бундан ташқари ўликни ювиш, кафанга олиш, тобутни қабристонга элтиш билан боғлиқ удумлар ҳам «Авесто»да кенг-батафсил баён этилган. Зардуштийлар ақидасича, ўликни жамоа бўлиб дафн этишган. Кимда-ким мурдани танҳо кўмса, албатта бирон-бир руҳий дардга чалинарган. Қор, ёмғир ёғаётган пайтда ўликни қабристонга элтиш ман этилган. Борди-ю тобут кўтарилиб кетилаётганда жала ёғиб қолса, орқага қайтишга ижозат берилмаган. Уларнинг одатича оила бошлиғи ота ёки онанинг ўлигини деразадан ёки уй деворини тешиб олиб чиқиш расм бўлган. Оиланинг бошқа аъзоларининг мурдаси эшиқдан олиб чиқилган. Халқ ақидасича,

хонадон бошлиғи билан бошқа оила аъзоларининг мурдаси бир эшиқдан чиқмаслиги лозим эди. Харақтерлиси шундаки, мурдани устки либосларини ечиб ташлаган икки эркак олиб чиққан ва белги-ланган жойга элтиб қўйгач, улар махсус тайёрланган суюқликда ювиниб покланишган. Коҳин азадорларни уч қадам нарида сақлаб жаноза ўқишган. Тобутни қабристонга элтишда коҳин издиҳом олдида дуо ўқиб борган. Ўликни деразадан чиқариш одати айрим немис қабилаларида ҳозир ҳам мавжуд.

Маълумки, зардуштийларда чорвачилик ривожига алоҳида эътибор беришган ва уни асосий ҳаёт омили деб билишган. Шунинг учун ҳам ҳар бир хонадонда мол сақлаш ва кучук боқиш расм бўлгани сабабли денгиз кучути, ов тозиси, уй ҳамда чўпон итлари муқаддас саналган.

Одатга қўра ҳар бир зардуштийда маржонга ўхшаган бўйинбоғи бўлган. У вафотидан сўнг яхшилик билан умр сурган бўлса, яхши амални собит бажарган бўлса, ана шу боғичлардан ушлаб фаришталар жаннатга элтишган, ёмонликла ҳаёт кечирган бўлса, дўзахга судраб боришар экан.

От одамни тепиб ўлдирса, у албатта сўйилган; ит қопса, жабрдийда уни дарахтга боғлаб калтаклаб, аламини олиши лозим бўлган. Аммо ўлдиришга ижозат этилмаган. Ибодат жарёнида, яъни Тангри алқови пайтида коҳиннинг кўзи барсус хивичлари дастасига қаратилиши, диққати асло бўлинмаслиги лозим бўлган.

Зардуштийларда асаб ва руҳий касалликлар асосан дуо ўқиш ва уқалаш йўли билан даволанган. Табиб уқалаш жараёнида маълум бир дуони ўқиб «куф-суф»лаб турган. Игна, ип, мунчоқ, маржон, турли мато қийқимларига дуо ўқиб бемор баданига қўйиш ёки бирон-бир аъзосига боғлаш удуми кенг тарқалган. Турли хил яра, очиқ жароҳатларга ачитқи боғлаш расм бўлган. Биздаги дуохонлар ҳозир ҳам касалга турли дуоларни қоғозга битиб, сувда эритиб ичириш — эзиб ичиткини ҳозир ҳам қўллайдилар.

Қадимги аждодларимиз оила, хонадон покизали-

гига, шахсий покликка алоҳида эътибор беришган. Шунинг учун одам яшайдиган хонада ювиниш ва чўмилиш қатъий ман этилган; ҳовли бурчагига, эшик олдида ахлат тўплаб қўйган хонадон эгаси касал тарқатадиган микроблар пайдо қилиш сабабчиси сифатида жазоланган. Ариқ ёки ҳовуз лабига мол боғлаган одам 25 қамчи калтаклаш билан жазоланган; ёш болалар тик туриб нон емаслик, унинг увоғини ерга тўкмасликка одатлантирилган.

Бошқа ҳайвонлар қатори ит «уй посбони», «чорва кўриқчиси» сифатида эъзозланган ва муқаддас билинган. Шунинг учун ҳам уларнинг ақидасича, бир сув кучути ёки ов тозиси ўлдирилса, ўша юртда қурғоқчилик юз беради. Буғдой ва барча ўсимликлар ҳосил бермайди, қаҳатчилик, касаллик юз бериб, нотинчлик содир бўлади. Зардуштийларда эру хотинларнинг бир-бирига хиёнат қилиши, зино қаттиқ қораланган. Зинокор эркак 14 ариққа кўприк солиб бериш билан гуноҳини ювган. Зинокор аёл сувга боқса у оқишдан, гиёҳларга боқса улар ўсишдан қолармиш. У поктийнат эркак билан суҳбатлашса, уни диндан чиқарган ва поклигига раҳна солган бўларкан. Ҳайз кўрган аёллар алоҳида хонада яшаши, ариқ ва ҳовузларга яқинлашмаслиги керак экан. Бундан ташқари «Вендидод»да мурдани кафанга олиш, ўлик чиққан уйни қатрон қилиш, унинг либосларини асраш билан боғлиқ кўплаб иримлар мавжуд. Чунончи, мурда олиб ўтилган йўлақдан уч маротаба тўрт кўз кучук ўтгандан сўнггина бу йўлдан одамларнинг юришига рухсат берилган.

Демак, «Авесто»да тилга олинган қадимги ажодларимизнинг удум ва иримларнинг кўп жиҳатларига ҳамон риоя қилса бўладиган маърифий аҳамиятга эга экан. Бу далиллар эрамиздан бурунги тарихимиз, элшунослигимизнинг баъзи қирраларини ўрганишда ҳам олимларимизга қўл келади.

### **«Авесто» луғати**

«Авесто»даги сўз, ибора ва мураккаб жумлаларни изоҳлаб, шарҳлаб тушунтириш ёдгорлик яратилган даврданоқ бошланган. Доктор Фаридун Жунай-

дийнинг таъкидлашича, сосонийлар даврига келиб у анъанавий бир тусга киради ва «диний тушунча», «диний ибораларни изоҳлаш» деган атама пайдо бўлади. «Динкард», «Бундахишин» сингари ёдгорлик таркибидаги «Авесто»га оид, Зардушт ва зардуштийликка доир мулоҳазалар ана шу эҳтиёж замирида пайдо бўлган. Ушбу анъана Моварауннаҳру Эронда халифалик ҳокимияти жорий қилингандан сўнг ҳам давом этган. Чунончи, сосонийлар даргоҳидаги «китобий одамлар», яъни илоҳий аҳкомлар билимдони — авесто ва паҳлавий тилларини биладиган зардуштий уламолар халифа саройлари билан боғланиб, қадимги диний қоида, удумларни араб тилига ўгириш, шарҳлаш билан шуғулланган. Ибн Сино фойдаланишга муваффақ бўлган Бухоро китобхонасида ана шу хилдаги «Кўҳна китоб» ўғирмалари, «Шоҳномаи паҳлавий» ҳам бўлган.

Шундан сўнг «Авесто» шарҳлари, сўз ва ибораларини изоҳлаш, таржима қилиш тўхтаб қолади. Юқорида таъкидланганидек, француз шарқшуноси Анкетил Дюперрон Жанубий Ҳиндистондаги зардуштий форслар орасида 15 йил яшаб (XVIII аср) «Авесто» алфавитини, ўзлаштириб, тилини ўрганиб, юртига қайтгач, махсус луғат тузиб, «Яшт»ларни таржимаси билан бирга нашр эттиради. Кейинчалик инглиз ва немис тилларида ҳам «Авесто» луғатлари тузилади. Ўтган асрнинг 80-йилларининг бошларига келиб доктор Эҳсон Баҳромий «Авесто»нинг форсча-инглизча луғатни тузишга киришиб, 20 йил давомида 100 минг белгини қамраб олган «Авесто» калималари луғати»ни тузишга муваффақ бўлади. Муаллиф қўлёзмани кўтариб, идорама-идора, нашриётдан нашриётга юради. Аммо бирон-бир «харидор», «ҳомий» топилмагач, илм даргоҳини тарк этиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлайди.

Кунлардан бир кун «Бунёди Нишопур» нашриётининг бошлиғи Фаридун Жунайдий бир олим дўстига Язд шаҳридаги уламо, донишмандларнинг бир нечасини жалб этиб, «Авесто» луғатини тузиш лозимлигини маслаҳат беради. У: «Бундай луғат тайёр Эҳсон Баҳромий тузган, — дейди ва — унинг бир дафтари менинг қўлимда» деб ўша нусхани

келтириб беради. Жунайдий луғат билан танишиб чикқач, уч йил давомида нашриёт ходимлари муаллифни қидириб топадилар ва ижодий ҳамкорликда ишга киришилади. Натижада тузилганига 24 йил тўлгач, «Авесто» калималари луғати» 1997 йили чоп юзини кўради.

Тўрт жилдан иборат бу изоҳли луғат Фаридун Жунайдийнинг хийла батафсил сўз бошиси ва авесто — форсча-инглизча матнларидан иборат. Муқаддимада ношир «Авесто»нинг яратилиши, қисмати, унинг бизгача етиб келган қисми дастхатлари, уларни кўчирган котиблар, авестошунослик тарихи хусусида янгиликларга бой маълумотлар келтирган. Жумладан, муаллифнинг паҳлавий тилида зардуштийлик динига доир сўз ва атамаларнинг махсус изоҳлари яратилгани, Бухоро амири китобхонасида ҳам бундай изоҳ китоблари мавжуд бўлганлиги хусусидаги маълумотлари қимматлидир. Шунингдек, муаллиф сосоний шоҳ Балаш топшириғи билан «Авесто»нинг 21 наски тўла жамлангани, китобшунослар, дастхатни хушнавис қилган котиблар ҳақидаги янги маълумотлари ҳам хийла мароқлидир. Муаллифнинг хабар беришича, яздлик бир маздопараст донишманддан «Авесто»нинг янги кўлёмаси топилиб, Бунёдид Нишопур кутубхонасига олинган. Бу нусха ўзининг тўқислиги, яхши сақлангани, хатининг бенуқсонлиги билан сосонийлар даври нусхалари билан рақобат қила олади. Шунинг учун ҳам бу авестошуносликдаги энг сўнгги топилдиқ ва янгилик ҳисобланади. Кекса донишманд, кўҳна китоблар муҳиба Шоҳмардон Пуримардон уни кўз қорачиғидай асраган экан. Шу дастхатдаги бир парчага қараганда Мовароуннахрнинг «Авесто»даги номи «Вардирвардон» экан. Бундан ташқари кириш қисмида луғатнинг тузилиши, ундан фойдаланиш усуллари, уни нашрга ҳозирлаш жараёнида иштирок этган ходимлар рўйхати тафсилоти баён этилган. Гап шундаки, «Авесто»даги муайян бир сўзни уч-тўрт марта териш, унинг турли қисмларини кесма тарзда алоҳида қоғозларга ёпиштириш билан у ёки бу сўзни ҳосил қилиш сингари жараёнда кўпчилик заҳмат чеккан.

«Авесто» калималари луғати» жуда катта илмий,

назарий, амалий ва маърифий аҳамиятга эга. Унда ёдгорликнинг бизга қадар сақланиб қолган қисмидаги деярли барча сўзлар қамраб олинган ва изоҳланган. Улар шу соҳа билан қизиққан барча илм-адаб аҳлига чуқур билим беради. Чунончи, ҳозиргача барча авестошунослар тадқиқотларида тангри Аҳурамазда яратган 16 «кишвар»нинг биринчиси «Айрона Важа» деб нотўғри ёзиб келинар ва унинг қайси минтақада жойлашганлиги хусусида баҳс юритиларди. Луғатда тангри халқ қилган биринчи кишвар «Эрон Виж — Хоразм ҳудудидаги қадимги давлат», «Дарёи Фарохи Карт — Минг шохобча ва минг каналли Амударё», «Хукар — Помир тизма тоғлари», «Авесто» — илм ва огоҳлик деб аниқ шарҳланган.

Олдин таъкидланганидек, «Авесто»да минглаб аталар, номлар диний, фалсафий, иқтисодий, сиёсий, касбий тушунчалар борки, уларнинг аксариятини соҳа мутахассислари ҳам тушуниши қийин эди. Мазкур луғатда сосонийлар давридаги анъана ва тажрибалардан фойдаланиб, минг бир маънога эга бўлган ана шу хилдаги тушунчаларни имконият доирасида муаллиф кенгроқ, батафсилроқ шарҳлашга интиланган. Маълумки, истиқлол шарофатила мамлакатимизда аждодлар меросига, миллий қадриятларга муносабат мутлақо ўзгарди. «Авесто» калималари луғати» китоби дастурий моҳиятга эга бўлганлиги учун у барча Шарқ давлатларида ёш авестошуносларни тайёрлаш, қадимги меросимизга келажак авлодда меҳр уйғотишда муҳим аҳамиятга молик бир китобдир.

## **«Динкард»**

Қадимги Турону Эрон минтақаларида яшаган халқларнинг дини зардуштийлик шаклланиб, унинг муқаддас китоби «Авесто» ёзилган кезлардан бошлаб унинг тарихини ёзишга, яратишга қизиқиш, китобдаги етакчи масалаларни шарҳлашга интилиш ҳам пайдо бўлган. «Динкард» ана шу маздопарастлик тарихига бағишланган илк фундаментал илмий асарлардан ҳисобланади.

«Динкард» («Дин саргузаштлари») IX асрнинг бошларида Озорбод Имидон, Озорфаринж Фаррухзодонлар томонидан ёзилган муҳим тарихий, адабий, диний ёдгорликдир. Аммо доктор Аҳмад Тафаззулийнинг аниқлашича китоб пароканда бўлиб кетган. Натижада Озорбод Умид уни одамлар қўлидан йиғиб, тартибга солиб «Минг фасли Динкард» номи билан мукамал ҳолатга келтиради. 932 йили Озорбод Меҳроspанд паҳлавий тилида «Динкард»нинг янги нусхасини яратади. У иш жараёнида қайси китоб кимнинг қаламига мансублигини қайд қилиб ўтган. Жумладан, «3—4—5-жилдларнинг муаллифи Озорфаринж Фаррухзоддир» деб махсус таъкидланган. Бизгача «Динкард»нинг бир неча нусхаси етиб келган. Улар орасида 1009 йили Моҳвандод Нармоҳон томонидан Бағдодда кўчирилган нусхаси ҳамда 1459 йили Моҳвандод Таркободий томонидан китобат қилинган нусха бир мунча мукамал. Бу нусхалар Бомбейда зардуштийларнинг илмий маркази Кома хазинасида сақланмоқда. Бундан ташқари «Динкард»нинг яна бир неча номукамал дастхат нусхалари бизгача сақланиб қолган.

Асарнинг биринчи китоби нусхалари ҳали топилган эмас. Иккинчи жилд мажмуанинг энг катта китоби ҳисобланади. У катта-кичик 620 фаслдан иборат. Ҳар бир фасл «Зардушт динининг таълимотига биноан» деб номланган анъанавий муқаддима жумла билан бошланади. Китоб бошидан охиригача зардуштийлик динининг қонун-қоидаларидан, Аҳурамазда каломининг шарҳларидан иборат бўлиб, аксарият фасллар 5—6 саҳифадан ташкил топган. Аммо «Табобат ҳақида»ги, «Яқин қариндошларнинг ўзаро никоҳга кириши хусусида» сингари боблари 50—60 саҳифалардан иборат. Ора-сирада оламнинг яратилиши, ўлимдан кейинги ҳаёт сингари бошқа масалаларга доир фикрлар, алоҳида лавҳалар, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам учрайди.

«Динкард»нинг учинчи китобини бидъатчиларнинг ўн икки саволига коҳиннинг жавоби ҳамда бир шогирднинг 16 саволига Мўъбаднинг жавоби ташкил қилади. Барча фаслларнинг асосида ҳамма мавжудотнинг ўлими ва ҳалокатидан сўнг аслига — мут-



лақ моя Аҳурамаздаги қайтиши хусусидаги ғоя ётади. Жаннат ва дўзах ҳақидаги мулоҳазалар, диний қоидалар таснифи, инсоннинг амалда эркинлиги, буддизм, насронийлик, монавийлик ҳамда мутаъзиллийлик ҳақидаги фикрлар ҳам анча батафсил. Китоб охирида панднома моҳиятидаги бир неча боб мавжуд.

Озорфаринж Фаррухзоднинг «Ойиннома» китобидан сайлаб олинган дафтар тўртинчи китоб ҳисобланади. Унда зардуштийлик динини қабул қилиб, унинг тарқалишига кўмаклашган Александр Мақдуний ғоратидан сўнг «Авесто»нинг пароканда қисмларини жамлашда, янги диннинг софлигини асрашда фидойилик кўрсатган Гуштасп, Доро, Балони Ашконий, Ардашер Бобокон, Шопури Ардашер, Шопур иккинчи, Хусрав Анушервон каби шоҳлар фаолияти, Амрдод ва Хўрдод сингари фаришталар тавсифи берилган. Бу асарнинг яна муҳим жиҳати шундаки, алоҳида фаслларда ўнлаб қадимги ҳинд олимларининг китоблари зикр этилганким, кейинги асрлардаги ислом олимлари улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Китобнинг тили соф илмий ва диний истилоҳлар билан зийнатланганлиги учун оддий китобхон учун тушуниш анча оғир.

Мажмуанинг бешинчи китоби икки қисмдан иборат. Биринчи қисми Озорфаринж Фаррухзоднинг Якуб Холдон отлиғ шахс томонидан берилган саволарига жавобларидан иборат. Шундан сўнг Зардуштнинг туғилганидан вафотигача бўлган ҳаёти, саргузашти баён қилинган. Иккинчи қисмида эса Фаррухзоднинг Бахтмори Насиҳий томонидан берилган диний масалаларга доир 33 саволига қайтарилган жавоблар жамланган. Уларда зардуштийлик динининг одат ва удумлари кенгроқ шарҳланган.

Олтинчи китоб тўлалигича паҳлавий тилидаги пандномадир. Тадқиқотчилар уни «Авесто»нинг бизгача етиб келмаган «Бариш наск» китобининг эркин таржимаси, деган хулосага келишган. У олти қисмдан иборат. Уларнинг аксарияти диний пандномалардир. Аммо улар таркибида ростгўйлик, ҳалоллик, илм ўрганиш, касб эгаллаш, олимларга эргашиб, нодондан йироқ юриш, эътиқод, вафо ҳамда садоқат, меҳнатсеварлик ва хоксорлик сингари юксак инсо-

ний фазилатларга доир ҳикматлар ҳам кўп. Хусрав Анушервон ҳамда Озорбод Меҳроспандонлар пандномалари алоҳида фаслларда берилган.

Маълумки, «Зенд Авесто»дан тортиб барча тафсирий китоблар пандномаларда кўпинча «Авесто»нинг у ёки бу қисмларидаги фикрлар кенг шарҳланган, қайта нақл қилинган. «Динкард»нинг еттинчи китоби ёдгорликнинг «Спанд наск», «Чеҳрдод наск», «Виштасп наск» сингари китобларининг паҳлавийча таржималари асосида яратилган. Унда Зардуштнинг ҳаёти ва фаолиятидан тортиб Искандар Мақдунийнинг Эрону Туронни ғорат қилиб, «Авесто»ни ёқиб юборгунга қадар бўлган тарихий воқеалар батафсил ҳикоя қилинган. Китоб Хушидар, Хушидаримоқ ҳамда Сушёнис номли Зардушт авлодларидан бўлмиш уламоларнинг ҳаёти ва фаолиятлари шарҳи билан хотима топади.

Мазкур мажмуанинг саккизинчи китоби ҳам афтидан Озорбод Имидон томонидан ёзилганга ўхшайди. Зероки, матннинг бошида бу тафсир бир неча фаслга бўлинадиган етти қисмдан иборат. Улар «Авесто»нинг «Огоҳник», «Додик» ва «Ҳодак монсарик» номли дафтарлари асосида ёзилди, деган фикр мавжуд (Доктор Аҳмад Тафаззулий. Тарихи адабиёти Эрон пиш аз ислом. «Сухан», 2001, 137-бет). Китобнинг ҳуқуқшунослик — жазо ва афв ҳамда экин экиладиган, суғориладиган ерлардан фойдаланиш низомлари баёнига бағишланган фасллари ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Бизга аёнки, «Авесто» яратилган даврдан бошлаб унинг мукамал мафсирилари ёки алоҳида китобларини шарҳлаш кенг тус олган. «Динкард»нинг тўққизинчи китоби ёдгорликнинг «Судгар наск», «Верситмансар наск» ҳамда «Биг наск» сингари дафтарларининг мукамал илмий тафсирилари дидир. Уларда, бир томондан, Зардушт фарзандлари ҳамда энг яқин шогирдларининг фаолиятлари анча батафсил баён этилса, иккинчи томондан, кўп мифологик тинсоллар ҳақидаги тафсилотлар бир неча саҳифаларни ташкил этади. Жумладан, Жамшед, Заҳҳок, Фаридун, Ковус, Кайхусравлар ҳақидаги фарғардларнинг ҳар бири ихчам бир қиссани эслатадиким,

бундай хусусият паҳлавий тилидаги бошқа ёднома-ларда учрамайди. Масалан, Ковуснинг осмонга учи-ши воқеаси Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Ковус дос-тониға анча яқин. Бундан ташқари бу китоб зар-душтийлик динининг илк пайдо бўлиши пайтидаги тарихий жараёни ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Айниқса, Ахурамазда томонидан даст-лаб пайғамбарлик ҳақида Жамшедга ваҳий юбори-лиши ва унинг бу муҳим, умуминсоний вазифани удалай олмаслик ҳақидаги таваллоси тафсилотлари хийла мукамал баён қилинган.

«Динкард» зардуштийлик динининг пайдо бўли-ши, илк даври ҳамда шаклланиш жараёнларини, «Авесто»нинг ёзилиши тарихини, диннинг тарихини ўрганишда паҳлавий тилида яратилган энг комил ёдгорлик ҳисобланади. Шу билан бирга унинг алоҳи-да китоблари Зардушт шажараси, Аржасп, Гуштасп саройи атрофидаги шахслар, янги диннинг кўплаб уламолари фаолиятини, ўша даврдаги тарихий воқе-аларни, Турон, Эрон ҳамда Ҳиндистон минтақалари илм-фани тарихини ўрганиш учун далилларга бой қомусий асардир. Жумладан, тиббиётга доир баъзи мулоҳазалар, суғориладиган ердан фойдаланиш ҳақидаги низом-қонунлар бошқа манбаларда учра-майди. Шунингдек ёдгорликда неча юз мураккаб ибор-ра ҳамда бирикмаларнинг тасвирий шарҳи берилган. Бундан ташқари «Динкард» Ўрта Осиё ва Эрон халқ-ларининг таълим-тарбия ҳақидаги педагогик қараш-лари тарихини, оғзаки ижодини ўрганишда ҳам му-ҳим аҳамиятга эга. Шунингдек ёдгорликда дунёдаги кўп динларнинг келиб чиқиши, моҳияти, ҳатто, та-рихий шахс Маздак томонидан асос солинган мазда-кизм тарихи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар мав-жуд. Демак, «Динкард»нинг Шарқ халқлари тарихи, илм-фани, маънавияти, динлари, адабиёти-ю илм та-рихини ўрганишдаги моҳияти беқиёс экан.

### **«Бунгахушин»**

Маълумки, «Авесто»нинг мукамал нусхаси бизга қадар етиб келмаган. Ёдгорликнинг ҳозиргача мав-жуд энг кўҳна дастхати асл матннинг тўртдан бир

қисмидан иборат. «Бундахишин» (Оламнинг яратилиши) эса «Дамдад — наск» деб номланган бир дафтарининг паҳлавий тилидаги изчил қайта ҳикоя қилинган нусхасидир. Бундан ташқари муаллиф «Авесто»нинг «Чеҳдод наски»дан ҳам баъзи маълумотларни олган. «Тоғларнинг хоссалари» деб номланган қисмидаги жуғрофий атамалар эса турли яшталардан иқтибос қилинган. Ёдгорликнинг яратилишини барча шарқшунослар III асрнинг охири ва IV асрнинг биринчи чораги, деб уқтирадилар. Китобнинг бизга қадар Эрон нусхаси («Катта Бундахишин») ҳам ихчамроқ «ҳинд нусха»лари сақланиб қолган. Акбаршоҳнинг империя китобхонасида асарнинг ноёб қўлёзмаси сақланган. Қўлёзма дебочасида китоб «Анушгарвон (Ануширвон) Исфандиёр ўғли Моҳванд Рустам ўғли Шаҳриёр топшириғига кўра ёзилди» деб қайд қилинган.

«Бундахишин»да, бир томондан, оламнинг Аҳурамазда томонидан яратилиши, бунга Аҳриманнинг қаршилиги зардуштийлик дини таълимоти асосида хийла батафсил баён қилинган; бу билан боғлиқ турли-туман асотирларнинг мазмуни, тафсилотлари келтирилган. Китоб катта илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий, тарихий, ахлоқий-таълимий, маърифий қимматга эга. Зероки унда оламнинг яратилишидан ташқари ҳаёт диалектикаси — яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат, ривожланиш билан таназзул ўртасидаги доимий кураш қонунияти ёрқин акс этган. Шу билан бирга, дунёнинг адоғи — қиёмат қойим бўлиши, ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги, бу оламу нариги дунё хусусидаги мулоҳазалар гоҳ диний, гоҳ дунёвий руҳда чиқарилган хулосалар хийла батафсилдир.

Энг муҳими шундаки, 3 фасл, 36 қисмдан иборат бу манбада шунга ўхшаган бошқа кўҳна ёдгорликда учрамайдиган кўплаб илмий мушоҳадалар, аждодларимизнинг тафаккур неъматлари жамланган. Бундай мулоҳазалар «Аҳриманнинг Аҳурамазда яратувчилигига қарши кураши», «Аҳриманнинг ер билан жанги», «Аҳриманнинг сув билан жанги», «Аҳриманнинг ўсимликларга қарши кураши ҳақида», «Нурнинг яратилиши ҳақида» сингари фаслларда

ўз ифодасини топган. Асарнинг табиатшунослик, жўрофия, астрономия, минералогия, ҳайвонлар, паррандалар олами, ер, тупроқ, сув хоссалари ҳақидаги бўлимлари ҳам бири-биридан завқли ва теран битилган. «Ернинг хоссалари ҳақида», «Сувнинг хоссалари ҳақида», «Денгизнинг табиати ҳақида», «Ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида», «Уч оёқли ҳачир ҳақида», «Етти хил суюқлик ҳақида», «Етти планета ҳақида», «Айиқ ва маймунлар табиати ҳақида» сингари қисмларида тилга олинган нарса ва ҳодисаларнинг ҳар жиҳатдан мукамал илмий таснифи берилган, классификация қилинган, ҳайратангиз илмий хулосалар баён этилган. Уларнинг ҳар бири алоҳида ўрганиш ва таҳлил қилишни талаб этади. Масалан, юзлаб тоғ ва дарёлар, кўлларнинг пайдо бўлиши хоссалари ҳақидаги далиллар «Авесто»даги бу соҳага доир фикрларни янада тўлдиради.

Бундан ташқари «Бундахишин»нинг алоҳида бобларида давлатнинг тузилиши, раис (раҳбар, давлат бошлиғи) сифатлари, хислатлари махсус баён этилган, раисга йўл-йўриқлар кўрсатилган, пандлар берилган. Ушбу ёдгорлик қадим замонлардаги таълим тизимимизни ўрганишда ҳам гоյтада қимматбаҳо манба ҳисобланади. Чунки унинг «Донишманднинг ўз фарзандига насиҳати», «Устоз (муаллим)нинг биринчи синф ўқувчисига панди», «Солномашунослик хусусида» каби қисмларида ёш авлод тарбияси, камолоти олдида ота-она, жамоа, кўни-кўшни, муаллимларнинг бурч ҳамда вазифалари, ўқувчининг мактаб, кўчада, устоз, ота-она, кексалар, катталар ҳузурда ўзини тутиши, қоидаю йўсинлари бирма-бир санаб ўтилиб, унга риоя қилиш мезонлари кўрсатилган. «Кичикликда билим олсанг, йигит бўлгач, бошинг эгилмайди» дейилади унда; мактабда ўтириш, қалам, дафтарга қандай муносабатда бўлиш, дасмол-сочиқ, тиш ювгич (мисвок)ни қандай асраш, турмуш озодалиғи, шахсий покизалик қоидалари баён этилган. Афсуски ёдгорликнинг русча таржимасида (Ленинград, 1996) гигиена, табиатни муҳофаза қилиш ва таботатга доир ўринлари қисқартирилган.

Шунингдек, «Бундахишин» жиддий тарихий аҳамиятга ҳам молик китобдир. Унда каёнийлар сулоласининг қавм ва уруғлари, Етти мўъбаднинг саргузашти. Пурушасп (Зардушт отаси)нинг аждодлари, яъни шажараси тафсилотлари баён этилиб, тўла рўйхати илова қилинган. Бу эса маздопарастлик динининг асосчиси Спитамон Зардушт ҳаёти ва фаолиятини мукамал тасаввур этиш учун ноёб далиллардир. «Авесто»дан олинган кўплаб жой номларининг сосонийлар давридаги шаклини ҳам берилиб, анча тўлиқ шарҳланиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Масалан, «Сўғд», «Марв», «Балх», «Хоразм», «Дараға» каби ўнлаб жуғрофий номларнинг авесточа шакли ҳамда паҳлавийча талаффузи ва ёзилиши кўрсатиб ўтилган. Умуман, нафақат воқеа ва далиллар баёнида, балки услубда ҳам бу асар «Авесто» наскининг паҳлавий тилидаги изоҳли табдили-тафсири эканлиги яққол сезилиб туради, деб таъкидлашади аксарият шарқшунослар. Хулмас, «Бундахишин» қадимги Турон, Эрон халқлари аждодларининг тарихи, илмий-дунёқараши, фалсафий, маърифий тафаккурини ўрганишга хизмат қиладиган, «Авесто» хусусидаги тасаввурларимизни янада такомиллаштирадиган муҳим манбалардан ҳисобланади. Қуйида биз ушбу ёдгорликдан баъзи парчаларни форсий матндан таржима қилиб келтирдик:

### **Кўлларнинг хоссалари**

«Авесто»да кўлларнинг хоссалари хусусида фикр юритилган бўлиб, дунёда асосий сув манбалари бўлмиш кўллар хийла кўпдир, дейилган. Улар инсон кўзига ўхшашдир. Чичист, Судбар, Хварезм, Фраздан, Зарноманд, Асваст, Хосро, Садвес, Урвис энг машхур ва серсув кўллардир. Жумладан, Чичист кўли Адурабадаганда бўлиб, унинг суви илиқ ва зарарсиздир. Зероки бу сувда бирон-бир тирик ҳашарот мавжуд эмас. Уни Фрахвард кўлидан оқиб келадиган сув ҳамиша тўлдириб туради.

Судбар кўли эса мамлакатнинг шимолида бўлиб, Тус тоғлари чўққисида жойлашган. Муаллиф «Авесто»да ёзишича, «Судбар» — бу одамларга фойда

келтирувчи демақдир. Ҳақиқатда ҳам Тангри уни ҳаминша фойда келтирувчи ва серфайз қилиб яратган. Хварезм кўли ҳақида у ёзади: уни фаровонлик ва давлат тангриси Оша фойдали ва бой қилиб яратган, у инсонларга хушбахтлик инъом этади. Фраздан кўли Сеистондадир. Айтишларича, Фраздан кўлига диндор бирон-бир нарсани ташласа, мамнуният билан қабул қиларкан: динсиз, беамал ташласа, сув тўлқинланиб, қирғоққа отиб юборар экан. Унинг асосий сув манбаи Фрахвард кўли экан.

Зарноманд кўли Ҳамадондадир. Асваст кўли ҳақида шу нарсани маълумки, унинг суви тоза бўлиб, у денгиз билан туташ, яъни денгизга қараб оқиб туради. У шу даражада соф ва тиниқки, гўё қуёш унинг сувида инсон учун оби ҳаёт топгандай унга ботгандек туюлади. Хосро кўли Чичистдан тўрт фарсанг нарида жойлашган. Олдин таъкидлаганимиз Садвас Фрахвард кўли билан Путин кўли оралигидаги мавзеда жойлашган. (Муаллифнинг ёзишича Камидонда шундай улкан ўнгир мавжудким, унга ташланган нарсалардан жонли мавжудотдан бошқа барчаси қайтиб чиқар экан.) Агар жонли махлук ташланса, ўз қаърига тортиб кетаркан. Кишиларнинг айтишича, у ерда дўзахнинг ўчоғи бор эмиш. Урвис кўли юксак Ҳукар тоғининг орқасидадир.

## **Дарёларнинг хоссалари**

Дарёларнинг хоссалари хусусида «Авесто»да шундай ёзилган: дарёларнинг энг улкани Арақ ҳамда Вехруддир. Ушбу икки дарё шимолдан оқиб келади: жумладан Арақ Элбруснинг ғарбий томонидан оқиб тушса, иккинчиси — Вехруд шу тоғнинг шимол томонидан оқиб тушади. Улардан сўнг шу манбадан ўн саккиз дарё пайдо бўлади. Айни пайтда улардан яна кўплаб дарёлар ҳам вужудга келади. Айтишларича, бу дарёлар шу даражада тез оқадики, инсон тафаккури уни ўлчашдан ожиз. Қизифи шундаки, бу сувларнинг барчаси охир-оқибатда яна ўша Арақ ва Вехрудга келиб қўшилиб кетади. Бу икки улкан дарё бутун қуруқликни сероб этиб, оқаваси Фрахвард денгизига қуйилиб, ўзлари пайдо бўлган ман-

бага қўшилиб кетадилар. Муаллиф «Авесто»да шундай ёзади: «Қуёш Элбрусдан чиқиб, яна ўша ерга ботгани каби, сувлар ҳам асл мояларига қайтадилар». Яна у ерда шундай битилган: Арақнинг руҳи Аҳурамаздадан сўради: «Эй оламнинг яратувчи буюк тангри Вехруд сендан шараф, мангулик тилаган эди. Унинг истагини инобат этгин». Айни пайтда Вехруд ҳам Арақ учун ана шундай тилакни тангридан сўраган эди. Ҳар иккисининг тилаги мустажоб бўлди. Ана шундай бир-бирини қўллаб-қувватлашлари туфайли бу дарёлар душман (Ахриман) келиб зиён етказгунга қадар тўлиб-тошиб оромгина оқишади. Душман ҳалокатидан сўнг ҳам улар ўз оқимларида лиммо-лим ҳаракат қилаверишди. Мен Арақ ҳамда Вехруддан ташқари 18 дарёлардан пайдо бўладиган дарёларнинг энг муҳимларини эслатиб ўтаман. Диглат, яна бир номи Вех, Фрот, Даити, Доргам, Зенд, Хоро, Марв, Хитманд, Ахошир, Навада, Зишманд, Хвеганд, Балх дарёси, Меҳра, унинг иккинчи номи Хендеа, Спед, Рад, уни Коир деб ҳам юритадилар; Хварай, бунинг иккинчи номи Месерган, Араз, Теремет, Хванайдиш, Дараға, Касик, Шед, Патдамайан, Чатрумайан. Бу дарё Мокористондадир. Олдин таъкидланганидек Элбрусдан бошланадиган Арақ, у Сурак юртида бўлиб, аҳолисини Оми деб юритишади. Бу дарё Миср деб аталадиган Сепотос минтақасини кесиб ўтади. У ерда бу дарёни «Нив» деб аташади. Вехруд шимолга қараб Синд юртида оқади ва Ҳиндистонни кесиб ўтиб, денгизга қуйилади. У ерда буни Меҳр дарёси деб аташади. Фрот суви асосан суғориш учун ишлатилади. Подшоҳ Манучеҳр бу дарёни қазиб кенгайтириб, ягона йўналишга солдирган. «Мен балиқ тўла бўлган Фротни эъзозлайман», — деди у. Манучеҳр ўз эҳтиёжини ўйлаб, дарёни тасарруфига олиб, юртни суғоришга сарфлади.

Салм юртидан бошланадиган Диглат дарёси Хузистон ерларидан ўтиб, денгизга қуйилади. Даити дарёси Эрон Виждан бошланиб, Панджастан тоғлари орқали оқади. Барча дарёлардан кўра Даити дарёсида зарарли сув ҳашаротлари кўп. Даргам дарёси Суда юртидадир. Занд дарёси Панджастан тоғла-



ридан ўтиб, Харо сувига кўшилиб кетади. Харо дарёси эса Апарсин тоғидан бошланади. Сеистондаги Хатманд дарёсининг манбаи ҳам Апарсиндир. Уни бир вақтлари Фрасияг тўсиб қуйган. Ахошир дарёси Кумишдадир. Зишманд дарёси Суғд томондаги Хвеганд дарёсига бориб қуйилади. Хвеганд дарёси эса Самарқанд марказидан ўтиб, Паргананага боради. Бу ерда уни Ашард деб ҳам аташади. Марв шарқда ёки Хуросонда энг машҳур дарё, у Бомийндаги Апарсин тоғидан бошланиб, Вехрудга бориб қўшилади. Спед дарёси Адурбадагондадир. Айтишларича, Заҳҳок айнан шу ерда Ахримандан мадад сўраган экан. Коир деб юритиладиган Торт дарёси Каянса денгизидан бошланиб, Верген океанига қуйилади. Адирбадагондан бошланадиган Захват дарёси Форс денгизига қуйилади. Споҳондан бошланадиган Хварай дарёси эса, Хузистондан ўтиб, Диглат билан қўшилиб кетади. Споҳонда уни «Мисрган дарёси» деб аташади. Дамованд тоғларидан бошланадиган Араз асосан Табаристонни сув билан таъминлайди. Термен дарёси Вехрудга бориб қўшилади. Вендесес форсинг Сеистон деб аталадиган минтақасидадир. Тоғлардан оқиб ўтадиган Касик дарёси Тус сарзаминига боради. У ерда дарёни «Касп» деб юритишади, ўша ердан бошқа бир дарё — Вехни бошланади. У ерда ҳам, Синдда ҳам уни «Касик» дейишади. Чатрумайн дарёси Кангдиздадир. Бу юрт Эрон Вижда бўлиб, Зардуштнинг отаси Пуршаспни ҳовлиси ана шу дарё соҳилида бўлган. Бошқа сон-саноксиз дарёчалар, каналару анҳорлар ана шу ягона манбадан пайдо бўлади. Шундай қилиб, бу дарёлар турли мамлакат ва юртларда турлича номланади. Фрасияч ҳақида гап кетганда айтишадикки, у минглаб сув манбаларини тўсиб, бошқа ўзанга буриб, туялар, юзлаб молу отарларга яйловлар барпо қилиш мақсадида Касп денгизига оқизган. Зариноманд сув манбаидан Хетманд дарёси ҳосил бўлган дейишади. У яна 7 та кема юрадиган дарёлар сувини тўсиб, денгизга йўналтирган ва у ерларга аҳолини кўчириб борган.

## **Зардушт пандларидан**

Доно ўз ақлу фаросати билан нодон қалбини  
ёритмоғи лозим.

\* \* \*

Доно ўзгаларни ўз билимидан баҳраманд этмоғи  
зарур.

\* \* \*

Эй мардум! Шундай киши гапига қулоқ тутинг-  
ки, у донишманд ва ростлик тарафдори бўлсин.

\* \* \*

Ким фаросатли, оқил ва тўғри бўлса, парварди-  
гори олам унинг ҳомийсидир.

\* \* \*

Аҳурамазда ўз қудратини поктийнат кишиларга  
кўрсатади.

\* \* \*

Кексалар гапига қулоқ солинг ва андиша билан  
мулоҳаза юритиб, яхши билан ёмонни ўзингиз аж-  
ратиб олинг.

\* \* \*

Покхилқат кишигина тангри иноятига эришади.

\* \* \*

Оташдек пок ва дурахшон бўлинг.

\* \* \*

Эй Аҳурамазда! Бизни ўзингнинг муқаддас ақлинг  
моясидан баҳраманд эт.

\* \* \*

Жаҳонга ҳақорат кўзи билан қарайдиган киши-  
лар поктийнатликдан йироқдирлар.

\* \* \*

Поктийнат кишилар ростлик ва дўстлик тараф-  
дорларидирлар.

\* \* \*

Покхулқли юрт ҳамиша тараққиёт ва юксалишда бўлади.

\* \* \*

Жаннат Маздога ақл билан пайравлик қилганларга насиб этади.

\* \* \*

Аҳурамаздагина ўфил қалбига Оша эҳтиромини жо эта олади.

\* \* \*

Кишилар яхши хулқ билан камолот ва мангуликка эришадилар.

\* \* \*

Яхшилик одамни мангулик кишвари — жаннатга элтади.

\* \* \*

Ҳар бир киши андиша, гуфтор ва кирдор (амал)да муқаддас ақлга суянмоғи лозим.

\* \* \*

Эй Маздо! Жаҳонда сулҳу амниятни таъминлайдиган донишмандликнинг падари сенсан.

\* \* \*

Ақли расо киши бахтли ва фаровон яшайди.

\* \* \*

Юксак ақл Пули Сиротда яхши-ёмонни ажрата олади.

\* \* \*

Ватаннинг тутуни ҳам шириндир.

\* \* \*

Ҳар бир зардуштий адолатли, сулҳпарвар ҳамда некандеш бўлмоғи лозим.

\* \* \*

Биз ҳайвонларнинг кўпайиши тарафдори бўлмо-  
фимиз лозим.

\* \* \*

Эй маздопарастлар! Чорва молларини яхши пар-  
вариш қилинг, уларни беҳуда озор ва қатлдан ас-  
ранг.

\* \* \*

Яхши устозлар тангрига яқин одамлардирлар.

\* \* \*

Тангри шому саҳар бандаларига ёрдам беради-  
ган одамларни ёқтиради.

\* \* \*

Адашганларни тўғри йўлга бошлаган одамнигина  
яхши одам дейиш мумкин.

\* \* \*

Аҳурамазда огоҳлик ва билим сарчашмасидир.

\* \* \*

Нодоннинг ибодат пайтида рақс тушгиси келади.

\* \* \*

Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг мўъта-  
бар одатдир.

\* \* \*

Рост сўз сендан қоладиган қутлуф ёдгорликдир.

\* \* \*

Тангри барча билим ва ҳунарларнинг сарчашма-  
сидир.

\* \* \*

Қаерда икки тан бир-бирини қўлласа, ўша ерда  
иш юришади.

\* \* \*

Ростлик ва ҳақгўйлик тангри одатидир.

\* \* \*

Рост амалдан ўзга ҳеч нарса билан шуғуланма.

\* \* \*

Ҳаммага яхшилик истайдиган одамларга яхшилик етсин!

\* \* \*

Тоғ жилғаларидан биттасини қуритган одам Тангри душманидир.

\* \* \*

Дўстлик риштасини поклик билан маҳкам тунг.

\* \* \*

Ер юзининг яхшилари адоғсиз дарёдирлар.

\* \* \*

Поклик инсон туфилганидан умрининг охиригача қилинадиган энг яхши амалдир.

\* \* \*

Ким ёлғонга оғиз очса, бахт қуши ундан қочади.

\* \* \*

Гапирувчи нодон бўлса ҳам, тингловчи доно бўлмоғи лозим.

\* \* \*

Сукут — энг буюк одоб.

\* \* \*

Қиз болани ура кўрманг, хонадонингиз бахтсизликка учрайди.

\* \* \*

Овқатланиш пайтида гапирмоқ гуноҳи азимдир.

## Интиҳо

Азиз ўқувчилар! Муаллиф авестошунослик даъвосидан йироқ. Зероки, у «Авесто» ёзуви ва тилини билмайди. Унинг ушбу мулоҳазалари «Авесто»нинг икки жилдлик форсий матни ҳамда турли тилларга қилинган янги таржималарини ўқиш жараёнида туғилган таассуротлар натижасидир. Янги таржималар асосидаги тоза тадқиқотларнинг барчаси ҳали олдинда турибди. Муаллифнинг «Авесто»га доир мутлақо янги фикрлари «Динкард», «Бундахишин» каби ёдгорликлардаги далиллар асосида изҳор этилган. «Авесто»нинг форсий табдили ҳамда ўзбекча таржималари асосида янги тадқиқотлар олиб бориш, хусусан ёдгорликни «Шоҳнома» билан қиёсий-типологик жиҳатдан жиддий ўрганиш келажак вазифасидир.

**ФИРДАВСИЙ  
ВА  
ЎЗБЕК АДАБИЁТИ**



## Илк сарчашмаларга «Шоҳнома» излари

Фирдавсий «Шоҳнома»си ва унинг қаҳрамонлари билан боғлиқ афсонаю ривоятлар қадим замонларданок Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган, халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма ёдгорликларда ҳам тилга олинган, қайд этилган. Бунинг асосий сабабларидан бири «Шоҳнома»даги баъзи дostonлар сюжетининг бевосита кўҳна Чоч атрофида яшган туркий халқлар ҳаётидан олинганлигидадир. Бугина эмас, Фирдавсий дostonларидаги воқеаларнинг давоми сифатида кейинчалик пайдо бўлган «Барзўнома» ҳамда «Жаҳонгирнома»нинг бош қаҳрамонлари Барзў ҳам, Жаҳонгир ҳам (улар Сухробнинг ўғли ва невараси сифатида талқин этилади) Қовунчи, Урганч атрофларида фаолият кўрсатади. Панжакент ва Шаҳристонда олиб борилган археологик қазилмалар пайтида сарой деворларига «Рустам ва Сухроб» афсонаси сюжети асосида чизилган расмларнинг (эрамининг VII асрига оид) топилиши ҳам буни тасиқлайди.

Муҳаммад Наршахий «Шоҳнома»нинг энг ёрқин образларидан бўлмиш Сиёвуш фожиаси билан боғлиқ «Кини Сиёвуш» («Сиёвуш ўчи») кўшиғи Бухоро аҳолиси орасида машҳурлигини таъкидлаган<sup>1</sup>. Буюк қомусчи тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги марсияда тилга олинган Алп Эр Тонга Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Афросиёбнинг ўзидир<sup>2</sup>.

Лекин бевосита ёзма адабиётда «Шоҳнома» аён-аналарини, Фирдавсий ижодидан баҳраманд бўлишнинг илк намунасини биз Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» дostonида учратамиз. Маълумки, ўз даврининг барча билимларида баркамол бўлган Юсуф Хос Ҳожиб (IX аср) араб ва форсий тилдаги

<sup>1</sup> Муҳаммад Наршахий. Бухоро тарихи. «Фан» нашриёти, Т.: 1966. 23—24-бетлар.

<sup>2</sup> Самойлович А. Н. Иранский героический эпос в литературах тюркских народов Средней Азии, в кн. Фирдауси. Изд-во АН СССР, Л., 1934. с. 163.



адабиётни ҳам пухта эгаллаб, туркий тилда биринчилардан бўлиб ахлоқий-таълимий, ижтимоий фалсафий характердаги машҳур асарини яратди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи дoston муқаддимасида бундай дейди:

*Арабча, тожикча китоблар ўқуш,  
Бизнинг тилимизга бу юмғу ўқиш.*

«Қутадғу билиг» Фирдавсий «Шоҳнома»сининг вазни — мутақорибда, маснавий йўли билан ёзилган. Бугина эмас, Юсуф Хос Ҳожиб турли муносабатлар билан «Шоҳнома» қаҳрамонларини тилга олади, уларга ўз муносабатини бидиради:

*Тожиклар аюр ани Афрасияб,  
Бу Афрасияб тутти элар талаб.  
Тожиклар битигга битумиш муну,  
Битигга йўқ эрса, ким ўқғай уни<sup>1</sup>.*

Маълумки, Фирдавсий «Шоҳнома»да ўзаро феодал урушларни қоралаб, марказлашган давлат, мамлакат бирлигини таъминлаш ғоясини тарғиб этади, ҳокимиятни парчалаб юборишга интилувчи феодалларни қоралайди. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам Фирдавсийдагидек тадбиркор, билимдон бек бошчилигидаги марказлашган мустаҳкам давлат ғоясини илгари суради: ҳокимиятни парчалаб юборишга интилувчи феодалларни қоралайди; давлат ишларига билимдон шахсларни, олим ва маърифатли кишиларни жалб этиш ҳақида ўғит беради.

Шоир давлат бошлиғига ўғит берар экан, «Шоҳнома»даги Искандар, Доро, Рустам, Афросиёб, Заҳҳок, Фаридун, Ануширвон каби қаҳрамонларни тилга олиб, уларнинг тақдирларидан сабоқ олишга даъват этади:

*Суқушлуғ нелуг бўлди Заҳҳок утун,  
Нелуг ўлди бўлди Фаридун қутун.*

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». Т.: 1971. 96-бет. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига табдили билан нашрга тайёрловчи Қ. Каримов.

*Бирн эзгу эрди ани ўтдилар,  
Бирн эссиз эрди ани сўкдилар*<sup>1</sup>.

Маъноси:

Тубан Заҳҳок не учун тақирга лойиқ бўлди, Бахтли Фаридун қандай қилиб маҳдга сазовор бўлди:

*Бирн эзгу эди, уни мадҳ этдилар,  
Бирн ёмон эди, уни ҳақорат қилдилар.*

Демак, Юсуф Хос Ҳожиб ҳам Афросиёб ва Заҳҳокни Фадавсийдек босқинчи, талончи ҳамда золим шоҳ сифатида қаттиқ танқид қилади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қарилиқдан шикоятн», замондан, ёмон кишилардан нолиши, элчининг бурч ва сифатлари ҳақидаги фикр-мулоҳзалари «Шоҳнома»даги Фирдавсий фикрлари билан ҳамоҳанг. Чунончи, элчининг сифати ҳақида Фирдавсий:

*Фиристода бояд, ки доно бувад,  
Ба гуфтан галеру тавоно бувад, —*

деса, Юсуф Хос Ҳожиб:

*Ўқушлуғ керак қад ялавоч ўруғ,  
Билиглик керак сўзга билга йўруғ, —*

(Элчи заковатли, билимдон, вазмин (бўлиши) керак

Сўзга чечан, ўқимишли, тадбирли (бўлиши) керак) деб Фирдавсий ўғитларига яқин байт яратади. «Қутадғу билиг»нинг илм-маърифатга бағишланган бобида ҳам «Шоҳнома»даги панд-насихатларга яқинроқ фикрлар мавжуд. Шунинг учун ҳам дostonнинг насрий ва шеърий муқаддимасида таъкидланишича, Юсуф Хос Ҳожибнинг асари ўтмишда «Шоҳномаи туркий» деб юритилган<sup>2</sup>.

Ўзбек дунёвий адабиётининг илк намуналаридан тортиб Атоий, Лutfий асарларида ҳам «Шоҳнома» қахрамонлари, Фирдавсий номи кўп учрайди. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сида, Қутбнинг «Хус-

<sup>1</sup> Уша асар, 98-бет.

<sup>2</sup> «Қутадғу билиг». 51—52-бетлар.

рав ва Ширин», Ҳайдар Хоразмийнинг «Маҳзан ул-асрор»ида, Юсуф Амирий, Саккокийнинг ғазал, қасида, мунозараларида «Шоҳнома»даги шоҳ ва қаҳрамонлар ҳар хил ўринларда тилга олинади, шоирлар улардан қиёс, муболаға, панд-насихат, ўхшатиш мақсадида фойдаланадилар.

Ҳатто Олтин Ўрданинг номдор саркардалари ҳам Рустами Достонга тақлид қилишаркан. Масалан, Жонибекхоннинг ўғли жасоратли саркарда Рустами Султон «Шоҳнома»ни кўп ўқиганидан унинг қаҳрамонларига маҳлиё бўлиб, ўзини «Рустами Соний» деб атаган. Шаҳзода Таҳамтаннинг ҳўкиз бошли гурзисига ўхшатиб фил бошли гурзи ясаптириб кўтариб юриб мақтанаркан.

*Манам Рустами он шаҳриёри галер,  
Натарсам зи аждаҳою з-шер.*

(Мен баҳодир шаҳзода — Рустамман, аждаҳодан ҳам, шердан ҳам кўрқмайман<sup>1</sup>). «Муҳаббатнома»нинг ўнинчи номасида муаллиф Муҳаммадхўжабекни «Жамшиди соний» деб таърифлайди. Уни сахийликда Ҳотамга, шавкат ва қувватда Рустамга ўхшатади. Ошиқлар қалбига туғён солган маъшуқанинг, муҳаббатнинг қудратини яна Рустамга қиёс этади:

*Агар десам сени Рустам, ярарсен,  
Қиличнинг бирла сафларни ёрарсен<sup>2</sup>.*

Бундай ҳолатни шоир ва таржимон Сайфи Саройи ижодида ҳам кузатиш мумкин. Шоир шеърларида Фирдавсий қаҳрамонларини кўп тилга олади, унингча, маъшуқанинг бир ўқи (яъни киприклари) «Рустамни отдан йиқитади». Сайфи Саройида биз «Шоҳнома»даги сингари тонг отиши ёки қуёш ботишининг ранг-баранг тасвирини ҳам кўрамыз:

*Олтин қанотин очти эса субҳ сунқари,  
Кўк кўлга ботди жумла ковокиб кабутари<sup>3</sup>.*

<sup>1</sup> Фитрат. Фирдавсий. «Социалистик илм ва техника» журнали, 1934. № 9—10, 15-бет.

<sup>2</sup> Хоразмий. Муҳаббатнома. Ўздавнашр, Т.: 1953. 18-бет.

<sup>3</sup> Сайфи Саройи. Шеърлар. Гулистон. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. Т.: 1968. 20-бет.

Фирдавсий»Шоҳнома»сидаги айрим номлар, унда қўлланилган баъзи бадий-тасвирий воситалар Хўжандийнинг «Латофатнома»сида ҳам кўзга ташланади.

Навоийгача бўлган ўзбек адабиётининг йирик вакили Атойи ғазаларидан бирида шеърятнинг таъсири ва шухрати ҳақида сўз юритиб «Фирдавсий Тусий»нинг «Шоҳнома»сини тилга олиб, шоир билан жоҳил Султон Маҳмуд ўртасида бўлиб ўтган фожиавий воқеани эслайди. Вафо ҳамда садоқатни куйлаган бошқа бир ғазалда эса қуйидагича ёзади:

*Искандар — замонадурур, Кайкубоғ — вақт,  
Ҳар кишинингки, кўнгли тилаган ёри бор<sup>1</sup>.*

Машҳур ўзбек шоири Саккокий ҳам Фирдавсий ижодини яхши билган ва ундан баҳраманд бўлган. Филология фанлари доктори Э. Рустамовнинг аниқлашича, шоир ўз қасидаларида «Улуғбек, Хўжа Арслон Тархон, Халил султон қиёфасини бўрттириш, улардаги қаҳрамонлик сифатларини кучайтириш учун «Шоҳнома» ва унинг қаҳрамонларини эсга олади»<sup>2</sup>. Баъзан маъшуканинг ҳашами, шон-шавкати, нозу итобининг қудратини кучайтириб тасвирлашда ҳам Фирдавсий қаҳрамонлари эсланади:

*Зиреҳ эғнига солиб сарв кирди майдонға,  
Не тонгким, Афросиёб урушинда ул Рустам.*

\* \* \*

*Рахшни майдонға сурсанг сен бирор Рустам бикин,  
Ўзини пичин қуюғингға солур Афросиёб.*

\* \* \*

*Уруш — санчисуғо ҳайжо куну бўлса қачон сендин,  
Нечаким бўлса Каю Рустам, Гударзу Золи Зар.*

\* \* \*

*Ўчуккон арслонтек бўлиб ҳар бириси сафлар ёрар,  
Соми Наримонму дейин ё Рустами Достон эрур.*

<sup>1</sup> Атойи. Танланган асарлар. Ўздабийнашр, Т.: 1958. 88-бет.

<sup>2</sup> Э. Рустамов. Саккокий. «Шарқ юдузи», 1978. № 6, 217-бет.

XV асрга келиб Фирдавсий ижодига қизиқиш янада кучаяди. Шоҳруҳнинг ўғли, илм-фан аҳли ҳомийси Бойсунқур Мирзо бошчилигида Ҳирот санъатхонасида Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Дехлавий, Ҳасан Дехлавий, Фирдавсий каби шоирларнинг асарларини тўплаш ва кўчиртириш билан шуғулланишади. Чунончи, котиблар беш йил давомида «Шоҳнома»нинг 40 га яқин қўлёзмаларини қиёсий ўрганиб, мукаммал нусхасини яратадилар. Илм-фанда «Шоҳнома»нинг «Бойсунқур нусхаси» деб аталган бу китобга Бойсунқур катта сўзбоши ёзади. Унда Бойсунқур Шарқ адабиётида биринчи бўлиб Фирдавсий ижодини атрофлича текширади, «Шоҳнома»нинг яратилиши ва шоир тақдири билан боғлиқ афсоналарни келтиради. Ўрта Осиёда «Шоҳнома»нинг тарқалишида Бойсунқурнинг хизмати беқиёс. Мана шу даврдан бошлаб «Шоҳнома»хонлик адабий традицияга айланган. Шоир Сайфиддин Али Сафи ўзининг «Латойиф ут-тавойиф» асарида қайд этишича, Улуғбек Мирзо саройида «Шоҳнома»ни ўқиб шарҳлайдиган махсус ҳофизлар бўлган. Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асаридаги маълумотларга қараганда, XVI асрнинг бошларида Тошкент адабий муҳитида Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си атрофида жиддий мунозаралар бўлар экан<sup>1</sup>.

«Шоҳнома» қўлёзмаларининг тўплаб, қайта кўчирилиши натижасида бу асар оммалашди ва шуҳрати янада ошди: унинг айрим дostonлари таржима қилина бошланди. Улкан санъаткорлар Фирдавсий ижодига қизиқиш билан қараб, ўз асарларида ё бевосита, ёки билвосита Фирдавсийдин файз оладилар, унинг анъаналарини давом эттирадилар.

### **«Рустам келса жавобин берур»**

Шарқ адабиёти ва илм-фанининг илғор анъаналаридан баҳраманд бўлиб, бадий, илмий асарларида юксак гуманистик ғояларни тарғиб этган, туркий тилдаги адабиёт ва маданиятни янги тараққиёт

<sup>1</sup> Зайниддин Васи́фий. Бадоеъ ул-вақоеъ. Изд-во М.: «Наука», 1960., II т., стр. 263.

чўққисига кўтариб, форс-тожик адабиёти равнақи-га муҳим улуш қўшган буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий Фирдавсий ижодига ҳам меҳр-муҳаббат билан қараб, уни Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Хисрав Деҳлавий, Хоқоний каби мутафаккирлар билан бир қаторга қўяди. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида Фирдавсийни «маснавийда усто-ди фан» деб атаган шоир «Фаройиб ус-сифар»даги маснавийсида эса унга шеърят майдонининг баҳо-дири, деб юқори баҳо беради:

*Бу майдонда Фирдавсий ул гург эрур,  
Ки гар келса Рустам жавобин берур.  
Рақам қилди фархунда «Шоҳнома»е,  
Ки синди жавобига ҳар хомеа.  
Мусаллам дурур зоҳиран бу иши,  
Ки маъразға келмайду ҳар киши...<sup>1</sup>*

«Рустам келса жавобини бериш» Рустамни яратган Фирдавсийнинг қўлидан келади, холос. Шоир ижодига бундан юқори баҳо бериб бўлмаса керак. Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний», «Хамса» каби асарларини кўздан кечирар эканмиз, «Шоҳнома» қаҳрамонларини жуда кўп учратамиз. «Ҳазойин ул-маоний»нинг дебочасидан охиригача Фирдавсий қаҳрамонлари қайта-қайта тилга олинади. Навоий шайх-зоҳидларни танқид қилишда, май ва маҳбуба образини яратишда «Шоҳнома»даги жоми Жамшидга мурожаат этиб, ранг-баранг образлар яратади. Чунончи, шоир «Сен гумон қилгондан ўзга жому май мавжуд эрур» деб бошланадиган ғазалида зоҳидни танқид қилиб:

*Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон  
сафол,  
Жомдурур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо, —*

дейди.

Шоир учун «...Дайри фано синган сафоли жоми Жамдеқдур».

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. «Фан». Т.: 1956. I девон, 705—706-бетлар.

*Гар Навоий кўж эрур шаҳ хизматида не ажаб,  
Чунки қилмиш қуллиги Жамшиду Афридунни кўж.*

*Оинаи Скандарам аз жомии май ба даст,  
Хоҳи хабар зи тожи Жаму тахти Кай кунам.*

(Қўлимдаги май жомии Искандар кўзгусидир, хоҳ-ласанг унга қараб Жамшид тожию Кайкубод тахти хусусида хабар бергум.)

*Аз фиреби золи чарх эмин мабош ар Рустами,  
З-онки шеронро зи макраш карда ожиз ин ажуз.*

(Рустам бўлсанг ҳам фалакнинг макридан гафлатда қолма, чунки бу шум ўз макри билан шерларни ҳам ожиз этади.)

Бундай мисолларни «Ҳазойин ул-маоний», «Девони Фоний»дан қўплаб келтириш мумкин.

Алишер Навоий «Соқийнома» асарида замон ва дунёнинг бевафолигини қайд этиб, мол-дунёга ҳирс қўйишнинг зарарини таъкидлайди, ўз фикрини тарихий фактлар асосида тасдиқлаб, ҳою ҳавас, айш-тарабга ҳамда давлатга маҳлиё бўлувчиларга танбеҳ беради. «Шоҳнома»даги шоҳларнинг ўтмишини эслатади:

Ҳам Каюмарс ила Ҳушанг қани,  
Иккига тож ила авранг қани.  
Қани Жамшиду Фаридун охир,  
Бирини қўйдиму гардун охир.  
На Каёни бору на-Сосони,  
Не Скандар доғи на-Ашконий.  
Қолмади Рустам ила Сом доғи,  
Язди Журд ўттию Баҳром доғи<sup>1</sup>.

### **Маснавийда устоду фан**

Халқ ривоятлари ва тарихий манбалар асосида эпик поэзияда биринчи бўлиб Фирдавсий Хусрав ва Ширин, Баҳром Гўр, Искандар образларини

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. I, 696-бет.

яратди. Бу образлар Фирдавсий туфайли китобдан-китобга, авлоддан-авлодга ўтиб, ўз тақомилига етди. Фирдавсийдан сўнг Низомий, Хусрав Дехлавий ва ниҳоят, Навоий бу образларни қаламга олиб, ҳар бирлари ўзига хос услуб, ғоя, шакл, мазмунга эга юксак даражадаги дostonлар яратиб, ўз «Хамса»ларига киритдилар. Навоий «Хамса»сида ўз салафларини эслаб, улардан файз тоганини қайд этар экан, бевосита ё билвосита Фирдавсийнинг номини ҳам тилга олади, хотирлаб ўтади. Навоий «Шоҳнома»даги шоҳлар тарихини эслатиш билан XV асрдаги тахт-тож учун курашни, ўзаро қонли урушларни қоралайди, эл-юрт осойишталигини ўйламай, айш-ишрат билан шуғулланувчи те-мурий зодагонларга ўғит бермоқчи бўлади.

«Ҳайрат ул-аброр» дostonининг ростлик ва дурустлик, адл ва адолат, қаноат ҳақидаги мақолатларида симу зар йиғиш, очқўзлик, бахиллик ва тамагирлик қораланади, бу дунё Эраж, Хушанг, Салм, Фаридун, Жамшид, Заҳҳок, Навзар, Баҳман, Қорун, Зол, Рустам, Доро, Искандар каби шавкатли шоҳ ва баҳодирларга ҳам ғаддорлик қилганлигини уқтириб, уларнинг тақдиридан ўрнак олишга чақиради. 16-мақолотдаги мана бу байтлар мазмун, ғоя жиҳатидан Фирдавсийнинг фикрлари билан хийла ҳам-оҳангдир:

*Бир киши ул сафдаки, юз минг гурур,  
Рустам эса бору йўғи тенг гурур.  
Айласа ул дам ики Рустам иши,  
Бир киши ҳам охир эрур бир киши.  
Ожиз эса Гев ила Рустам санга,  
Эрлик эрур анда мусаллам санга<sup>1</sup>.*

Алишер Навоий бутун фаолиятини марказий давлатни мустаҳкамлаш, эл-юрт осойишталигини таъминлашга қаратди: фитначи, мутакаббир амалдорларга тиш-тирноғи билан қарши турди. Мана шу кайфият унинг бадиий асарларида ўз аксини топ-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. «Фан» нашриёти, Т.; 1960. 117-бет.



ган. Шу мақолотда шоир «Худнамо муханнасвашларнинг...» кибру ҳавога, зулм-зўрликка берилганлигини қоралайди. Салтанат наздидаги ўз хизмат ва обрў-эътиборини пеш қилувчи, ўзбошимча бундай сипоҳларни халқ ва юрт бошига қабоҳат ҳамда разолат келтирган Заҳҳокка, мўйлабини унинг елкасидан ўсиб чиққан илонга ўхшатади. Демак, улар ҳам Заҳҳок сингари халқ лаънатига маҳкум. Бу ерда Фирдавсий қаҳрамонлари танқид қилинувчи шахсларнинг сийрати ва суратини мукамал, образли фош этишга, байтларнинг сатирик қудратини оширишга хизмат қилган.

*Эй сурубон айни жаҳолат аро,  
Рахшину майдони шужоат аро.  
Барқидин ул Рахшну кам билмайин,  
Кўзига Рустамни доғи илмайин.  
Зулмга Заҳҳоклиге билгуруб,  
Икки йлон эгнига ҳалқа уруб<sup>1</sup>.*

Достоннинг бошқа бобларида ҳам ҳар хил муносабатлар билан «Шоҳнома» қаҳрамонларининг тилга олинганлигини кўрамиз. Улар Навоий учун айрим ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масалаларни қиёсий аспектда ёритиш, талқин этишда, кишиларга панд-насиҳат беришда восита, деталь ва зифасини бажарган.

Шарқ эпик поэзиясида илк бор Фарҳод образи Фирдавсий «Шоҳнома»сида учрайди. Афросиёбнинг донишманд вазири, Турон лашкарининг сипоҳсолори Пироннинг ўғилларидан бири Фарҳоддир. Кайхусравнинг сарой паҳлавонларидан бирининг оти ҳам Фарҳоддир. Уларнинг иккиси ҳам ўз замонининг тенгсиз баҳодир, не-не жанглarda мардлик, жасорат кўрсатган қаҳрамонлар. Масалан, эронлик Фарҳод Рустамнинг Бижонни зиндондан қутқаришда Жаҳонпаҳлавоннинг яқин ёрдамчиси сифатида қаҳрамонлик кўрсатади. Шоир Фарҳоднинг камони ўзгаларникидан бақувват, гурзиси офир, зарби кучли, байроғи оҳусрат деб таърифлайди.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. 16-бет.

*Яна танлагани ботири — Фарҳод,  
Ундан эди Хусрав лашкари обод:  
Сипоҳ учун эди мураббий, ҳамкор,  
Унинг хизматиға ҳар ерда тайёр.  
Оҳусурат байроқ ҳилпирар баланг,  
У бошлар устида кўкиш сояванг.  
Сипоҳни барида ҳинду тиғи бор,  
Туркона совуту суғди эгардор<sup>1</sup>.*

Демак, Фирдавсий сипоҳсолар фидойи қаҳрамон, жасур, шавкатли Фарҳод образини яратган.

Хамсанависликни бошлаб берган Низомий Ганжавий «Хусрав ва Ширин» достонида Фарҳод образини яратади. Лекин Низомийда Фарҳод ҳунарманд уста, яратувчи, ижодкор инсон сифатида тасвирланади. У Шопурнинг дўсти, чорва моллари сақланадиган жойдан Шириннинг саройига харсанг тошларни кесиб, «сут ариғи» очади. Низомий Фарҳоднинг ана шу ҳунарманд сифатидаги ижодкорлигини бўрттириб тасвирлашга алоҳида эътибор берган. Шарқ адабиётида Фарҳод образи тадрижий такомилини махсус тадқиқ этган филология фанлари доктори С. Эркинов, озар шоири Ориф Ардабийнинг «Фарҳоднома» достонида ҳам унинг, асосан, ижодкор инсон ва ошиқ сифатидаги сиймоси тасвирланганлигини кўрсатиб ўтган.

Халқ оғзаки ижоди ҳамда ёзма адабиёт анъаналаридан ижодий баҳраманд бўлган Алишер Навоий дostonларида айрим қаҳрамонлар «Шоҳнома» образига ўхшатиб тасвирланади. Фирдавсий тасвирича, Зол, Рустам, Суҳроб каби машҳур баҳодирлар ўн ёшида барча илму ҳунарларни ўрганиб оладилар, куч-қувватда мислсиз паҳлавон бўлиб етишадилар. Фарҳод ҳам ўн ёшида жаҳондаги барча илму ҳунарларни ўрганади, ҳарбий илмларни эгаллайди, халқ дostonларидагидек куч-қудратга эга бўлади. Унинг баҳодирлиги ва мислсиз паҳлавон сифатидаги жасорати Юнон сафари давомида яққол кўринади.

<sup>1</sup> Абулқосим Фирдавсий. «Шоҳнома». Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. II китоб, Т.: 1976, 87-бет.

Бизнинг кўз ўнгимизда Қоран, Боний, Монийларнинг санъатига маҳлиё бўлиб, ҳунарларини ўрганган, барча дунёвий билимларни пухта эгаллаган донишманд шаҳзода эмас, балки жаҳонпахлавон Рустами Достон янглиф паҳлавон гавдаланади. У «юдузлар шоҳи сингари осмонга ўхшаган аждаҳо суратли отига миниб олиб» ўз мақсадига эришиш йўлида ҳар қандай бало-қазоларни даф этиш учун курашга чоғаланади, жасорат ҳамда мардонаворликнинг олий намунасини намоиш этади, халқ достонларидагидек «кору бор» кўрсатади.

«Шоҳнома»да тасвирланишича, Кайковус донишмандларнинг ман этишига қарамай Мозандарон девларига қарши жанг бошлайди. Девлар сеҳр билан буларни қўлга туширади. Рустам етти тўсиқни босиб ўтиб, эронликларни девлар қўлидан қутқаради. Фарҳод ҳам тилсимни очиш йўлида Рустам сингари уч тўсиққа учраб, уларни мардонавор енгиб ўтади. Шоир сарлавҳадаёқ «Фарҳоднинг девбот хирмонлик девзоди устига сакраб, Аҳраман бошаси азлига сакратиб ул ваҳшатзой, балки савдоатзой бешаға кириб Аҳраман манзилига суриб етгани ва Рустам Мозандарон бешасида дев ўлтирғондек ул беша Аҳраманини қатл этгани...», деб «Шоҳнома»даги Мозандарон воқеасини эслатади.

Рустам девлар жангига отланар экан, турли-туман тўсиқларни енгиб, етти даҳшатли манзилни босиб ўтади. Девларнинг сеҳрини ечади, дарранда шерни ўлдиради, оғзидан дўзах оташини пуркаётган, бутун мавжудотни куйдириб кукунга айлантирмоқчи бўлган аждарни маҳв этади. Фарҳоднинг аждар жангига бориши, қурум босган дашт тасвири, аждарнинг кўриниши ва унинг ўлдирилиши баёни Рустами Достон жасоратининг янги бир намунасидир.

Аждарнинг «икки кўзига қаралса, худди нефтнинг ўтли булоғидай кўринади. Бурнининг тешиклари ваҳшат тандирига ўхшар, тандир ҳам эмас, нефт ёнаётган тандирнинг мўрисига ўхшарди. Оғзидан чиққан ўт алангалари нефть ёққанликдан нишона бериб турарди... Аждарнинг ўти унга кор қилмаганлиги учун аждарнинг баттар жаҳли чиқиб кетди.

У оғзини очиб Фарҳодни ютишга чоғланди... Аждар ҳар қанча бир йиртқич махлуқ бўлса ҳам лекин шаҳзода отган ўқнинг илони уни тешиб ўтиб кетди»<sup>1</sup>.

Фарҳоднинг бу жасорати Рустамнинг Мозандаронни фатҳ этишига ўхшаб тасвирланганлигига шорнинг ўзи ҳам ишора қилган:

*Қўюб қасрига юз, андоқки Рустам,  
Эшикда боғлабон Рахшину маҳкам*<sup>2</sup>.

Шоир Фарҳоднинг аждарни бир ҳамлада ҳалок этиб, тилсимни очиш воқеаси тасвирини худди ёш Рустамнинг оқ филни енгиши эпизодига ўхшатади.

Фирдавсий «Шоҳнома»да қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, сайру гашт, жангу жадаллар тасвирини табиат кўринишлари, айниқса, қуёшнинг чиқиши ва ботиши билан боғлаб тасвирлайди. Бу усул ҳолатни юксак кўтаринкиликда ёки хомушлиқда бера билишда жуда ҳам қўл келади. Ўзбек классик адабиётида Фирдавсийдагидек мана шу деталга ўхшаш тасвирнинг чиройли намунасини Алишер Навоийда учратамиз. Шоир «Фарҳод ва Ширин»нинг XVI бобида Фарҳоднинг эрта тонгда ўзи учун қурилган тўрт қаср томошасига боришини Жамшед салобати ва шавкатига ўхшаш тарзда қуёш чиқишининг тасвири билан боғлайди:

*Қуёш наъли чекиб тоғ узра авранг,  
Фалакни субҳ қилди мармарий ранг.*

*Чу гардун ҳулласиға минди хуршег,  
Томоша азмига отланди Жамшег*<sup>3</sup>.

«Шоҳнома»да турли-туман кўриниш ва ҳолатларда берилган қуёш чиқишининг тасвири Навоий лирикасида ҳам мутлақо оригинал бир тарзда учрайди:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. (насрий баёни). Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. Т.: 1975, 69-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Хамса. «Фан», Т.: 1960, 210-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Хамса. «Фан», Т.: 1960, 182-бет.

*Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти,  
Шуои хат била кўҳсор уза олтун алам чекти.*

Канал ва ҳовузнинг битганлиги муносабати билан уюштирилган тантанага Меҳинбону ва Ширин бошлиқ халқ келади. Зўр тантана пайтида Шириннинг арғумоғи харсанг тошлар устида мувозанатни йўқотади. Буни сезган Фарҳод от остига кириб, икковини қушдек даст кўтариб, қаср айвонига элтиб қўяди:

*Бор эрди сурса чирмошиб оёғи,  
Пари пайкар йиқилмоқ хавфи доғи,  
Чу ошиқ англади қилғоч тааммул,  
Ки елдин тушқудекдур ер уза гул<sup>1</sup>.*

*Ер ўпмакликка мажнундек ҳам ўлди,  
Қуёш остида гардундек ҳам ўлди.  
Кўтарди орқасиға бодпони,*

*Нечунким бодпо ул дилрабони.  
Бир илги икки қўлин қилди маҳкам,  
Яна бир илги икки бутларин ҳам...  
Чун икки-уч йиғоч юм урди шайдо,  
Бўлуб олинга қасру ҳаво пайдо.  
Қадамни қўйди қаср айвони сори,  
Саломат раҳши бирла шаҳсувори.*

Бу унинг ҳақиқатда ҳам рустамона куч-қудратга эга эканлигини кўрсатади. Фирадавсийдан кейин Навоийгина ўз қаҳрамонини ана шундай беқиёс қудрат ва кучга эга қилиб тасвирлашга эришган ҳамда китобхонни ҳайратда қолдирган санъаткордир.

Баҳром Гўр образини ҳам биринчи марта Фирдавсий бадий адабиётга олиб киради. У бир томондан, шаҳаншоҳ Баҳром образини тасвирлашга интилса, иккинчи томондан, жасоратли, тадбиркор, ўттиз икки ҳарбий ҳунар соҳиби жаҳонпахлавон, моҳир овчи Баҳром образини чизади. «Шоҳнома»-да ана шу жаҳонгир Баҳром образи, унинг турли ўлкаларга юриши, жангу жадаллари, ғайритабиий

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. 253-бет.

кучларга қарши мардонавор кураши тасвирига хийла кенг ўрин берилган. Баҳром ва чўри қиз — канизак Озода ҳикоясида эса Баҳром мутакаббир, бадқаҳр, шошма-шошар, узоқни кўра билмайдиган шахс сифатида гавдаланади. Гўзал табиатнинг кўрки бўлган учқур оҳу — Гўрни бир ўқ билан қонга белаган Баҳром Озодадан ўз ҳунарини баҳолашни истайди. Қизнинг раҳми келади, юм-юм йиғлайди ва Баҳромни бағритошлиқда, нозик, кўркам табиатни оёқости қилишда айблайди. Ҳазабланган Баҳром қизни маст филлар оёғи остига ташлаб ўлдиришни буюриб, қароргоҳига қайтади. Фирдавсий қизнинг кейинги тақдирини тасвирламайди. Баҳром эса шоҳлиги вақти тугагач, ўз ажали билан дунёдан ўтди.

Низомий Ганжавий ўзининг «Ҳафт пайкар» дostonида Фирдавсий анъанасини давом эттириб, халқ оғзаки ижодидан кенгроқ фойдаланиб Баҳром Гўр образини яратади. Низомий шоҳ Баҳром саргузаштини тасвирлар экан, унинг Фитна билан бўлган можаросига алоҳида эътибор беради. Шоир Фитнанинг иродаси, ақл-заковати, тадбиркорлигини Баҳромдан устун қўйиб тасвирлашга интилади. Кунлардан бир кун Баҳром ўз севгилиси билан овга чиқади. Кўп ов қилади, ўз маҳоратини намойиш этади. Аммо ёнидаги дилбардан таъриф-тасанно эшитмайди. Ниҳоят узоқдан бир оҳу кўринади. Баҳром севгилисига мурожаат қилади:

*Дегу: «Эй турк қизи, кўзлари хуммор,  
Мерганлигим нечун этмайсан иқрор?..  
Ана қулон келди, не ғавғо солай,  
Айт, унинг бошига не савдо солай?»  
Дегу: «Рухинг Сафо чироғини ёқ,  
Ўқ била тикилсин қулоққа туёқ?»*

Шунда Баҳром қўлига ёйни олиб, зўлдир ўқ билан қулоннинг қулоғига уради. У оёғи билан қулоғини қашламоқчи бўлганда, иккинчи ўқ билан оёғини қулоққа тикади. Лекин афсуски, мерган севгилисидан кутган баҳосини ололмайди:

*Қиз дегу: «Шаҳриёр машқидур бу иш,  
Ҳар кимга ҳам осон машқ қилган юмиш.  
Бундай ўқ тегиши оғатдан эмас,  
Аммо у машқдан, қудратдан эмас».*

Ғазабланган Баҳром Фитнани чопиб ташламоқчи бўлади, лекин «аёлни ўлдирмоқ мард иши эмас», деб ёнидаги бир сардорга «бу канизакнинг ишини саранжом қил», дейди. Аммо Баҳром кетгач, Фитна «Шоҳ жаҳл устида шундай асоссиз фармон берди. Мени ўлдириб, ўзингга ҳам, менга ҳам жабр қилма», деб етти дона гавҳар беради. Бу оқилона фикр сардорга маъқул тушади ва кишилар кўзидан йироқроқдаги боғига хизматкор қилиб кўяди. Қиз қандай қилиб бўлмасин Баҳромнинг хатосини тушунтириш, унинг висолига яна эришиш чорасини излайди, ақл-заковатини ишга солади. Сардорнинг эл назаридан узоқроқдаги бир қишлоқда 60 зинали қаср қурилган боғи бўларди. Фитнани ўша ерга элтиб кўяди. Қиз янги туғилган буқачани ҳар куни ана шу зиналардан тепага олиб чиқиб-олиб тушиб юради. Буқача олти ойлик новвос бўлганда ҳам қиз уни зиналардан эркин кўтариб чиқаверарди.

Баҳром Гўр бўлса қилмишидан пушаймон бўлиб, ёрини соғиниб, кунини кўзларида жиққа ёш билан ўтказарди. Кунлардан бир кун қиз қулоғидаги икки гавҳарни сотиб, зиёфат ҳозирлаб, Баҳром овга чиққанда уни меҳмонга чақиришни буюради. Дастурхон 60-зинадаги айвонга ёзилган эди. Айни меҳмондорчилик қизиган пайтда Баҳром: «ёшинг 60 да, қаср зинаси 60 та. Бунга ҳар куни чиқиб тушиш малол келмайдими», дейди. Сардор: «мен-ку мен, ҳатто ёш қизим каттакон буқани бу зиналардан эркин кўтариб чиқади», дейди. Шу пайт Фитна буқани кўтариб чиқади ва пастга олиб тушишни меҳмондан сўрайди:

*Дегу: Ёнингизга чиқардим ҳўкиз,  
Энди пастга олиб тушинг қани сиз.  
Шоҳ дегу: «Бу сенинг қудратинг эмас,  
Ёшлиқдан кўтариб машқ этибсан, бас».*

*Шоҳга сажда билан бош эгиб нигор,  
 Ҳамду гуо билан дер: «Эй шаҳриёр,  
 Энди менга азим тўлайсан тавон,  
 Ҳўкиз машқ билану бемашқми қулон...  
 Сен кичик қулонни этганда такрор,  
 Этса машқ сўзин ким бўлуր гуноҳкор?!»*

Шоҳ Фитнанинг ақли, тадбиркорлигига тан беради, ундан узр сўрайди. Баҳром Сардорга инъом-эҳсонлар бериб, севгилисини саройга элтади. Ўзининг ўткир зеҳни, ақл-идроки билан Фитна Баҳромдан анча юксак туради. Давлатнинг кундан-кунга ошиб бориши, Фитнанинг висолига яна муяссар бўлиши Баҳромни эсанкиратиб қўяди, мутакаббирлик, ортиқча айш-ишрат уни издан чиқаради ва ўртоқларининг маслаҳатига кўнмай, ўзбошимчалик билан учқур қулонни қувлаб кетаётиб чоҳга қулаб ўлади.

Алишер Навоий хамсанавислиқда Низомий ва Хусрав Дехлавий анъанасини давом эттираркан, «Сабъаи сайёр»да ана шу традицион Баҳром Гўр образининг янги қирраларини кашф этишга муваффақ бўлади. Навоий бу қаҳрамон сиймосида икки Баҳромни мужассамлаштиради. Адолатли, донишманд, тадбиркор, ҳамиша эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, халқни фаровон, мамлакатни обод қилиш учун курашадиган, айни чоқда ҳақиқий ошиқ, фидойи ёр Баҳромни таъриф-тавсиф этади. Навоий юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, маърифатли, одил шоҳ Баҳром Гўрни ўзгаларга ибрат қилиб кўрсатади. Лекин мансаб-мартаба, давлат, шон-шавкат олдида эсанкираб қоладиган, мутакаббир ва баджаҳлликда ақлини йўқотадиган Баҳромни қаттиқ қоралайди. Шоир Баҳром салтанати, ҳашами ва ҳунарини қанчалик завқ билан тасвирласа, ундаги худбинлик, ишратпарастликни шу қадар ғазаб ва нафрат билан қоралайди. Баджаҳллик ва бадмастлиги туфайли овда арзимаган гап учун Дилоромни ўлимга ҳукм этган Баҳром, ўзига келгач, пушаймон бўлади. Достонда Баҳромнинг руҳий кечинмалари ниҳоят даражада кучли тасвирланган. Еттинчи мусофир ҳикоясидан сўнг, Дилоромнинг Хоразмда эканлиги маълум бўлади, кўп



инъом-эҳсонлар юбориб уни олдиради. Афсуски, Баҳром севгилисининг висолига етишгач, барча ҳасратларни унутади. Вазир-вузароларнинг насиҳати, ўғитига қарамай, айш-ишрат, базму тарабни авжга миндиради, юрт ва давлат ишлари ўлда-жўлда қолади, вақтни бемаҳал ов қилиш билан ўтказади.

Алишер Навоий Дилоромни тенгсиз гўзал, оқила қиз сифатида тасвирлайди. У моҳир созанда, ажойиб қўшиқчи, нозик дидли раққоса. Замонасида унга тенг келадиган сулув ҳам, ҳунарманд ҳам топилмайди. Гарчи Дилором Баҳром уюштирган базмларнинг кўрки бўлса ҳам, бу ортиқча маишатбозликлар унинг нозик кўнглини эзади, гўё аччиқ келажакни олдиндан билгандек руҳан сиқилиб юради.

Навбатдаги базмдан кейин бадмаст Баҳром барчага овга чиқишни буюради. Бутун аркони давлат, аъёни мамлакат бир тан-бир жон бўлиб, «юз минг киши» овга чиқади. Ана шу шоҳ бошчилигидаги ўйламай босилган қадам халқни ҳалокатга элтади. Булар ов қиладиган ерлар асли заҳкаш бўлган. Бунинг устига бир кун бурун қаттиқ жала ёғиб ернинг устки қатлами билан остки қавати бирлашган эди. Ботқоқликни майса, ажриқ, майда буталар, ўрмон ўсимликлари яшириб турарди. Бунинг устига овчилар дуч келган ҳайвонларга қирон соладилар, қонлар дарё бўлиб оқади:

*Балки қон бўлди селлар ҳар ён,  
Айлади сел майлар ҳар ён.  
Сайдким ерга оқти қони анинг,  
Чиқти қон сели бирла жони анинг.  
Шоҳ Баҳром Гўри беозорм,  
Ўзни гўр ўлтурурға айлар гарм.  
Қондин уларда гулистон бутти,  
Гўйиёки ул элни қон тутди.*

Натижада бутун сайдгоҳ тубсиз ботқоқликка айланади, қимирлаган жонга қутулмоқ имкони қолмайди:

*Болчиғ ул навъ бўлди ов элига,  
Ки етар эрди кимсанинг белига.*

Богполарға ботмоқ ўлди иш,  
 Болчиғ устида ётмоқ ўлди иш...  
 Бутун эл узра қатра бор ўлди,  
 Нуҳ тўфони ошкор ўлди,  
 Қуйидин суву юқоридин нам,  
 Юқоридин наму қуйидин юз ариқ,  
 Хосаким қондин оқибон юз ариқ,  
 Ҳар ариғ қилса ер юзин балчиқ...  
 Ўйла юмрулди ерга юз минг хайл,  
 Қилдилар бир йўли сув қаърига майл...  
 Жондин ул сув била илик юдилар,  
 Шоҳ, балким бори черик юдилар.<sup>1</sup>

Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавийда Баҳромнинг ўзбошимчалиги ўз бошини ейти. Навоий эса нодон, маишатпарасат, калтабин шоҳ ўзинигина эмас, балки элни, юртни ҳалокатга элтади, деган юксак ижтимоий моҳиятга эга бўлган фикрни илгари суради. Бемаҳал ов бегуноҳ ҳайвонларга солинган қирғин, бадмастликда берилган фармон касофатида Баҳромни «хайли билан» ер ютади. Навоий Баҳром тақдиридан ўз давридаги шоҳ ва шаҳзодаларни сабоқ олишга даъват этади; одил, тадбиркор, маърифатли шоҳ ғоясини илгари суради. Демак, Навоий Фирдавсий туфайли анъанавий образга айланган Баҳром Гўр образини янги тараққиёт босқичига олиб чиққан. Ўзининг юксак идеалларини, замонининг долзарб масалаларини ифодалашда Баҳром характеридаги мусбат ва манфий жиҳатлардан маҳорат билан фойдаланган.

Гарчи қадимдан Шарқ ва Фарб халқлари орасида жаҳонгир Искандар ҳақида кўп ҳикоят ривоятлар тарқалган бўлса-да, лекин у ҳақда жангнома характерида дoston ёзган биринчи ижодкор Фирдавсий ҳисобланади. «Шоҳнома»да шоир Искандар образини яратар экан, уни бир томондан, эроний нажд, тарихий шахс-шаҳаншоҳ, Эрон тахтининг қонуний вориси сифатида тасвирлашга интиланган. Иккинчи томондан эса, кўпроқ унинг жангу жадаллар билан боғлиқ саргузаштини тасвир-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. «Фан». Т.: 1960, 602-бет.

лашга эътибор беради. Тўғри, Фирдавсий ҳам дostonнинг бошида Искандар сиймосида одил шоҳ образини яратиш мақсадини кўзлаган. У тахтга ўтиргач, давлат аъёнларига қуйидагича мурожаат этади:

*Кимки бу даргоҳга қўяркан қадам,  
Адолат устагай шаксиз у одам.  
Ярим тун пайтида келса ҳам агар,  
Мақбул жавобига бўлсин муяссар.  
Беш йил олмагаймиз жаҳондин хирож,  
Барча бизникидир, йўқдир эҳтиёж<sup>1</sup>.*

Аmmo воқеа давомида шоир Искандарнинг Доро хотини Дилоромга мактуби, Равшанакка уйланиши, Қанжу ҳоқими Қайдга қарши жанги, тўққиз дононинг ҳинд Қайдидан уч ғалати нарсани келтиргани, Искандарнинг Фурни енгиши, охири Бобулда вафот этиши воқеаларини тасвирлайди. Асосий эътибор Искандарнинг жаҳонгирлигини, донолар ёрдамида ҳар хил сеҳрли жумбоқларни ечиши, тилсимларни очиши тасвирига қаратилган.

Фирдавсийдан кейин Низомий Ганжавий ўзининг «Искандарнома» асарини яратди. Низомий Фирдавсий анъаналарини давом эттирди. У айниқса, Искандарнинг фантастик саргузаштларини олимлар, ҳаким-файласуфлар билан дунё сирлари муаммолари хусусидаги савол-жавоблари тасвирига кенг ўрин берди. Достонда Низомийнинг халқлар дўстлиги, тинч-тотув яшаш, дунёда тенглик ўрнатиш ҳақидаги орзу-ниятларининг «мадинаи фозила» ҳақидаги фикрлари зўр нафас билан ифодаланганлиги мароқлидир.

Алишер Навоий Фирдавсий ва Низомий анъаналарини давом эттирар экан, Искандар образининг мутлақо янгича талқинини яратиш вазифасини кўзлаган. Даставвал Навоий Искандарни ниҳоятда камтарин инсон, ўз даврининг барча билимларини, ҳарбий ҳунарлар, давлатни бошқариш йўсинларини мукамал эгаллаган шахс сифатида

<sup>1</sup> Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома, II жилд. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. Т.: 1976, 351-бет.

тасвирлайди. Лекин шунга қарамай, отаси вафотидан сўнг қонуний ворис бўла туриб шоҳликни қабул этмайди, ҳали юртни бошқаришга тайёр эмасман, дейди. Мамлакат аъёнлари, донишмандлар илтимос қилгандагина, ҳар бир ишда менга ёрдам берасизлар, деган шарт билан тахтни эгаллайди. Шундан сўнг мамлакатда туртиб ўрнатади, олиқ-солиқлар, савдо-сотиқ, даромад ва харажатларни, ўлчов бирликларини, қўшни мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий муносабатларни бир низом, қонун-қоида билан йўлга қўяди. Хуллас, Искандар умрининг охиригача илм-маърифатга, олимларга, тўғри низом қоидаларга суянган ҳолда ер юзида тинчлик, адолат ўрнатиш учун, марказлашган ягона давлат тузиш учун курашади, разолат ва жаҳолатни, зулм-зўрлик, инсонлага етадиган азийтни курраи заминдан супуриб ташлашга интилади. Бу йўлда кўп жанглари олиб боришга, ғайритабиий кучларга, яъжуж-маъжужларга қарши курашишга тўғри келади. Демак, дostonда Навоий одил, маърифатпарвар шоҳ бошчилигидаги марказлашган давлат учун, тинчлик ва халқлар дўстлиги учун кураш ғоясини илгари сурган.

Ана шу юксак ғояларни ғоятда нафис бадий тасвирда ифодалар экан, Навоий жангнома устаси Фирдавсий номини кўплаб маротаба тилга олади, унинг фикрларидан, «Шоҳнома» қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятларидан ижодий фойдаланади. Чунончи, шоир «Садди Искандарий»нинг XI—XIV бобларида Эрон шоҳлари тарихини «Шоҳнома»дагидек пешдодийлар, каёнийлар, сосонийлар, ашконийларга бўлиб, ҳар бир сулола шоҳларининг силсиласини, улар даврида ўтган, машҳур кишилар, лашкарбоши ва баҳодирларни бирма-бир таърифлайди. Чунончи, Навоий Жамшеднинг «кўп» ғариб амр этгани, «Заҳҳокнинг эл қонини тўкмакта бек»лик қилганини алоҳида танқид этади. Фирдавсий «Шоҳнома»да Турон шоҳи Афросиёбни марказий ҳокимиятни парчалашга интилувчи босқинчи, бадқаҳр, мутакаббир, бойликка ўч, эл қонини бекорга тўкадиган, худбин, раҳм-шафқатсиз шоҳ сифатида қаттиқ танқид қилади. «Садди Искандарий»-

да Алишер Навоий Афросиёбни Фирдавсий сингарини золим, эл-юртни хароб этувчи шоҳ, сифатида характерлайди:

*Яна шоҳлик қилди Афросиёб,  
Вале қилди Эронни зулми хароб.  
Замонда гар эрди обод кам,  
Ани қўймади чарх обод ҳам.<sup>1</sup>*

Шу бобнинг ўзида Навоий Фирдавсий ва унинг асарига бир неча маротаба ишора қилади. Тўртинчи табақа шоҳлари баёнидаги қуйидаги байт шу фикрни тасдиқлайди:

*Навосози геҳқони озарпараст,  
Бу навъ этти сўз риштасин бор баст.*

Хуллас, шоир тўрт сулола шоҳлари тарихининг мўъжаз тасвирини беришда «Шоҳнома»даги тартибга қатъий риоя қилган.

«Искандар ишларининг тафсилани ижмол била дейилмак» бобида эса, Искандар забт этган юртларни, унинг жаҳонгирлик шавкати тасвирлаган шоир, «ер қолмади олмоғон сувда ҳам», деб унинг шиша асбоб ичига кириб сув остини текширгани ва яна қуруқликка чиқиб «ҳаёт суви» — обиҳаётни қидирганини тасвирлаб шундай дейди:

*Қоронғуда айлаб ёруғлуқ талаб,  
Ани топмайин қайитти хушклаб.*

Демак, шоир Искандарнинг бу хатти-ҳаракатини маъқул кўрмаган, унга танқидий нуқтаи назардан ёндашган. Шундан сўнг шоир Искандарнинг баҳру барни эгаллаганини тасвирлашга бир китоб етмаслигини уқтиради:

*Ки сабтиға йўнса киши хоме,  
Керактур рақам топса «Шоҳнома»е.*

Характерлиси шундаки, Навоий мана шу байтдан сўнг «ҳар байтаро дафтаре», «ҳар ўй ичра кишваре ниҳон» қилганини уқтиради ва:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. «Фан», Т.: 1960, 647-бет.

Жаҳон Хисрави ул чоғда Доро эди,  
 Анга шоҳлиғ ошкоро эди.  
 Каёнийлар ўрнида офоқғир,  
 Келиб пушт-барпушт соҳибсарир.  
 Умурида ойини Луҳрасбий,  
 Сипоҳида қонуни Гуштосибий.  
 Бўлиб кўб Каёний иш ихфос анга,  
 Тегиб Баҳманий мулк мерос анга.  
 Жаҳонбонлиғ амрида Хисрав нажод,  
 Ангача Кайхусраву Кайқубог,<sup>1</sup> —

деб Доронинг шон-шуҳратини тасвирлашда Фирдавсий қаҳрамонларининг шуҳратидан фойдаланади. Достонда Сому Наримон аждод-авлодларининг ватани Сеистон, Зобулустон (Нимрўз) шаҳарлари ҳам бошқа обод ўлкалар қаторида таърифланади. Бу ерларнинг ҳусн-тароватини «зийнат аро гулистон», «сувлари жаннатқа анҳор», «ҳар бир гадоси Ҳотам», «Дағи ҳар сипоҳи Рустам» деб завқ-шавқ билан тасвирлайди. «Искандарнинг жаҳонгирлик муддаоси била азим этиб, Ҳиротни бино қилиб, Мовароуннаҳрни олиб, Самарқанди бемонанд тарҳини солиб Кашмир сари мутаважжих бўлғони» баёнига ўтишдан олдин шоир Муғаннийга мурожаат этади:

Муғанний, чолиб гарм, ҳангома туз,  
 Сурудунга оҳанги «Шоҳнома» туз.

Бу ерда Навоий «Садди Искандарий»нинг Фирдавсий қўллаган вазни — мутақорибда яратилган лигига яна бир қарра ишора этмоқда. Искандарнинг жаҳонгирлиги, жангу юришлари тасвирида «Шоҳнома»даги ўта кўтаринки руҳ, Жамшед, Рустам, Таҳмурасга қиёсланиб, ўзига хос оригинал бадий тасвирда муболағали ифодаланади ҳамда бир ўринда Жамшед тилсими ҳақида махсус фикр юрилади:

Ки оламни олғонда Жамшидшоҳ,  
 Ким ул Хусраве эрди ҳикматпаноҳ.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. 870-бет.

*Неча йил йиғиб ҳикмат аҳлин тамом,  
 Тилисм эттилар саъй этиб икки жом.  
 Бирисин геди: жоми гетинамой,  
 Бирисин геди: жоми ишратфизой.  
 Чу гетинамо асру машхур эрур,  
 Муни васф этай уччамақдур эрур.  
 Ки вазъин тилсим айлаганда ҳаким,  
 Бу навъ айламиш соз табъи салим.  
 Ким май жозибӣ бўлғой ажзо анга,  
 Тамом ўлмағай бога асло анга<sup>1</sup>.*

Демак, Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонини ёзишда ўзининг юксак ижодий қудратини намойиш этгани ҳолда маълум даражада Шарқ достончилигининг илғор анъаналаридан файз топган. Достонни жангномаларнинг асосий вазни мутақорибда ёзган шоир бир неча ўринда «Шоҳнома»ни улкан бадий асар сифатида ҳар хил муносабатлар билан тилга олган: гоҳ ўхшатиш ва қиёслашда, гоҳ ибрат қилиб кўрсатишда, баъзан муболағани ҳаддан ташқари кучайтириб беришда Фирдавсий қаҳрамонларидан фойдаланган.

### **Бағоят машхурдур**

«Тарихи мулуки Ажам» асарини ёзишда шоир «Тарихи Табари», «Тарихи соҳиби гузида», «Тарихи Банокотий», «Жомеъ ут-таворих», «Низом ут-таворих», «Тарихи Жалили» каби асарлар билан бирга Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан ҳам кенг фойдаланган. Навоий бу асарида Фирдавсий каби Эрон шоҳларини тўрт табақага бўлиб баён этиб, Ҳушанг, Жамшед, Тахмурад, Фаридун, Нуширавон, Манучеҳр, Баҳром Гўр каби шоҳларни мамлакатни обод этган, шаҳар ва қишлоқлар бунёд этиб, ариқ чиқазган, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва илм-фанни ривожлантирган адолатли шоҳ, деб кўрсатади. Гарчи Навоий «Шоҳнома»даги хронологияни айнан бериб, кўпинча ундаги эпизодларни келтирса-да, (масалан, Жамшеднинг 700 йил, Ҳушангнинг

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. 873-бет.

40 йил подшолик қилиши, шоҳларнинг ҳаёти, сулолаларнинг тартибини) «ўз олдига подшоҳларнинг шахсий ҳаётини ёритишни эмас, уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатига муносабатларини кўрсатишни қўйган»<sup>1</sup> эди. Фирдавсий Заҳҳок ва Афросиёбни зулм-зўрлик, талончилик ва қирғин урушнинг тимсоли сифатида тасвирлайди. Алишер Навоий бу асарда мазкур образларнинг салбий хислатларини янада бўрттириб, уларни халқ ва мамлакат бошига битган бало деб ҳисоблайди. Бу билан шоир «Хамса»даги золим ва адолатсиз шоҳга нафрат, халқпарвар, одил ҳукмронга нисбатан ҳурмат ғоясини ривожлантиради, халқпарварликни тарғиб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асарининг пешдодийлар ҳамда каёнийлар табақалари сулоласига мансуб бўлмиш шоҳларнинг салтанатдорлиги, улар замонда ўтган машҳур шахслар, афсонавий қаҳрамонлар баёни ва таърифида кўпроқ «Шоҳнома»га суянган. Зероки, Жамшед, Заҳҳок, Фаридун, Манучеҳр, Афросиёб, Кайковус, Кайхусрав, Лухрасп, Гуштасп, Баҳман каби шоҳлар тарихи тасвири «Шоҳнома»даги сюжетларнинг мўъжаз баёнини эслатади. Зотан, Навоий бир неча ўринда бу воқеаларни Фирдавсий қаламга олганлигини таъкидлаган. Маълумки, «Шоҳнома»да Рустам Кайковусни эли билан икки марта (Яман ва Мозандаронда) катта жасорат ҳамда қаҳрамонлик билан ҳалокатдан қутқарди: руинатан қаҳрамон мутакаббир Исфандиёрни Золнинг тадбири ва Семурғнинг кўмаги билан енгади. Мана шу эпизодларни Навоий келтирар экан, «Бири Мозандарон қайдидурким, Рустамким, Фирдавсий «Шоҳнома»да дебтурким; ҳафтхон йўли билан бориб, ани қутқарди. Яна бири улким Яманда Зулазор Химариким, Яман подшоҳи эрди, ани ғафлати жиҳатидан ани жамиъ аркони давлатини тутуб банд қилди. Анда ҳам Рустам бориб ани ва эли қутқарди», дейди. Гуштасп шоҳ-

<sup>1</sup> А. Ҳайитметов. Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1960 19-бет.



лиги баёнида эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Аржасп бинни Афросиёбким, турк подшоҳи эрди, андоққи зикр ўлибтур, қизлариниким, Гуштаспнинг сингиллари эрди, асир қилиб, Балхни бузуб, мулкига қайтди. Гуштасп эшитиб, интиқом учун Рустамни рақам қилиб, Рустам сўзини инқиёд қилмади ва Зобулистондин келмади ва ўзи ўғли Исфандиёрким, Дурри Сафед кўрғонида маҳбус қилиб эрди, чиқариб, мулк ваъдаси билан сипоҳ бўшатиб Аржасп интиқомига юборди. Исфандиёр бориб Аржаспни ўлтуруб Туронни, Байтаккача олиб, сингилларин асирлиқдан чиқариб, азим ғанойим била келди, дағи салтанат истилоси қилди. Гуштасп ё Рустам анинг ҳукмин ижобат қилмағон жиҳатидин ё мулк ва салтанатдин кеча олмасдин, Исфандиёрни Рустам урушига юбордиким... Рустам улғайиб эрди ва анга ҳариф эрмас эрди, Зол тадбири била, ё дебтурларким, Семурғ мадади била, бори ҳар тақдир била ҳийла қилиб, Исфандиёрни ҳалок қилди. Чун «Шоҳнома»даким Фирдавсий дебтур, бағоят машҳурдур, шарҳ ҳожат эрмас»<sup>1</sup>. Ҳақиқатда ҳам Рустамнинг Ифандиёр билан олишuvi «Шоҳнома»даги инсон руҳий кечинмаларининг энг оғир нуқталари эҳтирос билан тасвирланган дostonдир. Мамлакатнинг суянчиғи, халқнинг пушти паноҳи, шоҳ ва элни не-не офат, бало-қазолардан ҳимоя қилиб келаётган Рустамни мана шу олишув зил кеткизади, изтиробга солади, иззат-нафси ҳақоратлангандай бўлади. Жаҳонпахлавон умрида биринчи марта қуламас, мустаҳкам алп қояга дуч келади. Тоқати тоқ бўлиб, ночор қолгани учунгина Семурғ тайинлаган ўқ билан Исфандиёрнинг икки кўзини нишонга олиб ҳалок этади.

«Шоҳнома»даги энг мароқли дostonлардан бири «Бижон ва Мажина»дир. Дostonда Фирдавсий мардлик ва қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилади, чин инсоний севгини ардоқлайди.

Кунлардан бир кун бир гуруҳ арман деҳқонла-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Ғ. Ғулom номдаги Адабиёт ва санъат нашр. Т.: 1967, 14-том, 193—197-бетлар.

ри шоҳ Кайхусрав ҳузурига мадад сўраб келадилар. Чунки, сон-саноксиз ёввойи тўнғизлар қишлоқларга ёпирилиб келиб, экинзорлар, боғу роғларни пайҳон қилар, молу йилқиларни ўлдириб кетар эди. Ҳеч қандай куч уларга бас келолмас, бирини ўлдиришса, юзи ёпирилиб келарди. Шоҳ ўз лашкарбошилари ва паҳлавонларини йиғиб маслаҳат солади. Ҳамма ваҳимага тушади, ҳеч кимдан садо чиқмайди. Шунда Жаҳонпаҳлавон Гевнинг ўғли, ёш баҳодир Бижон ўрнидан туриб, таъзим этади ва тўнғизларга қарши жангга боришга ижозат сўрайди. Шоҳ йигитни инъомдан сероб қилади ва Гургин деган баҳодирни қўшиб, оқ йўл тилайди. Булар неча манзил мароҳилларни босиб, Арманистонга етиб келадилар. Қурту қумурсқадай тўнғизларга кўзи тушган Гургин қўрқувдан орқага қочиб, бир дарахт устига чиқиб олади. Бижоннинг якка ўзи тўнғизларга қарши бир неча кун курашиб, қирон келтиради. Халқ бу ногаҳоний балодан қутулади.

Гургин дўстининг шижоатига қойил қолади, аммо қалбида бахиллик, ғайирлик ҳисси ғулғула солади. Бир неча кунлик шодиёнадан сўнг, улар йўлга тушадилар. Гургин йўлда ов қилиб, сайр этиб кетиш баҳонаси билан Бижонни Турон чегараларига олиб келади. Чегарада туронликлар лола сайли ўтказар эдилар. Улар орасида Афросиёбнинг қизи Манижанинг чодирни бўлиб, қизлар сайрибоғ қилиб юрган эдилар. Бижоннинг кўзи Манижага тушиб, севиб қолади, малика ҳам муни сезиб, уни қароргоҳига меҳмонга чақиради. Ўйин-кулги, айш, шаробхўрлик авжига чиқади. Лола сайли тугагач, Манижа йигитни яширинча ўз қасрига элтади. Бу хабар Афросиёбга етиб боргач, шоҳ уни ушлаб зиндонга ташлайди.

Асли ғаразгўй, номард, қўрқоқ бўлган Гургин яна дўстини ташлаб Эронга жўнаб қолади. Мутакаббирлик, бойлик, мартабага ўчлик, шуҳратпарастлик уни дўстидан юз ўгиришига мажбур қилади. У шоҳ ҳузурига келиб, «Бижонни жангда ўлди» деб барча ғалабаларни ўзи қўлга киритганини айтади. Лекин шоҳ ҳам, давлат аъёнлари ҳам Гургиннинг гапига

ишонмайди ва уни қамаб қўйишади. Кўп ўтмай, Бижонни Туронда ҳибсдалиги хабари келади. Рус-тами Достон катта карвон билан савдогар либосида Туронга боради ва Манижа ёрдамида Бижонни қутқариб қайтади. Фирдавсий Манижа образида фидойи, садоқатли ёр, ўз мақсад-ниятига эришиш йўлида барча азоб-уқубат, ҳаёт машаққатларига бардош берадиган хотин-қизларнинг умумлашма сиймосини гавдалантирган. Зероки, ўз қасри ва саройидан хор-зорликда ҳайдаб юборилган Манижа отаси ва посбонларнинг таҳқирига қарамай, тиланчилик қилиб, зиндон туйнугидан севгилисига овқат ташлайди. Ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳам карвонсаройга, Рустам олдига боради. Охирида севгилиси билан бирга қочиб, мурод-мақсадига эришади.

Воқеа мантиқига кўра ва шоҳ фармонида мувофиқ, Гургин қатл этилиши лозим эди. Лекин Бижондаги мардлик, одамийлик туфайли у тирик қолади. Гургин Гев ва шоҳдан гуноҳини ўтишни сўрайди.

Буюк Фирдавсийнинг бу достони ҳам Шарқда кенг тарқалган, ҳатто алоҳида китоб шаклида ҳам қиссахонлар репертуаридан ўрин олган. Алишер Навоий ўзининг лирик ва эпик асарларида мазкур достон образларига бир неча бор мурожаат қилган. Жумладан, «Тарихи мулуки Ажам»да Рустамнинг савдогар ниқобида Туронга бориб, Бижонни Афросиёб зиндонидан қутқариб келишини эслатган Навоий. «Бу иш «Шоҳнома» мазмуни била Кайхусрав замонида воқеъдур», дейди.

Демак, Алишер Навоий Ажам шоҳлари тарихи зикр этилган асарлар орасида энг мўътабари «Шоҳнома» деб билган, унга қайта-қайта мурожаат этиб, Фирдавсийнинг шуҳрати ва хизматини алоҳида таъкидлаган. Бизнингча, «Шоҳнома» тарихий манба сифатида эмас, халқ қудратининг барҳаёт бир шеърӣ ҳайкали сифатида Навоий диққатига сазовор бўлган.

Хуллас, Навоий Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»сини мукамал билган, ундан ижодий баҳраманд бўлган:

1. Фирдавсий қаламга олган халқпарварлик, интернационализм, адолатли шоҳ бошчилигида марказлашган давлат учун кураш, тинч-тотув яшаш ғояларини давом эттирди, замон, давр талабига кўра янги талқин этиб, юксак тараққиёт босқичига кўтариб тасвирлади.

2. Алишер Навоий «Шоҳнома» образларидан турли мақсадларда фойдаланади, улар орқали ўзининг юксак гуманистик ғояларини янада чуқурроқ ифодалашга муяссар бўлди.

3. Айниқса, Навоий ўхшатиш ва муболаға санъатларини қўллашда Золи Зар, Сому Наримон, Жамшид, Фаридун, Заҳҳок, Рустам сингари «Шоҳнома» қаҳрамонларининг салбий ва ижобий хислат ҳамда фазилатларидан фойдаланади.

4. Биз Навоий асарларини кўздан кечирар эканмиз, «Шоҳнома» айрим қаҳрамонларининг бутун сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунончи Рустам номи жуда кўп муносабатлар билан тилга олинганидан ташқари, «Садди Искандарий»да Ажам шоҳлари сулолалари баёнида «Кайқубод даврида Рустам йигитча» эди деса, «Тарихи мулуки Ажам» асарида «Исфандиёр» достони ҳақида сўз юритиб, «Рустам улғайиб эрди, анга ҳариф эрмас эрди», дейди. Хуллас, Навоий ҳам «Шоҳнома»да ижобий қаҳрамон сифатида тасвирланган барча шоҳларни ижобий образ тарзида зикр этган. Масалан, «Тарихи мулуки Ажам»да Манучеҳр адолатли шоҳ эди, Ироқда Фрот ариғини қаздириб, халқни деҳқончилик, боғдорчиликка ўргатди, деб тасвирлаган.

## Серфайз шеърят

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек адабиёти тарихида «Шоҳнома» ёки унинг қаҳрамонларини тилга олмаган, Фирдавсий даҳосидан файз топмаган бирон санъаткорни учратиш қийин. Уларнинг баъзилари бевосита Фирдавсий санъаткорлигидан таъсирланган, айримлари эса шоир яратган образлардан турли мақсадларда фойдаланган. Масалан, Заҳририддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да отаси Умар Шайх Мирзонинг «Аксарият «Шоҳ-

нома» ўқишини»<sup>1</sup> эслатар экан, бу билан ўша вақтда шоҳномахонлик анъанаси мавжудлигини уқтиради.

Заҳириддин Муҳаммад бундан ташқари, «Мухтасар» асарида Фирдавсийни «устоди фан» деб айтади. Маълумки, «Бобурнома»да шоир турли муносабатлар билан, жумладан, халқ ҳузурида, лашкар олдида, акобири давлат ва аъени мамлакат билан учрашувларда ўз нутқига алоҳида оҳанг, куч-қудрат, ғоявий-эстетик таъсир бахш этиш мақсадида халқ афоризмларидан, мақол, ҳикматли сўзларидан, Рудакий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фирдавсий сингари санъаткорларнинг байтларидан фойдаланади. «Бобурнома»да ҳикоя қилинишича, Рано Сангога қарши жангда кўрқувдан бутун лашкар, ҳатто, саркардалар ҳам сусткашлик қилади. Бобур кўшин олдида нутқ сўзлайди:

«Беклар ва йигитлар!

...Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхшироқ:

*Ба номи нау гар бимирам равост,  
Маро ном бояг, ки тан маргрост.*

...Ҳеч ким бу қитолдан юз ёндурур хаёл қилмағай, то бадандин жони айрилмағунча, бу муҳораба ва муқоталадин айрилмағай»<sup>2</sup>. «Рустам ва Исфандиёр» достонининг «Семурғнинг Рустамга кўмаги» бобидан олинган бу байтнинг юксак жанговарлик руҳи Бобур учун айти муддао бўлган. Мана шу жанговар даъватдан сўнг Бобур кўшини ҳужумга ўтади ва жангда зафар қозонади. Бу факт ҳам Бобурнинг «Шоҳнома»ни хийла пухта билганлигини кўрсатади. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»да жанг тасвирларини берар экан, кўпинча Фирдавсийга эргашади. Шайбоний лашкарларини «Рустам кирдор», «Фаридун миқдор» деб таърифлайди:

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». «Фан» нашр. Т.: 1960. 130-бет. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.

<sup>2</sup> Бобур. Асарлар, 3-жилд. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. 1965. 173-бет. Бу байт «Шоҳнома»нинг танқидий матнида (Москва. 1967. саҳ. 298) Душанбе. 1965. саҳ. 397 айнан шундай берилган.

*Мавжзан бўлди денгиздек лашкар,  
Тутқудек мавжи анинг баҳру бар.  
Ҳар бири Рустами достон янглиғ,  
Ҳар бири Соми Наримон янглиғ<sup>1</sup>.*

Машҳур шоир Турдининг сатирик асарларида Ануширвон, Доро, Рустам образлари тилга олинади. Шоир улардан Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорларининг зулм-зўрлиги, қабоҳат ва разолатга юз тутганларини фош ҳамда танқид қилишда фойдаланган. Чунончи, «От ва инъомнинг кечикиши ҳақида» сатирасида шоир ҳукмрон табақаларнинг иккиюзламачилиги, сотқинлигини қоралар экан, наҳотки «Бу дулдул Рахши Рустам» каби ноёб бўлса деб киноя қилади.

Баъзи шоирлар ижодида биз бевосита «Шоҳнома» таъсирини сезамиз ва ёки унинг мотивлари билан боғлиқ айрим эпизодларга дуч келамиз. Чунончи, ажойиб зулусонайн шоир, моҳир дostonнавис Нодир-Узлат ҳам Шарқ адабиётининг сарчашмаларидан баҳраманд бўлган Фирдавсий, Низомий, Жомий, Навоий каби санъаткорларни ўзига устоз деб билади. «Ҳафт гулшан» достонида хусусан Фирдавсий даҳосидан илҳом ва файз олгани сезилиб туради. «Бешинчи гулшан» ҳикоясини шоир Фирдавсийдан олдим, дейди:

*Иноят қилди Фирдавсийи Тусий,  
Эрур Эрон ақолимнинг аруси.*

Гарчи бу гулшандаги ҳикоя мазмуни Фирдавсий дostonларига ўхшамаса ҳам, ундаги шаҳзода образи ҳалоллик, ақлу фаросати, шавкат ва салобати билан Сиёвушга анча яқин туради. Бундан ташқари Бангола шоҳи ва Лоҳур хони саргузаштлари, қаҳрамонликлари тасвирида Фирдавсийга эргашиш сезилиб туради. Чунончи, Лоҳур шоҳи банголалик Хос Ҳожиб саволларига жавоб берар экан, ўз қаҳрамонликларини Рустам, Сухроб, Барзў саргузаштларига монанд тарзда сўзлайди:

<sup>1</sup> Муҳаммад Солиҳ. «Шайбонийнома». «Фан» нашр. Т.: 86-бет. Нашра тайёрловчи Н. Даврон.

*Дегу: Ҳоло бу ерда меҳмон ман,  
Урушга Рустами соҳибқиронман.  
Агар фаҳм этса мандин зўри бозу,  
Итоат айлагай Сухробу Барзў.  
Ўшал филеки йўлга боғлади сад,  
Келиш-бориш халойиқ қилдилар раг.  
Бериб бир зарб бирла гўшмола,  
Агам саҳросиға қилдим ҳавола<sup>1</sup>.*

Бу ерда Лоҳур шоҳининг филни ўлдириши ёш Рустамнинг ваҳший Оқ филни ҳалок этиши эпизодига айнан ўхшатиб тасвирланган. Достоннинг бошқа ўринларида ҳам «Шоҳнома» қаҳрамонлари билан боғлиқ ёки ўхшаш тасвирлар учрайди.

Шоир Сайқалий Фирдавсий даҳосидан самарали баҳраманд бўлган санъаткорлардан ҳисобланади. Унинг «Баҳром ва Гуландом» достонидаги Баҳром кўп жиҳатлари билан Рустамга ўхшайди. Достонда айёр Шабранг, Фаридун, Шерафкан, Афросиёб, Сом, Наримон номлари баҳодирлик ва қаҳрамонлик тимсоли сифатида келтирилади. Тасвирда «Рустамона кор қилди», «Рустамона чиқди» ибораларини кўп қўллаган шоир, Рустамнинг Афросиёб билан, Сухроб ва Барзў билан кураши эпизодларини эслатиб, жанг тасвирида ёрқин картиналар яратишга муваффақ бўлган:

*Иккиси бир-бира хез этди ул дам,  
Магар Афросиёб ила чу Рустам...  
У ҳам шоҳнинг белидан тутди маҳкам,  
Тутуш қилди магар Сухробу Рустам<sup>2</sup>.*

Одатда яккама-якка олишувга чиққан баҳодирлар аввал қўл бериб кўришишади. Рустам ана шундай пайтларда ҳарифнинг панжаларини симобдек эзиб ташларди. Сайқалийда мана шу деталга ишора бор. Ўттиз икки ҳарбий ҳунарни ишга солиб, бир-бирларини енга олмаган Навшод билан Баҳром ордан тушиб курашга киришади.

<sup>1</sup> Нодир. Ҳафт гулшан. «Фан» нашр. Т.: 1961, 39—45—94-бетлар.

<sup>2</sup> Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. «Фан». Т.: 1960. 26—49-бетлар. Нашрга тайёрловчи Р. Алиев.

*Боқиб бир-бирига шеъру палангдек,  
Тўқушуб бир-бирига икки наҳангдек.  
Узатиб бир-бирига қўл ташлагилар,  
Ки Рустамнинг кўрушун бошладилар<sup>1</sup>.*

Ризоийнинг «Хуршид ва Маликаи Дилором» китобида гоҳ муаллиф тилидан, гоҳ персонажлар нутқидан «Шоҳнома» персонажлари ёки эпизодлари келтирилади. Ёзувчи Хитой Ҳоқони Хисравни «Наримондек» «Баҳромни қулликка олмайди», «Рустамни кўзга илмайди», «Жамшид ва Искандарлар ҳам маликага киши қўйган» деб кучли муболаға яратади:

*Қасд этди бўлмади Барзуйи Дехқон,  
Оларгим илгари бўлса билмассиз.*

Шуни ҳам қайд этиш керакки, баъзи шоирлар «Шоҳнома»даги анъанавий образлардан мутлақо оригинал маъно ва мақсадда фойдаланишган. Традицион образлар ўзига хос янги либос ва мазмун касб этган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган шоир Шавкат «Вагон таърифиди» шеърида Ўрта Осиёга поезд келишини ўлка ҳаётидаги катта ҳодиса сифатида таърифлаб, уни Искандар ва Рустамга ўхшатади. «Шоҳнома»да тасвирланишича, сепаратист талончи Афросиёбга қарши Рустам яшил алам кўтариб, Туронзаминга юриш қилган. Шоир Шавкат ана шу эпизоддан ажойиб образли картина яратишда ижодий фойдаланган:

*Ушбу кун тонг Туронзаминни фатҳига Рустам каби,  
Қўлга ёшилдин алам олди, миниб ахтар вагон<sup>2</sup>.*

Шермуҳаммад Мунис Хоразмий ва Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодида ҳам Фирдавсий таъсири кучли. Мунис ва Огаҳий шеърларида Фирдавсий устоз сифатида тилга олинади, уларда «Шоҳнома» қаҳрамонларининг номлари кўплаб учрайди. Лекин бево-

<sup>1</sup> Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. Ўша нашр. 179-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиёти. 4-том. 333-бет.



сита «Шоҳнома»дан баҳраманда бўлиш «Фирдавс ул-икбол» ва «Риёз уд-давла» тарихий асарларида сезилади. Бу асарларда Хива хонлиги тарихи, вилоятлар, қўшни халқларга қарши олиб борилган жангу жадаллар хронологик тарзда тасвирланади. Тарихий фактлар кўпинча ғоятда ҳароратли лавҳаларда, ажойиб манзаралар тасвири фониди, шеърый парчалар билан зийнатланган ҳолда ҳикоя қилинган. Ҳарбий юришлар, жанглар баёнида, айниқса, Муҳаммад Раҳим лашкарининг шону шавкати тасвирида муаллифлар традицион жангномалар, айниқса, «Шоҳнома» дostonлари услубини қўллашга интилишган. Чунончи, Фирдавсий кўпинча Рустамнинг жангга отланишига табиат ҳам ҳомийлик кўрсатиб, «абр фаррошлик этди», «бод сақолик қилди» деган ибораларни қўллайди. Огаҳий «Риёз ул-давла»да Муҳаммад Раҳим лашкари тушган Тажан дарёси ёқасида жойлашган «беш улуғ равоқ ва беш кичик равоқли» Лулихотунни «Шоҳнома»даги Мозандарон тасвирига ўхшатиб таърифлагач, қуйидагиларни ёзади:

*Булут фарроши фош айлаб таку пў,  
Кетурди сидқ ила хизмат сори рў.  
Саросар маҳв айлаб гарду тупроқ,  
Тараддуғ бирла қилди шаҳ йўлин оқ!*

Огаҳий Хива лашкарбошилариининг ҳар бирини Рустам шижоат, Исфандиёр келбат деб муболағали тасвирлайди. Раҳмонкул Тўра бошчилигидаги Хуросон юришига турли вилоятлардан «гуруҳ-гуруҳ», «кўҳ-кўҳ», «хайл-хайл», «фавж-фавж» лашкар келиб, саҳрою водийга тўлади:

*Жам ўлуб андоқ сипоҳи бекарон,  
Не ҳаг анга зоҳир ўлуб, не карон,  
Ҳар бири бир Рустам Достон киби,  
Ёв кўйида Сому Наримон каби...<sup>2</sup>*

<sup>1</sup> Огаҳий. Асарлар. 5-том. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 1978. 53-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 87-бет.

Шунингдек, яккама-якка олишув, ёппасига хужум манзарлари тасвирида ҳам Фирдавсий қўллаган бадий-тасвирий усуллардан фойдаланиш, пайравлик қилиш сезиларлидир. Йигирмага яқин асарни назм ҳамда насрда таржима қилган, форсий тилдаги адабиётнинг улкан донишманди Огаҳийнинг «Шоҳнома»дек улкан эпосдан завқ олгани, баҳраманда бўлганига унинг асарларидан яна кўплаб далиллар келтириши мумкин.

Фирдавсий ижодидан баҳраманда бўлиш, файз ва илҳом олиш, унинг даҳосини муносиб қадрлашнинг энг яхши намунаси шоир Умидий ижоди мисолида, айниқса, ёрқин кўринади.

Муҳаммад Умар Умидий XIX аср ўзбек адабиётида ўзига хос соз ва овозга соҳиб бўлган лирик шоир, дostonнавис, тарихчи олимдир. Кейинги йилларгача шоирнинг ижодий фаолияти пухта ўрганлмаган, унинг шахсияти ва ижоди хусусидаги мавжуд фикр-мулоҳазалар эса ноаниқ, баҳсталаб эди. Иқтидорли ёш олим Тожибой Ҳожибоевнинг кўп йиллик заҳматлари, текстологик тадқиқотлари туфайли Умидийнинг ижодий биографияси яратилди.

Шоир асарларига назар ташлар эканмиз, Умидийнинг Шарқ бадий тафаккурининг илғор анъаналарини давом эттирган, айниқса, Фирдавсий, Низомий, Жомий, Навоий каби улкан санъаткор мутафаккирларнинг даҳосидан илҳом ва руҳ олганлигининг шоҳиди бўламиз. Жумладан, шоир ўз шеър ҳамда дostonларида бевосита ёки билвосита Фирдавсийни эслагани, унинг мангу барҳаёт «Шоҳнома»си ҳақида фикр юритганини кўрамиз:

*Қалам жавлонга келди Хизр ўлиб ёр,  
Низомий бирла Фирдавсий мадагдор<sup>1</sup>.*

Замонасидаги адолатсизлик, илм-фан, ижод кишиларининг хор-зорлигидан шикоят қилган саккиз банддан иборат мухаммасининг бешинчи бандида қуйидагиларни ўқиймиз:

<sup>1</sup> Таджибай Ҳаджибаев. Жизнь и творчество узбекского поэта. XIX в. Мухаммеда Умара Умиди (автореперат). Т.: 1974. Стр. 7.

*Эл кўзига мартаба топти фулуси бўлса ким,  
 Хоҳи ҳинду, армани, хоҳи мажусий бўлса ким,  
 Бўлса гунёси фаранг ёинки руси бўлса ким,  
 Қадри йўқдур ушбу вақт Фирдавсий Тусий бўлса*

*ким*

*Қагру қиммати қоғоз ақча, тангау тиллонику!*

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лирик шеърларида Фирдавсий номини қайта-қайта тилга олган Умидий насрий ва эпик асарларининг муқаддималари, баъзи бобларида Фирдавсийнинг ҳаёти, «Шоҳнома»нинг яратилиши, унда айрим дostonларнинг сюжетлари билан боғлиқ воқеаларни қаламга олади. Бундай ўринларда шоир Фирдавсийни «мадаккор», «пир», «устод», деб атаб, унинг ўлмас «Шоҳнома»си у ёки бу асарини ёзишда илҳом бахш этганини қайд қилади. Афтидан, Умидий «Шоҳнома»нинг асл шеърий нусхаси билан ҳам, туркий тилдаги таржималари билан ҳам таниш бўлганга ўхшайди. Зероки, қайд ҳамда таъкидларда таржималардаги баъзи мустақил эпизодлар ҳам тилга олинади.

«Бадавлатнома ёки тарихи Хўқанд» дostonида Умидий Муҳаммад Алихон салтанатининг охириги йиллари, Амир Насруллонинг Қўқонни забт этиб, разолат ва вайронагарчиликлар келтиргани, Худоёрхоннинг эса ишратпарастлик, бузуқчиликка берилиб, халққа кўп жафолар етказганини қаҳрамонлик, тарихий дostonларга хос услубда тасвирлайди.

Муқаддимада дostonни яратишда Фирдавсий даҳоси мадаккор бўлганини ёзган шоир жангу жадаллар тасвирида кўпинча «Шоҳнома»га эргашади. Муқаддимадан маълум бўлишича, асарни ёзишни «Тўра консуль илтимос қилган», бу хоҳишни етказган киши «Муни Фирдавсийдек назм эт саросар» деб ундаган. Шундан сўнг шоир дostonни ёзишга киришади:

<sup>1</sup> Беруний номидаги Шарқшунослик инс-ти. Баёз № 333 308 11 а varaқ. Бу мухаммас ҳозиргача Завқийга потўрри нисбат бериб келинганлиги Т. Ҳожибоев томонидан исботланди.

Қилиб майдон аро жонбозликлар,  
 Хунарманг аҳлиға мумтозликлар.  
 Бири мумтози олам, номи Рустам,  
 Жаҳонгир паҳлавон машҳури олам,  
 Урушди аҳраманлар бирла ул эл,  
 Гаҳи шамшир уриб, гаҳи отиб тир.  
 Анинг орқасидин бир зўр диловар,  
 Урушда етти лак элга баробар,  
 Жаҳон айвониға юз мунча пур зўр,  
 Келиб кетмиш экан оламга машҳур.  
 Буларнинг аввалину охирини,  
 Қилиб ўтгон ишини зоҳирини,  
 Деган Маҳмуд Султон Ғазнавий ном,  
 Қилибон мулла Фирдавсийға аълом.  
 Бу ўтгон қиссаларни қилдириб назм,  
 Китоби «Шоҳнома» кўйдириб жазм,  
 Ки минбаъд қолагур одамлара ёд,  
 Қўйиб кетди шоҳ амри бирла устог<sup>1</sup>.

Шоир диққатини «Шоҳнома»даги қаҳрамонлик, зулмат ва разолат кучи — аҳраманларга қарши Рустам олиб борган кураш, халқ жасорати мадҳи жалб этган. Шунинг учун унинг номини «Минбаъд одамлар ёд» этади. «Шоҳнома»ни Султон Маҳмуд топшириғи билан ёзади, деган фикр эса анъанавий характерга эга.

«Жангнома» достони муқаддимасида ҳам юқоридаги сингари фикрлар учрайди. Достонда Ёқуббекнинг Шарқий Туркистонда олиб борган жанглари тасвирланган. Ўша даврдаги уйғур ва ўзбеклар тарихий этнографияси, ҳарбий санъати, давлатни бошқариш усули ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берадиган бу достонда яна биз Фирдавсий ва «Шоҳнома» қаҳрамонларини учратамиз:

*Шафез ила талабнинг кўчасидин,  
 Дарёи карамнинг мучасидин.  
 Бул баҳри умид лабин яқолаб,  
 Ҳиммат отин миниб тақолаб,  
 Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидин,*

<sup>1</sup> Рукопись Ленинградского отделения ИВ АН СССР. Ишв. С-152, лист 3 а.

*Дебочаи шахри хомасидин.  
 Рустамки эди пили жаҳонгир,  
 Жанг ичра бу сўзни гер эрди бир-бир:  
 «Дарёи умид узра ўзим урайин,  
 Ё фарқ бўлайин, ё гуҳар келтирайин»<sup>1</sup>.*

Шундан сўнг Жомий «пирлик», Саъдий «ҳомийлик», Фирдавсий билан Низомий «мададкорлик» қилгани учун «Халқ ичра бир нишона қолдириш ниятида «бўлгон ҳамма саргузаштларни назм бирла» «Жангонома»га тизганини ёзади. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шоир эътиборини халқ қаҳрамонлигининг тимсоли, эл-юрт пуштипаноҳи ўзига жалб этган. Шунинг учун жанговарлик шиоридан бир байтни таржима қилиб келтирган.

Умидийнинг назм ва наср ҳақидаги фикрлари, латифа, ҳазил-мутойибалардан иборат «Качқўли қаландарий» китобидаги Фирдавсий ва «Шоҳнома» ҳақидаги фикр-мулоҳазалари янада мароқлидир. Агар шоир «Соқийнома»да Фирдавсий хомасини илгига олиб «Шоҳнома»сини жадид, яъни янги айлаш ҳақида гапирса, бошқа бир ўринда лаганбардор, нўноқ, назмнинг балоғат ва фасоҳатидан беҳабар бир шоирнинг «Мулла Фирдавсий китобидек»<sup>2</sup> асар ёзганини ачиниш билан эслайди ва «Иншооллоҳ, ўшал одам оз фурсатда хор-зор бўлиб, бекафан ўлса керак, ҳоло андак давлатга мағрурдир, мунингдек бадбахти лаимлар кўп хор бўлгондур», деб фикрини яқунлайди. Бу мулоҳаза Умидийнинг хийла халқпарвар, ҳақиқатгўй, сўз санъатини эъзозлайдиган, ҳукмрон табақаларнинг маддоҳлари бўлмиш ижодкорларга нисбатан ғазаб ҳамда нафрат билан қарайдиган илғор фикрли адиб эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Асарнинг бошқа бир ўрнида назмни таъриф этган Умидий: «Чунончи, улуғ подшоҳ Амир Маҳмуд Ғазнавий Мулло Фирдавсийга фармойиш айлаб, ҳазрати Одамдин то Искандарномағача назмий китоб айтту-

<sup>1</sup> Рукописный фонд Ленинградского отделения ИВ АН СССР. Инв. В-292, лист 15 а.

<sup>2</sup> Рукописный фонд Ленинградского отделения ИВ АН СССР. Инв. У-339, лист 58 а.

руб, «Шоҳнома» қўйди. Зероки, ўшал подшоҳлар жамъи тартиб-низомда ўтган учун китобни қилдурди», дейди. Асл шеърини нусхаларнинг орасида Одам Атодан бошлаб, Искандарнома билан тугайдиган «Шоҳнома» учрамайди. Нурмуҳаммад Бухорий ва Хомуший таржималарида эса юқоридаги тартиб мавжуд. Ёркентнинг Қорақош қишлоғида яратилган уйғурча назм ва насрдаги «Шоҳнома»да (XVIII аср) Саолиби (XI аср) ҳамда Вораснинг (XVII аср) насрий «Шоҳнома»сидаги воқеалар силсиласи ҳам шунга ўхшайди. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, Умидий «Шоҳнома»нинг асли ва насрий варинатлари, туркий тиллардаги таржималари билан яқиндан таниш бўлган.

Мермаҳсул санъаткор Умидий ўзининг эпик асарларини яратишда «Шоҳнома»дан ижодий баҳраманда бўлган. Айниқса, Фирдавсийнинг халқпарварлик, адолатли шоҳ ғоясини тарғиб этиши, зулм-зўрлик, ўзаро феодал урушларни қоралаш, маснавийдаги беназир санъаткорлиги дostonнависликда Умидий учун ибрат вазифасини ўтаган.

\* \* \*

Забардаст лирик шоир ва дostonнавис, поэзияда Шарқ адабиётининг илғор анъаналарини муваффақият билан давом эттирган, анъанавий образ ва сюжетларга янгича рангу оҳанг бера олган санъаткор Очилди Мурод Мирий улуғ Фирдавсий ижодидан файз топган, уни ўзига устоз деб билиб «Шоҳнома»нинг образ ва сюжетларидан турли мақсадларда фойдаланган. Шоир дostonларида ҳам, лирикасида ҳам Фирдавсийнинг номи, қаҳрамонлари кўплаб мартаба тилга олинади. Лирик қаҳрамон маъшуқанинг илтифотсизлигидан шикоят қилганда ҳам, замондан, замон кишиларидан нолиганда ҳам, висол айёми, майнинг ҳаётбахш хислати хусусида фикр юритганда ҳам Фирдавсийнинг қаҳрамонларини тилга олади. Бир неча мисол:

*Маломат — кисватим, тош таънасиғир афсару  
жоҳим,  
Қачон Жамшиғ ила Фағфуру Кайхусравда бу  
ҳашмат,*

*Вале дунёнинг фиребиға неча бергунг кўнгул,  
Мири, гар Сухробсен, мақхури бу Рустам қилур.  
Исфандиёру Хусрав кетди кўюб жаҳонни,  
Аҳволи нотамомедурким, тамом қилдинг<sup>1</sup>.*

Бундан ташқари Мирий асарларида бошқа санъаткорлар ижодида кам учрайдиган Гершасп, Кайқубод, Хушанг, Тахмурас, Од, Барзў каби «Шоҳнома» ёки унинг мотивлари асосида вужудга келган дostonларнинг образлари қайта-қайта зикр этилади.

Очилди Мурод Мирий Фирдавсий меросининг актив таржимони ва тарғиботчиси бўлган. У ўзбек классик адабиётида биринчи бўлиб Фирдавсий дostonларини аслидан вазнини сақлаган ҳолда шеърий таржима қилишга киришган санъаткордир. У таржима қилган «Рустам ва Сухроб», «Жанги Рустам бо Кўки Кўҳзод» дostonлари бизгача етиб келган. Академик Б. Валихўжаевнинг таъкидлашича, шоир «Рустам ва Сухроб»даги юксак жанговарлик, қаҳрамонлик руҳини ҳам, инсон қалбининг нозик торларини жунбушга келтирадиган психологик кайфиятни ҳам ва ниҳоят ўзаро қирғин урушлар, босқинчилик, талончиликка нисбатан ғазаб ҳамда нафрат пафосини ҳам ажойиб санъаткорона акс эттирган; ундаги драматизм — таржимада чуқур ва ҳароратли тус олган.

«Рустамнинг Кўки Кўҳзод билан жанги» дostonида халқ ҳамда ватаннинг пушти паноҳи бўлмиш Рустами Дostonнинг ёшлик палласидаги жасорати ва қаҳрамонлигининг бир лавҳаси акс этган. Афтидан, бу дoston таржимасининг бир қисми йўқолганга ўхшайди. Зероки, мавжуд қўлёзма лирик муқаддима ва Рустамнинг Кўк жангига бориб, уни енгизишдан иборат. Муқаддимада Мирий Навоий ва Фирдавсийга мурожаат этиб, уларнинг ўзи учун илҳомбахш, мадаккор эканлигини уқтиради:

*Навоийнинг руҳидан ўлса магад,  
Яна қилмаса Фирдавсий раг.*

<sup>1</sup> Мирий. Танланган асарлар. Ўзадабийнашр. Т.: 1965. 42—63-бетлар.

Солай кишвари қиссаға рустахез,  
 Қалам найзаси бирла сўзға ситез.  
 Ҳикоят майидин қилай эли маст,  
 Қилай базм элин ўйлаким майпараст.  
 Карам қилса Фирдавсий «Шоҳнома»си,  
 Ки, туттурса шафқат била хомасин.  
 Чу Фирдавсий боғига солсам хуруш,  
 Ки, Фирдавсийдин олса комим улуш.  
 Бу майдонни азмиға айлаб сутуҳ,  
 Қалам найзаси бирла Рустам шукуҳ,  
 Буким назм размин тутиб бедарак,  
 Забун айлайин сизни андоққи Как.  
 Фалак золи топса ишимдин хабар  
 Дегай: Офарин! — Ўйлаким Золи Зар.  
 Бу тарих учун кимсаки чекди жон,  
 Ки, гулзори маъниғадир боғбон.  
 Бу янглиғда бўлмиш тараннум сарой,  
 Ки Фирдавсий руҳига Фирдавс жой<sup>1</sup>.

Демак, шоирнинг дostonни таржима қилишдан асосий мақсади — «қиссалар кишварида жавлон уруб» эли ҳикоят майидан маст этиб, маъно гулзорига боғбон» бўлишни истайди, яъни ана шу завқли жангномани ўз она тилида назм риштасига тортиб, ҳатто «фалак Золи ҳам офарин» дейдиган даражада манзур ва машҳур қилмоқчи бўлган. Дostonни кўздан кечирар эканмиз, шоир ана шу ниятига эришганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Шоҳнома»да тасвирланишича, Сеистон баҳодирларининг ота-боболари бўлмиш Гершасп, Наримон, Сом, Золи Зар бутун умрларини Ватан ва халқнинг осойишталигини ҳимоя қилиш, марказий ҳокимиятнинг дахлсизлигини таъминлаш учун кураш билан ўтказган. Улар эл-юртни бало-қазо, босқинчи ва талончилардан ҳимоя қилиш билан бирга доим шоҳларни адолатга, тадбиркор бўлишга, қаҳр-ғазаб, шошмашошарлик, манманликка берилмасликка, беҳуда гина, адоват уруғларини сочмасликка ундаб келганлар. Аммо Забулистонга «уч кунлик йўлдан» аффон, лочин, белужлар яшайдиган боши кўкка ет-

<sup>1</sup> Мирий. Ўша асар. 280—281-бетлар.



ган тоғлар билан ўралган, кирадиган жойи «бир дарвоза»дан иборат ўлкада «мингта раҳзан»ни ўзига ҳамроҳ этган «жисми тоғдек», «наъраси шер жисмига тоб» берадиган «тоғдан камар уриб», «гурзида Албурзни гард» этадиган Кўки Кўҳзод отлиф баҳодир пайдо бўлади. У замину замонга ларза солади, умрини зулм, талон-тарож билан ўтказди. Гершасп, Сом, Золу Зарни ҳам ер билан яксон этиб, тобе қилади.

*Ўтиб умри бунёди бегод этиб,  
Ҳама ури бегод бунёд этиб<sup>1</sup>.*

Ҳамиша халқ ва юрт осойишталигини ўйлаган Золи Зар унга бож, эҳсон-инъомлар бериб турар экан:

*Тижорат элин тор-мор этмагай,  
Сафар аҳлига йўлни тор этмагай.  
Тулаб халқ осойишин Золи Зар,  
Зар ул шум учун айламиш ихтиёр.*

Мана шу ерда Мирий кичик лирик чекиниш қилиб, илм-тадбир билан иш қилиш, халқ, Ватан осойишталигини сақлаш лозимлиги хусусида панд-насиҳат беради:

*Шарар оздурур, сув билан барҳам эт,  
Улуғ бўлса, туфроғ сепиб, ўт кам эт<sup>2</sup>.*

Мана шу пайтда Рустам ўн икки ёшда эди. Лекин қадди-қомати, куч-қудратидан замин изтиробга тушарди. Зол бирон киши Кўки Кўҳзоднинг хабарини айтмасин, ёш умри хазон бўлмасин деб кўрқиб, Кашвод Шоҳ ва Милодни унга доимий ҳамроҳ қилиб қўяди. Рустам кунлардан бир куни мусаллаҳ бўлиб чиққач, икки мусофир Кўки Кўҳзода таърифини айтиб қўяди. Достоннинг мавжуд қўлёмаси ҳам, нашрий нусхаси ҳам шу воқеа тас-

<sup>1</sup> Ўша асар. 283—284-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 283—284-бетлар.

вири билан тугайди. Демак, қўлёзманинг бош қисми йўқолган ёки ҳали топилмаган. Аммо мавжуд қисмнинг ўзи ҳам Мирий дostonни юксак дид ва маҳорат билан бадий сўз санъатининг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда яратганини кўрсатади. Зероки, дostonдаги лирик муқаддима ва чекинишлар ҳам, баҳодирларнинг шон-шавкати, портретини тасвирлашда ҳам зўр бадий маҳорат кўрсатган; ўзбек халқ дostonларига хос бадий-тасвирий воситалардан ажойиб, лирик лавҳалардан фойдаланган. «Илкига говсар гурзи», «Жонгузар камон», «Фалак ўқидан бош қайтарадиган қилич билан қуролланган, «тани соғ тоғни талқон этадиган» Рустамнинг таърифи қуйидагича берилган:

*Шукуҳи солди ерни бағрига чок,  
Лаби соғаридин бўлуб маст ток.  
Тушуб духтари разға кайфияте,  
Лабин ўпмакиға тилаб нияте<sup>1</sup>.*

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, сермахсул ижодкор ўзбек классик адабиётида лирик ва эпик турнинг раvнақу ривожига катта улуш қўшган Мирий ўз асарларида Фирдавсий анъаналарини давом эттирган, «Шоҳнома» ва унинг қаҳрамонлари билан ўзбек халқини ошно қилишга, демак, ўзбек-форс тожик адабий алоқаларига катта ҳисса қўшган. Фурқат ўзининг маърифатпарварлик мавзусидаги шеърлари ҳамда «Суворов» поэмасида Шарқ эпик поэзияси анъаналаридан баҳраманд бўлган. Айниқса, рус аскарлари таърифида, Суворов образини яратишда қадимий жангномаларнинг усулидан фойдаланган. Шоир шеърларида Доро, Искандар, Фағфур, Қайсар, Жамшид, Рустам сингари номлар қайта-қайта тилга олинади. Чунончи, «Суворов»да қуйидагича ёзади:

*Анингдек паҳлавон йўқ бу арода,  
Уруш бобида Рустамдин зиёда<sup>2</sup>.*

<sup>1</sup> Мирий. Ўша асар. 288-бет.

<sup>2</sup> Фурқат. Таълавланган асарлар. ЎзФАН. Т.: 1958. 36-бет.

Фурқат «Шоир аҳволиға шеър муболағаси хусусида» шеърида Шарқ классиклари ижодига юксак баҳо бериб, Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»сини фахр билан тилга олади:

*Энди Ҳофизу Саъдий, Фирдавсий ҳам,  
Учов оти даҳр ичра бўлғай алам.  
Дебон неча сўзларни ҳагдин баланг,  
Сухангон кишиларга қилди писанг.  
Балоғат чу бир жанга ҳангомада,  
Будур геди Фирдавсий «Шоҳнома»да.  
«Зи сими сутурон гар ин паҳно гашт,  
Замин шаш шуду осмон гашт ҳашт».  
Балоғат била ушбу сўзларни дер,  
Қачон осмон саккизу олти ер!?  
Ўшал байт бизларга марғуб эрур,  
Латофатлар анда баче кўп эрур<sup>1</sup>.*

Демак, Фирдавсий қўллаган муболаға санъати ишонарлилиги, балоғат ва латофати билан Фурқатни ўзига мафтун этган, шоир уларни халққа яқин, манзур, деб билган.

Кейинги тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу шеърнинг дастлабки қисмлари тушириб қолдирилган. Н. Остроумов ўзининг «Сарты» («Сартлар») китобида (1908) «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» шеъридан тушириб қолдирилган ғоят муҳим парчанинг сўзма-сўз таржимасини келтиради. Сўзма-сўз таржима ва бутун асар руҳидан маълум бўлишича, Фурқат аввалига Шарқ шеърятининг уч забардаст вакили Фирдавсий, Ҳофиз ва Саъдий асарларидаги ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш усули ҳамда бунда муболаға санъатининг алоҳида маъно касб этиши хусусида адабиёт назарияси ва амалиётидан пухта хабардор йирик мутахассис сифатида фикр юритади, сўнгра Шарқ классик шеърятининг учун етакчи ҳисобланган бу жиҳатни рус классик шеърятининг ифтихори бўлмиш Пушкин, Лермонтов, Некрасов асарларидаги ўзига хос томонлар билан, уларнинг образ яратиш маҳорати билан қиёслайди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>. Ўша асар. 60-бет.

<sup>2</sup> Ш. Юсупов. Маърифат байроқдори. «Гулистон», 1984. 2-сон. 18-бет.

Шеърнинг охирги байтларидан маълум бўлишича, шоир ана шу классик дostonчилик йўлида асар ёзиш ниятида бўлган.

*На ҳол ўлса анга мувофиқ қилиб,  
Яна рамзу мазмунига лойиқ қилиб.  
Ба ҳар ҳол яхши сўз бўлса тақрир этиб,  
Қилурмиз баён элга тақрир этиб<sup>1</sup>.*

Лекин ғурбат ва дарбадарлик бу ижодий режанинг амалга ошмай қолишига сабаб бўлган. Маснавийда анча тажриба орттирган Фурқат бундай асарни ярата олиши шубҳасиз эди.

Шу даврда яшаб ижод этган Гулшанийнинг (Саид Қосимий) панднома характеридаги ҳамд, наът, хотимадан ташқари IX бобдан иборат «Гулшани роз» асарида ҳам шоир китобхонни тарих сабоқларидан ибрат олишга чақириб, дунёнинг моддийлиги, ўзгариб туриши ҳақида фикр юритганда «Шоҳнома» қаҳрамонлари тақдирини эслатиб ўтади:

*Давлату умр ўлса эди пойдор,  
Ўлмас эди Рустаму Исфандиёр...  
Қани Фаригун била Заҳхоку Жам,  
Ҳашмату хайлу сипоҳу ҳашам.  
Қани Скандар билан Нўширавон,  
Эрди алар ҳукмида ушбу жаҳон<sup>2</sup>.*

Демак, XIX аср ўзбек адабиётининг пешқадам вакиллари ҳам Фирдавсий ижодини қадрлаган. Айниқса, шоирнинг «Шоҳнома»да мужассамланган санъаткорлик маҳорати уларни мафтун этган. Ҳатто Муқимий «Гап тўғрисида гап» ҳажвий шеърда ҳам мутакаббир кишиларни танқид қилишда Фирдавсий қаҳрамонларидан фойдаланган.

## **Эртакларда «Шоҳнома» мотивлари**

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» сида, Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида ҳамда шоир Умидийнинг

<sup>1</sup> Фурқат. Танланган асарлар. 61-бет.

<sup>2</sup> Адабий мерос. 4 (16). Т.: 1980. 56—58-бетлар.

«Жангнома»сида берган маълумотларига, машҳур ёзувчи Шарқ илм-фанининг алломаси Садриддин Айний, шарқшунослардан Е. Э. Бертельс, А. Н. Больширевнинг тадқиқотларидаги фикрларига қараганда шоҳномахонлик ўтмишда энг қутлуғ адабий анъана бўлган. Карвонсаройларда, адабий анжуманларда махсус кишилар «Шоҳнома»ни алоҳида усул ва оҳангда ўқиган, кўпчилик тинглаган. Мана шу анъана ҳамда «Шоҳнома» сюжетлари таъсирида турли даврларда «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Китоби жангномаи подшоҳ Жамшед», «Рустами Достон» сингари халқ китобларининг яратилиши Фирдавсий достонларининг кенг халқ оmmasига етиб боришини, тиллардан тилларга ўтиб, халқ оғзида достон бўлиб кетишини таъминлаган. Борабора «Шоҳнома» достонларининг эшитувчилари асар сюжетининг ижрочилари ёки ноқилларига айланган. Бу эса ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларида Фирдавсий достонлари ёки «Шоҳнома» образларининг янада кенгроқ тарқалишига сабаб бўлган.

Зероки, ўзбек халқ достонларида ҳам, мардлик ва жасоратни мадҳ этувчи эртақларда ҳам «Шоҳнома» мотивлари кенг учрайди. Чунончи, қаҳрамонлик достонларидаги баҳодирлар кўпинча қувват ва келбатда Рустами Достонга ўхшатилади, уларнинг вафодор ва учқур отлари эса Рахшни эслатади. Бир қатор эртақларда Рустам, Золи Зар, Барзуи Деҳқон, Деви Сафед, Акван Дев каби «Шоҳнома» қаҳрамонлари тилга олинади<sup>1</sup>. «Қаҳрамон», «Паҳлавон Рустам», «Рустам» сингари эртақларнинг бевосита Фирдавсий достонлари сюжети асосида яратилганлиги эса халқ ижодкорлари орасида «Шоҳнома»нинг хийла машҳур ва манзур эканлигини кўрсатади.

«Рустам» эртагини 1940 йили Буюк Каримов Мулла Мўмин Ёқубовдан ёзиб олган. «Қаҳрамон» эртаги эса адабиётшунос С. Долимов томонидан ёзиб олинган. «Паҳлавон Рустам»ни таниқли фольклор-

<sup>1</sup> «Эркажон», «Кашмири», «Кенжа Ботир», «Қуёш ерининг паҳлавони», «Доро ва Искандарбек» эртақларига қаранг.

шунос М. Афзалов ёзиб олган. Улар ЎзССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор секторининг 139, 1365, 328 инвентар номерида сақланади. Бу асарлар «Ўзбек халқ эртаклари», «Кенжа ботир»<sup>1</sup> китобларида нашр этилган. Баъзи ортиқча тафсилотларнинг қисқартирилганлигини ҳисобга олмаганда қўлёзмалар билан нашрий нусхалар ўртасида моҳият эътибори билан тафовутлар йўқ. Шунинг учун биз асосан нашрий ва қисман қўлёзма вариантларидан фойдаландик.

Маълумки, Абулқосим Фирдавсий Рустами Достонни чақалоқлигидан бошлаб баҳодирларга хос сифат белгилари билан ғоятда меҳр-муҳаббат, завқ-шавқ билан тасвирлайди. Ўн ёшида ёввойи Оқ филни Фаридун гурзиси билан мажақлаб, ўн тўрт ёшида «боши кўкка етиб турадиган» Афросиёбни забун этган Рустам бутун умрини мамлакат дахлсизлиги, марказлашган ҳокимият бутунлигини ҳимоя қилиш, эл ва юртни ички сепарат жанглار, ташқи хонавайронлик ҳужумларидан ҳимоя этишга сарфлайди, боғу роғларни Акван дев каби ваҳшийларнинг ғоратидан асрайди, неча маротаба шоҳ бошчилигида қуршов ва асирликка тушиб қолган қўшин, халқни ҳалокатдан қутқаради. У ҳамиша «тадбир ва доноликни» «кибру ҳаво, шошқалоқликка» қарши кўяди, «жангдан кўра сулҳни афзал кўради». Чунончи, созанда мусофирлардан Мозандароннинг бойлиги ва гўзал табиати таърифини эшитган Кайковус у ерни забт этмоқчи бўлади. Золи Зар, Рустам бошчилигидаги баҳодирлар шоҳни бу йўлдан қайтаришга уринадилар. Аммо камтадбир, давлат ва бойликка ўч мутакаббир Кайковус уларнинг насиҳатини инобатга олмай, Гударз ва Тус бошчилигида катта қўшин билан Мозандаронга юриш қилади. Мозандарон ҳокими Деви Сафед эса жодулик билан буларни кўр қилиб асир олади. Бу хабарни эшитган Золи Зар Рустамга насиҳат қилиб, шоҳ ва элни қутқаришга

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртаклари. II томлик. Ўзадабийнашр. Т.: 1959. I-том. 358—364-бетлар. II том. 424—431-бетлар. «Кенжа ботир». Эртаклар. «Фан» нашриёти. Т.: 1973. 157—165-бетлар. Нашрга тайёрловчи М. Афзалов.

юборади. Таҳамтан «Ҳафт хони Рустам» деб аталмиш етти манзилни кечиб, етти тўсиқни мардонавор енгиб, Деви Сафедни яккама-якка жангда ҳалок этиб, асирларни озод қилади. Рустами Достон фазилатида энг ёрқин саҳифалардан бўлмиш мана шу «Ҳафт хон» воқеаси «Паҳлавон Рустам» эртагига асос бўлган. Унда Фирдавсий достонининг сюжети, ғоявий йўналиши асосан тўла қамраб олинган. Эртақда ҳам Кайсовус мутақаббир, мансабпараст, молпараст, тадбирсиз узоқни кўра билмайдиган, донишмандлар кенгашига қулоқ солмайдиган жоҳил шоҳ сифатида талқин этилади. Шунинг учун созаңдаларнинг: «Сизларнинг бахтингиз кулган эканки, бизнинг йўлимиз сизнинг юртингиз устидан тушибди. Биз сизларни бойитгани келдик, бизнинг юртимизда олтин худди тупроқдай сочилиб ётибди. Кун ботиш томонига қараб ўн икки кун йўл юрсангиз ва учта тоғдан ўтсангиз, бизнинг юртимизга етасиз. Халта ва араваларни эздан чиқарманглар, етти авлодингизга етгулик олтинга эга бўласизлар», дейиши билан Золнинг: «Бу йўлдан қайт, шайтоннинг феълига кирма», деган ўғитларини «эшитишни ҳам истамай олтинга кўмилиб қайтиш» ниятида йўлга тушади. Натижада очкўзлик қилиб, олтин кетидан қувиб келганларни Деви Сафед кўр қилиб зиндонга солади. Воқеанинг ривожи, кульминацион нуқтаси ва ечими худди «Шоҳнома»дагидек. Эртақда ҳам Рустам етти даҳшатли ғорни енгиб, етти манзилни кечиб, турли хил сеҳр ва тилсимларни ечиб Деви Сафедни ўлдиради ва шоҳ бошлиқ барча халқ озод қилинади; «шундан кейин шодлик билан сафар анжомларин тайёрлаб, олти ой чўлу биёбонларда йўл юриб ўз мамлакатларига етиб келибдилар. Қайтиш шарафига етти кун тўй-томоша берибдилар. Энди ҳеч ким олтин излаб ўзга юртга бормайдиган бўлади. Улар ўзларининг севимли, гўзал Ватанлари тугалмас олтин кони эканлигини ангадилар»<sup>1</sup>.

Эртақда Фирдавсий достонининг асосий ғоявий мотиви, образлар системаси, воқеалар сисиласи қам-

<sup>1</sup> Кенжа ботир. Эртақлар. «Фан» нашриёти. Т.: 1978. 158-бет.

раб олинган ҳолда айтувчининг диди, нияти, ниҳоят ўзбек эртақларининг усул ва услуби талаблари тақозоси ўлароқ бир қанча оригинал деталь ва моментлар мавжуд. Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, «Шоҳнома»да мазкур воқеа Сеистон ва Зобулистон шаҳарлари билан боғлиқ ҳолда ҳикоя қилинади. Эртақда эса у «Жайхун» дарё бўйларига кўчирилади. «Ниҳоятда гўзал, гуллар ва боғларга бой бўлган хушманзара мамлакатнинг» шоҳи Нодиршоҳ деб олинади. Зол машҳур паҳлавонлар сардори сифатида эмас, «ақлу фаросатда яккаю ягона донишманд»<sup>1</sup> сифатида тасвирланади. Унинг Иброҳим, Абдулла, Рустам деган уч ўғли бўлган экан. Иккинчидан, эртақда айрим тафсилотлар фольклор асарларининг специфик хусусиятларига мос тарзда баён этилган. «Шоҳнома»да Золнинг насиҳати билан Мозандаронга жўнайди. Эртақда эса Зол хизматкори Мамарайим (бу янги персонаж) орқали уч ўғлини (бир-бирига сездирмай) ўрмон, тоғ орасида имтиҳондан ўтказди. Кичик ўғли Рустам ҳаммадан кўра жасорат ва шердиллик кўрсатгани учун душманга ҳамла қилганда қирқ газ узаядиган «қилич» ва оддий отлардан икки марта катта чиройли «саман от» билан халоскорлик йўлига кузатади. Бу ерда шуни қайд этиш керакки, Золнинг аждар суратига кириб ўғилларини синаши, бир томондан, ўзбек халқ оғзаки ижодига хос бир деталь бўлса, иккинчи томондан, Фаридуннинг уч ўғлига ном қўйиш мақсадида уларни Яман сафарига кузатиб, аждар суратига кириб йўлларини тўсгани ва ҳар бирининг тадбири, жасоратига қараб Салм, Тур, Эраж деб ном берган (бунгача ўғиллари номсиз юрган) воқеасини ҳам эслатади.

Рустамнинг Мозандарондаги жангу жадаллари тасвирида ҳам янги деталь ва қўшимчалар мавжуд. Масалан: Деви Сафед Кайковус бошлиқ халқни «исми Аъзам» билан эмас, «қўлтиғидан бир шиша чиқариб синдириб» кўр қилади. «Шоҳнома»да Рустам девнинг қорнини ёриб, ўтини олиб, ватандошлари кўзига суртгач, улар бино<sup>2</sup> бўладилар. Эртақда

<sup>1</sup> Кенжа ботир. 165-бет.

<sup>2</sup> Бино бўладилар — кўрадиган бўладилар.



эса Рустам асирлар ётган ғорнинг оғзини очиб Деви Сафед ювиниб, чўмилиб, ярасини тузатиб, мадад оладиган «ҳовузга бошлаб бориб чўмилтирибди... Кўзлари аввалгидан ҳам ёруғ бўлибди»<sup>1</sup>. Бундан ташқари бошқа оригинал эпизод ва лавҳалар ҳам бор. Уларнинг ҳаммаси «ҳамиша ҳамшаҳарларини ўйлайдиган», уларнинг «нобуд бўлишини» истамайдиган, ҳар қандай даҳшат, бало-қазо ҳамда офатларни жасорат, мардлик, тадбир билан енгадиган халқпарвар, эл-юртининг пуштипаноҳи, баҳодир Рустамни ардоқлаб таъриф-тавсиф этишга, донишмандлик, ватанпарварликни улуғлашга, бойликка ҳирс қўйиш, шошмашошарлик ва нодонликни қоралашга қаратилган.

«Қаҳрамон» эртагида «Шоҳнома» дostonларининг сюжет ва образлари қайта ижодий яратилган. Агар эртакнинг бошида «Бижон ва Манижа» сюжетига яқин бир эпизод эслатилса, воқеа давомида Рустамнинг Акван девга қарши кураши, Золи Зар билан Семурғ воқеасига ўхшаш эпизодлар киритилади. Воқеалар силсиласи ҳамда тадрижий тақомили бу эртакчи Фирдавсий даҳосидан ижодий баҳраманда бўлганлигини кўрсатади. Асарда Рустам — Қаҳрамон, Забул шоҳ — Зобун шоҳ, ғоратгар, ғайритабиий кучга эга бўлган, «бир юмалаб» турли кўринишда пайдо бўладиган Акван дев Сакван шаклида келади.

«Рустам» эртаги, биринчидан, халқ оғзаки ижодида «Шоҳнома» мотивларининг нақадар кенг ва чуқурлигини аниқлашга имкон берса, иккинчидан, ёзма адабиёт билан фольклорнинг ўзаро алоқаси, таъсири масаласининг айрим жиҳатларини ёритишга кўмаклашади. Зероки, унда Фирдавсий дostonларининг сюжет ва образлари ҳам «Шоҳнома» мотивлари асосида яратилган «Сомнома», «Барзўнома» қиссалари анъанаси ҳам, Хомуший ва Нурмуҳаммад Бухорий таржималарининг изи ҳам кўзга ташланиб туради.

Фирдавсийнинг Сом, Наримон, Золи Зар, Зол ва Рудоба, Рустам ва Сухроб, «Шоҳнома» сюжетларининг давоми сифатида XVII асрда вужудга келган Сухробнинг ўғли Барзуи Деҳқон ҳақидаги дoston-

<sup>1</sup> Кенжа ботир. 165-бет.

лар сюжети эртақда ғоятда ихчам бир шаклда, ягона композицион қолипда изчил баён этилган. «Шоҳнома»дагидек Сом, Наримон, Зол, Рустам, Сухроб, Самангон шоҳи, Семурғ ва бошқалар ижобий образ сифатида талқин этилади. Семурғ «Кийик ва эчки сути билан боқиб катта қилган Зол ўн тўртга кирганда илм ўрганиб, қирқ йил ўқиган кишилар билан баробар бўлиб қолади». У «минг йил умр кўриб» донишмандлик ва паҳлавонлик билан халқ ҳамда Ватанга кўп фойда етказади, мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш учун курашади. Рустам беқиёс паҳлавон, ватанпарвар, халқпарвар, инсон қадр-қимматини эъзозлайди, эл-юртини ташқи ва ички душманлардан ҳимоя этади. У ваъдасига вафодор, етим-есирларнинг бошини силайдиган чин инсон. Асарда қаҳрамонлик, кучли лиризм ҳамда кишини тўлқинлантирадиган психологик ҳолатлар хийла изчил ва ҳароратлидир. Буни биз Золнинг муҳаббати ва жасорати талқинида, Рустамнинг туғилиши ҳамда ўғли Сухробни ўлдириб қўйгандаги кайфияти тасвирида, айниқса, яққол сезамиз. «Шоҳнома»да тасвирланишича, Рудобанинг вақти-соати етганда Семурғнинг маслаҳати билан «донишманд жарроҳ» ёрдамида она қорнини ёриб, болани олади. Эртақда бу эпизод қуйидагича: «Малика ўғли Золга ядилардан хотин олиб берибди. Хотини ҳомиладор бўлиб етти ойлик бўлганда боланинг оғирлигидан хотиннинг оёғи бир энлик ерга кирибди. Саккиз ойлик бўлганда беш энлик ерга кирибди. Малика юра олмай қолибди. Зол хотинининг юра олмаганлигини кўриб, тўрт филдиракли аравага от қўшиб, маликани олиб юрибди. Вақти-соати етибди. Семурғ бошлиқ қирқ ҳукамо жам бўлиб болани ёриб олишибди. Рустам дунёга келибди. Семурғ бошлиқ қирқ ҳукамо маликанинг рудасини кийик сути билан ювиб, тикибди. Семурғ қанотидан бир мисқол қон олдириб, маликанинг димоғига ҳидлатиб, ҳушига келтирибди. Рустамни говмишнинг сути билан боқибди<sup>1</sup>. Маълумки, Фирдавсий «Шоҳнома»да халқлар дўстлиги ғояларини тарғиб этган, ирқчилик, диний ақида ва эътиқодлар-

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. II том. 426-бет.

га кўра кишиларни бир-бирига душманлик қилиши-ни қаттиқ қоралаган. Рустамнинг онаси Рудоба (эр-тақда ядилардан), Заҳҳок авлодидан бўлмиш Кобул шоҳининг қизи эди. Зол ов пайтида Рудобани кўриб ошиқ бўлади. Бутун қариндош-уруғлар бу никоҳга қарши туришади. Аммо Сом бу қиздан «етти иқлим-ни тасарруф» этадиган бола туғилажагини «қуръа-андозлардан» билгач, тўйга рози бўлади. Юқоридаги парчада мана шу эпизод айнан акс этмаган бўлиши-га қарамай, «Шоҳнома» сюжетига жуда яқин. «Ма-ликанинг рудаси кийик сути билан ювилиши» эса халқ эртакларида кенг тарқалган деталлардандир.

Воқеалар «Шоҳнома»га яқин бир тарзда нақл этилиб, Фирдавсийнинг мардлик ва инсонпарвар-лик ғоялари ажойиб бир услубда тарғиб ва ташвиқ этилган бу эртакларда айрим эпизодларни ташлаб кетиш, оригинал деталь ҳамда лавҳалар илова қилиш мавжуд. Фирдавсий тасвирича, Рустам Сухроб би-лан яккама-якка олишувда айёрлик қилади, бирин-чи беллашувда «бизнинг қаҳрамонлик расмимизга кўра биринчи дафа йиққанда ҳарифни ўлдирмай-дилар, иккинчи қатл ерга урганда бошини олади-лар», деб Сухроб чангалидан қутулади. Эртакларда эса ёш баҳодир Рустамни «қари экан, деб раҳми келиб қўйиб юборади». Аслида офир аҳволда қолган Рустам зор-зор йиғлаб, яратгандан ўзининг жавон-мардлигидаги қувватини қайтариб беришни ўтинад-ди. Эртаси куни майдонда Рустам ўзгача салобат ва қувват билан ҳунар кўрсатиб, Сухробни ерга уради ҳамда кўксига ханжар санчади. Халқ вариантыда эса «Эртага яна майдонга кириб бу боланинг қони-ни ичмасам, дунёда ўзимни Рустам атамайман, деб-ди. Эртаси, яна уруш бўлибди. Рустам Сухробнинг оёғига бир уриб йиқитибди.

— Эй номард чол, мен сени ҳурмат қилиб кеча боғлаб олиб чиқиб кетмасдан, ечиб қўйдим. Бутун сен нимага номарднинг ишини қиласан, — дебди. Рустам аччиқланиб, ханжарини суғуриб олиб, бола-нинг кўкрагига бир урибди, қони ерга тўкилибди»<sup>1</sup>.

Бу ерда ситуация бир оз бўшашган бўлишига

<sup>1</sup> Ўша китоб. 429-бет.

(Суҳробнинг ҳарифини отасига ўхшатиб, ундан қайта-қайта аждоди, насабини сўраши, қалбида худди отасига қўл кўтараётгандай аллақандай инсоний ҳиссиёт, меҳрнинг фулғула солиши каби психологик ўринлар кўзга ташланмаслигига) қарамай, асарда номардликни қоралаб, жасорат ва мардликни улуғлаш хийла ёрқин акс этган.

Фирдавсийда ўз ўғлини ўлдириб қўйган Рустамнинг аҳволига ачинган ҳукамолар Кайковус хазинасидан «нўш дори келтириб» берилса, ўлмай қолажagini айтадилар. Эртақда ҳам бу тафсилот мавжуд. Аммо «қирқ ҳукамо маслаҳати»дан олдин «Рустамнинг додини Семурғ эшитиб, Каён авлоди Зол билан бирга Суҳробнинг ёнига келибди. Семурғ Рустамга:

— Қанотимга ханжар ур, етти мисқол қонимдан олиб Суҳробнинг оғзига қўй, — дебди. Рустам Семурғдан қон олиб Суҳробнинг оғзига қуйибди. Суҳроб ўлмай қолибди. Ханжар ярасини ювиб, қорнини боғлабди».

Шунингдек, Суҳробнинг отасини қидириб, «Ёхуд дарёсидан ўтиб, Бухро томонга кетиб, эчки-қўй боқадиган қозоқларнинг ерига келиб қолиши» эпизоди ҳам мутлақо янгидир.

Бу ва бошқа ҳолдаги янги эпизод ҳамда деталлар бир томондан, халқ оғзаки ижодининг ўзига хос услуб ва усуллари тақозоси ўлароқ қўшилган бўлса, иккинчидан, «Шоҳнома» сюжетларини бевосита Ўрта Осиё туркий халқлари ҳаёти билан боғлаб, уларнинг урф-одати, касб-кори, психологиясига мослаб нақл қилиш айтувчиларнинг хоҳиш-истаги, фантазияси маҳсули ўлароқ содир бўлган. «Кийик сутининг шифобахшлиги, биянинг файзи» иборалари, «Кўҳи Қоф», «Кўҳи Сарандиб»<sup>1</sup>, Урганч, Тошкент, Қовунчи номларининг тилга олиниши, мол ва қўйнинг, эчки боқувчи аҳоли яшайдиган жойларнинг зикр этилиши ҳам бу фикрни қувватлайди.

Афтидан, эртакчилар «Шоҳнома»нинг асли билан ҳам, Хомуший ҳамда Нурмуҳаммад Бухорий

<sup>1</sup> Ўша китоб, ўша бет.

таржималари билан ҳам таниш бўлганга ўхшайди. Чунки ҳар икки таржимон қаламига мансуб «Шоҳномаи туркий»даги баъзи ўринлар эртақларда даярли айнан учрайди. Чунончи, Хомушийнинг наср ва назмдаги таржимасида Рустамнинг ов пайтида адашиб, Бешаи Мозандарон соҳилида бир чолни-кида меҳмон бўлиши, қизи Гулчеҳрага уйланиб, ундан Жаҳонгири Шер туғилиши воқеаси мавжуд. Эртақда «ов қилиб юрган Рустам «Дарёи Нил»дан ўтиб Чангали Мозандаронга кирибди. Рўпарасидан бир кийик чиқибди. Ўқ отса тегмабди, аччиғидан кийикни қувиб, қайта олмай, бошқа дарёга ўтиб бир тўқайга кириб кетибди. Қилган овларини отига ортиб тўқайдан чиқибди. Қараса, маскани узоқда қолибди. Узоқдан бир қишлоқ кўринибди. «Хайр бир кеча мусофирга кўноқ берар», деб қишлоққа қараб юрибди. Бир чол дарёнинг ёнида ўтирар экан, Рустам чол яқинига келиб салом берибди.

— Келинг, паҳлавон меҳмон, — дебди чол. Рустам:

— Отажон, мен овга чиққан эдим, диёрим узоқда қолди, бир кеча мусофирга кўноқ берсангиз, — дебди.

— Хўп майли, ўғлим. Қайси авлоддансан? — деб сўрабди чол. Рустам:

— Мен Каён авлодидан, Золнинг ўғли, Сомуннинг невараси Рустам бўламан, — дебди. Чол:

— Хўп, полвон ўғлим, жуда яхши, — деб меҳмонни уйга таклиф қилибди. Отини отхонага олиб кириб, ўз бияси ёнига боғлабди. Бир қўй сўйиб маҳалла одамларини чақириб, Рустамни зиёфат қилибди.

Чол Рустамга қараб:

— Ўғлим, сенга бир арзим бор, — дебди.

Рустам:

— Айтинг, ота, — дебди.

— Бир қизим бор, шуни сенга берсам, сени ўғилликка қабул қилсам, — дебди. Рустам ўрнидан туриб қуллуқ қилибди.

Чол яна:

— Ўғлим, қизимнинг бир айби бор. Иккита кўзи йўқ, иккита қўли, иккита оёғи йўқ, — дебди. Рустам:

— Шундай бўлса ҳам қабул этдим, — дебди. Рустам чолнинг қизи Гулчеҳрани никоҳлаб олибди...»

Хомуший таржимасида бу тафсилот айнан мавжуд. Лекин унда Рустам чолникида бир кеча тунайди, биядан Рахшнинг қулуни туғилади, Гулчеҳрадан Жаҳонгири Шер дунёга келади. Эртақда мана шу воқеа «Рустам ва Суҳроб» достонининг бир қисми сифатида келади. Яъни Рустам қирқ кун қаллиқ ўйнагач, «Чўнтагидан бир тумор чиқариб чолга берибди:

— Эй отахон, хотиним қиз туғса, ўнг елкасига босиб, ўнг белига боғлаб қўйинг, — дебди. Гулчеҳра бир ўғил туғибди. Гулчеҳранинг отаси боланинг отини Суҳроб қўйибди. Ўша куни бия ҳам туғибди»<sup>1</sup>. Демак, бу ерда «Шоҳнома» мотивлари асосида вужудга келган «Жаҳонгирнома» достонининг Хомуший таржимасидаги эпизоди Рустам ва Суҳроб саргузашти билан қўшилиб кетган. Фирдавсийдаги Самангон — Мозандарон, Шоҳ — чол, Тахмина — Гулчеҳра, Сейистон — Зобилистон билан бирга Ёхуд дарёси, Бухоро қозоқлари каби янги номлар учрайди. Рустамнинг оти оддий, Суҳробники эса Рахш деб аталади.

Характерлиси шундаки, эртакнинг охириги қисмлари яна «Шоҳнома» сюжетидан узоқлашиб, Нурмуҳаммад Бухорий вариантыдаги «Рустам ва Суҳроб» достонининг хотимасини эсга туширади. Кайковуснинг Суҳроб тирилса «етти иқлим Суҳроб билан Рустамнинг чангалида қолади», деб нўш дори бермаслиги воқеаси Фирдавсийдагидек баён этилади. Аммо ўғлини ўлдирган Рустамнинг саргузашти мутлақо оригинал тарзда келади. Золнинг донишмандлиги, Семурғнинг инсон фарзандига меҳрибонлиги тасвири анча мароқлидир.

«Рустам ва Суҳроб» достонида воқеа Суҳробнинг ўлими ва Рустамнинг Кайковусни «бир сиқим тупроққа олмайман» деб бош олиб чиқиб кетиши билан тугайди. Эртақда эса Жаҳонпахлавоннинг гамига ҳамдардлик кўрсатган ҳукамолар кенгаши

<sup>1</sup> Ўша китоб. 426-бет.

Сухробни тирилтириш пайидан бўладилар. «Ҳеч ким тирилтириш чорасини топа олмаганидан кейин Семурғ туриб:

— Кўҳи Қофнинг нариги томонида Кўҳи Сарандиб деган жойда бир тобути сокина бор. Шу тобути сокинани олиб келиб, Сухробни ювиб-тараб шунга соламиз. Тобутни Рустамнинг бошига қўйиб, ўнг қўлини тобутга боғлаймиз, чап қўлини белига боғлаб, қўйиб юборамиз. Рустам «Ё Сухроб!» деб йиғлаб қирқ кун бошида тобутни кўтариб юради. Қирқ кундан кейин бола ерга тушади, — дебди.

Ҳукамолар бу гапни маъқул топишибди. Семурғ бориб тобутни олиб келибди. Сухробнинг жасадини ювиб, Рустамнинг бошига қўйишибди. Рустам «Ё Сухроб!» деб қирқ кун фарёд урибди. Душманлари Сухробнинг тирилишига бир кун қолганини билиб, бир жодугар кампирга молу дунё ваъда қилиб, Рустамнинг олдига чиқаришибди. Жодугар кампир сув бўйига бориб, қозон осиб, қора кигизни юваверибди. Рустам «Ё Сухроб!» деб тобутни кўтариб келибди. Рустам кампирнинг ҳадеб қора кигизни юваберганини кўриб:

— Эй кампир, қора кигизни ювган билан оқарадими? — дебди. Кампир:

— Эй Рустам, дунё бунёд бўлгандан бери ўлган одам тирилганми! Тобутни кўтариб юрганиннга қирқ бир кун бўлди, вақтидан ўтди. Сухробга азоб берма, тобутни Даҳмаи Шоҳонга қўй, — дебди. Рустам: «Кампир рост айтади, бугун кўтариб юрганиннга қирқ бир кун бўлди. Тирилмайди», деб тобутни ерга қўйиши билан Семурғ етиб келиб, кампирни дарёга ташлабди. Сухробни Даҳмаи Шоҳонга дафн қилибди. Рустамнинг бўйнида «Ўғлини ўлдирди», деган ном қолибди<sup>1</sup>.

Бу эпизод дostonнинг Нурмуҳаммад Бухорий қаламига мансуб насрий таржимасига хийла яқин. «Шоҳнома»да ўғлининг отаси қўлида ҳалок бўлганини эшитган Тахмина «сарғайиб хазон бўлади». Нурмуҳаммад Бухорийда эса Рустам «Ё Сухроб!» деб бошида кўтариб юриб сув ичмоқ учун чашма

<sup>1</sup> Ўша китоб. 430-бет.

бўйига етганда Тахмина етиб келиб, эрини лаънатлаб, «Сухроб тобути устида ханжар билан ўзини ҳалок этади». Халқ вариантыда Рустам Барзўни забун этганда Тахмина келиб: «Кўр бўлғур отасини ўлдирдинг, энди боласини ўлдирасанми», деб Барзўни қутқаради. Эртақда Рустам Сухробни Семурғ маслаҳати билан кўтариб юради. Нурмуҳаммад Бухорийда эса у ғойибдан келган нидога амал қилади. Таржимада ҳам, халқ вариантыда ҳам Рустамнинг душманлари ота-болани йўқотиш мақсадида жодугар кампирни ишга соладилар. Аммо Нурмуҳаммад Бухорий кампирни Пирон билан Афросиёб маслаҳатлашиб юборди, деб масалани ўзаро феодал низолар билан боғламоқчи бўлган. Бошқа деталлар ҳам бирмунча фарқ қилади. Масалан, «Хотун қора кигизни чашмага солиб, бир пора собунни кўлига олиб, кигизни ювиб ўтирди, чашманинг оғзини мағзоба тутди. Бир соат эрдиким, паҳлавон сув ичмакка келди, бир кафт сув олиб ичди, мағзобанинг мазаси маълум бўлди. Сочини кўтариб, кўзини очиб кўрдиким, бир кампир бир қаро кигизни сувга солиб ювиб ўлтириб турур. Паҳлавон сўради: «Не сабабдан бу ишни қилиб турубсен?» Хотун айтди: «Бодиянишин бўлурмен. Бир қизим бор, тўй қилурмен, бир оқ кигиз керак бўлуб турур, бисотимда йўқ эрди. Охир қаро кигизни келтурубмен, ювиб оқартириб берурмен». Паҳлавон айтди: «Ҳеч қаро кигиз ҳам ювмоқ бирла оқариб турурми?» Хотун айтди: «Ҳеч ўлук кўтаруб юрмоқ билан тирилурми?»

Эртақда кампирни Семурғ «дарёга ташлайди», Нурмуҳаммад Бухорийда: «Рустам хотуннинг оёқидин тутиб, бошини атрофида айлантуруб, чарх бериб отиб юборди. Юнонга келиб Иқлимида Ҳакимнинг олдига тушиб гард-гард бўлди». Таржимада ҳам, эртақда ҳам Рустам, Семурғ, Сухроб, Тахмина, Зол олижаноб кишилар, адолат, яхшилик, инсонпарварлик учун курашувчи шахслар сифатида талқин этилади. Улар номардлик, макр-ҳийла, зулм-зўрликни, жаҳолат ва разолатни лаънатлайдилар. Пирон, Афросиёб, Кайковус ўта худбин, босқинчи, мол-давлатга муккасидан кетган, адолат ва осойиш-



талиқ душманидир. Шунинг учун бу кучлар халқ ҳамда мамлакатнинг пушти паноҳи бўлган Рустамнинг ўғли Сухробнинг тирилишини, яъни қирғин урушлар, хонавайронгарчиликларнинг олдини оладиган, шоҳларни тийиб турадиган кучларнинг зўрайишини хоҳламайдилар.

«Рустам» эртаги жаҳолат ва разолат кучларининг Рустам ва Барзў томонидан «тўзитиб юборилиши», уларнинг Тошкент ва Қовунчида осойишта ҳаёт кечириши билан тугайди.

«Шоҳнома» сюжетлари асосида ва таъсирида вужудга келган эртақлар тили ва услуби жиҳатидан бошқа ўзбек эртақларига ўхшайди. Бадиий тасвирий воситалар, ҳатто кўпчилик деталлар ҳам анъанавий характерга эга. Чунончи, «Бор экан-да йўқ экан, оч экан-да тўқ экан» анъанавий бошлама воқеаларнинг, «Боғу роғлари кўп, гўзал мамлакат» тасвири билан нақл этиш, баёнда ички оҳангдорлик, мусиқийликка эътибор бериш мазкур асарлар учун ҳам характерли. «Ҳаётбахш чашма», «Донишманд чол», «Бир юмалаб ўзга тусга кирадиган» дев, жодугар кампир, сеҳрли ғор, жаннатмонанд боғ, вафодор от, қуш ва бошқа образлар воқеалар силсиласига, мазмунига гоҳ ҳаётий, гоҳ фантастик ранг ва оҳанг бахш этади. Буларнинг айримлари «Шоҳнома»да мавжуд. Лекин эртақларда ўзгача либос ва ҳаракат манерасига эга. Деярли кўпчилик эртақларда бўлгани каби мазкур асарларда ҳам воқеалар оптимистик яқунланади. Қаҳрамонлар «муроду мақсадларига эришиб», «шоду хуррам» яшай бошлайдилар. Улар «етти ёшда баҳодир», «ўн тўрт ёшда замин у замонни ларзага келтирадиган жаҳонпаҳлавон» ҳамда «донишманди даврон» бўлиб етишадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, «Шоҳнома»нинг таъсири классик адабиётимизда ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам сезилади. Бевосита Фирдавсий дostonлари сюжети асосида вужудга келган халқ китоблари ҳам йўқ эмас. Бу асарлар, биринчидан, «Шоҳнома» сюжети, образлари билан халқни янада яқиндан ошно қилса, иккинчидан, Фирдавсий куйлаган инсонпарварлик, Ватан, эл ҳақида ғамхўрлик

қилиш каби гуманистик ғояларни кенг меҳнаткаш оммаси орасида тарғиб ва ташвиқ этишдек муҳим ижтимоий-эстетик вазифани ўтаган.

## **Халқ китобларида «Шоҳнома» мотивлари**

Халқ оғзаки ижодида «Жамшиднома», «Рустаму Сухроб», «Подшоҳ Афросиёб», «Шоҳ Каюмарс», «Сиёвуш» каби достону эртакларнинг айримларида «Шоҳнома»даги мазмун айнан ҳикоя қилинади, образлар ҳам ўзгартирилмайди. Ҳатто «Шоҳнома» «Рустами Достон» номи билан ўзбек бахшилари томонидан қайта яратилганлиги ҳам маълум. Аммо кўпчилигида халқ достон ва эртакларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, айтувчиларнинг диди ва дунёқараши тақозоси ўлароқ фабулада ўзгариш юз берган, образлар янги қиёфа касб этади, воқеалар туркий халқлар ҳаётига кўчирилган, янги-янги эпизодлар, персонажлар келтирилган. Ўзбек адабиётшунослигида, жумладан, фольклоршунослиқда бу масала ҳали ўрганилмаган. Уни тадқиқ этиш эса, бир томондан, ўзбек ва форс-тожик адабий алоқаларининг айрим жиҳатларини тўлдирса, иккинчи томондан, ёзма адабиёт билан оғзаки ижод ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқани ўрганишга кўмаклашади. Шунини ҳисобга олиб биз бу ўринда «Шоҳнома» мотивлари асосида яратилган ўзбек халқ китобларидан «Жангномаи подшоҳ Жамшид»ни кўздан кечириб чиқамиз.

Маълумки, Фирдавсий Жамшидни адолатли, тадбиркор ва шон-шухрат олдида эсанкираб қолувчи, амалпараст шоҳ сифатида тасвирлайди.

«Шоҳнома»да тасвирланишича, Жамшид Таҳмураснинг ўғли бўлиб, етти юз йил ҳукмронлик қилади. У кишиларни тўрт тоифага бўлиб, ҳар бирининг ҳаётда ўрнини белгилайди, касб-кори, вазифасини кўрсатади. Унинг салтанати даврида ер юзидан зулм-зўрлик, бадфеълик йўқотилади; ҳарбий анжомлар, қурол-яроғларнинг турли хили кашф этилади; ҳар хил юнг ва пахтадан ип йигириб, либос тикиш, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик билан шуғулланишни у расмга айлантиради, темирчилик,

кон қазиб маъдан чиқариш, кемачилик, меъморчилик, хуллас, инсон ҳаёти ва юрт ободончилиги учун зарур барча ишларни ривожлантиради. Уч юз йил шу зайдда ҳукм суради. Етти иқлимни ўз тасарруфида кўрган Жамшид манманликка берилиб, сарой аъёнлари ва лашкар бошлиқларини йиғиб, мен дунёни обод этдим, ер юзидан очлик, зулм-зўрлик, қайғу-ҳасрат ва ҳатто ўлимни йўқотдим. Модомики, ҳамманинг бахту тахти, ҳаёт-момоти мен билан боғлиқ экан, сизлар мени дунёни яратувчи деб билинг, дейди.

*Гар эдун, ки донег, ман кардам ин,  
Маро хонг бояг жаҳонофарин<sup>1</sup>.*

(Агар буларнинг барини мен бунёд этганимга иқрор бўлсангиз, у тақдирда мени оламнинг яратувчиси деб аташларингиз керак.)

Аъёнлар индамай, хомуш қоладилар. Юртда, саройда бирлик йўқолади. Мубадлар араб шоҳи Заҳҳокни тахтга ўтиришга даъват этадилар. Бу пайт Жамшид Хитойга қочиб кетган бўлади. Юз йил ўтгач, Заҳҳок уни Хитой денгизи соҳилларида тутиб, арралатиб ўлдиради. Фирдавсийда Жамшид достони шу билан тугайди. Шоир Жамшиднинг тахтни ташлаб қочганидан сўнгги ҳаётини ҳикоя қилмайди.

«Шоҳнома»да асосий мақсад Жамшидни адолатли, раиятпарвар шоҳ, ҳамиша мамлакат ободлиги, халқ фаровонлигини ўйлайдиган ҳукмронни таърифлаш, ибрат қилиб кўрсатишдан иборат. Фирдавсий ақидасича, шоҳ манманлик, кибру ҳавога берилса, давлат, халқ олдидаги хизматлари, шон-шухратини пеш қилиб худбинликка юз бурса, у лаънатга лойиқ; ундан донишмандлар ҳам, эл ҳам, қўшин ҳам юз ўтиради. Ундай шахс мамлакатни бошқаришга ноқобил; юртда ғалаён ва бошбошдоқликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, натижада шоҳ ҳам, салтанат ҳам ҳалокатга юз тутаяди. Ҳақи-

<sup>1</sup> Абулқосим Фирдавсий. «Шоҳнома». Иборат аз 9 жилд. Жилди 1, саҳ. 56. «Ирфон», 1964.

қатда ҳам Жамшид ишратпарастлик, шон-шуҳрат кайфи билан бадмаст бўлади, бутун юрт унга нафрат билан қарайди. Натижада тахтни ташлаб, юртдан чиқиб кетади.

«Жангномай подшоҳ Жамшид»да ҳам воқеа худди «Шоҳнома»дагидек бошланади. Аммо дostonда Жамшид Таҳмурас вафотидан кейин эмас, тирик-лигида тахтга ўтиради. Қариб-қартайиб қолган Таҳмураснинг Қаҳрамон ва Жамшид номли ўғиллари бўлади. Шоҳнинг Жамшидга меҳри кучли эди. Кунлардан бир кун у хизматкорларга қараб: «Бирмунча қўғурчоқ ва бирмунча ошуқ ва ўз ҳолига яраша ўқ-садоғ, найза, қилич олиб келинлар. Ман бу ўғлумни синаб ва азмойиш қилай», деди. Эrsa шуд соатда ҳаммасини тайёр қилиб келдилар. Бу нимарсаларни Жамшиднинг олдиға қўйдилар. Подшоҳ айтдиким: «Эй ўғлум, булардин қайсини хоҳларсиз, олиб ўйнанг». Жамшид қўпуб қўғурчоқларини ташлаб, ани ошуқларини олуб сандуққа суқуб бир фасл ўйнади. Андин ўқ, садоқ, найза ва қилични олиб белиға боғлади. Подшоҳ айтдики: «Бу ўғлумда яхши нишонлар кўрдум. Мандин кейин подшоҳ бўлур»<sup>1</sup>.

Демак, Жамшид синовдан сўнг отаси томонидан тахтга ўтказилади. У тахтга ўтиргач, бутун хаёли, куч-ғайрати ва тадбирини мамлакатни обод, эли фаровон қилишға қаратади. «Аммо у айш-ишратга машғул бўлди. Юрт бирла иши қолмади. Юрт безобита бўлғали турди. Аммо Жамшидни кичик бола деб ҳеч ким кўзига илмай, юртнинг улуғлари маслаҳат қилиб айтдиларки, бу кичик бола бирла юрт тутуб бўлмас. Жамшид сафар қилсун ва ғурбат ихтиёр қилсун. Меҳнат ва машаққат ўтида куйсун ва давлатнинг қадрини билсун»<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, бу ерда «Шоҳнома»даги сюжет чизигидан асар йўқ. Дostonда ҳаёт аччиқ-чучукларини тотимаган, билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган шахс давлатни бошқара олмайди, деган фикр изчил илгари сурилади. Ҳақиқатда ҳам умаро ва эл Жамшидни Каёний юртидан чиқазиб

<sup>1</sup> «Жангномай подшоҳ Жамшид». Литогр. Т.: 1916. 7—8-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша бет.

юборадилар. Аввал Балхда, кейин Ҳиндистонда дарбадарликда юрган Жамшид не-не машаққатларда тобланади, ўз қилмишидан пушаймон бўлади.

Қайта бошдан Туронда шоҳ бўлган Жамшиднинг кўзи очилади. Энди у сарой аёнлари билан кенгашиб элнинг ғамини ўйлаб иш қилади; зулм-зўрликка барҳам беради; мамлакатни обод, элни фаровон қилади. «Андоғ раиятнавоз подшоҳи одил бўлдиким, Турон халқи дуо қилодурлар. Подшоҳ Жамшид кўрдиким, бу олами ғаддор инон-ихтиёрини мунинг қабзаи иқтидорига берибдур. Бул ҳам жаҳонни доду адл бирла обод айлади ва жабру зулми беҳу бунёди бирла барбод айлади ва инъому эҳсон бирла олами ўзига мусаххар айлади... Шабу рўз фикри ул эрдиким, ўзидан санъатлар пайдо қилғай, бу жаҳонда ёдгор қўйғай. Ул фикри дақиқ ва хаёли амиқ бирла олоти ҳарба тайёр этти. Мисли дубулға, совут ва ҳафтон ва жами ҳарбадин шамшэр, камон, тиру табару карнай ул бунёд этти. Олам ичида нечанд шаҳар ва қалъаларни ул пайдо қилди. Боргоҳу саро парда ва чодир шомийнани ул ораста қилди. Кондин олтулар ул чиқорди. Дарёдин дурру уду анбар ул олди. Хушбўй нарсалардин мисли мушку гулоб ва кофурий оламорони ул топти. Дарёдан кишти бирла юрмаклик ҳам анинг санъатидир. Пахтани тор этмоқ, ип йигирмоқ ва либос этиб киймоқни ҳам ул таълим берди. Алқисса, уч минг таснифотни андин нақл қилурлар»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, дostonнинг бевосита «Шоҳнома» сюжетига алоқадор ўринлари хийла мукамал ва изчил. Унда Фирдавсийдаги адолатли шоҳ, эл-юрт осойишталиги, фаровон ва идеал ҳаёт ҳақидаги ўй-фикрлар янада ривожлантирилган. Бу ва бошқа ўринлар дostonда асосий мақсад зулм-зўрлик, талончилик ва хонавайронликни қоралаш, маърифат ва адолатни улуғлашдан иборат эканлигини кўрсатади.

Дostonнинг охири бирмунча «Шоҳнома» сюжетига яқин келади. У дарбадар юриб, Авранг шоҳи Зобули қизи дам олаётган боққа кириб, маликанинг

<sup>1</sup> Ўша китоб. 11-бет.

ишқини қабул этиб, ўз никоҳига олади. Беш ой яширинча яшайди. Авранг шоҳ билиб, Заҳҳок зулмидан қўрқиб, Жамшидни дуру жавоҳир, кийим-кечак, қурол-яроғ билан эл кўзидан яширинча чиқариб юборади. Жамшид Хитой дарёси соҳилига борганда, «Заҳҳок гумашталари» тутиб саройга элтадилар. Заҳҳок хурсанд бўлиб, уни то наврўзи оламга сақлатиб, баҳор байрамида устунга боғлаб бошидан арралатади.

«Китоби жангномаи подшоҳ Жамшид» зулм-зўрликнинг ҳаддан ошиши натижасида халқ бошига тушган офир кулфат, етмиш беш ўғли Заҳҳок аждрага тўйма бўлган Кованинг халққа бошчилик қилиб, салтанатни ларзага келтириши билан тугайди. Адолат зулм-зўрлик устидан, ақл-идрок, маърифат жаҳолат устидан ғалаба қозонади. Асар худди «Шоҳнома»дагидек халқ куч-қудратига ишонч билан, оптимистик руҳда тугалланади.

«Жангнома»да Кова образи ҳам бирмунча ўзгартириб талқин этилади. У пешдоманини байроқ қилиб халқни эргаштириб Заҳҳокни маҳв этмайди, балки якка ўзи ўлдиради.

Кова бошчилигидаги меҳнаткаш халқнинг ғазаб ва нафрати, зулм-зўрликка қарши жанговар руҳи жуда яхши тасвирланган. Тўғри, қиссада ғайритабиий тафсилотлар, сюжет линияси билан алоқасиз узундан-узоқ воқеаларга ҳам кенг ўрин берилган. Лайливаш, Маликаи Дилсўз, Баҳроми Хитой, Маликаи Зебоҳусн, Қатрони Румий, Шермард, Шабранги Румий, Сиёмак ва Равшанак, Бодранг, Бодрафтор, Бартанги Занги, Торук, Бомон, Фарҳод, Сайфи Содик, Қосим, Бахмани Косарўй, Сорун Нарра, Маликаи Моҳрўй, Маликаи Зарринтож, Камак, Маликаи Абнус каби бир қатор образлар ана шу қўшимча воқеалар жараёнида фаолият кўрсатадилар. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, мана шу қаҳрамонларнинг аксарияти салобат ва шижоатда Фирдавсий қаҳрамонларига яқин турадилар. Чунончи, Маликаи Моҳрўйнинг ошиғи Дорой Девона образи кўп жиҳатдан Исфандиёрга монанд. Фирдавсий тасвирича, Исфандиёр ўқ-ёй, гурзию шамшир кор қилмайдиган, ўтда куймайдиган рўинатам (пўлат танли) шахс.

«Китоби жангномаи подшоҳ Жамшид»да бир қатор дехқонлар, ошпаз ва темирчилар, хотин-қизлар образи мавжуд. Айниқса, аёллар образи хийла мукамал, ҳаяжонли тасвирланган. Улар жангу жадалларда, айёрлигу тадбиркорликда эрлар билан баробар турадилар. Масалан, Жамшиднинг маъшуқаси, «қозоқ хотиннинг қизи» Маликаи Дилсўз ана шундай оқила, вафодор, жасоратли аёллардан. Тақдир уни обу оташга солади, тоғу тошга уради, сахрою денгизга ташлайди. У ҳар қандай мушкулотни ақл-идрок билан ҳал этади, куч-ғайрат билан енгади; беқарор, ҳою ҳавасга берилган Жамшидни «булҳаваслик»да қоралайди. «Ишқ-муҳаббатнинг подшолик била нима иши бор», деб қайта таъкидлайди. Маликаи Дилсўз оғир ва машаққатли пайтларда ўз эли ва тақдирини жанг майдонида, курашларда жавлон кўргузуб, ҳимоя қилишга қодир. У «беш кунлик ерни бир кунда босадиган» оти Бодоми Румий билан кўп қаҳрамонликлар кўрсатади.

Асарнинг бадий хусусиятлари хусусида шуни айтиш мумкинки, услуби қадимий Шарқ қиссалари ва оғзаки ижоддаги халқ қаҳрамонлик эпослари услубига ўхшаб кетади. «Ровиёни ахбор, ноқилони осор», «Андоғ урдиким, гурзу қалқон орасидин хирман-хирман ўтлар чақнади. Сўз бу ерда турсин, эмди бошқа ердан эшитинг», «Булар йўлда кетатурсин, бошқа ердан сўз эшитмоқ керак» каби анъанавий иборалар, зачинларнинг кўп учраши ҳам буни тасдиқлайди. Жанглар тасвири, қаҳрамонлар портрети, руҳий ҳолати, пейзаж тасвирлари ғоятда ҳароратлидир. Биз асрда ажойиб муболағалар, ўхшатишларнинг ранг-баранг кўринишларига дуч келамиз. Жамшиднинг Қатрони Румий билан олишувидан бир мисол: «Қатрони Румий Жамшидни кўруб, сўзлагунча дармони қолмай, ночор жон аччиғида Жамшиднинг бошига шамширини солди. Жамшид қўл узотиб, шамшир аралаш қўлини тутуб тўхтатди. Чап қўли билан яқосидин тутиб олдиға тортди, эрса ул нобакор юмалаб отидин йиқилди. Жамшид оёғи остиға босиб тамоми аъзосиндаги қувватини сарпанжаи солориға келтируб, бир зарб урдиким, бу

дузднинг янчилгон устухонларининг овозаси тамоми Румфа эшитилди»<sup>1</sup>.

Баъзи ўринларда бевосита эртак ва дostonларда кўп учрайдиган усулдаги тасвирлар учрайди. Маълумки, афсоналардаги баҳодирлар майдонталабликда лоф уриб, ўз ҳарифини жангга чақиради. Мазкур қисса қаҳрамонларига ҳам ана шу хислат хос. Маликаи Абнуснинг қуйидаги сўзлари эса бевосита туркий халқлар фольклорини эслатади. «Малика айди: Эй паҳлавон, ҳар ким мани билан гўштин олишса, бозумни ерга етказса, ани никоҳида бўлурман, йўқ эрса, бошини кесиб, дорға осодурман. Бу бошлар ҳаммаси сенга ўхшаб кучиға ишонган беклар, подшолар ва паҳлавонлар бошидир. Агар ўғлумға ризо берсанг, гўштин олали»<sup>2</sup>. Малика наъра тортиб деди: «Агар бири кўрқса, ўнлаб келсун, ўни кўрқса, юзи келсин, юзи кўрқса, минги келсун»<sup>3</sup>. Асарнинг тили анча содда ва равон. Баъзан саъжли тасвирлар ҳам учрайди.

Умуман, «Жангномаи подшоҳ Жамшид» «Шоҳнома» мотивлари асосида яратилган ва ўтмиш қиссахонлигида кенг тарқалган китоблардан ҳисобланади.

### **«Жамшид қиссаси» ҳақида баъзи мулоҳазалар**

Ўзбекистон Фанлар Академияси Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлимида «Жамшид» номли қисса сақланади. Магнит тасмасига ёзилган бу асар ҳали ўрганилмаган, тавсиф ва тасниф ҳам қилинмаган. Асарда Тамруз шоҳнинг ота-болалари тарихи схематик тарзда санаб ўтилгач, асосий воқеа баёнига ўтилади. Қариб-қартайиб қолган Тамруз ўғил кўради. Унга Жамшид деб ном қўядилар. Бола етти ёшга етганда билимдон, ҳушёр, тадбиркор бўлади, баҳодирлик кўрсатади. Отаси тахтни ворисга топшириб, дунёдан ўтади. Лекин фавқулодда келган омад, давлат, тожтахт болани эсанкиратиб қўяди. У бутун умрини

<sup>1</sup> Ўша китоб. 30-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб. 81-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб. 259-бет.



овчилик, улоқ чопиш билан ўтказади. Мамлакат ҳалокатга, халқ хонавайронликка юз тутади, Сарой атрофида ғаламислар, хоинлар кўпайиб кетади. Бир вақтлари Чин-Мочин билан бўлган жангда Тамруз ғалаба қилиб, Хунхор шоҳини ўзига тобе этган, у бунга хирож тўлаб турар экан.

Кунлардан бир кун давлат ақибчилари кенгашиб: «Бу бола подшоликни удалай олмади, ёшлигига борди, яхшиси Хунхор шоҳга одам юбориб, тахтга ўтқазамиз» деган қарорга келишибди ва шундай қилишибди. Улар овга кетган Жамшидни мулозимлари билан мамлакатга киритишмабди. Жамшид сарсон-саргардонликда юриб, аввал Балх шаҳрига борибди, ҳеч ким пешвоз чиқмабди, у ердан Кобулга ўтибди — егани овқат, тургани жой топа олмабди. Шундан сўнг Қундузга бориб, бир дўсти билан чойхоначи хизматига кирибди. Воқеа давомида Жамшид етти қиморбозни мот қилади, Туронзаминдан келаётган қозоқ хонининг савдогарлари сардори Лайливашни бутун карвони билан ютиб олади. Унинг карвонида малика Дилсўз деган бир гўзал қиз ҳам бўлади. Мана шу эпизодларда Жамшид ниҳоятда зеҳни ўткир, узоқни кўра биладиган, ўзини босиб олган, уста қиморбоз сифатида тасвирланган. Хarakterлиси шундаки, ақл-идрок Жамшидга ҳамиша омад келтирди. Кунлардан бир кун маликаи Дилсўз сайргоҳга чиқиб айланиб юрганда, Туронзаминнинг шоҳи кўриб, унга ошиқ бўлиб қолади. У вазир-вузароларини йиғиб, маликаи Дилсўзга ишқи тушганини ва Жамшид устига лашкар билан бориб, уни тортиб олажagini айтади. Улар «Сен шаҳаншоҳ, лашкаринг кўп, у дайди шаҳзода, маликани тортиб олиб, ўзини ҳайдаб юбор» дейишади. Донишманд вазири бўлса, «ундай қилманг, бу номардлик бўлади, дунёда бадном бўлиб қоламиз. Сиз донишманд, билимдон шоҳсиз. Яхшиси, у билан қимор ўйнанг, ўзини ҳам, маликани ҳам ютиб оласиз», деб маслаҳат беради. Ўйинда эса шоҳ бутун мамлакатини ютқазиб қўяди. Ўн тўрт яшар Жамшид Туронзаминга шоҳ бўлади. «Бир йилда юртни обод, элни шод этади», халқ тўқликда яшаб, Жамшид шаънига дуои хайр қилади. Кунлардан бир кун Жамшид

акобирларини йиғиб, ўз саргузаштини гапириб беради ва юртини соғингани, Хунхоршоҳ устига лашкар тортажагини айтади. Лекин бир донишманд «Отангинг мулкини сўраб мактуб ёзиб, элчилар юбор, элчига ўлим йўқ», деб маслаҳат беради. Тўрт элчи Жамшид мактубини олиб Хунхоршоҳ ҳузурига келади. Чегара посбонлари элчиларни тутиб шоҳ олдига элтадилар. Хунхоршоҳ элчиларни қамаб қўяди-да, акобирларини йиғиб маслаҳат солади. Улар «Элчиларнинг қулоқ-бурнини кесиб, ҳайдаб юбориш керак», дейишади. Лекин Хунхоршоҳнинг бир донишманд вазири: «Жамшид зўр, адолатли шоҳ, лашкар тортиб келиб, хароб этиши, кунпаякун қилиши мумкин. Номага, яхшилик номаси билан жавоб бермоқ керак» дейди. Хунхоршоҳ «Икковимиз ҳам ўз ўрнимизда, юртимизда яшайлик» деб Жамшидга нома ёзади ва элчиларга совға-саломлар бериб жўнатади.

Воқеа тобора таранглашиб, воқеа ичида воқеалар содир бўлади, зиддиятлар авж нуқтасига кўтарила боради. Янги-янги образлар, асар бадиий қимматини оширадиган деталлар яратилади. Халқ қиссаларидаги анъанавий туш таъбирини айтувчилар, фолбин-қуръачилар, юлдузчилар, Шабранг ва Бодрафторлар бошчилигидаги айёрлар, новвой, жувозкаш, каبوبпаз, жандафуруш, чўпон, мирохўр-отбоқар образлари киритилади. Гарчи Хунхоршоҳ Жамшидга нома юборган бўлса-да, қалби таҳликада бўлгани учун қуръандозларни ишга солади. Улар «Жамшид албатта лашкар тортиб келиб сени «кунпаякун қилади», лекин бизнинг юртда унга тенг келадиган баҳодир йўқ, Хитой подшосининг Баҳром Хитойи деган баҳодири бор. Ўша бас келади», дейди. Хунхоршоҳ қимматбаҳо совғалар билан Хитойга элчи юборади ва «Бахроми Хитойини юборсанг, сенга олтин бераман, юрт инъом этаман, қизим малика Зувосинни бераман» дейди. Хитой подшоси бу илтимосни қабул қилади. Бахроми Хитойи 700 лашкари билан «Подшоҳ Жамшид ҳотамтой экан, обод йигит экан, бир кўрайин деб йўлга тушиб юраберибди».

Жамшид ҳам ўз ўрнига маликаи Дилсўзни шоҳ

тайинлаб, «адолат йўсинини барпо этиб», Носир Хитойи тахаллуси билан «олти ойда келаман, деб йўлга тушибди», Баҳроми Хитойи тенгсиз жаҳонпаҳлавон, айни адолатли, тадбиркор, бекорга қон тўкмайдиган, андишали, мулоҳазакор, ҳаддидан ошмайдиган инсон экан. Хунхоршоҳ паҳлавоннинг келиши муносабати билан базм уюштиради. Бу зиёфатга Носир Хитойи ҳам кириб келади. Шоҳнинг қизи маликаи Зувосин паҳлавонларга хизмат қилади, шароб тортади. Носир Хитойининг Жамшид эканлигини сезади. Яна даврада Жамшиднинг шавкатидан, уни енгиш мумкин эмаслигидан гап кетади. Шунда Нуҳ пайғамбардан қолган камонни чиқариб паҳлавонлар олдига қўядилар. «Буни Жамшид етти яшарлигида тортган. Ҳозир у ўн тўртдан ошди. Ким бу камондан ўқ ота олса, уни енга олади», дейдилар. Ҳамма таажжубланади. Баҳром камонни қўлига олиб тортганда «устухонлари қисирлаб, она сути оғзидан келади, қулоқ-бурнидан қон отилиб чиқади». Жамшид бўлса камонни бемалол тортиб ўқ отади, «ўқ Асқар тоғининг учини кўпориб кетади». Бу пайтда Хунхор ўрдасига кетган бўлади. Кечқурун маликаи Зувосин барча паҳлавонларнинг шаробига ҳушсиз қиладиган дори қўшиб беради. Носир Хитойидан «Сен Жамшидмисан?» деб сўрайди. У «Йўқ, мен Жамшидга ўхшайман, холос, унинг оддий хизматкориман», дейди. Қиссада Жамшид мислсиз кучқудратга эга бўлган баҳодир, одил шоҳ сифатида тасвирланади. Бундан ташқари у ҳақиқий инсон, бировларнинг иззат-нафсини топтамайди, ахлоқий жиҳатдан ҳам юксак шахс. Хунхоршоҳ Шавкат Шевашга қизи маликаи Зувосинни бермоқчи бўлади. Шавкат Шеваш шу умидда унга етти йил хизмат қилади, Хунхоршоҳ ваъдасига вафо қилмайди. Баҳроми Хитойи шарафига берилган базмда эса маликаи Жамшидни севиб қолади. Жамшид унинг севгисини рад этиб, «Ҳатто осмондаги малойиклар ҳам ҳуснига маҳлиё бўладиган маликаи Дилсўзим бор. Унинг устига сени олишдан номус қиламан, кундошлик турмуш азоби гўр азобидан баттар. Шавкат Шеваш сени чин дилдан севади» дейди ва севишганларнинг муродо мақсадларига эришиши учун бир-

галикда курашади. Жамшид билан маликанинг ўз-аро суҳбатини эшик орқасида эшитиб турган жодугар кампир кечаси бориб Хунхоршоҳга чақади. Асарнинг шу еридан бошлаб анъанавий «Жангномай подшоҳ Жамшид»да учрамайдиган эпизодлари бошланади. Анъанавий сюжетга оригинал образлар киритилади. Равшан ва Равшанак, Шавкат Шеваш, Саңдал Мушовар сингари қатор паҳлавонлар воқеа майдонига чиқадилар. Улар билан боғлиқ саргузаштлар Ангрен, Ховос, Чоч, Урганч шаҳарлари атрофида рўй беради. Энг муҳими шундаки, оддий халқ орасидан чиққан бу баҳодирлар Хунхорнинг номардлиги, инсоннинг қадрига етмаслигини ҳис этиб, «Ҳотамтой, одил Жамшид» томон интиладилар, оғир дамларда унга мададкор бўладилар, ҳақиқий дўстлик, ваъдага вафо, мардликни чин инсоний ҳислат, деб биладилар. Чунончи, жодугар кампир хабаридан сўнг Хунхоршоҳ «ҳисобига худо етмаса одам ета олмай-диган» лашкар билан кўрфонни қамал қилади. Жамшид «Олти ойда келаман» дегани учун «бир суқум тупроқни олиб туф», дейди. Дунёни зулмат босади, кўздан ғойиб бўлади. У кўп сарсонликдан сўнг бир жувозкашникида хизматкор бўлиб ишлайди. Хунхоршоҳ қалъани эгаллайди. Қизини калтаклатади. Равшан ва Равшанакларнинг гуноҳини кечиради. Аммо Шавкат Шевашни хоинликда айблаб, уч жаллодга калтаклатиб, бутун элга жар солдириб, дорга осмоқчи бўлади. Шавкат Шеваш дор остида Жамшидни номардликда, вафосизликда айблаб гапирди. Бу пайт Жамшид жувоз ўқини судраб дорга яқинлашган эди. Бир ҳамла билан жаллодларни «кунпаякун қилади». Жамшид, Шавкат Шеваш, маликаи Зувосин жангда кўпчиликни йиқиб, оломондан чиқиб, кўздан ғойиб бўладилар. Қисса маликаи Дилсўзнинг тадбиркорлик билан Жамшид ва Бодрафторни Партанги Зангий қўлидан қутқариши билан тугайди. Анъанавий сюжетга кўра, Жамшид ота юртини эгаллаб, мамлакатда адолат ўрнатиб, одилшоҳ сифатида донг таратади. Демак, асар тўла ёзиб олинмаган.

Қисса сюжет чизиғи ва композицион қурилиши жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Унда кўпчилик

саргузашт ривоятларга хос фавқулодда ўзгаришлар, «ўта фантастик ёки диний илоҳий элементлар» ҳам учрамайди. Бутун диққат-эътибор Жамшиднинг саргузаштини, асосан, Хунхоршоҳ қўлига ўтиб кетган мамлакатини қайта қўлга киритиш йўлидаги хатти-ҳаракатларини изчил ҳикоя қилишга қаратилган. Воқеадан воқеага ўтишда эса, фольклордаги «Энди улар йўлда кетатурсин, сўзни Хунхоршоҳдан эшитинг», «булар бу ерда туратурсин, гапни маликаи Дилсўздан эшитинг», «буларни бу ерда қўйиб, гапни бошқа ёқдан эшитинг» сингари анъанавий иборалар ишлатилган. Қисса ниҳоятда содда, жонли халқ тилида яратилган. Айни пайтда ана шу содда баёнда юксак кўтаринкилик, жўшқинлик, кучли эҳтирос ҳам мавжуд. Айтувчи фольклорга хос баъзи бадий-тасвирий воситалардан фоятда усталик билан фойдаланган. Биз унда муболаға, сифатлаш, ўхшатиш, қиёслашнинг ранг-баранг кўринишларини учратамиз. Масалан, «донғи етти иқлимга етган» Жамшид «сен шапати уришни билмас экансан» деб, Баҳроми Хитойининг юзига бир тушурувди, боши узилиб етгинчи фалакка тўпдай чиқиб кетди». Бундан ташқари «Хунхоршоҳ уйқуда эди, бедор бўлди, маст эди, ҳушёр бўлди», «очилмаган бўғчамни ўзинг очдинг, чечилмаган бўғчамни ўзинг чечдинг», «қони очди» (кўрқиб кетди), «нафси қичиди» (очкўзлик қилди), «ўзбекларнинг куёвига ўхшаб» (уятчанлик ҳақида) сингари ранг-баранг ўхшатишлар, жонлаштиришлар ҳам қиссанинг бадий қимматидан далолат беради.

Лекин шу билан бирга асарда баъзи бир мантиқий ноизчиликлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, қисса бошидан охиригача Жамшид тадбиркор, ақлли, донишманд, адолатли шоҳ сифатида тасвирланади. Айни чоқда у жаҳонпахлавон ҳам, Шавкат Шеваш, Баҳроми Хитойи, Равшан, Равшанак, Сандал Мушоварлар «қўлида Нуҳ пайғамбар ёйи борлиги» учун унинг томонига ўтадилар. Хунхоршоҳ буларни хоинликда айблаганда ҳам шу баҳонани пеш қиладилар. Аммо қўлида «бир ўқ билан тоғни қўпорадиган» ёйи бўлган Жамшид Хунхоршоҳ лашкари ўраб олганда ўзини ночор сезиб «бир сиқим

тупроққа исми аъзамни ўқиб, ҳаммаёқни зулматга айлантириб», ҳамроҳларини ўз ҳолига ташлаб ғойиб бўлади. Бу, асар ғоявий йўналишига, тадрижий тақомилига мантиқан мос эмас.

Асарда ҳозирги замон халқ жонли тилига хос «ва» боғловчиси ўрнига русча «и»ни ишлатиш, «Соп-сем», «солдат», «электр лампаси», «электр чироғи», «катта асфальт йўл» каби сўзлар ишлатилгани ва айрим гапларнинг тузилиши қиссагўйнинг яшаган муҳити, турмуш тарзи билан боғлиқ ҳодисадир.

Юқорида таъкидланганидек, бу қиссанинг асли «Жангномай подшоҳ Жамшид»га бориб тақалади. Зероки, бунда ҳам маликаи Дилсўз, Хунхоршоҳ, Бадрафтор, Шабранг, Лайливаш образлари мавжуд. Лекин шунга қарамай, асарда воқеалар мутлақо оригинал баён ва талқинга эга. Сюжет айтувчи томонидан ғоятда ихчам ва пухта ишланган. Анъанавий Жамшид қиссаларидаги ўткинчи, диний-фантастик, ақлга сифмайдиган воқеа, тафсилотлардан, ҳар бир масални диний эътиқодга олиб бориб тақашдан деярли холидир. Бизнингча, бу асар тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб бораётган ўзбекча «Жамшид қиссаси»дир. Дастлабки кузатишлар асарнинг давомини ҳам ёзиб олиб, жиддий ўрганиб, ўзбек халқ насрининг намунаси сифатида нашр этиш лозим, деган хулосага келиш ҳуқуқини беради.

## **Достонларга «Шоҳнома» анъаналари**

Ўзбек халқи кўп асрли бой ва ранг-баранг оғзаки ҳамда ёзма адабиётга эга. Бошқа халқларда бўлганидек, ўзбек фольклори билан ёзма адабиёти асрлар давомида ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирини тўлдириб, бойитиб келади. Бундай алоқалар, айниқса, халқ китобларига хос бўлиб, у гўё икки хил ижоднинг ягона бирлигидир. Шу билан бирга, халқ китоблари халқлараро адабий алоқаларнинг ҳам бир кўзгусидир. Буни, бир томондан фольклор сюжетлари асосида яратилган халқ китобларида вужудга келган эртак, достон ҳамда ҳикояларда яққол кўра-миз. Бундан ташқари, турли даврларда халқ бахши-

лари томонидан яратилиб, кейинчалик ёзиб олинган дostonларда ҳам ё бевосита ёки билвосита ёзув адабиёти билан боғланиш мавжуд. Бу бир томондан, айтувчи ёки ижрочиларнинг ёзма адабиёт вакиллари билан бевосита танишлиги натижаси бўлса, иккинчи томондан, ўтмиш қиссахонлигида оғзаки ижод намуналари қаторида ёзув адабиёти асарларининг ҳам мустаҳкам ўрин олганлиги натижасидир. Жумладан, ўтмишда чойхона ва карвонсаройларда «Гўрўғли» циклидаги дostonлар, «Алпомиш» ва бошқа халқ дostonлари билан бирга Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий, Навоийнинг дostonлари ўқилган, «Минг бир кеча», «Чор дарвеш» ривоят этилган. Натижада фольклор асарлари билан ёзма адабиёт ўртасидаги ўзаро таъсир, боғлиқликнинг объектив замини вужудга келган. Халқ дostonларида «Шоҳнома» анъаналарининг кенгроқ ва чуқурроқ ўрин олишининг боиси ҳам шундадир. Энг мароқли ўзбек халқ дostonларидан бири «Алпомиш»дир. Бу дostonда меҳнаткаш халқнинг орзу-умидлари, адолат учун, юксак инсоний фазилатлар тантанаси учун кураш ғоялари юксак санъаткорлик билан ифодаланган. Феодал ўзаро урушлар, мунофиқлик ва разиллик қаттиқ қораланган. Дostonда туркий халқлар эпик поэзиясининг энг яхши хусусиятлари мужассамланган. Шу билан бирга «Алпомиш»да ҳам халқлар ўртасидаги, Ўрта Осиё ва Хуросонда қадимулайёмдан бирга яшаб келаётган туркий ва форсий тилда сўзлашадиган халқлар адабиёти алоқалари изи ҳам сезиларлидир. Бу алоқалар ва анъаналар адабиётга хос типология доирасини ҳам тўлдириб такомиллаштиради.

Маълумки, «Алпомиш»нинг мукамалроқ варианты Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган. Аксарият тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Фозил Йўлдош Шарқ халқлари фольклори ҳамда ёзув адабиётни пухта билган. Жумладан, у «Шоҳнома» ва унинг мотивлари асосида яратилган дostonларни куйлаб юрган. «Рустами Дoston» асари унинг ижрочилик репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Афсуски, бу дoston шоир ижодини ўрганувчилари эътиборидан четда қолиб, ёзиб олинмаган. Бир томондан, шоир-

нинг улуғ Фирдавсий асарини яхши билгани, иккинчи томондан эса, «Шоҳнома» дostonларининг баъзи сюжетлари бевосита Ўрта Осиёда тарқалгани натижасида бўлса керак, «Гўрўғли» цикли ва «Алпомиш» дostonида Фирдавсий даҳосининг таъсири сезиларлидир»<sup>1</sup>.

Зотан, шуни ҳам таъкидлаш керакки, «Шоҳнома»нинг ўзи учун ҳам халқ оғзаки ижоди, жумладан, туркий фольклор бир манба бўлиб хизмат қилган.

«Шоҳнома»да тасвирланишича, Рустам етти ёшлигидан барча ҳунару билимларни эгаллайди, ўн тўрт ёшда жаҳонпахлавон даражасига етади. Рустам ва унинг оти Рахш Алпомиш ва унинг Бойчиборига жуда кўп жиҳатлари билан ўхшаб кетади.

Рахш ҳам Бойчиборга ўхшаб ақлли, «етти ойлик йўлни етти кунда» босади, керак бўлса қанот пайдо қилади, эгасини бало-қазодан ҳимоя этади, қутқаради. Алпомиш кўп ўринда «Юсуф талъатли ва Рустам сифатли», «Рустамдайин бул иши», «Жасади бор Рустамдан ҳам зиёда» деб таърифланади<sup>2</sup>. Рустам яккама-якка олишувдан олдин ҳарифи билан қўл бериб кўришганда панжаларини симобдай эритиб юборади. Алпомиш биринчи дафъа Қоражон билан учрашиб, бел олишиб кўришганда, «Қоражоннинг етти қобирғаси синди, иши тинди, таппа тушиб ётиб қолди»<sup>3</sup>.

Алпомишнинг кураши, қалмоқлар билан олишувини таърифиди эса, қуйидаги фикрларга дуч келамиз.

*Урушли кун Рустамдайин бул иши,  
Қайсардайин бордир анинг савашини<sup>4</sup>.*

Фозил шоир асарларида Рустамнинг паҳлавонлик лақаби Таҳамтан ҳам кўп тилга олинади.

Маълумки, Фирдавсий Шарқ дostonчилигида би-

<sup>1</sup> Муродов М. Жанровые идейно-художественные особенности дастанов «Гор-огли». Т., 1976, стр. 16.

<sup>2</sup> Алпомиш. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1979, 91—96-бетлар.

<sup>3</sup> Алпомиш. 101-бет.

<sup>4</sup> Алпомиш. Ўша нашр, 119-бет.



ринчи бўлиб ўтда куймас, сувда чўкмас, ўқ ўтмас руинатан Исфандиёр образини ҳамда Бодрафтор, Бодранг каби айёр-жосус аёллар образини яратган эди.

Рустам Исфандиёр билан олишувда ана шу тиф ўтмас, гурзи таъсир этмаслиги учун енга олмайди. Фақат Семурғ келтириб берган заҳарли ёғочдан ясалган икки ўқни икки кўзига тегизибгина ҳарифи устидан ғалаба қозонади.

Бодрафтор ва раққоса Сусана жосуслик йўли билан ҳарифларини беҳуш қилиб, керакли баҳодирни олиб қоладилар, қолганларини ҳалок этадилар.

Тўғри, халқ оғзаки ижодида ҳам бу деталь мавжуд. Аммо «Шоҳнома» мотивлари асосида яратилган дostonларда айёрлар ҳариф йўлида қишлоқлар, иморатлар барпо қилиб, чодир у айвонлар қурдириб, айшу тараб дастурхонини тайёрлаб турадилар. Жодугар Сурхайл ҳам Қалмоқшоҳ ёрдамида Чилбир даштида иморатлар қурдириб, доимий яшаётгандай манзилгоҳ яратади. Демак, Сурхайл кўп жиҳатдан ана шу айёрларга яқин туради. У Қалмоқшоҳга хизмат қилиб Алпомиш бошчилигидаги алпларни беҳуш қилиб ёқиб юборади. Ўтда куймас Алпомишгина омон қолади. Алпомишни бир неча йил зиндонда омон қолиши, тиф ўтмаслиги, гурзининг унга таъсир қилмаслиги «Шоҳнома»даги отаси томонидан ҳибс этилган Исфандиёрни эслатади. Алпомиш зиндонга тушганида оти Бойчибор Рустамнинг оти Рахш сингари изтироб чекади, сайҳа тортади. Бундан ташқари жангу жадаллар тасвирида ҳам биз «Алпомиш» билан «Шоҳнома» ўртасида айрим ўхшашликларни кўрамиз.

«Алпомиш» билан Шарқ ишқий саргузашт дostonлари ўртасида ҳам айрим монанд, типологик хусусиятлар мавжуд. Сурхайл Алпомиш ўтадиган йўлда алпларни пешвоз оларкан:

*Қалмоқ шоҳи лашкар тортиб келгандир,  
Қабоҳат кунларни менга солгандир.  
Қалмоқшоҳ зулмидан болам ўлгандир,  
Қалмоқшоҳим менга азоб бергандир,  
Менинг ҳам бир етти ўғлим бор эди,*

*Қаторда гуркирам юрган нор эди.  
 Ҳар қайсиси мингга баробар эди,  
 Армон билан етти ўғлим ўлдирди<sup>1</sup>,*

деб Қалмоқшоҳнинг «дастидан дод» дейди. Шум, сотқин, маккора Сурхайлнинг бу ҳийласи Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Мастон кампирнинг сеҳрли ноласига яқиндир.

«Гўрўғли» туркумига кирадиган дostonларда ва бошқа қаҳрамонлик, ишқий саргузашт характеридаги асарларда ҳам худди шу ҳолни кузатиш мумкин. Аксарият ҳолларда бахшилар воқеа баёнида, у ёки бу қаҳрамон жасоратини алоҳида бўрттириб кўрсатишда «бўлар Рустамнинг саваши», «Рустамона кор қилди» сингари сўз ва ибораларни қўлайдилар. Агар «Ҳасанхон» достонидаги Саҳмон полвон уриш ва юришда Рустамга қиёс қилинса, Гулчеҳра билан олишуви «Рустам ва Сухроб» достонидаги Гурдофарид ва Сухроб жангига монанддир:

*Саҳмон била Гулчеҳра,  
 Мисли Рустамдай бўлуб,  
 Банги баҳайбат тортди,  
 Оч бўридай иккови,  
 Қистаб майдонга етди<sup>2</sup>.*

Маълумки, «Шоҳнома»нинг бошидан охиригача ижобий ва салбий қаҳрамонлар билан бирга адолат, озодлик, яхшилик ва униб-ўсиш душмани — қора кучлар тимсоли Оқ дев, Қора дев, Акван дев, Кўк дев сингари ўнлаб девлар образи ҳам тасвирланган. Рустам бошлиқ халқ қаҳрамонлари эл-юрт озодлиги, тинчлик ва адолат ҳимояси йўлида инсоният душмани бўлмиш ана шу қора кучларга қарши кураш олиб борадилар. Файритабий кучларга қарши жангда унга меҳрибон оти Рахш ҳамиша ёрдам беради. «Авазнинг арази», «Гулхиромон» сингари қатор дostonларда ҳам Фирот майдонга кирганда

<sup>1</sup> Алпомиш, ўша нашр, 208-бет.

<sup>2</sup> Ҳасанхон. Ф. Фулом помидоги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1976. 72—84—139-бетлар.

аждаҳога айланади, ўз эгасини ҳар қандай фалокатдан асрайди, ғанимга қирон келтиради.

Чунончи, «Авазнинг арази»да Ғирот куйидагича таърифланади:

*Майдон кириб ўйнар бўлса кўк ғирот,  
Душман қони селдай бўлиб оққанди.  
Унга битган қарчиғайнинг қиёғи,  
Душманларга азроилдай сиёғи,  
Қаттиқ қорда юрса қарши ботади,  
Пўлатдан битганда онинг туюғи,  
Чу деганда қарчиғай қушга тенгди.  
Кишмишдан берганда овқатман емни!*

Рустам ёшлигиданоқ овқатга тўймайди, мактаб ёшида Фаридун гурзиси билан Оқ филни мажақлаб ташлайди, йигитлик чоғида офирлигидан тиззасигача ер ботиб юради, ҳеч бир от уни кўтаролмай бели синади. «Авазнинг арази» достонидаги Ҳасанкўлбар образи тасвири мана шу эпизодни эслатади. Гўрўғлининг Ваянгадан келтирган бу ўғли ўзининг савлати ва жасорати билан бошқа баҳодирлардан ажралиб туради: «Ҳасанкўлбар уч кунлик бола эди. Асли Зангининг боласи эди. Гўрўғли ўз қўлида сақлаб вояга етказган эди. Ҳасанкўлбарнинг бўйлари минордай бўлди. Ўзини манман дейди, ҳар еганида овқатига тўрт ботмон талқон ейди. Уни от кўтаролмади, туя ҳам кўтаролмади, фил ҳам кўтаролмади, бу эса томоққа тўймайди»<sup>2</sup>.

Достонда Аваз «гўёки Рустами Достон», «Таҳамтани замон» сифатида кўп таърифланади. Бўтакўз ойим Авазга қараб шундай дейди:

*От устида кўрдим хуш қоматингни,  
Билдим мисли Рустам сиёсатингни*<sup>3</sup>.

Биз жанги жадаллар тасвирида ҳам, қаҳрамонлар сифати баёнида ҳам, «Шоҳнома»даги образлар-

<sup>1</sup> Гулихиромон. Ўзадабийнашр. Т., 1965, 29-бет.

<sup>2</sup> Гулихиромон, 11-бет.

<sup>3</sup> Гулихиромон, 34—59-бетлар, 103—110-бетлар.

га ўхшаш ўринларни, қиёсларни кўп учратамиз. Лекин бош қаҳрамонлар деярли ҳамма ҳолатда Рустамга ўхшатилади, жаҳонпахлавоннинг яхши хислатлари ўзбек баҳодирларида мужассамланади: Хунхоршоҳ Авазни дор остига келтирганда Гулжамол дорнинг ўнг тарафига келиб турган Гўрўғли султон ва Ҳасанхон, яна қирқ йигитни кўриб Авазхонга қараб, бир сўз деб тургани:

*Кўрганда титратар анинг ҳайбати,  
Замонига мисли Рустам ҳайбати.  
Кўзлар ҳаводаги учган юлдузни,  
Остидаги минган қизил-кўк оти<sup>1</sup>.*

Бундай анъанавий образларга ўхшатиб тасвирлаш, улардаги баъзи хислатларга эргшиб, оригинал тасвирий воситалар яратиш ҳолати «Рустамхон», «Кунтуғмиш», «Ширин билан Шакар», «Варқа ва Гулшоҳ» сингари қатор дostonларда фақат Рустам образигина эмас, балки «Шоҳнома»нинг Сухроб, Баҳром Гўр, Исфандиёр каби бир қатор қаҳрамонлари ҳам тилга олингандир. «Кунтуғмиш» дostonидаги айрим тасвирларга диққат қилайлик. Кунтуғмиш савдогар суратида Холбеканинг кўшки олдида мато сота бошлайди. «Замонгул канизни юборади. Улар кўшкидан пастга тушиб тўрага қараса, шердай ҳайбатига, аждардай суратига, Рустамдай қувватига, арслондай сиёсатига, булутдай савлатига босиб келолмади, молига харидор бўлолмади, молини ололмади»<sup>2</sup>. Бу ерда дoston бош қаҳрамонини «Рустамдай қувватга» эга деб таърифлашдан ташқари Таҳамтаннинг савдогар ниқобида Туронга бориб, Бижонни зиндондан кутқариб кетиши воқеасига ҳам ишора бор. Ёки Қўрбоши «йўлбарсдай чирпиниб, қоплондай юракланиб, Рустамдай ҳайбат қилиб кета берди»<sup>3</sup> жумласида паҳлавоннинг савлати ва салобати тўла гавдаланган.

«Ширин ва Шакар» дostonида «Шоҳнома» ва

<sup>1</sup> Гулихиромон, 34—59-бетлар, 103—110-бетлар.

<sup>2</sup> Орзигул. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1975, 124-бет.

<sup>3</sup> Орзигул. 248-бет.

унинг мотивлари асосида яратилган дostonларнинг таъсири борга ўхшайди. Рустамнинг оти бегоналарни миндирмайди, ганимга аждардай ҳамла этади, одамдай хатти-ҳаракат қилади, гапиради. Шакарбекнинг оти ҳам ҳар нарсани олдиндан ҳис этади, гапиради. «Кампир мингандан кейин от кишнай берди. Нимага кишнаганини Шакар билмади. Бу от гапирар эди. Бу отнинг тилига Гулгун пари тушунар эди»<sup>1</sup>. Одатда Рустам майдонга кирганда ҳарифларни яккама-якка ёки тўп-тўп бўлиб жангга тушишга даъват этади. Шакарбек Қорахоншоҳ лашкарига қарши жангга кирар экан, шундай дейди:

*Тўп-тўп бўлиб келгин беш юз,  
Менинг сўзим аниқ билгин.  
Мингта-мингта бўлиб келгин,  
Бир аломат бўлсин қирғин<sup>2</sup>.*

Фозил шоир дostonдаги айёр кампирни «бул бозингар» деб Фирдавсий дostonларидаги раққоса Сусанани эслатади. Ҳақиқатда ҳам бу кампир мумғомбирлик, пухтакорликда ва бошқа кўп хислатлари билан Сусанга ўхшаб кетади. Қорахоншоҳ вазиру вузаролар ҳамда айёрларини йиғиб Шакарбекни «Уруш кунда Рустамча бор ғайрати», «Таҳматанча бордир шиддати» деб таърифлайди. Чибич кўли ёнидаги тоғдан чиққан аждарнинг таърифи Рустамнинг етти тўсиқни енгиб, халқни Мозандарон девлари қўлидан озод қилишдаги аждар билан олишувига жуда ўхшайди.

*Пишқириб ажгаҳо дамга тортади,  
Чибич кўлнинг сувин бирдан ютади.  
Чобиниб аждарҳо дамга тортади,  
Кўлнинг қилмишлари таппа ётади.  
Ишқириб аждарҳо дамга тортади,  
Тоғнинг тиши зинғирлашиб ўтади<sup>3</sup>.*

Рустам яккама-якка олишув ҳамда қирғин урушларда атайлаб душманнинг энг номдор баҳодирини

<sup>1</sup> Орзигул. 74-бет.

<sup>2</sup> Орзигул. 60-бет.

<sup>3</sup> Орзигул. 43-бет.

найзада кўтариб, ғаним лашкарини ваҳимага солади. «Варқа ва Гулшоҳ» достонида биз худди шунга ўхшаш манзарани учратамиз. Умуман, шоир Варқа ва Тифён полвонларни Рустам, Баҳром Гўр, Сухроб сингари забардаст қилиб тасвирлайди. Варқа Тифён полвон лашкарига қарши жангга киришар экан:

*«Мен майдонга шергай бўлиб,  
Рустам, Баҳром Гўрдай бўлиб,  
Урушайлик биргай бўлиб,  
Келаберинг якка-якка, —*

дейди ва Варқа полвон... зар попукли найзаси билан «Тифённи қўлтиғидан санчиб, осмонга кўтариб дўнгликнинг устида турди. Бир палла душман кўшинлари қараса, сардорларини Варқа полвон найзага санчиб, осмонга кўтариб турибди. Тифён полвоннинг оёғи осмонда, боши пастда бўлиб, шалвираб турибди. Буни кўрган душманлар «ал-амон», «ал-амон» деб найза, қиличларини ерга ташлай берди»<sup>1</sup>. Ёш йигитча Рустам биринчи жангида Афросиёбни даст кўтариб ҳавода айлантирганда, рақиб лашкари тумтарақай қочган эди.

Шундай қилиб, ўзбек халқ дostonларида «Шоҳнома» эпизодлари ёки ундаги манзараларга ўхшаш картиналарни, унинг қаҳрамонларига хос хусусият ва хислатларни учратиш мумкин. Бу Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си ўзбек бахшилари учун ибрат мактаби бўлганлигини кўрсатади. Аксарият дostonларининг сюжети бевосита халқ оғзаки ижодидан ёзиб олиниб, қайта яратилган, «Шоҳнома» меҳнаткаш халқнинг асрий орзу-умидлари ифодаланганлиги туфайли барча девлар ва авлодлар учун сўз санъатининг юксак обидаси сифатида хизмат қилаверади.

## **Эллардан элларга, тиллардан тилларга**

Кишилиқ тарихида шундай донишмандлар борки, улар ўзларининг инсонпарварлик, адолатсеварлик, дўстлик, ватанпарварлик, ҳамкорлик каби гу-

<sup>1</sup> Тоҳир ва Зухра. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. Т.: 1974, 143—147-бетлар.

манистик фикрлари билан бир халқ доирасидан чиқиб, умуминсоний аҳамият касб этадилар. Фирдавсий ҳам ана шундай умумбашарий аҳамиятга молик мутафаккирдир. Зотан «Шоҳнома»даги ватанпарварлик, инсонсеварлик, қаҳрамонлик, ўзаро урушларга, зулм-зўрликка қарши нафрат, адолатпарварликка даъват, чинакам инсоний хислатларни тарғиб этиш фоялари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Шунинг учун ҳам турли даврларда дунё адабиётининг жуда кўп намояндалари Фирдавсийни ҳурмат билан тилга олганлар. Чунончи XIII асрда яшаб ижод этган машҳур ёзувчи Муҳаммад Авфий ўзининг «Лубоб ул-албоб» тазкирасида «...Кимда-ким «Шоҳнома» мутолаасини ихтиёр этса, Фирдавсий қудратининг қай даражага бориб етганини билиб олади» деса, Зайниддин Восифий «...Абулқосим шоир ва фозил ва ягонаи даврон эрди»<sup>1</sup> деб шоир ижодини юксак баҳолайди.

Ўтмишда рус ва Европа олимлари, шоир ва адиблари ҳам Фирдавсий ижодига қизиқиш билан қараганлар, унинг «Шоҳнома»сини юқори баҳолаганлар.

Адабиётшунос В. Григорьев Фирдавсий ижодини таҳлил этар экан, «Фоясининг кучлиги, ҳажмининг кенглиги ва юксак бадиий маҳорати жиҳатидан на Ўрта Осиё ва на Европа адабиётида у билан («Шоҳнома» билан — Ҳ. Ҳ.) рақобат қила оладиган асар йўқ»<sup>2</sup> деган эди. Гёте, Гейне, Жуковский, Чернишевскийларни Фирдавсийдаги ана шу бадиий юксакликда ифодаланган кучли фоя, теран мазмун, чинакам инсоний хислатларга эга бўлган етук образлар ҳайратда қолдирган. Машҳур адиб ва танқидчи Н. Г. Чернишевский 1863—1864 йилларда «Қиссадаги қиссалар» («Повести в повести») романини ёзар экан, Шарқ эртаклари ва ривоятларидан баҳраманд бўлганлигини таъкидлайди, Фирдавсий ва унинг қаҳрамонларини ҳурмат билан тилга олади, уни Фарбнинг Данте, Гомер, Мильтон, Шекспир, Боккаччо каби адиблари билан бир қаторга қўяди. «Шоҳнома»даги гўзал нарсалар «Илида»да ҳам,

<sup>1</sup> Зайн-ад-дин Васифи. Бадое-ал-вақоеъ, том I, ИВЛ, М., 1960, стр. 455.

<sup>2</sup> Григорьев В. Фирдоуси довершитель возрождения национальной поэзии в Персии. В кн. Одески Альманах на 1839 год. Одесса, 1839, стр. 353.

«Одиссея»да ҳам учрамайди, Гурдафарид ўзининг ички ва ташқи гўзаллиги, жасур ва ватанпарварлиги билан Шекспирнинг Дездемона ва Джульетталарини ярим йўлда қолдириб кетади, дейди. Зол билан Рудоба ўртасидаги ҳақиқий севгини, Рустамнинг халқсеварлиги, ватанпарварлигини алоҳида таърифлайди<sup>1</sup>.

Улуғ немис ёзувчиси Гёте ҳам «Шоҳнома» қаҳрамонларини таърифлайди, Саъдий, Ҳофиз, Низомий ва Фирдавсийларнинг сафида бўлишни орзу этади<sup>2</sup>. «Шоҳнома»дан руҳланган Генрих Гейне жаҳон адабиётида биринчи бўлиб Фирдавсий образини яратишга уриниб, «Шоир Фирдавсий»<sup>3</sup> деган шеър ёзган эди. Гейне шеърда Фирдавсийни улуғлайди, у халқ тарихини ва она Ватанини куйлагани, унга мангу ҳаёт бахш этгани билан буюқдир, дейди.

Фирдавсий «Шоҳнома»си, унинг қаҳрамонлари Шарқнинг деярли барча халқлари орасида кенг тарқалган. Халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам «Шоҳнома» таъсирини кўриш мумкин. Сому Наримон, Золи Зар, Рустам ва Сухроб ҳақидаги ривоят афсоналар, айниқса, Кавказ ва Ўрта Осиё ҳамда араб мамлакатлари халқлари орасида кенг тарқалган. «Шоҳнома»нинг баъзи дostonлари ана шу халқлар тилларига қайта-қайта таржима қилинган. Айрим маълумотларга қараганда, «Шоҳнома» XI—XII асрлардаёқ грузин тилига таржима қилинган. Шунинг учун ҳам бу асарни грузин халқи ўз классик адабиётининг энг яхши намунаси ҳисоблайди. Унинг қаҳрамонлари Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари, Довид Бинокор, қиролича Тамара ҳақидаги одаларда, «Картлис Цховреба» каби тарихий хроникаларда васф этилади. Лекин энг қадимги таржималар бизгача етиб келмаган<sup>4</sup>.

XV—XVI асрларда «Шоҳнома»нинг анчагина қис-

<sup>1</sup> Чернишевский Н. Г. Повести в повести. Полное собрание сочинений, том 12, ГИХЛ, М., 1949, стр. 132—137.

<sup>2</sup> Гёте И. В. Избранные произведения, ГИХЛ, М., 1950, стр. 99—104.

<sup>3</sup> Гейне Генрих. Собрание сочинений в десяти томах, том 3, ГИХЛ, М., стр. 43—48.

<sup>4</sup> Марр Ю. Н. Статьи и сообщения. Изд-во АН СССР. М.-Л., 1939, стр. 91—92.



ми «Рустамиани» номи билан насрий таржима қилинади, кейинроқ уни шоир Серапион Сабашвили назмга айлантиради. XVIII асрнинг иккинчи чорагида «Шоҳнома»нинг Заҳҳок саргузашти билан боғлиқ бўлган қисмини Мамук Таваккалшвили грузин тилига афдаради. Грузинча таржималар ичида Хосро Турманидзе томонидан оригиналдан қилинган «Ростамиана» шеърий таржимаси (XVII аср) кенг шуҳрат қозонган. Таржимон асосий эътиборни «Шоҳнома»нинг халқпарварлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик қисмларига жалб этиб, шоҳларнинг саргузаштларини қисқартирган. Шунинг учун ҳам, у «Шоҳнома»нинг бош қаҳрамони — чин инсон, мамлакат ва халқнинг таянчи Рустам номи билан аталган. 1916 йили профессор Ю. Абуладзе грузинча таржималарининг бир қисмини нашр эттирган.

«Шоҳнома»нинг бизгача етиб келган энг қадимги таржимаси машҳур тарихчи ал-Фатҳ ибн Али ал-Бундарий ал-Исфаҳоний 1218—1227 йилларда араб тилига қилган таржимадир (бу таржима 1937 йил Қоҳирада нашр этилган). Бундарий таржимаси оригиналга жуда яқинлиги ва уни деярли тўла сақлаб қолганлиги билан қимматлидир. Бу таржима Фирдавсий «Шоҳнома»сининг танқидий матнини тайёрлашда, илмий тадқиқот ишларида энг яхши манба сифатида катта фойда берди ва бермоқда.

Фирдавсий «Шоҳнома»сининг тўла ва мукамал таржималаридан бири усмоний турк тилига қилинган таржимадир. Бу таржима XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларида Шариф Амидий (1510 йилда вафот этган) томонидан Мисрда бажарилган ва мамлюклар султони Қонсух Ғўрийга тортиқ этилган. Бу ҳақда таржимоннинг ўзи муқаддимада «...Ал Ғўрий аввал салтанат йилинда ибтидо ўлинди, ўн йилда туганди»<sup>1</sup>, деб қайд этган. (Таржима назмда, лекин вазн ўзгартирилган.) Амидий оригиналнинг асосий композицион тузилиши, сюжет линияси, шоҳлар силсиласи, дostonлари сирасига қатъий риоя этган, сарлавҳалар аслича (форс тилида) қолдирил-

<sup>1</sup> А. Зайчковский. Туреска версия «Шахнаме». Варшава, 1965, стр. 10.

ган. Достоннинг кириш қисми анча чўзиб юборилган. Шоир худо, пайғамбар, меърож, чаҳорёрларга алоҳида-алоҳида наът бағишлаган. «Шоҳнома»нинг таржима этиш сабаби, Қонсух Ғўрий ва отасининг мадҳи ҳақида алоҳида бўлимлар берган. Асосий матн «Сабаби таълифин баён эдур»дан кейин бошланади. Баъзи достонлар «Ривоят айлади Фирдавсий они» деган ибора билан бошланади. Таржиманинг охирига «Бойсунғур сўз бошиси» илова қилинган. Биз бу таржимага кенг тўхталиб ўтиш имкониятига эга эмасмиз. Уни оригинал билан чоғиштириб ўрганиш фирдавсийшуносликнинг галдаги вазифаларидандир.

«Шоҳнома»нинг айрим достонлари озарбайжон тилига бир неча марта таржима қилинган. 1906 йили «Рустам ва Сухроб» достонини машҳур муаллим ва ёзувчи Рашид Афандизода халқ достонлари йўлида — назм ва насрда озарбайжон тилига ағдаради. Лекин бу таржима унчалик шуҳрат топмайди. 1908 йили Чалил Маматқулизоданинг маслаҳати билан шоир Аббос оға Ғойибов Назир бу достонни оригиналдан назм билан тўла таржима қилади ва Тифлисдаги «Ғайрат» матбааси босиб чиқаради. Бу таржима оригинални тўла сақлаб қолиши, равонлиги, она тили бойликларидан фойдалана билиш, бадий юксаклиги билан алоҳида ажралиб туради<sup>1</sup>. «Шоҳнома» Озарбайжонлик драматург ва бастакорларнинг диққатини ўзига жалб этган. 1906 йили Шамсиддин Сомибей Кова достони асосида драма ёзди: у «Кова» ёки «Коваи оҳангар» номаи билан саҳнага қўйилган. Машҳур бастакор Узиер Ҳожибеков 1908 йили тўрт пардадан иборат «Рустам ва Сухроб» номли драматик опера ёзди.

Операда Фирдавсий достонининг мазмуни айнан берилган, асосий қаҳрамонлар сақланган. У 1910 йилнинг 12 январида биринчи марта намойиш этилади ва халқнинг сеvimли спектаклига айланиб қолади.

Фирдавсий асари ўтган асрдаёқ қозоқ тилига тар-

<sup>1</sup> Султанов М. «Азарбайжон эдьябиятинда» Рустам ва Саҳраб» дастанни, в кн. Фирдовсий, Рустам ва Саҳраб АУКЭН, Баку, 1959, 12-бет.

жима қилина бошлаган. Атоқли қозоқ шоири ва таржимони Ўроз Молда XIX асрнинг ўрталарида Фирдавсий, Навоий, Фузулий асарларини қозоқ тилига таржима қилиш билан шуғуланади. У таржима қилган «Шоҳнома»нинг айрим қисмлари қўлзма шаклида сақланиб қолган. XX асрнинг бошларида шоир ва публицист, прогрессив «Айқап» журналининг муҳаррири Муҳаммадjon Сералин «Шоҳнома»нинг бир қисмини русча таржимадан ағдарди. Таржима журналнинг 1914 йил 22—24 ва 1915 йил 2—5-сонларида босилган.

Лекин «Шоҳнома» билан қозоқ халқини тўлароқ таништирган киши Шарқ адабиётининг мухлиси, актив ташвиқотчиси ва сермаҳсул таржимони Турмағамбет Изтилеувдир. Турмағамбет Бухоро мадрасаларида ўқиб юрган (1891-1905) вақтларидаёқ араб, форс-тожик тилларни яхши ўрганиб, Шарқ классикларининг асарларини мутолаа қилар эди. Уни кўпроқ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си қизиқтирар, асарнинг оригиналини ҳам, 1906—1908 Тошкентда босилган Хомушийнинг ўзбекча таржималарини ҳам қайта-қайта ўқиб чиққан эди. У «Шоҳнома» асосида «Семурғ», «Доробнома» дostonларини яратади<sup>1</sup>. Шоирдаги зўр талант ва дostonчиликка қизиқишни кўрган дўстлари унга «Шоҳнома»ни қозоқ тилига таржима қилишни маслаҳат берадилар. Шоир бу жуда оғир ва масъулиятли вазифани бажаришга киришади. Дастлаб у «Шоҳнома»нинг қўлзма ва босма нусхаларини яна кўздан кечириб чиқади, халқ оғзаки ижодидаги турли нақл ва ривоятларни ўрганади. 1937 йилнинг бошида таржимага киришиб ўн ой давомида қирқ минг йўлдан иборат қозоқча «Шоҳнома»ни халққа тақдим этади. Таржиманинг бир қисми 1965 йили «Рустам Дастан»<sup>2</sup> номи билан босилиб чиқди.

«Ўздан кейин бир ёдгорлик қолдиришни истаган» шоир «Шоҳнома»ни қозоқ халқининг кенг

<sup>1</sup> Исмоилов И. Навоий ва қозоқ адабиёти. Низомий номи ТДПИ. Илмий асарлар. Тил ва адабиёт масалалари. XXIX том, 1961, 34—35-бетлар.

<sup>2</sup> Фирдавсий. Рустам дастан. ҚМКАБ, Алматы, 1961.

тарқалган ўн бир бўғинли «қора ўлани» формасида таржима қилади. Қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари: хурсандчилик, шодлик каби кайфиятларни эса халқ оғзаки ижодидаги «айтысув» формасида беради. Турмағамбет асарни байтма-байт эмас, умуман, сюжети асосида (айрим шеърини парчалар бундан мустасно) таржима қилган. Натижада бир қанча чекинишлар, қисқартиришларга йўл қўйган, баъзан ўзича воқеаларни давом эттирган ёки янги қўшимчалар киритган.

Таржимон қаҳрамонларнинг портретини чизиш, пейзаж тасвири, ов ва турли маросимларни тасвирлашда қозоқ халқига хос миллий колоритни асар воқеаларига сингдириб юборган. Чунончи, тўй ва базмлар «Қулон сўйиб, улоқ чопиш» билан тугайди, қаҳрамонлар овга чиққанда «билақларига қуш қўндириб, ит эргаштириб» юрадилар. Турмағамбетнинг қаламидан чиққан Ашкбуснинг портрети қозоқ халқ дostonларидаги баҳодирларни эслатади:

*Қулағи — киіз уйге узи болар,  
Туктері — болатуғын тартса желі.  
Шинардын саусақтары авашиндай,  
Тырнағы — тулпарлардын тағасындай.  
Аузы — унгіріндей Асқар таудын,  
Мурыны — улкен унген шоқат шамасындай<sup>1</sup>.*

Қозоқ халқ мақол, матал, ибораларидан ҳам таржимон усталик билан фойдаланган. Шунчалик улкан асарнинг қисқа вақтда таржима қилинганига қарамай Турмағамбет оригиналнинг асосий моҳиятини сақлаб қола олган.

Қозоқ тилига «Бижон ва Манижа», «Рустамнинг Чин Хоқони билан жанги» каби дostonлари ҳам русчадан таржима қилинган. Бу таржима алоҳида ўрганишни талаб қилади<sup>2</sup>.

Туркман халқ оғзаки ижодида, ёзма адабиётида ҳам «Шоҳнома» ва унинг мотивлари кўринади. Шай-

<sup>1</sup> Каратаев М. Шеберлік шынына, ҚМКАБ. А. 1963, 278-бет.

<sup>2</sup> Фирдоуси. Кей-Хосроу. «Жазушы», 1976, Аударған Бегдилди Алдамжаров.

дойи, Махтумқули, Муллонапас, Сайёдий каби шоирларнинг ижодида Фирдавсийнинг таъсири сезилади. Улар Фирдавсийни ҳурмат билан эслайдилар, «Шоҳнома» қаҳрамонларидан турли мақсадларда фойдаланадилар. Туркман шоирлари орасида Фирдавсийга тақлид қилиш, дostonчиликда унга эргашиб ҳоллари ҳам мавжуд. Чунончи, XIX аср туркман шоири Абдусаттор Қози «Жангнома» достонини «Шоҳнома»дан таъсирланиб ёзган. Абдусаттор достондаги жанг тасвири, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини тасвирлашда Фирдавсийга эргашади, ўз қаҳрамонларини Суҳроб, Рустам, Баҳром Гўрларга ўхшатади, доим халқ ва мамлакат ғамини ўйлайдиган адолатли шоҳ ҳақида сўзлаганда Ануширавонни тилга олади. Умуман «Жангнома»ни ўқиган киши шоирнинг Фирдавсий даҳосидан илҳомланганлигини кўради. Чунончи, шоир жанг тасвирида шундай дейди:

*Совеш эйлэп булар Бэҳрам Гуртек,  
Гыран эйлэдилер Суҳрабы шуртек<sup>1</sup>.*

1934 йили бутун дунё прогрессив жамоатчилиги билан бир қаторда мамлакатимиз халқлари улuf Фирдавсийнинг туғилганига 1000 йил тўлишини кенг нишонлади. Туркменистонда ҳам бу тўй умумхалқ байрамига айланди, адабий кечалар ўтказилди. Туркменистон Давлат нашриёти «Шоҳнома»дан айрим дostonларнинг оригиналини босиб чиқарди<sup>2</sup>. 1962 йили эса, ўша нашриёт Заҳҳок, Фаридун, Рудоба, Баҳроми Чўбина дostonларини Қ. Тангриқулов, М. Сайидов, Я. Пирқулиев ўрtoқларнинг таржимасида босиб чиқарди<sup>3</sup>. Бу таржиманинг сифати у қадар яхши эмас, таржимонлар оригинални кўп ўринда қисқартириб юбориб, асарнинг ғоявий-бадий қимматига путур етказганлар, таржимада вазн ҳам сақланмаган.

<sup>1</sup> Абдысеттар казы. Женнама. Такелерин уруш кысса китаби. Туркмен-довнешир. Ашгабат, 1943, 96-бет.

<sup>2</sup> Фирдавсий. Шоҳнома. Дostonҳои мунтахаб. ҲДТ. Ашқобод, 1935.

<sup>3</sup> Фирдавси. Шанама. Туркмендевшир, Ашгабат, 1962.

Рус ва украин халқлари ҳам Фирдавсийнинг ижоди билан қадимдан таниш, «Шоҳнома»нинг дostonлари украин ва рус тилларига таржима этилади, олимлар Фирдавсий ижодини ўрганиш ва китобхонлар оmmasига етказиш билан шуғуланганлар. «Шоҳнома»нинг баъзи бир dostonлари XIX аsrнинг бошларидаёқ рус тилига ағдарилади. Чунончи, 1815—1818 йилларда «Вестник Европы» журналида «Шоҳнома»дан баъзи парчалар, «Бижон ва Манижа» таржимаси эълон қилинади<sup>1</sup>. Бу парчалар «Шоҳнома»нинг рус тилига биринчи марта чет тил — француз тилидан қилинган таржималари бўлиб, унда оригиналнинг фақат мазмуни баён этилган, холос. 1818 йили «Пантео иностранной словесности» журналида ҳам «Шоҳнома»дан бир неча парча эълон қилинади<sup>2</sup>. Дастлабки таржималар билан бир қаторда рус фирдавсийшунослиги ҳам вужудга келади. 1838 йили адабиётшунос В. Григорьев «Фирдоуси, довершитель возражденія национальной поэзіи въ Персіи» деган мақола ёзади ва у 1839 йили «Одесскій ольманах»да эълон қилинади. Муаллиф турли тарихий манбалар, тазкиралар асосида Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритади. «Шоҳнома»нинг яратилиши шоир ва Султон Маҳмуд ҳақидаги ривоятларни келтиради. Григорьевнинг хизмати шундаки, у биринчи марта рус китобхонларини Фирдавсий ҳаёти ва «Шоҳнома»нинг моҳияти билан таништиради. Муаллиф «Шоҳнома»нинг қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва халқсеварлик ғоясини, бадий, қимматини алоҳида таъкидлаб, бу поэзия қадимги Рим, грек ва ҳинд поэзиясидан асло қолишмайди, дейди.

Машхур шоир ва таржимон В. Жуковский 1847 йили «Шоҳнома»нинг Фр. Рюккерт томонидан немис тилига қилинган таржимасидан «Рустам ва Суҳроб» dostonини эркин таржима қилади. Жуковский таржимасида оригиналнинг вазни ва оҳангдорлиги-

<sup>1</sup> Фирдоуси. Сатира на Махмуда и отрывки из поэмы «Шахнаме», журн. «Вестник Европы», 1815, № 10, Фирдоуси. Отрывки из «Шахнаме», журн. Вестник Европы», 1918, № 28. Эпизод о Бижане и Маниже.

<sup>2</sup> В. Григорьев. Фирдоуси, довершитель возрождения национальной поэзіи въ Персіи. Одесскій ольманахъ на 1839 годъ. Одесса, 1839, стр. 338—357.

га эътибор берилмаган, қаҳрамонларнинг номлари ҳам бузиб ёзилган. Аммо шунга қарамай, рус китобхони ана шу таржима орқалигина Фирдавсий достони билан кенгроқ танишишга муяссар бўлади, ундаги қаҳрамонлик, баҳодирлик, ватанпарварлик мотивлари рус китобхонини мафтун этди. 1835 йили эса, Д. Цертелев Эраж эпизодин қисқартириб таржима қилган.

Украин халқини Фирдавсий асари билан илк мартаба шарқшунос А. Кримский таништирди. У 1895 йили Моҳолнинг французча таржимаси асосида «Шоҳнома»нинг бошидан Манучеҳрнинг туғилишигача бўлган қисмини украин тилига ағдариб, «Жите слова» журналада эълон қилади. Таржима наср ва назмда бўлиб, асосий эътибор оригиналнинг мазмунини тўла беришга қаратилган<sup>1</sup>.

1905 йили С. И. Соколов «Шоҳнома»дан 500 байтни, яъни бошидан то «Рустам ва Сухроб» достонигача оригиналдан шеър билан рус тилига таржима қилади. 1914 йили эса, В. С. Соколова бир неча парчаларни таржима қилиб, «Вестник Ленинградского университета»да бостиради. Бу таржималарда асосан мазмун сақлаб қолинган бўлса-да, аммо бадий ҳарорат, поэтик жўшқинлик хийла заифдир.

\* \* \*

Фирдавсийнинг 1000 йиллик юбилеи муносабати билан «Шоҳнома»ни таржима қилиш ва тарғиб этиш анча жонланиб кетди. Шоирнинг ҳаёти, ижодига бағишланган илмий-тадқиқотлар вужудга келди. Уларнинг бир қисми «Фэрдовси»<sup>2</sup> номли тўпламда эълон қилинди; «Гав ва Талханд», «Маздак», «Бижон ва Манижон» достонларининг насрий ва шеърый таржималари вужудга келди<sup>3</sup>. Бу таржималарнинг энг муҳим фазилати шундаки, улар бево-сита оригиналдан рус тилига ағдарилган, асл «Шоҳ-

<sup>1</sup> Эдельман А. Аз таърихи таржимаҳои назми тоҷик ба забони украинӣ, журн. «Шарқи сурх», 1956, № 7, саҳ. 104—110.

<sup>2</sup> Фэрдовси (934—1934). Сборник I, Изд-во АН СССР. Л., 1934.

<sup>3</sup> Орбели И., Тревер К. Шатранг. Изд-во АН СССР. Л., 1935. «Восток», сборник II. Литература Ирана X—XV в.в., Изд-во Аса. М.-Л., 1935. «Билжан и Манижа», «Маздак», перевод М. Дьяконова.

нома»нинг ғоявий-бадий қиммати бирмунча яхши сақлаб қолинган.

Ўтган асрда «Шоҳнома»ни таржима қилиш билан махсус шуғулланадиган таржимонлар сафи вужудга келдиким, улар рус китобхонларини дунё маданиятининг ана шу ўлмас ганжи билан таништиришда самарали хизмат қилдилар. Агар ХХ асрнинг 30—40-йилларида поэманинг айрим дostonлари И. Сельвинский, М. Лозинский, М. Дьяконов томонидан таржима қилинган бўлса, кейинчалик Ц. Бону, В. Державин, С. Липкин ўртоқлар «Шоҳнома»ни тўла таржима қилиш йўлида катта муваффақиятларга эришдилар.

«Шоҳнома» ва унинг айрим дostonлари кўп кишилар томонидан қайта-қайта таржима қилинган, уларнинг сифати, услуби, бадий қиммати ҳам турлича. Лекин афсуски, мана шу катта бир ижодий меҳнат адабиётшунослар диққатидан четда қолиб келмоқда. Бу таржималарни қиёсий ўрганиш, илмий тадқиқ қилиб умумлаштириш, Шарқ классикларининг асарларини рус тилига таржима қилишнинг истиқболи учун ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга.

Ҳозиргача «Шоҳнома»нинг ҳаммаси ёки айрим дostonлари француз, инглиз, лотин, итальян, голланд ва бошқа тилларга таржима қилинган. Биринчи марта «Шоҳнома» Я. Чемпион томонидан Бўйсунғур сўзбошисининг катта қисми илова қилинган ҳолда Зол ва Рудобанинг тўйигача инглиз тилига эркин таржима қилинган. Лекин бу таржима оригиналдан анча узоқ. Айни вақтда Я. Р. Валленбург француз тилига таржима қилишга киришади, лекин таржимани тугата олмай қолган. «Шоҳнома» Я. Горрес, А. Ф. Шак, Фр. Рюккерт томонидан немис тилига, Т. Макан матнидан И. Пизи томонидан итальян тилига ҳам таржима этилган. Булар орасида Фр. Рюккертнинг немисча, Я. Моҳолнинг (1800—1871) французча таржималари анча шуҳрат қозонган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бертельс Е. Э. История таджикско-персидской литературы, ИВЛ, М.: 1960, стр. 178.



## «Шоҳнома»нинг ўзбекча таржималари

Ўтмишда «Шоҳнома» ўзбек тилига бир неча бор таржима қилинган. Қадимийроқ таржима бўлмиш «Сиёвуш» достони таржимасининг (XVI аср) бир қисмигина сақланиб қолган. Афсуски, Шоҳ Ҳижрон таржимаси (1750—1751) кенг тарқалмаган, ҳали ўрганилмаган. Мукамал сақланган кутубхоналарга манзур бўлган ва шуҳрат топган «Шоҳнома» таржимаси Хомуший қаламига мансуб. Худди шунингдек, Нурмуҳаммад Бухорий таржимаси ҳам тўла сақланиб қолган, бироқ бу таржима у қадар кенг тарқалмаган, шуҳрат қозона олмаган.

Оригиналнинг асл моҳиятини сақлаб қола билиш бадий савия, ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек классик адабиёти анъаналаридан, ўзбек тили бойликларидан кенг фойдаланиш Хомуший таржимасининг муҳим хусусиятларидан биридир.

### Хомуший ва унинг ижоди

XVIII асрнинг ўрталарига келиб Ёркентда тохта талашини, шайхлик мансаби учун кураш авжига чиқади. Оқсув билан Ёркент, Қашқар билан Ёркент ўртасида, Қўқон хонлиги билан Қашқар ўртасида тез-тез ўзаро шиддатли жанглар бўлиб туради. Бунинг устига ифвогар, бадбин сўфилар тоғли қипчоқ ва қора хитойлар билан тил бириктириб, Ёркент хонлиги ва халққа кўп зарар келтирадilar. Ёркент ҳокими Хўжа Жаҳон Хўжамнинг укаси ва тарафдорларини ўлдириб дарёга ташлайдилар, унинг ўзи вақтинча Хўжандга қочиб кетишга мажбур бўлади<sup>1</sup>. Оқсув ва Қашқар ҳокимларининг ҳужуми натижасида Ёркент аҳолисининг кўпи қирилиб кетади, шайх ва сўфиларнинг бебошлиги кучаяди. Муҳаммад Ёртол ҳокимлиги (70—80-йиллар ўртасида) даврида ҳам бундай ўзаро урушлар давом этиб турар, халқ ҳони бекорга тўкилар эди.

<sup>1</sup> Муҳаммад Содиқ Ёрқандий. Таворихи хожағони Қовар, ЎзФА ШИ, инв. № 45, II, 49-бет.

Хомуший ана шундай мураккаб бир тарихий шароитда яшаб ижод этди. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида аниқ бир маълумотга эга эмасмиз. Лекин «Шоҳнома»дек улкан ва мураккаб бир асарни муваффақият билан таржима қилган киши, албатта, катта бир ижодий тажрибага эга бўлиши, мустақил асарлар ижод этганлиги табиийдир. Лекин XVIII—XIX асрлардаги тарихий асарларда ҳам, тазкиралар ва баёзларда ҳам шоир ва унинг ижоди ҳақида маълумот йўқ. Муҳаммад Тоҳир эшон Хоразмий 1145 ҳижрий йилда ёзилган «Силсилаи хожағони нақшбандия» китобида Низомиддин Хомуш деган шахснинг номини тилга олиб, уни бухоролик эди<sup>1</sup>, дейди. Муҳаммад Содик Ёркандай ҳам «Китоби хўжағони Қошғар» деган асарида Хўжа Жаҳон Хўжамнинг ҳаёти ва саргузаштини баён этиб, унинг Хўжа Низомиддин Хомуш деган укаси борлигини уқтириб, илми зоҳир ва ботинда, шеърғўйликда машҳур эди, Оқсуда ҳоким эди<sup>2</sup>, дейди. Лекин буларнинг иккови ҳам нақшбандия хўжаларидан бўлиб, XVIII асрнинг 50—60-йилларида яшаган, 1907 йили Тошкентдаги Орифжонов литографиясида босилган бир баёзда Хомуш тахаллусли шоирнинг «Чиқти гулгун кийибон, бўлди қиёмат ҳай-ҳай» деб бошланадиган ғазали мавжуд. Бу шеър баёзларда учрайди, лекин унинг муаллифи ҳақида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас. Ҳарҳолда бу бизни қизиқтираётган Хомуший бўлмаса керак.

«Шоҳнома» таржимасидаги сўзбоши, Муҳаммад Содик Ёркандийнинг маълумотларига қараганда Хомуший XVIII асрнинг икинчи ярмида Ёркентда яшаб ижод этган талантли шоир ва таржимон бўлган. Гарчи Хомушийнинг ижоди бизгача етиб келмаган ёки ҳали топилмаган бўлса-да, «Шоҳнома» таржимасидаги шоирга тааллуқли рубоий, қитъа, фард, соқийномалар ва таржиманинг ўзи Хомушийнинг истеъдодидан далолат беради. Қўлёзмаларнинг сўзбошисида қуйидаги шеър мавжуд:

<sup>1</sup> Силсилаи хожағони Кошғар. ЎзФА ШИ, инв. № 6832, 106-бет.

<sup>2</sup> Муҳаммад Содик Ёркандий. Ўша асар, 48-а варак.

Юз гул орасида бир тикон бўлса керак,  
 Юз яхши орасида бир ёмон бўлса керак.  
 Дур бўлса доғи садаф бўлур уммонда,  
 Гул бўлса доғи тикон бўлур бўстонда.  
 Сўз қадрига еткали киши бўлса керак,  
 Табъ аҳли бирла ани иши бўлса керак.  
 Сен жинси ёмонға сўзни зинҳор дема,  
 Билмасликдин ёмон киши бўлса керак.  
 Китобатға ҳукм этар мен хастаға,  
 Хомуши зарраю мўри шикастаға.  
 Ва гарна йўқ эрди муносиб хатим,  
 Китобат қилурға салоҳиятим.  
 Халойиқ орасида машҳурдур,  
 Ки, албатта маъмур маъзурдур<sup>1</sup>.

Бу ерда, биринчидан шоир камтарлик билан ўз меҳнати кўз-кўз қилишдан қочаётир, «Шоҳнома»дек улкан асарни таржима қилиш юксак масъулият, катта меҳнат талаб қилажагини ҳис этган шоир, ўз ишида камчиликлар бўлишини табиий деб билади. Чунки, иш бор жойда камчилик ҳам мавжуд. Агар шоирнинг меҳнати кишиларга ёқса, уни қадрласалар, у хурсанд; агар таржима иши «жинси ёмон»лар қўлига тушиб қолса, шоир қайғуради. Бу ўринда «Шоҳнома»нинг Шоҳ Ҳижрон томонидан қилинган таржимасининг йўқолиб кетиши воқеасига ишора ҳам бор.

Шу қўлёзманинг охирида «Соқийномаи Мулло Хомуш Охунд» мавжуд. Шоир соқийномада Фирдавсий даҳосини улуғлайди. «Унинг дур каби назмига чанг урмоқ нолойиқ бўлса ҳам», лекин турк тилида сўзлашувчи халқларни ундан баҳраманда этмоқ албатта зарурлиги учун бу оғир ишга қўл урганини уқтиради:

*Кел, эй соқий сўз нашъасини етур,  
 Кўнгилдин бори ғуссаи ғам кетур.  
 Ичиб сўз шаробини маст ўлай,  
 Ки табъ аҳли базмида ҳамдаст ўлай.*

<sup>1</sup> «Шоҳнома»и Фирдавсий, ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик инст. Инв. № 1953, 1-варақ.

Навосоз ўлуб тут майи хушгубор,  
 Олиб сипқорай ташнаи хоксор.  
 Ки Фирдавсий бориға сургоч қалам,  
 Манам туркий лафзига кўйдум қадам.  
 Чу Фирдавсий алфози салолатда гақиқ,  
 Салосатда ҳар сўзларидур амиқ,  
 Жаҳон ичра эди сўзи таърифи нағз,  
 Эди гаҳр аро пири покиза мағз.  
 Чанг урмоқ анинг дур каби назмиға,  
 На лойиқ эди турк ҳар лафзиға.  
 Вале гурға йўқтур садаф ичра ор,  
 Юрур шамъ бошида парвонавор.  
 Менинг ҳам хаёлимға тушти ҳавас,  
 Бўлай шеър аҳлиға ҳамнафас.  
 Тикон гулға бўлғон каби ошён,  
 Масалдурки: бир яхшиға бир ёмон<sup>1</sup>.

Афтидан, Хомуший таржимага киришишдан олдин кўп ўйлаган, унинг уддасидан чиқа олишига шубҳа ҳам қилган. «Яхши ойни ямон демоқ», «Не ҳад зарра бергай кўёшдин нишон», «Не ҳад мўр васфи Сулаймон қилур» деб Фирдавсий даҳосини улуғлайди, ўзини тупроқ, Фирдавсийни осмон деб билади. Лекин барибир турк халқини «Шоҳнома» латофатидан баҳраманд қилиш вазифасини ўз олдига қўйган шоир, ўзини «халқаро Хомуш тута олмагач», таржимага киришади. Шу «Соқийнома»нинг ўзи ҳам Хомушийнинг етарли тажрибага эга бир санъаткор эканлигини кўрсатади. «Соқийнома»нинг тили содда ва равон, бошидан охиригача кучли иборалар, халқ мақоллари ва турли ўхшатишлар, сифатлашларга тўла.

Қўлёзма ва тошбосма нусхаларда форсий ва ўзбек тилида бир неча шеърий парчалар, рубоий қитъа, фардлар мавжудким, уларни Хомушийнинг ижоди ҳисоблаш мумкин. Бу шеърий парчаларнинг кўпчилиги панд-насихат, қиссадан ҳисса чиқариш характериға эга. Чунончи, Рустам ва Таҳмасб жанги тасвирида қуйидаги рубоий мавжуд:

*Шаб ҳомиладур, то не туғса кўрайин,  
 Ангушти замона то не тишлар билайин.*

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма. 265-а варақ.

*Умр аввалида ҳар не келибдур кўрдум,  
То охири умр ҳар не келса, турайин.*

*Аз марг ҳазар кардан гуруза раво нест,  
Рўзе ки қазо бошаду рўзе ки қазо нест.  
Рўзе ки қазо бошад кўшиш накунад суд,  
Рўзе ки қазо нест, гар ў марг раво нест<sup>1</sup>.*

Биринчи рубоийда Зол ва унинг авлоди Таҳмасбнинг шон-шавкати, лашкаридан ваҳимага тушганда, Рустамнинг уларга тасалли бериши ифодаланган. Иккинчи рубоий эса, Кайхусрав тилидан келтирилган бўлиб, у ҳам жанг олдида кўрқинчга тушган лашкарга панд-насихат қилиш учун айтилган. Паҳлавонлар руҳияси, маъшуқалар тавсифи, кун ботиши ва қуёш чиқиши, жанг ва турли юришлар тасвирида ҳам шоирга тааллуқли қатор шеърлар учрайди. Қуйидаги шеърий парча шоир-таржимон ҳар воқеа тасвирига ўз муносабатини билдириб, оригинал руҳига мос мисралар илова қилинганини кўрсатади. Икки томондан саф тортиб турган Гуштасп ва Аржаспнинг лашкари кеч тушиб қолгани учун ўз қароргоҳларига қайтадилар:

*Намози шом вақтида анқойи фартут,  
Жаҳон бўлди қаронғу мисоли шоҳтут.  
Қанот бирла ҳавони ёбти ул зоғ,  
Очилди минг гул андоғ мисоли боғ<sup>2</sup>.*

Яъни анқойи фартут қора қаноти билан қуёш юзини тўсди, зулмат тушиб, унинг ичидан минг гул-юлдузлар чарақлаб чиқди. Гарчи мисраларда сакталик мавжуд бўлса-да, фикр аниқ, равшан ва об-разли ифодаланган.

Харрод Барзўга Рустамнинг жаҳонпаҳлавонлигини таърифлаб, жанг қилмасликни маслаҳат беради, у кўнмайди. Шу ерда шоир панд-насихат хактеридаги бир байтни келтиради:

*Бот нагомат тирноқини тишлагай гандон била,  
Некхоҳ элни сўзиға ул киши солмаса қулоқ<sup>3</sup>.*

<sup>1</sup> «Шоҳнома»и туркий. Т.: 1906, 315-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 305-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 421-бет.

Барзў қанчалик кучли, жаҳонпахлавон бўлмасин у бир киши. Шунинг учун еру кўкни фулғулага солса ҳам, уни рақиблари бандга туширадилар. Шоир ана шу муносабат билан келтирилган қуйидаги байтда манманлик, гурур ва худройликни танқид қилади, халқнинг «бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» мақолидаги ғояни ифодалаб, шундай шахсларга танбеҳ беради:

*Мўрчалар айласалар иттифоқ,  
Шерри жаён терисини суришар.  
Пашшалар жам ўлса бўлур фил забун,  
Қилғуси бир гамла зеру забар.  
Рустам агар бўлса кўринг бир киши,  
Кўбни ичига не қила олғай иши<sup>1</sup>.*

Булардан ташқари таржимада «Назм», «Қитъа», «Мисра», «Фард», «Байт», «Рубоий» номи остида бевосита таржимонга мансуб шеърий парчалар кўп учрайди. Чунончи, Искандар ўлими олдида аркони давлати ва лашкарини қошига йиғиб, адолат билан иш қилиш, яхшилик ва аҳиллик билан яшаш ҳақида насиҳат қилади.

Назм:

*Тараҳҳумларға жаннатгур мукофот,  
Ситамгарларға гўзахгур пурофот.  
Ёмонлар суҳбати мисли чаёнгур,  
Уларға бўлмангиз ҳаргиз мулоқот<sup>2</sup>.*

Хомушийнинг таржимага бевосита ўз шеърий парчаларини, байт, мисраларини қўшиб юборганини қуйидаги шеър ҳам исботлайди. Искандар турли ўлкаларни фатҳ этгач, хотинлар шаҳрига яқинлашади. Хотинлар шоҳи Искандар қошига бир тўда қизлардан иборат элчи юборади. Хомуший шу эпизодни баён этиб, ўзи «ул хубрўларнинг» таърифиди қалам юритади. «Алқисса бу раънолар таҳририда камина Хомуш айтодурким, назм:

<sup>1</sup> Ўша китоб, 249-б варақ.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 306-бет.

*Занахдон чоҳи ишқ аҳлиға зиндон,  
Ки чўлпон кўзлари моҳи гурахшон.  
Қади монанди тўби ё санувбар,  
Санувбар йўқ дарахти сарви ар-ар.*

*Хаёл эт ёсуман ё гулқароқдур,  
Мусалсал зулфи ошиқға тузоқдур.  
Хомуш эрдимки бўлдим эмди хушвақт,  
Суруб ҳолимни айлай сўзга диққат»<sup>1</sup>.*

Бу ва бошқа шеърӣй парчалар шоирнинг таржимадаги воқеаларга, Фирдавсийнинг фикр-мулоҳазаларига қандай ёндашганини, Хомушийнинг ўзи ҳам бевосита ижод билан шуғулланганлигини кўрсатади. Айрим байтлардаги ғализлик, ноаниқликлар котиблар ва ноширлар томонидан йўл қўйилган камчиликларнинг натижаси бўлиши керак.

Хомушийнинг «Соқийнома»си ҳам, бир қатор байт ва рубоийлари ҳам тўғрилиққа, адолатли бўлишга даъват этади, манманлик, худбинликни қоралайди, илмни ва илмли кишини қадрлай биладиган, фаросатли кишиларни мақтайди. Чунончи, таржимоннинг Рустам, Сухроб, Барзўнинг ғурури ва манманлигини қоралаб, «бир кишидур-бир киши» деб, ҳаминша эл билан бирга, кўпчилик сафида ҳаракат қилишга чақириши, «пашшалар бирлашса, филни забун этади» дея бонг уриши шоир дунёқарашидаги ана шу фазилат ифодасидир.

\* \* \*

«Шоҳнома» таржимаси, унинг сўзбошиси ва тарихий манбалардаги маълумотларга қараганда, XVIII асрда Ёркент илм-адаб аҳли орасида Шарқ адабиётига, айниқса, форс-тожик адабиёти классикларининг ижодига қизиқиш кучли бўлган, Шарқ классикларининг энг яхши асарларини таржима қилишга интилиш кучайган. Муҳаммад Содиқ Ёркандийнинг хабар беришича, Хўжандда илм-тарбия олиб, шу ерда катхудо бўлган Ёркент ҳокими Хўжа Жаҳон Хўжам илм-адабиётга ҳавасли бўлган, туркий ва форсий тилларни яхши билган; шеър машқ қилган. Кўпинча ада-

<sup>1</sup> «Шоҳнома»и туркий. ЎзФА Беруний номидаги ШИ. № 1953, 222-а варак.

бий мажлисларда Фирдавсий, Навоий, Жомий, Саъдий, Камол Хўжандий асарлари ўқилар, улар устида баҳс кетар эди. Муҳаммад Содикнинг ёзишича, бир мушоира кечаси Камол Хўжандийнинг бир байти устидаги баҳс билан тугаганда. «Ва гоҳи мамлакат-оролиф маснадида ўлтуруб шоирони вақтлар шеър-абётларидан пурмазмунларин илғаб таржима қилгонларга илтифоти шоҳона, либосҳои подшоҳона хилъатлар айлаб, ўз қаторида мумтоз ва сарафроз айлар эдилар»<sup>1</sup>. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си дастлаб ана шу адабий муҳитда, Хўжа Жаҳон Хўжамнинг буйруғи билан 1750—51-йилларда Шоҳ Ҳижрон томонидан таржима қилинади. Бу ҳақда Хомуший мана бундай ёзади: «...Хўжа Жаҳон Хўжам... назари кимёи таъсирлари бу китоби «Шоҳнома»га тушиб, завқлари голиб ва таъблари роғиб бўлуб, Охунд Мулло Шоҳ Ҳижрон олийалрахма ва алфазолга форсий «Шоҳнома»ни турк тилига ўтурмакка амри олийлари жорий бўлуб, ул шоҳи олижаноби некинбаракот саодатлари бирла турк алфозиға келтириб эконлар»<sup>2</sup>. 1908 йили тошбосмада босилган «Шоҳномаи туркий»да «...тарихни минг ва олтмиш тўрти от йили жумодиал охир носирни аҳли имон, халифаи раҳмон, инояти мулки манон Жўжаи Жаҳон, яъни Хўжа Жаҳон Хўжам... ҳузурларида бу фақирни бебизоат ва ҳақирни камситотат, яъни Шоҳ Ҳижрон Таҳамтан ғуссасидин Жаҳонгир шер ва Барзўи далер қиссасини форсий лисондин турк тилига таржима қилдук»<sup>3</sup>, дейилади. Лекин бу таржима «атроф оламға етиб, машҳур ва маъруф бўлур ҳолатда» бўлмагани учун ва Хўжа Жаҳон Хўжам билан тоғли қалмоқ, қипчоқлар ўртасида бўлган ўзаро жанглар пайтида йиртилиб-йўқолиб, «варақ жузъдин, жузъ гулдин ажраб, қиссаи хубе ва ҳикояи марғубелар ожиз ва мутафаррак» бўлиб қолганлиги сабабли «...тарихнинг минг юз тўқсон тўртида ... Бижони Навжавон достонидин бошлаб то Искандарномининг охиригача»<sup>4</sup> Хомуший таржима қилади. Шоҳ

<sup>1</sup> Муҳаммад Содик Ёрқандий, Таворихи хожағони Қошғар, ЎзФА Беруний номли ШИ инв. № 45, II, 39—40-бетлар.

<sup>2</sup> «Шоҳнома»и Фирдавсий, ЎзФА Беруний номидаги ШИ, инв. № 1322, 7-6 варақ.

<sup>3</sup> «Шоҳнома»и туркий, Т.: 1908, 134—135-бетлар.

<sup>4</sup> «Шоҳнома»и туркий, инв. № 1322, 3-6 варақ.



Ҳижроннинг фикрига қараганда, у фақат « Жаҳонгир шер ва Барзўи далер» қиссасини таржима қилган, холос. Хомушийнинг гапига қараганда, Шоҳ Ҳижрон «Шоҳнома»ни бошидан таржима қилган-у, унинг аввалги қисмлари сақланиб қолган. У фақат «Бижони Навжавон» достонидан «Искандарнома»нинг охиригача таржима қилган.

Хомуший таржимасининг қўлёзмалар фондларида тўртта номукамал нусхаси сақланмоқда<sup>1</sup>. Ҳар тўрт қўлёзма ҳам Бижоннинг Арманистонга тўнғизларга қарши курашга бориши билан бошланиб, Ардашернинг Ҳафтводга қарши жанги билан тугайди. Юзаки қараганда, ҳақиқатда ҳам Хомуший Шоҳ Ҳижрон ишини давом эттирган, таржиманинг бир қисмигина унга тааллуқли бўлиб чиқади. Аммо таржима қўлёзмалари ва нашрларини, улардаги сўзбошларини диққат билан кўздан кечирганда, масаланинг бундай эмаслиги аниқланади. Чунончи, бизгача таржиманинг бутун қўлёзмаси етиб келмаган, ҳар тўрт қўлёзманинг мундарижаси, сўзбоши ва шакли бир-бирига ўхшаш. 1953-қўлёзма энг эски нусха бўлиб, унинг бир бетлик сўзбошиси «Бу дафтар учунчидур, шурў қилинди» деб бошланади. Бундан маълум бўлишича, асарнинг бош қисми ҳам икки жилдан иборат қўлёзма шаклида мавжуд бўлган.

1906—1908 йилларда Тошкентда босилган нусхада эса, Каюмарсдан тортиб Ардашернинг Ҳафтводга қарши жангигача бўлган воқеа бор. Қўлёзма билан нашрий нусханинг тили, услуби, шеърий парчаларнинг таржимаси (баъзи ҳарфий, стилистик хатоларни мустасно қилганда) деярли бир хил; қўлёзмада ҳам, босмада ҳам Хомушийга тааллуқли, баъзан ўзи таъкидлаган ҳолда шеърий парчалар мавжуд. 1906 йил нашрининг охирига илова қилинган «Сабаби таълифи «Шоҳнома»да эса, асарнинг ёзилиши, шоир билан Султон Маҳмуд ўртасида содир бўлган маълум воқеа, охирида Султоннинг афсусланганлиги баён этилиб: «Султон Маҳмуд ул қизни

<sup>1</sup> Қўлёзмаларнинг учтаси Ўзбекистон ФА ШИ 1953, 1322, 5009 инвентарда, 4-қўлёзма эса Россия ФА ШИ Ленинград бўлими қўлёзмалар фондида, Д-24 инвентарда сақланмоқда.

ҳимматига таажжублар қилиб, Ҳаким Фирдавсий учун кўп афсус ва надоматлар қилди, фойда бермади. Аммо «Шоҳнома» тамом бўлгондин кейин Фирдавсий айтқон ҳажвийётларини камоли инсофдин «Шоҳнома»нинг аввалига марқум қилдурди. Бас, форсий адабиётларни таржима қилиб, турк алфози бирла камина Хомуш ҳам назм риштасиға тартиб этиб, оммаи халойиққа равшан ва бараҳна айлади»<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидлаган. Тошкент нашрларига «Соқийнома», 1953 номерли қўлёзмадаги «Сабаби таълифи «Шоҳнома», «Ҳажвийёти Султон Маҳмуд» илова қилинган. Демак, ана шуларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Шоҳ Ҳижрон, ўзи таъкидлаганидек, «Жаҳонгир Шер ва Барзўи далер қиссасини» таржима қилган, холос. Агар бордию у «Шоҳнома»нинг бошидан охиригача таржима қилган бўлса Хомуший дастлаб таржиманинг бош қисмини яроқли деб, уни Бижон достонидан давом эттирган. Лекин Шоҳ Ҳижрон ишини яна бошдан кўздан кечириб, ўз таржимасини Ардашерга етказиб тўхтатганда, бош қисмини оригиналга қайта солиштириб, янги таҳрирдан чиқарган. Кейинги пайтларда Шоҳ Ҳижрон таржимаси топилди, у алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

2. Қўлёзма тўла ҳолича мавжуд бўлган, Тошкент ноширлари китобни босиб чиқаришда улардан фойдаланган. Лекин уларнинг бош қисми қандайдир сабабларга кўра бизгача етиб келмаган, йўқолган ёки ҳали топилмаган.

3. Маълум даражада Шоҳ Ҳижроннинг ҳам хизматини ҳисобга олган ҳолда, бу таржимани тўлалигича Хомушийга тааллуқли дейиш мумкин.

Хомуший таржимасининг учта қўлёзмаси сақланиб қолган. Ҳар уч дастхат «Шоҳнома»нинг бошида «Бижон ва Манижа» достонигача бўлган қисмини ўз ичига олади. Асарнинг ибтидосида бу «биринчи дафтардур, шуруъ қилинди», деб таъкидланган. Таржима 1905—1908 йилларда уч марта нашр этилган; себзорлик рассом Абдурахмон уни сурат

<sup>1</sup> «Шоҳнома»и туркий. Тошкент, 1906. 640-бет.

ва лавҳалар билан безаган. Нашрий нусхалар «Шоҳнома»нинг бошидан Ардашер Бобоканнинг Ҳафтводга қарши жангигача бўлган қисмидан иборат. Демак Тошкент ноширлари Хомуший таржимасининг мукамалроқ қўлёзмасидан фойдаланишган. Биз бу насрий таржимани асли билан қиёсий таҳлил этишни бошқа фурсатга қолдириб, унинг айрим жиҳатлари ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

## **Хомуший таржимасининг баъзи бир баъдий хусусиятлари**

Хомушийнинг «Шоҳнома»ни таржима қилишдан мақсади «Тус булбули, яъни Ҳаким Абулқосим Фирдавсийнинг» бу шоҳ асаридан «туркий халқларни баҳраманд» қилишдан иборат эди. Таржиманинг баъдий пухта, ширали ва образли тарзда бажарилганлиги, оригиналнинг туб моҳиятини китобхонларга тўла етказа олганлиги шоир ўз одига қўйган вазифанинг уддасидан чиққанини кўрсатади.

Дастлаб шуни қайд этиш лозимки, Хомуший «Шоҳнома»нинг структурасига, яъни ташқи тузилишига жиддий эътибор бермаган. У шоҳларнинг тахтга ўтириши ва ҳукмронлиги таърифини четлаб ўтган, ички сарлавҳалар ва саналарни қайд этишни ҳам лозим кўрмаган. Хомуший ҳар бир дostonни бевосита унинг бош қаҳрамони номи билан атайди, асосий диққатни шу масалага қаратади. Бу билан у Фирдавсий асарининг қаҳрамонлик руҳини ўқувчи кўз ўнгида доим гавдалантириб боради. Шоҳларнинг қанча йил ҳукмронлик қилганини эса баъзан уларнинг ўлимини таъкидлашда қистириб ўтган. Демак, таржимон оригиналнинг ташқи тузилишини ўзбек китобхонларига мослаштирган.

Хомуший юксак баъдий дид эгаси, бақувват шоир бўлган. Лекин «Шоҳнома»дек улкан асарни шеърда таржима қилиш узоқ вақт ва катта куч талаб қилади. Бунинг устига, унинг олдида китобхонга тушунарли, тўла етиб борадиган даражада ҳам баъдий юксак, ҳам содда ва равон таржима қилиш вазифаси турар эди. Бундан ташқари қис-

сахонлик бир анъанага айланган ўша давр китобхони учун ўртача шеърый таржимадан кўра фасоҳатли насрий таржима кўпроқ манзур бўларди. Афтидан, Хомуший таржимага киришишдан олдин масаланинг шу томонини эътиборга олганга ўхшайди. Маълумки, XVIII—XIX асрларда халқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрган «Юсуф ва Зулайҳо», «Маликаи Дилором», «Шоҳ Жамшид», «Тоҳир ва Зуҳра» каби қиссалар шоирлар, котиблар томонидан қаламга олиниб ё қайта ишланиб ёки айнан китоб ҳолига келтирилган. Кўпчилиги наср ва назмда битилган бу китоблар халқ орасида кенг тарқалиб, авлоддан-авлодга ўтиб, меҳнаткаш оммага манзур ва тушунарли бўлган. «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Қаҳрамони қотил», «Гулфараҳ» каби қиссалар ҳам ана шундай халқ китобларидан ҳисобланади.

Хомуший «Шоҳнома»нинг таржимасида маданий ва адабий ҳаётдаги мана шу анъанани давом эттирган, ундан баҳраманд бўлган. Чунки таржимада халқ ижоди, халқ китобларининг таъсири, изи ва анъанаси кучли. Таржимон асарни кенг китобхонларга манзур қилиш мақсадида халқ китоблари услубини қўллаган, яъни назм ва насрда таржима қилган. Таржиманинг бошидан охиригача халқ китобларидаги «ровий айтур», «ривоят қилурларким», «андоғ келтурубдурларким» каби иборалар кўп қўлланилади; воқеаларнинг изчил ва бири-бирига боғланишини таъминлашда эса, «булар йўлда кетатурсун, сўзни бошқа ёқдин эшитинг» сингари усулдан фойдаланилганким, бу ўқувчининг диққатини тортиш, воқеага эргаштиришда катта эмоционал кучга эга. Таржима бадиийлиги, услуби ва лексик хусусияти жиҳатидан ҳам, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишда ҳам, оригиналга индивидуал муносабатда бўлиш нуқтаи назаридан ҳам халқ китобларини эслатади, айниқса, ўзбек дostonлари, қиссаларининг таъсири ва руҳи сезиларлидир.

Таржимон асосий диққатни «Шоҳнома»даги халқпарварлик, ватанпарварлик, тинчлик ва адолатга даъват, ўзаро қонли урушларга нафрат, адолатли шоҳ

каби энг илғор ғояларни ифодалаган дostonларни тўла ағдаришга қаратган. Айниқса, қаҳрамонлик дostonлари диққат ва маҳорат билан таржима қилинган. Хомуший оригиналдаги воқеалар силсиласига баъзан тўла рия қилмаса ҳам, сюжетни изчиллик билан давом эттирмаса ҳам, лекин асосий фикрларни тўла сақлаб қолган, кўп ҳолларда дostonларнинг ғоясига заррача бўлса ҳам путур етказмасликка интилган.

Хомуший «Шоҳнома»нинг кириш қисмини илм ҳақидаги дунё ва инсоннинг яратилиши, ойнанинг пайдо бўлиши, «Шоҳнома»нинг ёзилиши тўғрисидаги, Дақиқий ҳақидаги, шунингдек, Абу Мансур ва Султон Маҳмудга бағишлаган мадҳияларни қисқартган. Фақат инсоннинг яратилишига боғлаган ҳолда Муҳаммад ва чаҳорёрларнинг мадҳигина қисқа баён этилган. Ундан ташқари, «Шоҳнома»нинг ёзилиши ва Дақиқий воқеаси таржимага илова қилинган «Сабаби таълифи «Шоҳнома»да бир оз бўлса-да баён этилгани учун, буларни батафсил тасвирлашни Хомуший лозим кўрмагандир. Шунинг ўзи ҳам таржимон асосий эътиборни «Шоҳнома»нинг етакчи ўринларини сақлаб қолишга қаратганини кўрсатади.

Таржимада Каюмарс шоҳлиги ва унинг ўттиз йил салтанатдорлик қилгани бадийий пишиқ ва қисқа баён этилган. Бу ерда таржимоннинг эътибори Сиёмакнинг дев қўлида бевақт ўлимига қаратилган бўлиб, китобхонда қора куч ва зулм-зўрлик, номардлик, инсон душманига нафрат ва ғазаб туғдиради. Халқ ва мамлакат бошига битган балони бар-тараф этган Ҳушангнинг баҳодирлиги ва инсон дўстлиги ҳам мазмун, ҳам ғоя бадийлиги жиҳатидан оригиналга жуда яқин: «Адолат бирла жаҳонни обод қилди; Аввал темурни тошдин ул чиқорди, оҳангарлик салиқаси бирла арра, теша, табар ул пайдо қилди. Дарёлардин ариф чиқариб, зироат айламакни ул бунёд этти...»<sup>1</sup>.

Афтидан, таржимон Ҳушангнинг шон-шавкати, яхши фазилат ва ишларини санаб ўтирмай, унинг

<sup>1</sup> Ўша нашр, 17-бет.

одиллиги ва яратувчанлик фаолиятини лўндагина қилиб беришни афзал кўрган.

Бундай ҳолни Таҳмурас шоҳлиги тасвирида ҳам кўрамыз. Чунончи, таржимон Таҳмураснинг тахтга ўтириши, дунёни Аҳрамандан тозалаш ҳақидаги нутқларини четлаб ўтиб, қўйнинг жунини қирқиб, ундан гилам, уст-бош қилиш, чорвачиликни, сомон ва пичан ғамлашни у чиқарганлигини тасвирлаб, «...паррандалар орасидан қарқулоқ бирла юз деган жонворни бир-биридан ул ажратти, буларга шикор қилдирмоқни ул буюрди, қарчиғой, шунқор, лочин — ҳамма сайд қилур жониворни ул пайдо қилди. Нақора чалмоқ, овози ҳазин бирла фарёд қилмоқ анингдин қолди»<sup>1</sup> тарзида давом эттиради. Шуниси характерлики, таржимада ҳар бир предмет: ҳайвон, қуш, ўсимликларнинг тавсифи ва номи аниқ, хатосиз берилган. Хомуший Таҳмураснинг одиллиги, ёмон йўлга оғиб, ножўя иш қилмаслигининг боиси саройдаги донишманд Шўхросбнинг панд-насихати, таълимининг маҳсулидир, деб кўрсатиб, оригиналдаги билимдон, ақл-заковатли киши албатта одил бўлади, деган фикрни кучайтирган. Ҳар бир фикрни мумкин қадар ихчам ва раво баён қилишга интилан таржимон, Фирдавсий айтган мазмунни, у илгари сурган ғояни сақлаб қолишга интилан ва бунга эришган ҳам.

Таржимон Жамшиднинг халқни фаровон ҳаётга, мамлакатни ободонликка юзлантирганини оригинал, пухта ва образли ифодалашга эришган. Баъзан бадий тасвирда ажойиб услуб, ўзига хос маҳорат кўрсатади, яъни бадий воситалар, ажойиб муболағалар яратади. Бу ўринда Жамшид тахтининг тасвири айниқса, характерлидир: «...ўзи учун бир боргоҳ тартиб бердиким, баландлиқи етти юз газ. Бу боргоҳ ичида ўн икки минг тахт ораста қилди: зарру ёқут, лаълу маржон бирла тоже ясадиким, ўн икки кунгураи мурассаъ ҳамма гавҳарҳои қиммате ва ул тожнинг ўзи уч юз ботмон. То бу кунғача машҳурдур, боргоҳи Жамшидий ва тожи Жамшидий деб. Ҳикмат бирла бир жомеъ пайдо

<sup>1</sup> Ўша нашр, 15-бет.

қилдиким, ҳаммавақт ихтиёр айласаким, аҳволи жамъ оламдин хабар олмоқдик учун ул жомни сут бирла тўлғазур эрди. Ул жомининг жаҳоннамолиги, то мағрибгача мушоҳада қилур эди»<sup>1</sup>. Бу ерда таржимон асл нусхадаги бадий тасвир воситаларига янги руҳ, янги мазмун ва янги бўёқлар берган; халқ эртаклари ва афсоналардаги кучли муболағали тасвирлардан фойдаланиб, Жамшид боргоҳини «балаңдлиғи етти юз газ», унинг ичида «ўн икки минг тахт ораста», «ўн икки кунгура»си бор деб тасвирлайди. Гарчи «Шоҳнома»да Жамшид жомининг жаҳонномалиги таъкидланса-да, «Жомни сут билан тўлғазиш» ҳақида гап йўқ. Бу ҳам жомнинг афсонавий ҳикматини кучайтириш учун таржимон томонидан киритилган.

Жамшиднинг «Жами оламини бу янглиғ маъмур ва халойиқни бу сифатлиғ мағрур кўриб» манманлик қилишини «Шайтони лаиннинг васвасаси»дан деб тушунтирган таржимон унинг манманлиги ва ғофиллигини усталик билан кўрсатган. Ўзини «дунёнинг яратувчиси» деб эълон қилган Жамшид барча аъёнлар ва халойиқ ундан юз ўтиргач, пушаймон қилади — «надомат бармоғини пушаймон дандони бирла тишлаб»<sup>2</sup> қолади. Таржимон маҳорати шундаки, у Жамшиднинг барча нола-фигони, пушаймон бўлишини ана шу бир гап билан ифодалашга муяссар бўла олган: ҳар бир воқеа тасвирида локонизмга эътибор бериш, фикрларни мумкин қадар чўзмастик — таржиманинг энг характерли хислатларидан биридир. Хомуший бадий тасвирда асосий эътиборни оригиналнинг энг муҳим ўринларини мукамал ва таъсирчан қилиб беришга қаратган. Заҳҳокнинг зулму золимлиги тасвири бунга мисол бўла олади.

Таржимон «Маккори модарсўхтаи рўзгор» Заҳҳокнинг золимлиги, халқ мамлакат бошига туширган кулфатларини жуда қисқа, лекин тушунарли ва кучли қилиб баён этган. «Хунарварлар хор бўлди ва сеҳргарлик ва бадкорлик эътибор бўлди,

<sup>1</sup> Ўша асар, 17-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 18-бет.

яхшилиқ битиб ёмонликлар оламға ошкор бўлди<sup>1</sup>. Бутун бир бетдаги Заҳҳокнинг золимлигини тас-вирлашга бағишланган шеър мана шундай сиққ ва локоник тарзда баён этилганки, ўқувчида золим шоҳ ва унинг давридаги эзилган халқ харобаликка юз тутган мамлакат ҳақида тўла тасаввур ҳосил бўлади.

Ёки Заҳҳок Фаридун келиб ўзини тахтдан олиб ташлашини туш кўргач, унинг сабабини мўъбаддан сўраганда уларни жавобини олиб кўрайлик. Дедилар: «Муқаддимаи қор ул ким сен унинг бобосини ўлдургон ва яна атосини ҳам ўлдурурсен ва яна бири улким, зулм-жафоеки, барча халойиқға сандин содир бўлубдур. Ул сабабдан Заҳҳок кори нашойистидин мунфаил бўлди»<sup>2</sup>. «Гапни туз айтмоқни» лозим кўрган мўъбадларнинг Заҳҳокка насиҳати ва унинг қисмати ҳақидаги узундан-узун гаплари ана шу икки жумлада ифодаланган.

Сиёвуш достонида Фирдавсийнинг ўзаро урушларга, қон тўкишга қарши нафрат, адолатга даъват, макр-ҳийла, риёкорлик, бадбинлик, мунофиқлик ва бевафоликка лаънат айниқса яхши ифодаланган. Таржимон ана шу асосий мотивларни сақлаб қола олган, айниқса, Сиёвушни ҳақиқий билимдон, тадбиркор бир баҳодир сифатидаги сиймосини яхши ярата олган. Сиёвуш замонун рақибларининг маккорлиги ва ғамозлигини сезган ҳолда адлу адолат илкини раиятга чўзади. «Сиёвуш келиб шаҳри Хўтанни обод этти, халойиқнинг кўнглини олиб, дилдорлиқ бирла навозишлар қилиб... неча ерда қалъа бунёд этти. Аммо бир шаҳар солдурдиким, кунгура ва фарсанг-дарфарсанг ниҳояти зеб-зийнатлиғ ва ул қалъани Сиёвушгирд дер эдилар. Ул кунларда андоғ обод ва маъмурлуқ эрдиким, ҳеч юрту мамлакат Хўтандек обод эмас эрди. Сиёвуш дод-адл қилиб, халойиқнинг кўнглини илтифот-инъом ва эҳсон бирла шод айлаб, кўрунуш эшикини очиб, халойиқға зар ва жавоҳир сочиб ўлтурур эрди». Асл нусхада мана шу фикр анча чўзилган,

<sup>1</sup> Ўша нашр, 22-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 28-бет



Сиёвушнинг шаҳар ва қишлоқларни кезиши, шаҳарнинг сифат ва кўриниши кенг тасвир этилган. Гарчи таржимон асл нусхадаги воқеа тасвирини изчил давом эттирмаган бўлса-да, лекин асосий мазмун ва ғоя бу парчада ўзининг бадиий ифодасини топган. Кайхусрав Афросиёбдан отасининг қонини олгач, бутун Туронни «тинчлик бўстонига» айлантиришга аҳд этади. Асл нусхада яқин бир саҳифада берилган бу фикрни Хомуший «...Эрон-Туронни роҳат бўстонида амният гулларидан бошлари узра қўйғумдур»<sup>1</sup> тарзида бериб, қисқа, лекин образли ифода яратишга эришган. Умуман, Хомуший таржимада локонизмдан шу даражада усталик билан фойдаланадики, бундай ҳол классик адабиётимиздаги бошқа таржималарда кам учрайди. Буни биз «Рустам ва Сухроб» достони таржимасида ҳам яққол кўрамыз.

Хомуший шеърий парчалар таржимасида ҳам, насрий баёнда ҳам зўр маҳорат кўрсатган, рангбаранг образли иборалар, ўхшатиш ва муболағалар, оҳорли тасвирий воситалар яратган. Чунончи, Сухроб даҳшатидан қўрққан Кайковус Гевдан Рустамга мактуб юборади ва таъкидлайди:

*Агар шаб расй, рўзро боз гарг,  
Бигўяш, ки танг ангар омаг набарг.*

Бу байтнинг мазмуни жуда содда, образли ва ўзбек тилига хос равонлик билан ифодаланган: «Олдида сув бўлса ичмай, илигида гул бўлса ҳидламай ва йўлда ҳам ором олмағайким, то мунда етгунча». Характерлиси шундаки, Хомуший бадиий тасвирда асло такрорга йўл қўймайди. Агар таржимон Рустам билан Сухробнинг биринчи жангида «Ҳар икки паҳлавон тиғи обдорининг дами бамисоли арраи Харрот ўлди» деган ўхшатишни ишлатса, уларнинг иккинчи олишуви тасвирида шу ўхшатишнинг бошқа муқобилини қўллайди: «Булар зарбидин дами тиғлар бўлди пушти наҳангон». Сухробнинг шоншавкати ва таърифини эшитган Афросиёб Пирон-

<sup>1</sup> Ўша нашр, 390-бет.

ни чақириб: «Эй Пирон, умидим дарахти борвор бўлубдур», дейди. Рустам ва Суҳроб отдан тушиб курашга тушдилар, замину замон ларзага келади. Уларнинг баҳодирлигига «фалак атласи юз минг кўз бирла ҳайратда қолди, рабро юзи буларнинг тоб-тўшидан абгор ўлди».

Таржимада ажойиб ва оригинал муболағалар ҳам мавжудки, улар дostonдаги қаҳрамонлар сиймосини янада мукаммал гавдалантиришга хизмат қилади. Рустам шунчалик баҳодирки, «тоқға қўл урса эрди, илдизи бирла кўпориб олур эрди-ю», лекин Суҳробга тенг кела олмайди, бу йигит ҳам баҳодирликда ундан қолишмайди, «агар тоғнинг бир қабзаси Суҳробга кирса эрди, бар андоз бирла бир андоз қилур эрди». Бу ердаги таржимон кучли муболаға яратиш билан сўз ўйинидан ҳам моҳирона фойдаланган, оҳангдош икки жуфт калимани «бир андоз» (бир силтиш билан), «бар андоз» (кўтариб отиш) ишлатиб образли ибора яратган. Психологик тасвирда ҳам, ҳаяжонли жанглари баёнида ҳам Хомуший таржимаси бадийи пишиқ, мукаммал. Баъзан шундай образли иборалар ишлатганки, у асл нусханнинг руҳи, мазмуни, таъсирчанлигини янада аниқ ва ёрқинлаштиришга хизмат қилган.

Кайковус Гударзга нўшдори бермагач, Рустам ғазаб билан бориб эшикни синдиради ва дорини олиб йўлга тушади. Лекин йўлда унга хунук хабар етказадилар:

*Гави пилтан сар сўи роҳ кард,  
Кас омад паяш зугу огоҳ кард.  
Ки Суҳроб шуд 3-ин жаҳони фароҳ,  
Ҳаме аз ту тобут хоҳад, на қоҳ<sup>1</sup>.*

Хомуший бу парчани қуйидагича ағдарган: «Бу аснода йўл узра хабар бердиларким, ул йигитлик бўстонининг навниҳоли гулининг чечакини ажал самумининг шамоли учурди»<sup>2</sup>. Фақат асл нусхадаги «у сендан тахт эмас, тобут тилайдур» деган жумла-

<sup>1</sup> Ўша фотокопия, 62-варақ.

<sup>2</sup> Ўша нашр, 173-бет.

нинг ташлаб кетилганлигини эътиборга олмасак, оригиналнинг мазмуни раvon ва образли тарзда берилган.

Хомуший шеърӣй парчалар таржимасида ҳам бирмунча муваффақиятга эришган, оригиналнинг мазмуни, руҳига яқин таржима ярата олган. Бунда ҳам халқ китоблари, қаҳрамонлик дostonларининг таъсири кучли. Масалан, Рустамнинг Суҳроб билан яккама-якка кураши таърифи худди халқ дostonларидагидек бошланиб, шундай тугайди:

*Гаҳи ул ани минг қадам ёндуруб,  
Гаҳи ул муни минг қадам келтуруб...*

Эрону Турон лашкари саф тортиб, Рустам ва Суҳроб жангига таbl уришга мунтазир. Ҳаво ҳам бу муҳорабага мувофиқлик қилгандек, булут келиб ёмғир ёғдиради, бод келиб майдонни супуриб, мунаввар қилади:

*Ту гуфтӣ, ки абре ба ранг обнӯс,  
Биёмағ, бибориг аз ў сангарӯс.*

Таржимада бу мисралар халқ дostonларида кўп қўлланиладиган байт билан алмаштирилганки, унда оригиналнинг моҳияти тўла ифодаланган:

*Келиб абр сақолик этти аён,  
Бериб бод фаррошлиқдин нишон.*

\* \* \*

Воқеанинг мундарижаси, ғояси ва қаҳрамонларнинг шахсияти, психикасига оид халқ иборалари, образли сўзларни усталик билан танлаб ишлатади. Адолат ҳақида сўз кетса, шу ғояга мос иборалар ишлатади, латиф жумлалар тузади; қайғу-ҳасрат ҳақида гапирилганда, ҳазин оҳангдаги ибораларни қўллайди, ёмон кишилар, зулм-зўрлик ҳақидаги воқеалар баёнида халқ доиншмандлигининг киноя, кесатик, заҳарханда, таъзир каби усулларидан фойдаланади.

Чунончи, Ҳумой шоҳлик салтанатига ўтиргач,

мамлакат обод, раият тинч ва тўқ бўлади, кина-адоват, ўзаро урушлар йўқолади. «Қўй бўри бирла, қароқуш тулки бирла, лочин ғоз бирла рафиқу шафиқ. Нармдилликда андоғ одил эрдиким, мўрча кўнгли озор қоҳиш топмас эрди»<sup>1</sup>. Бутун бир шоҳнинг слтанатни адл-адолат билан бошқариши ана шу жумлада ифодаланган. Ёки Искандар вафотидан кейинги мамлакат аҳволини тасвирлашдаги мана бу сўзларни кўздан кечирайлик: «Жаҳон шоҳлиги нодонлар илкига тушуб, ҳар шаҳарда шаҳриёре ва диёрларда номдоре, гўшаларда беандеша ва бетавса қарор олиб, ...ҳар қайси умаролар ўз диёрини эгаллаб, ўзга шаҳарлар бирла ишлари бўлмади»<sup>2</sup>. Демак, Искандар ўлиmidан кейин марказлашган давлат парчаланиб, мамлакат бўлиниб кетган, ўзаро урушлар, қон тўкиш, аҳоли ва зироатнинг харобачиликка юз тутиши бошланади. Таржимон ўзининг марказлашган давлат, одил шоҳ ҳақидаги фикрини янада ойдинлаштириб, кенг тасвир ва тавсифни талаб этадиган воқеани қисқа баён қилишга, ифодалилик ва образлилик яратишга эришган.

Хомуший қаҳрамонларнинг руҳий кайфиятини, ички кечинмаларини тасвирлашда, портрет чизишда зўр санъаткорлик кўрсатган. У кўпинча оригиналда психологик тасвирларга ижодий ёндашиб, уларнинг қиммати ва таъсир кучини янада кўтаришга муваффақ бўлади. Фирдавсий Эроннинг пушти-паноҳи Рустамнинг шум Шогод томонидан макрҳийла билан ўлдирилишини зўр аламу изтироб билан тасвирлаган. Таржимон Фирдавсийнинг марсиянамо мисраларига ижодий ёндашиб, уни том маънодаги насрий марсияга айлантириб таржима этган.

«Гуруҳ-гуруҳ халойиқ Рустами жаҳонпахлавон мотамида тобутни уйрулуб парвонавор келур эрдилар. То Рустам тобути Зобул шаҳрига етди, тамоми аҳли Зобул навҳа ва фиғон бирла мўйканону жомадаррон тобут олдиға келиб, тобут бошидин кофур, гавҳари ноёблар сочиб, ҳамма ҳушларидин ке-

<sup>1</sup> «Шоҳнома»и туркий, инв. 1953. 181-б варақ.

<sup>2</sup> Ўша қўлёзма, 251-б варақ.

тиб айтур эрдиларким: Эй Рустами вафодор ва эй паҳлавони комрон! То бу вақтгача ҳар сафардин келсанг, биз муҳтожларга дирам-динор ва дурри-шоҳвор исор айлар эрдинг, ҳоло нима бўлдиким, биз бечоралар исориға муҳтож бўлубсен?! То бу вақтгача тамоми шоҳлар тахти санинг сояи ҳумоюннингда ором олур эрди. Ҳоло не бўлдики, тахтаи тобут соясида ором олибсен?! Ва баъзилар айтур эрди: «Эй Рустами номдор! Иқлим шоҳлари бирла базм этмассенму, салоҳи жанг киймассенму? Мундоғ ожиз ва қосур ётурсен?!»<sup>1</sup>.

Адабиёт тарихида бундай марсиянамо психологик тасвирлар кўп. Чунончи, Лайлининг онаси энди жон берган қизининг бошида туриб: «Эй қизим, шунча қаттиқ ухлаб қолдинг, ҳаво соф, олам гулгун. Дугоналаринг ясаниб-тусаниб сени кутиб туришибди, тур, гулзор сайрига бор!» дейди. Агар таржимадаги айрим шеърий парчаларнинг «Садди Искандарий»га яқинлигини, Навоийдаги Искандарнинг Дорога жавоби билан таржимадаги Искандар жавобининг ҳамоҳанглигини эътиборга олсак, бу ўринда Хомуший Навоийдан маълум даражада баҳраманда бўлганлигини кўрамиз. Бундан ташқари таржимада Низомийнинг «Искандарнома»си, Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Оинаи Искандар» достони кўп тилга олинади. Масалан, Хомуший яъжуж-маъжужлар воқеаси, Искандарнинг бир неча йил ҳукмронлик қилганлигини баён этар экан, Фирдавсий достонидаги айрим фикрларни Низомий ва Хусрав Деҳлавий асарлари билан муқояса қилади. Демак, Хомуший «Шоҳнома»ни таржима қилишда бу санъаткорлар даҳосидан ҳам завқ ва мадад олган.

Таржиманинг яна асосий хусусиятларидан бири, унинг халқчиллигини, бадий қимматини оширишга хизмат қилган нарса унга халқ дostonлари ва эртаклари руҳининг сингдириб юборилганлигидир. Ўтмиш адабий ва маданий анъаналаримизда ҳикоягўйлик ва қиссахонлик пайтида асосий эътибор дostonлар тилининг равонлиги, мусиқийлиги ва соддалигига қаратилган. Чунки, эшитувчиларга халқ

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 174-б варақ.

ҳикоялари, дoston ва эртакларнинг услубидаги асарлар яхши етиб борган ва манзур бўлган.

Хомуший таржимани «Ровиёни дафтар ва ноқилони қиссаи ширинсуханни мўтабар андоғ келтирибдурларким»<sup>1</sup>, деб бошлашининг сабаби ҳам таржимани халққа манзур қилиш ва унинг эмоционал таъсирини оширишдан иборат. Хомуший халқ китобларида қўлланиладиган бу бошланмани воқеанинг руҳига қараб турли йўсинда қўллайди, уни ижодий қайта ишлаб сайқал беради.

Шунингдек, Хомуший халқ эртакларидаги фантастик ва афсонавий мотивларни ҳам таржимага киритган. Искандарнинг вайронада туғилиб, эчки эмизиши, уни аждар қўриқлаб туриши, Гуштаспнинг романтик саргузашти, Сомнинг уйқуда Чин маликасига ошиқу беқарор бўлиб, маъшуқасини ахтариб сарсон-саргардон бўлиши, воқеаларга пари, фаришталарнинг кўп аралашуви ўзбек халқ афсона ва эртакларининг кучли таъсирини кўрсатади. Рустамнинг уйланиши базмида «Ҳофизлар ва бахшихонандалар ҳай-ҳай ўланни саропардаи фалақдин ўтқарур эрдилар»<sup>2</sup>, «Гуштасб тиғи Салм бирла аждар бошини қалам қилиб, учасидин тасма сўюб олиб, андин сўнг тамоми аъзосини юб, дугона аз баҳри ягона адо айлаб»<sup>3</sup> йўлга равона бўлди. Искандар хотинлар шоҳига ёзган мактубини «Мен ул кишидурменким, мени Искандари Зулқарнайн дерлар»<sup>4</sup> деб бошлайди. Фаридун Эраж вамида йиғлайвериб, қомати букилади, обидийдасидан атрофида гиёҳлар унади. Хомуший мана шу ҳолатни беришда ҳам ўзбек халқ эртакларидаги «...Гиря касратидин кўзлари атрофида гиёҳлар унди», «Зор-зор чун абри навбаҳор йиғлади»<sup>5</sup> каби иборалар билан осонгина алмаштирган. Буларнинг ҳаммаси Хомуший таржимада халқ оғзаки ижодидан нақадар баҳраманд бўлганидан далолат беради.

Жанглр тасвирида, паҳлавонлар тавсифи, жанг ва жанг майдонларини чизишда халқ дostonларида-

<sup>1</sup> «Шоҳнома»и туркий, Т.: 1908, 13-бет.

<sup>2</sup> Ўша нашр, 138-бет.

<sup>3</sup> Ўша нашр, 413-бет.

<sup>4</sup> Ўша қўлёзма, 241-б варақ.

<sup>5</sup> Ўша нашр, 45—13—84—282-бетлар.

ги «майманаю майсарада лашкар саф-дарсаф бўлди», «Маъракаи майдон чун дили сиддиқон мунаввар бўлди», «Бод фаррошлиқ қилди, абр сақолиқ этти», «ул вақтда булут сақолиқ, шамол фаррошлиқ кўргузуб, майдонни гард ғуборини канорада ором берди, майдонни орифлар кўнглидек равшан айлади»<sup>1</sup> каби иборалар кўп ишлатилган. Хомуший муболағида халқ дostonларидаги ярим ҳақиқий, ярим афсонавий тасвирларни қўллайди.

Баъзан таржимон муболағани кучайтириш, қаҳрамонлар шижоати, руҳиясини ёрқинроқ акс эттириш мақсадида оригиналдан тамоман чекинади. Фирдавсий Рустамнинг зўри бозуси, салобати, жаҳонпахлавонлигини маҳорат ва муҳаббат билан тасвирлайди. Лекин асл нусхада Рустамда гурзини фалакка ирғитиб, қайтиб тушгунича «неча иқлим жанг» қилиши, рақибини олмадек отиб юбориб қайтиб келганда хушлаб олиши каби сифатлар йўқ. Хомуший таржимада Тахамтаннынг гурзи ўйнатиб жанг қилишини тасвирлашда, айниқса, маҳорат кўрсатган. Таржимон Фаридун достонида шоҳнинг Ковага етти юз ботмонлик гурзи тайёрлаттирганини алоҳида таъкидлаган эди. Қуйидаги парчада Рустамнинг баҳодирлигини бўрттириб кўрсатиш мақсадида таржимон ҳатто ўзининг ана шу фикрига зид тасвирни берган. «Амудини осмон тарафига тошлаб, ёниб келгунча икки минг етти юз ботмон камар занжирни белига маҳкам боғлаб ва ушоғ соқолини маҳкам тишлаб ...тўққиз минг тўққиз юз тўқсон ботмон умиди говсари Фаридуншоҳ осмон тарафидин пайдо бўлди, Рустам тутиб олиб, Азроил алайҳиссаломдек етти бор наъра тортдиким, кўхў биёбонлар ларзага келди, икки лашкарнинг қулоқлари қар бўлди, чароки Рустамнинг наъраси уч кеча-кундузлуқ ерға етор эрди»<sup>2</sup>. Бу ва бошқа муболағалар таржимоннинг «Шоҳнома» қаҳрамонларига меҳр-муҳаббатини, халқ қаҳрамонлик эпосини нақадар яхши билганининг ифодасидир. Рустам шунчалик баҳодир, ҳар қандай балони даф этадиган жаҳонпахлавон бўлиши билан бирга ҳақиқий инсон. Шунинг учун

<sup>1</sup> Ўша нашр, 45—13—84—282-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 298-бет.

таржимон Рустамнинг руҳий ҳолатини беришда ҳам унинг ана шу баҳодирлигига хос хислатини эътибордан четда қолдирмайди, унинг ғамгин ҳолатидан ҳам шу саловат кўринади. Чунончи, Зол ва онасининг хафалигини, «фарзанд доғида ҳасрат чекаётганликларини эшитган Рустам «чунон гирялар қилдиким, мурғони ҳаво, моҳиёни дарё нолага келди»<sup>1</sup>.

Фаромарз ҳам баҳодирлик ва шижоатда Рустамдан қолишмайди, не-не паҳлавонларни «катми адамга» жўнатади. Таржимон ундаги ана шу қаҳрамонликни кўрсатишда бошачароқ тасвирий воситалардан фойдаланади, унинг сипар тутмоқ маҳоратини алоҳида кўтаринки руҳда очиб беради. Мана, Фаромарз Сақлоби Чиний билан яккама-якка майдонда «Сақлоб кўполини кўториб бошига сипар тортиб зўри тамом бирла зарб еткурдиким, сипар-кўпол орасидин хирмон-хирмон ўтлар чиқти, Фаромарз таковари қурсоқиғача ерга урноди, аммо асло бозу си ҳам бўлмади»<sup>2</sup>. Гурз зарбидан қалқондан ўтлар чиқади, от тиззасигача ерга ботиб кетади-ю, Фаромарзнинг билаги ҳам бўлмайди. У Фаромарзгагина хос хислатдир.

Асарда образларнинг ички дунёсини очиш, улардаги мунофиқлик ва ёмонликни бўрттириб кўрсатишда ҳам Хомуший алоҳида маҳорат кўрсатган. У халқ донишмандлиги, киноя, қочирриқ ва заҳархандалардан, мақол ва ҳикматли сўзлардан яхши фойдаланади; кам сўз ва қисқа жумлалар орқали кўп фикрни ифодалашга эришади. Чунончи, Баҳманнинг золимлиги ҳақида гап борганда «Золим подшоҳ... тикондур. Тикон дарахтига сув берса нашъу намо беродур, аммо мева бермайдур ва қуруса оёқларга санчиб озор беродур»<sup>3</sup> дейди.

Таржимоннинг санъаткорлиги — ўзга тилдаги асарни ағдаришда она тилининг бойликларидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиши, оригиналнинг миллий хусусияти, сюжет, композиция, образлар индивидуаллиги, хуллас, асарнинг барча ба-

<sup>1</sup> Ўша асар, 300-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 182-бет.

<sup>3</sup> Ўша нашр, 406-бет.



дий компонентларини бера билиш билан белгилади. Албатта, бунда асардаги ички ҳиссиёт, қаҳрамонларнинг руҳиясини сақлаб қолиш ҳам муҳимдир. Хомуший, гарчи Фирдафсий дostonларини қисман ислоҳ қилган, ўзича янги детал ва эпизодлар киритган бўлса-да, лекин бадий, ғоявий қимматига путур етказмаган; мумкин қадар оригинал руҳи, ғоявий йўналишини сақлаб қолишига интиланган; бунда у асосий эътиборини образлиликка қаратади. Чунончи, у «қутулди» ўрнига «Бало домидин саломат соҳилига чиқди», «ғазабланди» ўрнига «Баданидаги мўйлари наштари обдор янглиғ жомасидин сар бадар қилди» каби ибораларни ишлатади. Баъзан Хомуший контекстнинг талаби, воқеанинг руҳига қараб образлилик ва локонизмга эришиш мақсадида бир иборани турли шаклда қўллайди. Масалан, «ўлдирди» ва «ўлди» сўзлари ўрнида «жони асфаласофинга кетти», «йўқлуғ корхонасига юборди», «тириклик риштасини йўқлуқ микрози бирла кесди», «Хокдон даҳр бирла баробар қилди», «Мурғи жони боғи Эрам сори парвоз қилди», «Номи умрини тай қилди», «Катми адамға тофшурди», «Сақарға юборди». «Дорул фанодин дорул бақоға рихлат қилди» каби образли иборалар ишлатилганким, шубҳасиз, булар асарнинг бадий қимматини оширишга хизмат қилган.

Хомуший қуруқ баёнчиликдан, нурсиз тасвир ва яланғоч фикрдан қочади; ҳар бир ибора ва тасвирий воситаларни маълум вазифа бажаришга бўйсундиради, фикрни ихчам, лекин образли тарзда беришга интилади. Биргина «пушаймон бўлди», «ҳайратда қолди» каби гапларнинг ўрнида бир неча бир-бирини асло такрорламайдиган иборалар ишлатган: «Ҳайрат бармоғини таажжуб дандони бирла тишлади», «Ҳасрат ёшларини надомат кўзларидин жўйбор айлади». Булар контекстга қараб турлича товланса-да, лекин, асосан «афсус», «пушаймон» маъноларини билдиради. «Зафар топди», «ғалаба қилди» каби гаплар «Нусрат шамоли Искандар тарафиға чиқишға олди», «Идбори тунд боди Арқомшоҳ жабҳасиға ўлтурди», «Нусрат шамоли эронийлар жанибиға вазнида қилди» каби ибораларда; «таслим бўлди» ибор-

раси «Қуллуқ ҳалқасини итоат қулоқиға солди» ва бошқа шу сингари ибораларда ўз аксини топган. Қуйидаги мисоллардан, таржимоннинг ҳар бир эпизод тасвирида кўпроқ халқ ибораларини қўллашга интилганини, ранг-баранг ўхшатишлар ишлатганини кўрамиз. Фаридун билан Заҳҳок лашкари бир-бирларига қарши ёппасига ҳужумга ўтадилар: «Гала ва рама ичра шер тушкандек ва бўри қўйға чопқондек ва қамишқа ўт туташқондек андоғ жанги гарм айладиларким, то намози дигарғача Заҳҳок лашкари зеру забар бўлди»<sup>1</sup>.

Афросиёб зolim ва талончи шоҳ, худбин ва мағрур, бойликка ҳирс қўйган инсон. Унинг Рустам олдида заифлигини кўрсатишда муаллиф алоҳида приёмлар қўллайди. Рустам Бижонни қутқазиб кетади. Афросиёб бу воқеанинг сабабини суриштирганда Пирон «Бу кеча бир бўри келиб икки қафлонни ўз қабиласиға элтибдур»<sup>2</sup> деб жавоб беради. Ўзаро жангда Афросиёб енгилиб қочиб кетади. Эрта тонгда «...Афросиёб ниҳоятда паришон бўлуб, сайёдлар домидин қочиб, тушукға киргон тулкидек бу тоғни унгуридин чиқти»<sup>3</sup>.

Афросиёб зулм-зўрлик тимсолигина эмас, балки инсон ҳақ-ҳуқуқини поймол этадиган, даҳшатли мустабид феодал. У қизи Манижанинг Бижонни севиб қолганини эшитгач, ўғли Қорахонни чақириб, «Ҳар кимда қиз таваллуд этса, бошини кесиб қонини оқиз», «Заифа қачон бўлғуси ҳушманд», «Қиз атоға зарар еткизур», «Худо законларни чап ёндин тузотган», «Улар бадсиришт, аксори кирмагайлар биҳишт» деб ўз фарзандини бадном қилади.

Салм ва Турнинг Эражга нисбатан душманлиги ва бахилликларини тасвирлашда ҳам ўзига хос услуб ва тасвирий воситалар яратилган. Шуниси характерлики, салбий образлар ички дунёсини очиш учун ишлатилган иборалар ҳам ранг-баранг. Шоғод шумнинг ёмонлигини кўрсатиш мақсадида ишлатилган «кўнгул зироатгоҳиға адоват уруғини

<sup>1</sup> Ўша нашр, 33-бет.

<sup>2</sup> Ўша нашр, 281-бет.

<sup>3</sup> Ўша нашр, 282-бет.

экти»<sup>1</sup> деган гап фақат шу Шоғод воқеасида учрайди. Умуман, Хомушийнинг сўз танлаш, бадий воситалардан фойдаланиши, халқ мақоллари ва ибораларини усталик билан ишлата билишни таржиманинг бадий қимматини янада оширган.

Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги кучли бадий тасвирлардан бири қуёшнинг чиқиши ва ботиши тасвиридир. Шоир қуёшнинг гоҳ тоғлар орқасидан, гоҳ боғлар ортидан, гоҳ океан каноридан юз хил товланиб чиқишини юз хил тасвирлайди; баъзан қуёш фалак майдониға заррин ханжар кўтариб чиқиб хабар кўксини — тун кўксини чок-чок этади, гоҳ олтин алам билан келиб оламни мунаввар қилади, гоҳ эса, рахшон қасрига чиқиб, ўтириб, коинотни ўзининг ҳаётбахш зиёсидан баҳраманд этади; хуллас, ҳамиша қуёш қоронғиликни енгиб, кишиларга равшанлик, хурсандлик, зафар келтиради. Хомуший ҳам таржимада ана шу бадий бўёққа алоҳида аҳамият берган ва қуёшнинг ботиши, куннинг чиқиши тасвирини ўзига хос услубда бера билган. «Рустам ва Суҳроб» достонидаги мана шундай тасвирлар Хомуший таржимасида оригиналдагидек жанрланган.

*Чу хуршег гашт аз жаҳон нопади,  
Шаби бар тира рўз доман кашид.*

«Офтоби оламтоб ҳам тахти зарринидин тушиб, қаро чодир ичра пинҳон бўлди».

*Чу хуршег баргошт заррин сипар,  
Замона баровард аз чарх сар.*

«Алқисса, тонг отиб, Хисрави ховар фалак майдонида заррин аламини ёйиб, шаби тирани рўзи равшанға мубаддал қилди» ва ҳоказо.

Характерлиси шундаки, оригиналдаги бу каби кучли эпитетларни воқеаларнинг жараёнига, достонлардан кўзда тутилган ғояларни кучайтириш ва сайқал бериш, персонажлар кайфиятини бўртти-

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 170-а варақ.

риб кўрсатиш мақсадида бир-бирига ўхшамайдиган шаклда ишлатилади. Кўпинча у тунни ҳайдаб қуёш чиқиши, қуёш нурини тун бекитишини асардан кўзда тутилган мақсадни ёрқинроқ ифода этиш учун бир-бирига қарама-қарши қўяди, таржимон салбий характерлар ва мунгли воқеалар тасвирида қоронғи тунни кўпроқ эслатади; аксарият ҳолда қуёш мангу ёруғлик тимсоли сифатида берилиб, у туннинг қора бағрини чок этади.

Фирдавсий кўп ҳолларда қуёшнинг чиқишини жанг ва курашлар бошланиши билан узвий боғлаб, зафар рамзи сифатида беради. Ўзбекчада ҳам қуёш минг хил жилва билан, қўлида алам, юз лак ханжар билан чиқиб, майдонни мунаввар этса, албатта, ўша кун фозиллар зафар топади. Фаридуннинг Заҳҳок устидан зафар топиши ва Эрон устида адолат нури порлайдиган тонгдаги қуёш чиқиши «Вақтеки офтоби гулранг бош даричаи харчангдин чиқариб, чунон пуршухўшанг, янглиғ мунаввар жамоли бирла оламни ёрутти. Икки тарафдин лашкар барқ-барқ, фавж-фавж келиб, баробари яқдигар қарор олдилар... Майдон паривашлар баногўши янглиғ равшан, пурдиллар кўнгли гулшани гулидек очилиб ва бедиллар кўнглидек, байти охирин янглиғ йиқилиб»<sup>1</sup> ораста бўлди деб таърифлайди.

Асарнинг бошидан охиригача мана шу тасвир турли рангда товланади, неча марта қуёш чиқиши келса, у ҳар хил тусда, турли ҳаракатда ва ўзига хос хусусият билан жилоланади, янги сифат ва янги мазмун касб этиб боради. «Вақте кўрдиларким, Хисрави ховар баҳри сафин йиртиб, тахтнинг тўрт пояси устида қарор топибдир»<sup>2</sup>, яъни Гершасп баҳодирлари базм ва айш билан машғул бўлиб, қуёшнинг тик кўтарилганини сезмай қолибдилар. «Вақтеки, шоҳи Ховар сипари заррин сари дастига олиб, кечанинг сипоҳи муқаддарини мунҳазм айлаб, тахти ферузгуни фалак узра барқарор ўлди»<sup>3</sup>. Бу ерда таржимон характерли учта образ яратган.

<sup>1</sup> Ўша нашр, 36-бет.

<sup>2</sup> Ўша нашр, 23-бет.

<sup>3</sup> Ўша нашр, 132-бет.

1. Қуёш бир жаҳонпахлавон, сонсиз тиф ва қалқон билан қуролланган.

2. Унинг қаршисида зулм ва ғам-андуҳ тимсоли душмани қора тун турибди.

3. Сипар ва тифлар ёрдамида душманни енгиб, ўз тахти «Ферузагун фалак узра» ўлтириб, дунёни ўз саховатидан баҳраманд қилади.

Таржимон қуёшнинг чиқишини беришда «меҳри анвар пардаи ложуварддан чиқти», «Офтоб зулмат торикидин бош чиқарди», «Хуршиди оламоро мулки Мағрибда тахти обнус устун барқарор бўлди», «Аммо меҳри анвар кўҳи Ховардин бош чиқарди», «Хуршиди Ховар бу фалаки давворни равшан айлади» каби қисқа, лекин аниқ ва локоник тасвирга ҳам эришган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, таржимадаги қуёш чиқиши ва ботиши тасвири аксарият ҳолатларда оригиналга жуда ҳам ҳамоҳанг; асл нусхадаги юксак бадиий ифода, теран мазмун ва муболаға таржимада мукамал акс эттирилган. Баъзан, Хомуший Фирдавсий тасвиридан бир оз чекинади, янги иборалар, эпитетлар қўшади. Муқояса қилинг:

*Чу хуршег заррин сипар баргирифт,  
Шаб он шаъри пирўза бар сар гирифт.*

«Вақтеки, Хуршеди Ховар сипари зарринни бардўш этиб, фирузгун фалак қалъасини фатҳ қилиб, бу олами қиргунни ўз зиёи нури бирла равшан ва мунаввар қилди»<sup>1</sup>.

Қуёшнинг чиқиши — ҳамиша коинотни яшнатади, барча мавжудотни жонлантириб, ҳаммага фараҳ бахш этади, табиатнинг зеб-зийнати ундан, шунинг учун табиат уни ҳамиша ўз қасрида кўришни истайди. Тун эса — йўқлик, ғамгинлик, қайғу-ҳасрат тимсоли, ҳамиша ёмонлик келтиради. Шунинг учун таржимон қуёшни ҳамиша шамшир ва қалқон кўтариб майдонга чиқадиган баҳодирга ўхшатиб, уни халоскор, тунни зулмкор деб кўрсатади. «Ховар шоҳи Рум лашкари бирла машриқзаминидин хуруж

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 146-б варақ.

айлаб, зангбор лашкарини мунҳазм айлади: «Кечани зоғлари тонг қушидин ҳаросида бўлуб, канора тутти: Меҳри оламафрўз фирузгун фалак майдонида ясолоролиқ кўргузди»<sup>1</sup> ва ҳоказо.

Қуёшнинг ботиши, қоронғи тун тасвири ҳам ранг-баранг бўёқларга эга. Агар қуёш чиқишида у зулматни енгиб, уни ер юзидан супуриб ташласа, туннинг киришида қуёш мангу зулматликни рамзи башарасидан қочиб қутулади, тўғрироғи, у билан бир майдонда туришга ҳазар этади. «Кундузнинг шоҳи кечанинг ҳиндуларидин қочиб, Мағриб жоҳида узлатнишин бўлди»<sup>2</sup>, «Офтоби оламтоб тахти ферузарангидин тушиб, хаймаи тирагунида барқарор ўлди»<sup>3</sup>, «Шоҳи Ховар тахти зарриндин тушуб, шаҳри зангбор ичра бахмал чодариға кириб, тун духтари жисми гарддорини оғуш айлади»<sup>4</sup>.

Умуман, Хомуший юксак санъаткорлик маҳоратини намоиш этган, бадий сўз санъатининг барча воситаларидан тўла ва муваффақиятли фойдалана олган. У таржимада халқ донишмандлиги: мақол, матал, ҳикматли сўзлар ва иборалардан унумли фойдаланган, бадий тасвирда ўзига хос образлилик ва услубга эришган. Оригиналнинг асосий моҳиятига, кўпинча, путур етказмаган ҳолда, ўзбек халқ дoston, эртак ва халқ китобларининг мотивларини усталик билан сингдириб юбора олиши ҳам унинг ана шу юксак маҳоратидан далолат беради. Буни биз Хомушийнинг сажъ санъатидан фойдаланишида ҳам кўраимиз.

Сажъ ёзувчи услубининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Классик адабиётимизда адибларимиз сажъ санъатидан турли мақсадларда фойдаланганлар. Айрим ёзувчилар ундан асар бадийлигига сайқал бериш, чинакам санъаткорлик кўрсатиш мақсадида фойдаланганлар, китобхонларнинг диққатини воқеанинг асосий нуқтасига жалб этиш, фикрни образли ва гўзал тарзда ифодалаш, мазмунни мантикий изчилликда баён этишда сажъ ало-

<sup>1</sup> Ўша нашр, 319-бет.

<sup>2</sup> Ўша қўлёзма, 261-бет.

<sup>3</sup> Ўша нашр, 170-бет.

<sup>4</sup> Ўша нашр, 180-бет.

ҳида аҳамият касб этади. Айни вақтда сажъ насрнинг оҳангдорлиги, ўқувчи ва эшитувчига таъсир этиш қудратини кучайтириб, ёдлаш ва эсда сақлаб қолиш учун енгиллик туғдиради.

Сажъ аслида халқ оғзаки ижодига хос бўлиб, ёзма адабиётга фольклордан ўтган. Халқ эртакларининг мусиқийлиги ва таъсирчанлигининг сирларидан бири унда мана шу сажъ санъатининг зўр маҳорат билан қўлланилишидир. Деярли барча ўзбек халқ эртакларининг бошланмаси сажъдан ибрат. Достонларда ҳам бу санъатдан кўп фойдаланилади. Мисоллар, «Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги, қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан, кўк музга минган экан, мурти синган экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, олақарға озончи, қора қарға қозончи, чумчуқ чақимчи экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан. Эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор»<sup>1</sup>. Халқ достонларида бу услуб портрет чизиш, қаҳрамонларнинг кураш майдонида жавлонбозлиги тасирида кўпроқ учрайди. Бу ўринда «Қундуз билан Юлдуз» достонидан олинган қуйидаги мисол характерлидир: «Қараётган Қундузи, юзлари тонгининг юлдузи, асадан ширин сўзи, Зангор элнинг ёлғизи, шу элатнинг жоду кўзи, Зангорнинг соҳиб тамизи, балки Жаҳоннинг азизи, тоза излаганнинг ўзи, гулдан қизил ойдай юзи, ярашгандир жоду кўзи, топилмайди босган изи, ўликни тиргизар юзи»<sup>2</sup>. Демак, сажъ ҳам халқ оғзаки ижодининг таъсири туфайли ёзма адабиётга кириб, ўзлашиб қолган.

Ўзбек адабиётида сажънинг дастлабки ва энг яхши намунасини Носириддин Рабғузийнинг баҳор тасвирида кўрамиз. Алишер Навоий «Хамса»сидаги достонларнинг сарлавҳалари, «Маҳбуб ул-қулуб»нинг бир неча фасли ҳам сажъ санъатида ёзилган. Аммо баъзи ёзувчилар сажъдан фақат шакли гўзаллаштириш, насрда жимжимадорлик касб этиш мақ-

<sup>1</sup> «Тулки билан Товус». Ўзбек халқ эртаклари, I том, ЎзССР ДБАН, Т.: 1963, 54-бет.

<sup>2</sup> Музайяна Алавия. Дурдоналар хазинаси, «Ўзбекистон Хотин-қизлари» журн. 1965, 2-сон, 18-бет.

садида фойдаланганлар. Бундай асарда кўпинча мазмун шаклга қурбон бўлиб қолади.

Хомуший сажъ санъатидан ғоятда усталик ва маҳорат билан фойдаланган. У деярли ҳамма бошланмаларни сажъда берган. Бунда у асосий эътиборни китобхоннинг диққатини жалб этиш, баёнда изчиллик ва образлиликни кучайтиришга қаратган. Шуниси характерлики, таржимада шоир кўпинча сажъ санъатининг ҳар уч шаклини узвий ишлатади, яъни асосий эътибор бир хил шаклдаги сўзларнинг (ҳам оҳанг, ҳам ҳарфлар эътибори билан) ишлатилишига эмас, оҳангдорлик, бадийлик ва мазмунни қабартиришга қаратилган. Масалан, «Оби алафи тоза ва кўҳи балаңди беандоза», «Сару пои мулукона ва хилъати шоҳона бирла сарафроз этти», «Шоҳ тириклигини риштаси узун, давлати мояси фузун бўлғай», «Аммо Афросиёб бу муқаддималарни кўруб, кўнгли хароб, дидалари пур об; жигарлари кабоб Эрондан қочиб, Турон жонибиға равона ўлди»<sup>1</sup>. Қуйидаги парчада «Сажъи мутавозий» ва «Сажъи мутарраф»дан фойдаланилган бўлуб, у воқеа изчиллигини таъминлаш, китобхон диққатини шу нуқтага алоҳида жалб этиш вазифасини бажарган. «Канизакони моҳпайкар ва ғуламони зарринкамар ва хизматкорони некўсар ва утоғҳои корфармой ва дояҳои маҳфилорой бирла қайтиб, ўн минг киши бирла манзил-баманзил, мароҳил-бамароҳил тай қилиб, шоду ҳуррам ва давлатмандлар соясида беғам Фаридун шоҳ хизматиға келур эрдилар»<sup>2</sup>. Демак, Хомуший бу ерда Фаридун келинларининг тантанавор келишини алоҳида ажратиб, лекин изчил ва ягона мантиқда кўрсатмоқчи бўлган. «Канизак» бор жойда «ғулом», «ўтоғ» бор жойда «хизматкор» муҳайё, «бола» бор жойда «доя»нинг бўлиши табиий. Таржимон баъзан жанг тасвирини кучайтириш, ўқувчи хаёлини муҳораба картинасининг энг қизиқарли, ҳал этувчи нуқталарига тортиш, шу билан бу воқеа ҳақида унда мукамал тасаввур қолдириш мақсадида ҳам сажъ санъати-

<sup>1</sup> Ўша нашр, 25, 26, 322-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша нашр, 40-бет.



дан фойдаланган: «...Андоғ қаттиғ корзор қилди-ларким, фашофаши тиғи паррон, чакочаки шам-шери буррон, тароқо-туруқи амуди гарон, жаҳон бўлди гўё оҳангарон. Алқисса, бошлар гўй-гўй, қонлар жўй-жўй, дастлар чавгону танлар ғалтон ушбу тариқ ва ба ҳар фариқ бу икки лашкар кеча-кундуз жанг қилдилар»<sup>1</sup>. Бошланмаларда ҳам сажънинг ҳар уч шаклини учратиш мумкин. «Сухан аҳлининг тождори ва назм иқлимининг номдори», «Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони достони куҳан ва хўшачинони хирмони сухан», «Ровиёни дафтар ва ноқилони қиссаси ширин сухани мўътабар андоғ келтирибдурларким», «Муҳаддисони достони бўстони куҳан, хўшачинони хирмани сухан, шоҳони мозий ва подшоҳони мажозий воқеотларини андоғ баёнға келтирибдурларким», «Аммо ровиёни дафтари жонсўз ва ноқилони ҳикояти маърифати дилафрўз андоғ хабар берибдурларким» ва ҳоказо.

## **Нурмуҳаммад Бухорий таржимаси ҳақида**

Буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си Хомуший билан деярли бир вақтда Хивада Нурмуҳаммад Бухорий томонидан таржима қилинган. Таржимоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, таржима қилинган вақт ҳам аниқ эмас. Таржиманинг бизгача икки қўлёзмаси сақланиб қолган<sup>2</sup>. 7019-номерда сақланаётган қўлёзманинг сўзбошисига қараганда таржима Хивада Муҳаммад Амин Иноқ хонлиги даврида бажарилган. Бу ҳақда сўзбошида шундай дейилади. «...фасоҳат шиор, балоғат осор, сарви мавзун, жуйбори дониш, ниҳоли матбўъ, марғзори пешписандидан табъ, малехулкалом фасеҳпаём ...Муҳаммад Амин Иноқ олий эшон эрдилар, бу бечораи бебизоат, қалил ситоат, яъни Муҳаммад Қосим бинин Мулло Нурмуҳаммад Бухориам, фалакнинг шўъбадабозлиқидан Хоразм вилоятига келиб, бир неча вақт мутаваттин бўлиб

<sup>1</sup> Ўша нашр, 565-бет.

<sup>2</sup> УзФА Беруний номидаги ШИ, инв. 7019—6912.

эрдим. Мухтасари сўз буким, талаб қилдиларким, «Шоҳнома» барча тарихда мўътабар турур, турк тилига таржима қилинг, токи раият... ва авом андин баҳраманд бўлғай»<sup>1</sup>.

Демак, Нурмуҳаммад аслида бухоролик бўлиб, қандайдир нуфузли доирага мансуб. Эҳтимол, у «фалакнинг шўъбадабозлиги» деб Бухоро шаҳар меҳнаткашларининг 1785 йилги кўзғалонини кўзда тутар. Ҳарҳолда, Муҳаммад Амин Иноқ (1762—1790) саройида паноҳ топиши ва «замондин шикоят» қилиши бирон бир сабаб билан Хивага бориб қолганлигини кўрсатади. Шунинг учун «Шоҳнома»ни у XVIII асрнинг 80-йиллари ўртасида афдарган, деб тахмин қилиш мумкин. Гарчи сўз бошида таржимон бу «ишда салоҳияти», «қобилияти» бўлмаса ҳам шоҳнинг раъйини қайтара олмаганини қайд этган бўлса-да, лекин у ҳар икки тилни яхши билган, бадий ижодда анча тажрибага эга бўлган. Зотан, у истеъдод эгаси бўлмаганида Муҳаммад Амин Иноқ «Шоҳнома»дек шоҳ асарни таржима қилишни унга топширмаган бўлар эди. Таржима анча содда ва равон тилда бажарилган. Афтидан, Нурмуҳаммад таржимани қисқа вақтда бажарганга ўхшайди. Зероки, таржимон шеърийатда ҳам анча салоҳиятли бўлишига қарамай, Сиёвуш марсияси шундан далолат беради, шеърий парчаларни аслича қолдирган. Нурмуҳаммад Бухорийнинг шайх Иноятиллонинг «Баҳори дониш» номли асарини тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилганлиги ҳам маълум. Лекин унда ҳам таржимон, китоб муаллифи, таржима қилиши сабаби ҳақида маълумот йўқ. «Баҳори дониш» таржимасининг 1263 (1836) йилда кўчирилган нусхаси мавжуд<sup>2</sup>. «Шоҳнома» таржимасидаги ўзбекча, тожикча шеърий парчалар, аynиқса, «Сиёвуш марсияси» Нурмуҳаммад Бухорийнинг қобилиятли шоир эканлигини кўрсатади: «Маликаи Фарангиз Сиёвушнинг фироқида йиғлаб бир мусибатнома ўқийди:

<sup>1</sup> «Шоҳнома»и Фирдавсий. Инв. № 7019, 2-а бет.

<sup>2</sup> Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Ўз. Фан нашр. Т.: 1965. 138-бет.

Эгилган қомати сарви хиромонимдан айрилдим,  
 Жаҳон бўлди қоронғу, моҳитобонимдан айрилдим.  
 Кўзимнинг равшани меҳри гурахшонимдан  
 айрилдим,  
 Қамар юзли, ширин сўзли суҳандонимдан айрилдим.  
 Ажалнинг гасидин ман нола-афғон этмайин  
 найлай,  
 Юроким чок этиб, юз оҳу афғон этмайин найлай.  
 Кўзимнинг ёшини гарёи уммон этмайин найлай,  
 Бу ҳасрат бирла қолдим, менки армон этмайин  
 найлай,  
 Жаҳон боғида битган сарви озодимдан айрилдим»<sup>1</sup>.

Малика зор-зор чун абри навбаҳор йиғлайди, бевафо дунё, золим шоҳ, кажрафтор фалак, ҳақсизликдан шикоят қилади, доноларга кулфат, нодонларга иззат келтирган замонни лаънатлайди, золим отаси, умуман, адолатсизликни қоралайди. Бу садоқатли маъшуқанинг нидоси, севгилиси ғуссасида ўқиган марсияси замонаси учун лаънатномасидир.

Таржимада оригиналга алоқаси бўлмаган бир неча байт, рубоий, шеърий парчалар мавжудки, уларнинг айрими таржимон қаламига мансуб бўлса, баъзилари бошқа шоирлардан ёки халқ оғзаки ижодидан олингандир. Чунончи, Рустам Кайковусдан мактуб келтирган Гев шарафига зиёфат бериб, ўзи косагул бўлади. Таржимон бодадан юзлари лоларанг бўлган мажлис аҳлининг хурсандлигини таърифлар экан, «Чунончи, шоир айтур» деб қуйидаги парчани келтиради:

*Нозанине, ки аз арақ тар шуг,  
 Нозанин буг нозанинтар шуг.  
 Шароб хўрдаву рухсора лолагун карда,  
 Чунон нашаста, ки гуё ҳазор хун карда.*

Мазмуни:

*Май таъсирида терлаб кетган гўзал янада нозанин  
 бўлиб кетди.  
 Шароб ичгандан сўнг юзлари лоладек қип-қизариб  
 кетди.*

<sup>1</sup> «Шоҳнома»и Фирдавсий. Нурмуҳаммад Бухорий таржимаси. Ўша қўлёзма, 615-а варақ.

Бу шеър, албатта бошқа муаллифники бўлиши керак. Агар бевосита таржимонга мансуб бўлганда «шоир айтур» демаган бўларди. Қўлёзманинг 476, 157 а, 391 б, 590 б, 727 б ва бошқа варақларида ҳам оригиналга дахли бўлмаган шеърлар мавжуд. Қуйидаги рубоий эса Бухоро халқ оғзаки ижодининг маҳсулидир:

*Боз оё зоҳир он чи карғи, боз обе,  
Гар кофири, муғи, бугпарасти, боз обе,  
Ин дарғаҳи мо дарғаҳи навмид нест,  
Сағ бор агар ту бишкасти, боз обе.*

Мазмуни:

*Ҳар нақи зоҳир эттинг яна намоён эт,  
Христианми, оташпарастми ёки бугпарастми,  
яна кел.  
Бизнинг даргоҳимиз умидсизлик ошиёни эмас,  
Юз қатла бевафолик қилган бўлсанг ҳам, бари бир  
яна кел.*

Нурмуҳаммад Бухорий таржимасининг бизгача уч қўлёзмаси етиб келган. Ҳар уч нусха ҳам ЎзФА Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Улар турли йилларда котиблар томонидан кўчирилган. Нусхалар варақларнинг миқдори, хат ва матннинг сифати, сўз бошиларининг характери жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Матнларда ҳам котибларнинг хатоси билан турли тафовутлар мавжуд.

Нурмуҳаммад Бухорийнинг таржимаси оригиналга мувофиқлиги ва бадиий савияси жиҳатдан бир текисда эмас. Гарчи таржима «Шоҳнома»нинг бошидан Доробнинг тахтга ўтиришигача бўлган қисмини ўз ичига олса-да, баъзан асл нусхадан бир оз чекиниш мавжуд. Таржимага «Шоҳнома» ва унинг мотивлари, қахрамонлари билан боғлиқ бўлган дoston ва ривоятлар илова қилинган, диний-фантастик тафсилотларни қўшган. Нурмуҳаммад Фирдавсий дostonларининг асосий воқеа йўналиши ва моҳиятини сақлашга ҳаракат қилган. Бу ишда Нурмуҳам-

мад таржимасининг оригинал билан қанчалик мувофиқлигини тўла қиёс қилиб аниқлаш мумкин эмас. Чунки ҳар бир дostonда оригиналга мувофиқ келадиган жойи ҳам, ўзбек халқ оғзаки ижоди элементлари ҳам, янги қўшимчалар ҳам мавжуд. Шунинг учун биз бу ерда оригиналнинг моҳиятини сақлаб қолган баъзи бир дostonларга, айрим тафовутларга қисман тўхтаб ўтамиз, холос.

\* \* \*

Нурмуҳаммад Бухорий таржимасининг композицион қурилиши ниҳоятда пойма-пой бўлгани, жуда кўп ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани учун «Шоҳнома»нинг бирон аниқ бир нусхасидан таржима қилинган деган тахминга келиш ҳозирча қийин. Зероки, дostonларга Золнинг «Шоҳнома» оригиналига алоқаси бўлган-бўлмаган барча авлодлари киритилган, улар барча шоҳлар даврида актив ҳаракат этади; оригиналга қарши ўлароқ, Кайхусрав етти баҳодири билан Афросиёб ўлдирилгандан сўнг ҳам жаҳон кезиб юради, оғир аҳволда Зол ва унинг авлодига пайғамбардек раҳнамолик қилади. Исфандиёр дostonига Рустам уни кўр қилгандан сўнгги афсонавий воқеа илова қилинган.

Таржима одамнинг Худо томонидан яратилиши ҳақидаги ривоят, Одам Ато, Момо Ҳаво, уларнинг ўғли Қобул ва Ҳобулар, Азозил — Шайтон ҳақидаги диний ҳикоялар билан бошланади.

Каюмарс ана шулар авлодидан бўлган ер юзидаги биринчи подшо, деб талқин этилади, у «адлолат билан дунёни обод қилади» дейилади. Сиёмакнинг ўлдирилишини «Шайтон девни васвасага солди» деб берилади; Ҳушанг, Таҳмурас подшолиги жуда хира ва нурсиз баён этилган. Характерлиси шундаки, таржимон Заҳҳокни мана шу Таҳмурас тухмидан деб талқин этади. Чунончи: Таҳмурас ўлгач, ундан Қаҳриман, Жамшид деган ўғил ва бир қиз қолади. Қизни Арабистонга берадилар. Қаҳриман шоҳ бўлади, лекин айш-ишратга берилиб, давлат ва раиятдан хабар олмай қолгани учун акобиру ашроф унинг ўрнига Жамшидни ўтқизадилар. «Жамшид соҳибжамол ва соҳиббақл эрди. «Жам» деб

равшанликни айтурлар». Жамшиднинг адолатпарвар, халқпарварлиги, мамлакатни обод этганлиги оригиналдагидек тасвирланган. Ўзи доно бўлса ҳам, ўзбошимчалик қилмай, бошқа донишмандлар билан маслаҳатли иш тутурди, деган ғояни кучайтириш мақсадида «у 400 ҳаким маслаҳати билан иш тутар эрди» деган фикрни киритган. Хуллас, Жамшид «...дунёнинг юзини хўблик бирла ораста қилди»<sup>1</sup>.

Таржимон, Жамшидни Шайтон худолик даъво қилишга ундаши, Шайтоннинг Заҳҳокка отасини ўлдиртириб, Эронга йўллаши, Жамшиднинг Баҳромни Моҳигир, вазирнинг қизларига уйланиши каби воқеаларни баён этади. Гарчи оригиналга алоқаси бўлмаса ҳам, зулм-зўрликка лаънат нуқтаи назаридан шу дostonга киритилган «Жамшид ва боғбон», «Бир дона» ҳикоялари характерлидир. «Жамшид ва боғбон» ҳикоясининг қисқача мазмуни қуйидагича: Кунлардан бир кун Жамшид аъёнлари билан овга чиқади. Шоҳ бир гўзал оҳунинг кетига тушиб, ҳориб-чарчаб юрганда бир боққа келиб қолади. У боғбондан сув сўрайди, чол бир анорни сиқса бир коса шарбат тушади. Жамшид ичиб, сероб бўлади ва суриштирса дунёдаги ҳар бир мевадан юз минг тупдан мавжуд бўлган бу боғ подшоликка ҳеч нарса бермас экан. Шоҳ, ҳар йили «иккитадан кабутарбачча бериб туринг», дейди ва яна бир коса шарбат сўрайди. Боғбон ичкарига кириб 60 анорни сиқса зўрға ярим коса шарбат чиқади. Шоҳ: Нега кечикдинг?» — деб сўрайди. Шунда деҳқон: «Подшоҳимизнинг нисбати ёмон бўлиб, адл зулмга айланди... вилоятга ҳар ҳодисаким рўй берур подшоҳнинг касофатидин турур»<sup>2</sup>, дейди. Жамшид пушаймон бўлиб, боғбонни солиқдан озод қилади ва синамоқ учун яна бир коса шарбат сўрайди. Боғбон кириб бир анорни сиқса, шарбати косадан тошиб кетади ва тезда шоҳга олиб чиқади. Шоҳ: «Бунча тез чиқмоқнинг боиси не турур?» деб сўрайди. Чол: «Подшоҳимиз яна зулмдан қайтиб, одил бўлдим... яна анордин бир коса шарбат бўлди»<sup>3</sup>, деб жавоб

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 21-б варақ.

<sup>2</sup> Ўша қўлёзма, 25-б варақ.

<sup>3</sup> Ўша қўлёзма, 25-б варақ.

беради. Жамшид ҳамиша адолатли, раиятпарвар бўлишга аҳд этиб қайтиб кетади.

Ҳикоя бир оз фантастик қобикқа ўралган бўлса-да, лекин ундан кутилган мақсад, ғоя ҳаётийдир. Агар шоҳ адолат, раиятпарвар, зулм-зўрликдан узоқ бўлса, ўзи ҳам, эл ҳам сероб; у золим ва тамагир бўлса, мамлакат хароб бўлади, эл-юрт оч қолади, демак, хазина бўшаб, шоҳ ҳам оч қолади, мамлакат хонавайрон бўлади. Ҳикоя шоҳларни адолатли бўлишга даъват этишга қаратилган, гўё Жамшиднинг келажакдаги фожиасининг олдини олиш учун атайлаб киритилганга ўхшайди. Умуман, Жамшидни адолатли шоҳ сифатидаги сиймоси таржимада яхши ифодаланган.

Лекин Шайтоннинг васвасаси билан у худолик даъво этиб, халқнинг ўзига сажда қилишини истайди. Таржимада Заҳҳок Жамшиднинг Арабистонга берган синглицидан туғилган жияни деб тасвирланган. Демак, Эрон тахтининг қонуний меросхўридир. Заҳҳок ёшлиқдан ақл-заковат ва баҳодирликда шуҳрат қозонади. Буни эшитган Шайтон Жонсўз ниқобида бориб, Жамшид худолик даъво қилиб, йўлдан озди, Эрон тахтини эгалла, деди. Отасидан рухсат сўрайди, у жавоб бермагач, таҳоратга чиқадиган йўлига чоҳ қазиб қўяди, йиқилиб ўлади. Заҳҳок Эрон чегарасига келгач, умаролар уни «Таҳмурас авлодидан экан», деб тахтга ўтқизадилар. Шу орада Жамшиднинг юзи қорайиб кетади, бир ғорга кириб юз йил йиғлайди. Худо унинг гуноҳини кечиради.

Жамшиднинг бундан кейинги саргузашти ҳам жуда узун, фантастик руҳга эга. Фирдавсий «Шоҳнома»да Эрон тахтига шоҳлар авлодигина ўтириши мумкин. Тахт-тож бу ирсий нарса, унга фақат Таҳмурас авлодигина муяссар бўлади, деган ғояни илгари суради. Ҳатто тахт бўш қолганда ҳам шоҳ уруғидан бирон киши топилгунча, подшоҳсиз тураверади. Сом, Наримон, Зол, Рустамлар қанчалик баҳодир, донишманд бўлмасин, Эроннинг таянчи бўлмасин, улар тож-тахтга дахл қила олмайдилар. Чунки қоида-одат бунга йўл қўймайди, улар шоҳ уруғидан эмас. Нурмуҳаммад таржимада мана шу масалани бошқача талқин этган. Чунончи, Жам-

шиднинг гуноҳи кечирилгач, ғордан чиқиб айланиб юриб ўз вазирининг қизи турган боққа кириб қолади, қиз билан севишади, вазир уйлантиради. Шундан сўнг вазир мен лашкар йиғаман, яна Заҳҳокни йиқитиб ўзингни шоҳ қиламиз, дейди. Жамшид, мен шоҳлик кетидан шу кўйга тушдим, ҳеч ким шоҳ бўлмасин, мендан фарзанд туғилса, унинг бирон зурриёди ҳам шоҳ бўлмасин, деб лаънатнома ёзиб чиқиб кетади. «Маликадан Туж, ундан Шидаст, ундан Шамак, ундан Турак, ундан Гершасп, Уторуд, ундан Наримон, ундан Сом, Сомдан Зол, ундан Рустам туғилади. Лаънатноманинг сабабидан турур бу тоифа подшоҳ бўлмас турурлар»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, таржимон «Шоҳнома»га алоқаси бўлмаган, лекин Эрон шоҳлари ва баҳодирлари билан боғлиқ воқеаларни баён этади. Фирдавсийдаги Сеистон баҳодирлари авлодининг тахт ва шоҳликка дахлсизликларининг сабабини тушунтирмақчи бўлади. Шундан сўнг у Фаридун авлодининг шоҳ бўлишлари сабабига тўхтайтиди ва бунинг тарихини баён этишга киришади, уни ҳам ўзича асосламақчи бўлади. Жамшид вазирнинг уйдан чиқиб балиқчи Баҳромга учрайди ва унинг қизига уйланади. Маликадан «Фўлод, Фўлоддин Обитин, ундин Зорин, ундин Ибнин, ундин шоҳ Фаридун, ундин Эраж, Эраждин Манучехр, ундин Навдар, яна Эражнинг бир ўғли шоҳ Кайқубоддурур. Ундан Кайковус, ундан Сиёҳуш, ундин Кайхусрав, ундин фарзанд йўқ. Кайқубоднинг яна бир ўғли Луҳросиб, ундин Гуштасп, ундин Исфандиёр, ундин Баҳман, ундин Дороб, ундин Дорой Исфар, ундин Искандар, ундин сўнг табақаи Каёний тамом бўлди»<sup>2</sup>.

Жамшид телба-тескари бўлиб қолгани учун «бунга лаънатнома» бермай чиқиб кетади. Таржимоннинг фикрича, мана шу сабабга кўра Жамшиднинг Баҳроми Моҳигир қизидан туғилган авлоди шоҳ бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу фикрларнинг тарихий-афсонавий ривоятларга қанчалик мувофиқлигини аниқлаш имкониятига эга эмасмиз. Фақат шуниси маълумки, Манучехр Эражнинг ўғли эмас,

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 38-а варақ.

<sup>2</sup> Ўша қўлёзма, 38-а варақ.



неварасидир. Лухросибнинг шоҳ авлодидан эканлиги маълум, лекин Кайқубоднинг ўғли эканлиги «Шоҳнома»да таъкидланмаган.

Таржимада мана шу воқеадан сўнг Ажам шоҳларининг тўрт табақаси санаб ўтилади, уларнинг хронологияси асосан тўғри берилади. Сўнгра Жамшиднинг ўлими ҳикоя қилинади. Фирдавсийда Жамшид ёмон қилмишининг касофати ўлароқ қатл этилади. Бунда эса «юз йил йиғлагоч» худо Жамшиднинг гуноҳини кечиради-ю, лекин яна шайтоннинг ёмонлиги туфайли у ҳалок этилади. Дайдиб юрган Жамшид Заҳҳок кишиларига учраб қолади, қочиб одамлар орасига бекинади. Қидириб изидан келгач, бир дарахтнинг ичига киради. Худонинг инояти билан дарахт уни ўз бағрига олади. Заҳҳок одамлари топа олмагач, шайтон келиб дарахтнинг дарзини кўрсатиб, арралашни буюради. Қотиллар дарахтни икки бўладилар. Байт:

*Чу бар фарқи Жам арра дангон ниҳог,  
Шоҳ аз дарғ дангон ба дангон ниҳог<sup>1</sup>.*

Мазмуни: Жамшиднинг бошига арра тишлари етганда шоҳ оғриқдан тишини тишига қўйди.

Бу ерда бир томондан таржимон «Шоҳнома»даги асосий воқеадан чекиниб, масаланинг моҳиятини ўзгартирган, унга диний тус берган. Гуноҳ қилган киши тавба қилса гуноҳини кечириш мумкин, у олдингидек яхши бўлиши, тўғри йўлга тушиши мумкин. Шунинг учун «юзи қора» Жамшидни Худо ўз «ҳимоя»сига олади, яъни дарахт уни бекитади. Иккинчидан, разил, ёмон одам, айғоқчи шахс ҳамиша ёмонлигича қолиб кетади. Таржимон Жамшиднинг қатл этилишига, маълум даражада, «Қуръон»даги ривоятларнинг руҳини сингдирган. Фирдавсий Жамшидни араблар ўлдирганини қайд этган, холос.

Шундан сўнг Гершаспнинг туғилиши, ота қонини талаб этиб Заҳҳокка қарши бош кўтариши, мўъбадлар «бу тақдири азалдиндур» деб овунтириб,

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 38-а варақ.

Заҳҳок саройига келтириши ҳикоя қилинади. Заҳҳок Гершасп билан патрон дев жангига боради. Гершасп девни ўлдириб, Сеистон шаҳрини, «айвони Гершасп»ни қуради. Таржимон шу эпизод билан боғлиқ ҳолда Гершаспнинг комуси Кошоний билан жангини тасвираб, Рустамнинг Комусни ҳалок этишидаги байтни келтиради. Гершасп бир ўқ билан Комусни ҳалок этади:

*Қазо гуфт: гиру, қадар гуфт деҳ,  
Фалак гуфт: аҳсан, малак гуфт: зеҳ!*

Мазмуни: Қазо-ол, қадар бер, дейди, фалак офарин деди, малак эса баракалло деди!

Гершаспнинг афсонавий саргузашти давом этади. У кўҳи Сарандибадаги Беҳбуй золимга қарши лашкар тортади. Таржимон Сеистон баҳодирларининг Семурғ билан боғланишини гўё асослаш мақсадида шу ерга бир ҳикоя илова қилади: Гершасп бир дарахт соясида ухлаб қолади. Дарахтга Семурғ уя қурган бўлиб, болаларини ҳар йили аждар еб кетар экан. Яна аждар келиб дарахтга тирмашади, Семурғ болалари чирилаб нола қилади. Гершасп уйғониб, бир шамшир солиб аждарни икки нимта қилади ва яна уйқуга кетади. Шу пайт Семурғ келиб ухлаб ётган одамзодни кўради ва ҳар йили «чоғаларимни шу ўлтирур эркон», деб тоғдан бир азим тошни олиб устига ташламоқчи бўлади. Болалари уни тўхта-тиб, бўлган воқеани айтади. Гершаспни уйғотиб, патидан узиб беради ва: «Бошингга мушкул иш тушса, ўтга ташласанг, ҳозир бўламан», дейди.

Заҳҳокнинг одиллигини янада бўрттириш учун таржимон бу дostonга «Икки деҳқон» ҳикоясини киритган. Ҳикояда Заҳҳок ақл-фаросат, одилликда деҳқондан ҳам, доно вазирдан ҳам баланд кўйилади. Шунинг учун бўлса керак, у аввал елкасидаги илонларга гуноҳкорларни, сўнг жанжалкашларни, улар тутагач, қинғир-қийшиқ юрувчиларни ўлдириб миясини бердирар эди, дейди таржимон. Халқ кўрққанидан ерда ҳам «дорда юрган дарвоздек қадам босадиган» бўлиб қолади.

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 57-а парақ.

Фаридуннинг туғилиши, Заҳҳокнинг туши, бола-нинг сигир томонидан тарбияланиши «Шоҳнома»-дагидек баён қилинган. Нурмуҳаммад шу ерда Обитин Жамшиднинг Баҳроми Моҳигир қизидан туғилган ўғли эканлигини яна бир марта таъкидлайди.

Заҳҳокнинг золимлиги, мамлакат ва халқ бошига битган бало эканлиги таржимада қисқа ва аниқ берилган. Аммо бунда Заҳҳокнинг золимлиги воқеаси худди Жамшид саргузаштидек бошланади. Яъни бутун ўлкаларни фатҳ этиб, «етти иқлим шоҳи бўлгач», гурурланиб кетади.

Сабр косаси тўлган Кованинг зулм-зўрлик, адолатсизликка бўлган нафрати ва исёни таржимада жуда аниқ ва образли ифодаланган. Заҳҳокнинг зулми шу қадар ниҳоясига етганки, барча халқнинг «уйидан ўт чиққан»... Етмиш фарзанддан ажраган Кова «Ўтканларнинг ўтини буларнинг суви билан паст қилай» деса, қонхўр Заҳҳок унинг охирги икки фарзандига ҳам чанг солади. Шунинг учун у ҳар қандай даҳшат ва хавфдан қўрқмай, ер юзида зулм тимсоли бўлган Заҳҳокка дадил қарши чиқади, ҳатто умаролар олдида уни ҳақоратлайди. Мана шу моментда Фирдавсий «Шоҳнома»сида бўлмаган кичик бир штрих борким, ҳам ғоявий йўналиши жиҳатидан, ҳам дostonнинг моҳиятини ошириш нуқтаи назардан муҳимдир.

Кова Заҳҳокни ҳақоратлаб, икки ўғлини олдига солиб чиқиб кетганда, у «караҳт бўлиб» ҳеч нарса дея олмайди. Кованинг шижоат ва зарбига «офарин» ва «таҳсин» ўқиган сарой аъёнлари «Нечун ҳеч сўз айтмадинг?» деб сўраганларида Заҳҳок шундай жавоб беради: «Сўз айтмоқчи бўлдум. Баякбор кўрдумким, бошининг орқасида бир аждарҳо турбтурурким, агар сўз айтсам, мани комиға тортиб кетодур, охир бу сабабдин хомуш бўлдим»<sup>1</sup>.

Кова Заҳҳокнинг даргоҳига бир ўзи кириб келади, уни ҳимоя қиладиган ҳеч ким йўқ. Аммо «зулми тамоми оламини хароб қилган», «Азиз фарзандларини келтуруб, отасининг назарида ўлдуруб, майналарини йилонлариға едирган» Заҳҳок халқ ора-

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма. 115-б варақ.

сидаги ғазаб ва нафрат, оҳ-фигон алангасини кундан-кунга кўтарилиб бораётганини сезмоқда эди. Шунинг учун ҳам у Ковага индай олмайди, чунки темирчининг «орқасида ўз комига тортадиган аждаҳо» — халқ турибди. Заҳҳок ана шу минглаб қовалар турганидан ваҳимага тушади.

Фирдавсийда бу кичик, лекин муҳим ўрин йўқ. Таржимон киритган бу штрих дostonнинг халқчилигини, гоъвий кучини оширган. Лекин унга қарамай бу ерда таржимон муҳим бир элемент — Кованинг амалдорлар томонидан Заҳҳокни «одил шоҳ» деб тарқатган ёрлиқни йиртиб-топтаб кетишини, бозор бошига бориб халқни тўплашини эътибордан четда қолдирган. Кова ўғилларини олиб уйга келгач, қилмишидан пушаймон бўлади: «Эртага аждодим билан ўлтурур», деб пешдоманини бир хомага боғлайди ва «нима бўлса бўлсин» қабилида «ё Фаридун» шиори билан шаҳардан ташқарига қараб юради. Лаклак азобдийда халқ унга эргашади. У ёқдан Фаридун Кашвод билан келади. Воқеанинг давоми «Шоҳнома»дагидек баён этилган. Заҳҳокнинг банд этилиши ва бошқа тафсилотлар аслига мувофиқ ва тушунарли.

Таржимон Фаридун ўғилларини Яман маликаларига уйлантириши воқеасини ташлаб кетиб, Салм, Тур, Эражга ном қўйиш тафсилотини берган. Салм ва Тур таржимасида Эрон тахтига бўлган ҳислари учун эмас, балки ўз ўлкаларининг табиати, одамлари ёмон бўлгани, яъни узоқ ва нотинч ерларга тушиб қолганлари ва Эраж фароғатда яшаётгани учун унга қасд қиладилар. Оригиналга зид ўлароқ, Салм ва Тур Эражни ўз наздларига юборишни илтимос қилиб отасига 72 марта мактуб йўллайдилар; ёлғончилик, алдамчилик ва фирибгарлик қиладилар. Ҳеч бўлмагач ва «бедониш» Тур ўз ўғли Санонни уйлантирмоқчи бўлиб, Фаридунга чопар юбориб Эражни тўйга жўнатишни сўрайди. Отасининг ман этишига қарамай, Эраж акалари олдига боради. Акалари Эражни тоғ орасига овга элтадилар ва юз таъна-маломатлар билан қатл этмоқчи бўладилар. Лекин Эраж уларни бундай қабиҳ ниятдан қайтармоқчи бўлади. Тар-

жимон оригиналдаги сюжетни изчил давом эттир-  
маса ҳам унинг руҳи ва ғоясини сақлаб қолган.  
Акаларининг таҳликасини кўрган Эраж уларга на-  
сиҳат қилади. «Шаҳзода Эраж айтди: «Эй биродарларим! Бул тариқа сўзларни хотирингизга кел-  
тирмангларким, шоҳ эшитса озурдахотир бўлур-  
лар. Невчунким, шоҳ Сизларни улуғ деб юрт ви-  
лоят берди ва мени боши кичик деб ўзининг хиз-  
матида сақлади. Агар муддаонгиз Эрон мулки  
бўлса, ул ҳам сизларга таалуқ топар. Мен ҳар  
қайда бўлсам Сизларга хизматкор турурмен, мани  
мулк, вилоят бирла даҳлим бўлмас турур. Эмди  
мақсадингиз дунё ва мулк турур, бу ҳангома сиз-  
ларга муяссар бўлур».

Эраж «мени боши кичик деб ўзининг хизматида  
сақлади» дейиш билан ўзининг тож-тахт эгаси эмас-  
лигини уқдирмоқда. Достон бошида ҳам таржимон  
шоҳ Эражни «ўз ёнида сақлади» деган ва Фаридун-  
нинг ҳали тахтни Эражга бермаганлигини қайд эт-  
ган. Фирдавсийда эса Фаридун ўғилларига мамла-  
катни тақсимлаб тахтдан воз кечади, Эрон Эражга  
тегади. Воқеа таржимада бир оз бошқачароқ тал-  
қин этилган. Лекин Эражнинг акаларига айтган гап-  
лари ва уларнинг таъна-маломатларидан Эражнинг  
шоҳлиги сезилиб туради.

Эражнинг жонига қасд қилмоқчи бўладилар.  
«Эраж зор-зор йиғлаб айтади: «Эй биродарлар!  
Дунёнинг вафоси йўқтурур, бир неса мадора қилиб,  
охири хароб турур, Худодин кўрқинглар, қиёмат-  
дан андиша қилинлар, манинг йигит жонимга раҳм  
қилинлар, анга раҳмингиз келмаса, бори қари  
отангларга раҳм қилинлар, бу ўтар дунёда ўзин-  
гизни бадном қилманглар, бу лаънатномани қиёмат-  
га бўйнингизга олманглар»<sup>1</sup>. Аммо Эраждаги бу гу-  
манизм ва яхши ниятлар қотилларнинг дилига таъ-  
сир этмайди, улар барибир қора ниятларини амалга  
оширишга киришадилар. Шу ерда таржимон ори-  
гиналдан батамом чекинади. Ов пайтида Тур хан-  
жар уриб Эражни ҳалок этади. Гарчи таржимон  
Салм ва Турнинг қабих ва ифлос шахслар эканли-

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 147-а варақ.

гини янада бўрттириб кўрсатиш мақсадида воқеани ўзгартирган бўлса-да, лекин ортиқча тафсилот ва нурсиз баёнлар жуда кўп ва чўзилиб кетган. Аслида эса Турнинг ўғлининг тўйи, овга чиқиш тараддуди ва бошқа воқеалар дostonнинг на сюжети, на ғоясига ҳеч қандай ижобий ҳисса қўша олмайди.

Фаридуннинг Эраж гамида нола-фигон чекиши, Манучехрнинг шоҳ бўлиб Салм, Турни ўлдирishi бирмунча тўғри, лекин бадий саёз таржима қилинган. Манучехр шоҳлигига янги ва ярим афсонавий мистик воқеалар ҳамда Сомнинг турли саргузаштлари илова қилинган. Улар оригиналга деярли мувофиқ келмайди. Фақат Золнинг туғилиши, унинг Судобага бўлган севгиси композиция ва сюжети нуқтаи назардан бўлмаса-да, асосий ғояни сақлаб қолиш жиҳатидан оригиналга бир оз мувофиқ келади. Лекин дostonнинг асосий ғоя ва мазмунини бера билишда ҳам турли қарама-қаршиликлар бор.

Чунончи, Золнинг туғилиши ва унинг тасвирида худди шу ҳолга дуч келамиз. Малика туғади, уни неча кун Сомга кўрсатмай юрадилар, лекин охири кўрсатишга мажбур бўладилар. «Кўрдиким, бир ўғлон таваллуд қилибтурур, тамоми аъзоси қатрон мисолик қил чиқиб турур...» Ниҳоят хафа бўлади ва ғабланиб, «бир қўлида ўғлонни оёқидан тутуб чарх бериб отиб юборди. Рост-ялғони ровийнинг бўйнига турур. Айтурким, ўғлон биёбони қазо ва қадарга келиб тушти»<sup>1</sup>.

Бизнингча, таржимон «Шоҳнома» ва унинг қаҳрамонлари билан боғлиқ бўлган афсоналарни яхши билган. Лекин уларнинг ҳақиқатлигига шубҳа билан қараган. Шунинг учун Золнинг туғилиши билан боғлиқ ривоятларни бергану, унинг рост-ёлғонлигини «ровийнинг бўйнига» юклаб ўзини масъулиятдан озод этган, дostonнинг давоми эса оригиналга мувофиқ келади.

Таржимада Семурғнинг Золга меҳрибонлиги, уни авайлаб тарбиялаши жуда бўрттирилган, инсондаги

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 241-б, 242-а бетлар.

фарзандга бўлган меҳр-муҳаббат, мушфиқлик ва бошқа хислатлар унга кўчирилган. Семурғ болаларини «кунда тўрт юз, беш юз филу гург ва шеру паланг ва бабру йўлбарс билан боқади... Ҳар вақт-ким, Семурғ осмондан пайдо бўлур эрди, ҳаммадан бурун (Зол) момо деб фарёд қилур эрди. Симурғ келиб ўтурғон баробари югуриб Симурғнинг қўйнига кириб, «маможон» деб бўйнидан кучоқлаб юзларидан уфуб, гесулари бирла ўйнаб ўлтурур эрди»<sup>1</sup>.

Семурғ Золни ўз болаларидан юқори даражада тарбиялайди, унинг «Гершасп авлодидан» бўлгани учун 72 тилни билиб олади. Онаси олиб келган дастлабки кунда чоғалар болани севиб қолганлари учун, энди рашк ва алам ўтини оналарига таъсир эттира олмайдилар. Сомнинг тушида боласини кўриши ва уни ахтариб топиши «Шоҳнома»дагидек берилган. Лекин бунда у Семурғ билан курашиб, уни енгач, ўғлини бандга тушириб, олиб кетади. Семурғ ҳам тақдирга тан бериб, «...Сомга кўп насихатлар қилиб айди: Эй Сом, ҳар сўзни, Достон айтса, қабул қилиб, анинг сўзига амал қилғил. Достон донишманд турур, мен ўн бир йил анга меҳнат қилибмен, етмиш икки тилни ўргатибмен, фалакнинг розини билур, тамоми илмларда моҳир ва комил турур. Ва яна бу ким тўрт минг тўрт юз қирқ тўрт йил умр кўрар... Ҳар иш қилсанг анинг маслаҳати бирла қилғил, токим ишинг ривож бўлғай»<sup>2</sup>. Демак, Золнинг баҳодирлиги, донишмандлиги ва ҳар ишда моҳирлиги ана шу Семурғнинг тарбияси тугайлидир.

Сом ўғлини келтиради. Унга ном қўйиш масаласида турли тортишувлар бўлади ва охири мўъбадларнинг маслаҳати билан «Сочининг оқлиқи қарилқнинг аломати турур, юзининг қизилиқи йигитликнинг аломати турур. Эмди биз достонга Золи Зар од қўйдуқ»<sup>3</sup>.

Фирдавсийда Сом вояга етган Золга Сеистонни

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 243-б, 244-а бетлар.

<sup>2</sup> Ўша қўлёзма, 258-б, 259-а бетлар.

<sup>3</sup> Ўша қўлёзма, 263-бетлар.

топшириб, Гургсарлар жангига кетади. Таржимада эса Сом Золни Манучеҳр олдида қолдириб, ҳеч қаерга чиқарманглар, деб Гургсарга равона бўлади. Золнинг Кобулга бориб, Рудобани севиши ҳам бир оз фантастик тусда берилган. Севгида Золдан кўра Рудоба биринчи ўринга чиқиб қолган. Чунончи, Зол аҳд-паймон қилиб Сеистонга қайтиб, узоқ тўхтаб қолгач, Рудоба эзилади, 3 марта мактуб ёзади. «Кабутарнинг қанотига хат битиб» юборади. Лекин Зол то Сомдан мактуб олгунча ва Манучеҳр рухсат бермагунча, қиздан хабар олмайди, ундаги ҳаяжон, севги изтиробни сезилмайди. Манучеҳр билан Зол, Сом билан Зол ўртасидаги зиддият, икки ёш севгиси билан авлод-аждодлар одати ўртасидаги кураш, Сомнинг онгидаги зиддият ҳам таржимада акс этай қолган. Оригиналда Сом ўғлининг севгисини қўллаб-қувватлай деса, ота-бобосини ўлдирган Заҳҳок авлоди билан чатишишга тўғри келади, шахсий ғурур, авлод-аждод обрўси бунга йўл бермайди; бу никоҳга розилик бермайдин деса, ягона ўғлининг хоҳишини рад этиш ҳам қалбига азоб беради. Мана шу зиддият таржимада ўз ифодасини топмаган. Сом билан Манучеҳр Золга насиҳат қилиб, бу никоҳнинг бўлиши мумкин эмаслигини Заҳҳокнинг саргузашти билан боғлаб тушунтирмоқчи бўладилар. Чунончи, Сом Золнинг мактубига ёзган жавобида шундай дейди: «Меҳроб шоҳ биз жамоатга ва шоҳ Манучеҳрнинг авлодига душмани қадим турур. Невчунким, Меҳроб шоҳ Заҳҳоки тозининг авлодидан турур. Биз халқнинг боболаримизни Заҳҳок ўлдириб турур... Ҳеч вақтда биз халқ бирла дўст эрмас турур... Яна Зол бориб Кобул шоҳнинг қизини олур эркон»<sup>1</sup>.

Сомнинг жавоб мактубининг ғояси, мазмуни оригиналга мувофиқ келади. Таржимон эркинликка ориқча йўл бериб, баъзан қарама-қарши фикрларни баён қилади. Достоннинг бошида Зол Баҳроми Кобулийнинг қизига ошиқ бўлди, деб шоҳ номини хато кўрсатган. Зол Рудобанинг ҳусн-латофатини эмас, учиб кетаётган ғозларни моҳирона уриб туширға-

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 273-а бет.



нини кўриб ошиқи беқарор бўлади. Канизакларнинг Рудобадан кимни севишини сўраши, Золнинг Рудобанинг хонасига ухлаб ётганида кириб келиб, бўса олмоқчи бўлиши ва бошқа тафсилотлар чинакам севги таронаси бўлган бу дostonнинг ғояси ва бадий қимматига путур етказган.

Золдаги севгига садоқат, бу йўлдаги ҳар қандай ғов ва қийинчиликларни енгиб ўтишда шижоат ва барқарорлик таржимада деярли кўринмайди. Шунинг учун ҳам у Манучеҳр билан Сомнинг насихатига қуйидагича жавоб беради: «Зол айтди: «Эй шахриёр! Ори Сизнинг сўзингиз маъқул турур. Мен аввалда билмайин анинг бирла аҳд қилибмен. Эмди агар аҳдимга вафо қилмасам, қиёматгача бадном бўлурмен»<sup>1</sup>. Демак, Золнинг севгиси барқарор эмас, агар у Меҳроб Заҳҳок авлодидан эканлигини билганида, Рудобани севмаслиги мумкин эди, яъни унинг севиш-севмаслиги бир ихтиёрий нарса. Бунинг устига, Зол «қиёматгача бадном бўлиб қолишдан» кўрқиб аҳдига вафо қилмоқчи, холос. Масаланинг бундай талқин этилиши Фирдавсий достони ғоясини пасайтирган ва кучсизлантирган. Рудоба эса севгида садоқатли, чидамли, бу дунёда «Золдан ўзгани демайдиган» бир маъшуқадир. У Зол келмаса, ҳатто ўзиёқ Сеистонга бормоқчи бўлади. Таржимада Меҳроб билан Синдухт, Рудоба билан Меҳроб ўртасидаги ғоявий тўқнашув, Манучеҳрнинг Золни ақл-донийш, сипоҳгарчилик, тадбиркорликда имтиҳон қилиши ва бошқалар қисқартирилган.

Нурмуҳаммад «Шоҳнома»га кейинчалик қўшилган қўшимчалар, унинг мотиви билан боғлиқ афсоналарни Рустамнинг туғилишига қўшиб юборган. Юқоридаги сингари хислатлар бошқа дostonлар таржимасига ҳам хосдир. Уларни оригинал билан мукамал қиёсий таҳлил этиш махсус тадқиқотни талаб этади. Ўзбек адабиёти тарихида у ёки бу ўтмиш обидасини жанрни, вазни ўзгартириб ўзлаштириб таржима қилиш анъанаси узоқ тарихга эга. Нурмуҳаммад Бухорийнинг «Шоҳнома»си ҳам ана шу тра-

<sup>1</sup> Ўша қўлёзма, 273-а бет.

дициянинг давоми сифатида вужудга келди. Баъзи ўзгариш ва ўзлаштириш билан насрга айлантирилганига қарамай, бу таржима «Шоҳнома»ни ўзбек халқига манзур қилишда ўзига хос вазифани ўтаган.

## **Фирдавсий ва ҳозирги ўзбек адабиёти**

Классик маданий мерос ва халқ оғзаки ижодига меҳр қўйиб, унинг илғор анъаналаридан ижодий файз топган ўзбек ёзувчилари Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»сига ҳам ғоятда қизиқиш билан қараганлар. Фирдавсий қаламга олган мавзу ва образлар ўзбек шоирларига бир илҳом манбаи ёки фикр ифодалашга бир восита сифатида хизмат қилган.

Забардаст адиб, оташнафас шоир Фафур Фулом назм ва насрда Шарқ халқлари адабиётининг қутлуғ анъаналаридан баракали файз топган, анъанавий образ ва бадий-тасвирий воситалардан ўзига хос бир новаторликда фойдаланган. Маълумки, Фирдавсий «Шоҳнома»нинг хотимасида олий қасрлар вақтлар ўтиши билан қуёш, қор-ёмғир таъсирида нураб кетажаги, аммо шеъриятдан ўзи қурган қаср эса мангу барҳаёт қолажагини таъкидлаган эди:

*Биноҳои обод гардаг хароб,  
Зи борону аз тобиши офтоб.  
Пайафкандам аз назм кохе баланд,  
Ки аз боду борон наёбад газанд.  
Намирам аз ин пас, ки ман зиндаам,  
Ки тухми суханро парогандаам.*

Мазмуни: Обод бинолар ёмғирдан, қуёш нуридан хароб бўлиб кетади. Мен шеърдан яратган қаср шамолдан ҳам, ёмғирдан ҳам зарар кўрмайди. Бундан кейин мен асло ўлмайман, чунки сўз уруғини сепиб экканман.

Фафур Фулом «Ассалом» шеърида ана шу фикрнинг янгича оҳанг ва моҳиятда давом этганини кўра-миз:

*Қуюнлар, ўту, сув, яшин, зилзила  
Олий биноларни қилурлар барбоғ.  
Аmmo биз асосин қўйган бу олам  
Олам сўнгигача қолажак обод.*

Бундан ташқари шоирнинг Садриддин Айнийга бағишланган ҳамда Тошкент ҳақидаги шеърларида ҳам буюк Фирдавсий даҳосининг таъсири сезилиб туради.

Маълумки, Фирдавсий Шарқ дostonчилигида биринчилардан бўлиб афсонавий куш Семурғ образини яратди. Файритабий куч ва қудратга эга бўлган бу парранда Золнинг чақалоқлиги даври тасвиридан то Исфадийёр дostonигача бўлган воқеаларда иштирок этади. Семурғ ҳамиша Золи Зар ва унинг авлодларига энг оғир дамларда кўмаклашади. У одамдай гапиради, жангу жадалларда Золи Зар ва Рустамга ёрдам беради, гоҳ донишманд табиб шаклида ҳаёт мушкулотларини ҳал этишда инсонпарвар кишиларга йўл-йўриқ кўрсатади. Фирдавсий тасвирича, Семурғ фалақда парвоз қилса, оламни зулмат қоплайди, замин у замон ларзага келади. У кимсасиз сахро ўртасидаги тоғ чўққисига уя қурган:

*Бир тоғ бўларди, Элбурз деган тоғ,  
Қуёшга яқину, ердан кўп узоқ,  
У ерда Семурғ уяси ҳам бор,  
Унда бирон киши топилмас зинҳор<sup>1</sup>.*

«Шоҳнома»да Семурғнинг осмонда учиб юриши ёки Золнинг даъвати билан ногаҳон пайдо бўлиши қуйидагича тасвирланган:

*Қоронғулик бўлди зум ўтмай ҳаво,  
Семурғ учиб келди у фармонраво.  
У қора булутдай ёзди қанотин,  
Зулматга чулғаб ой, қуёш ҳаётин<sup>2</sup>.*

<sup>1</sup> Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. I китоб. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., Т.: 1975. 269-бет. Ш. Шомуҳамедов таржимаси.

<sup>2</sup> Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. I китоб. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., Т.: 1975. 304-бет. Ш. Шомуҳамедов таржимаси.

Атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон ўзининг «Семурғ» достонини ёзишда ўзбек халқ оғзаки ижодидаги сюжетлардан кенг фойдаланиш билан бирга Фирдавсий даҳосидан ҳам баҳраманда бўлган. Зероки, ёшлигидан халқ даҳосига меҳр қўйган шоир Фирдавсий асарининг аслини, «Шоҳномаи туркий», «Рустами Достон» китобларини эшитган ва ўқиган бўлиши керак. Достонда Ҳамид Олимжон Бунёднинг Семурғ масканига бориб қолиши, полапонларга ҳужум қилаётган илонни ўлдириб, уйқуга кетгач, Семурғнинг осмони фалақда пайдо бўлишини тасвирлар экан, уларда қандайдир «Шоҳнома»га ҳамоҳанглик сезилади. Бу асарда ҳам Семурғ кимсасиз саҳродаги ёлғиз дарахтга уя қурган. Асарда қушнинг осмонда пайдо бўлиши қуйидагича ифода-ланган:

*Қўзғалган каби бўрон,  
Гувилаб қолди осмон,  
Яшин учгандай бўлди,  
Пога кўчгандай бўлди,  
Кўкни тутиб қаноти,  
Бутун оламнинг оти —  
Семурғ қуш келиб қолди<sup>1</sup>.*

«Шоҳнома»да тасвирланган Семурғ билан Ҳамид Олимжон достонидаги образда муштараклик мавжуд. Ҳар икки асарда ҳам Семурғ инсонга дўст, ҳамдам, яхшиликка яхшилик қайтаради, энг оғир кунларда инсон билан бирга бўлади. Фирдавсийда Семурғ болаларининг хоҳиши билан Золни боқади, парвариш қилади, тил ўргатади, билим беради. Одам жаҳолатга йўл қўяди, қуш адолат йўсинини туттади. У Рустамга аждар, девларни, ҳатто Исфандиёрни енгилда ҳам яқиндан мададкор бўлади. Ҳамид Олимжон достонда чин севгидан йироқ, жаҳолатга гирифтор бўлган хон қизи Паризод шартни ба-жарган Бунёдни қабул этмай унинг ҳалок бўлишини истаб, дев жангига юборади. Инсон разолатга қўл уради, Семурғ эса Бунёдни жасорат сари

<sup>1</sup> Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. 2-том. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., Т.: 1971. 210—211-бетлар.

йўлайди. Бунёдни дев масканига элтган Семурғ жасур йигитнинг ғалабасига тарафдорлик қилади. Семурғнинг қаҳрамон йигит билан муомаласи ҳамда Бунёднинг дев билан яккама-якка олишуви ва ғалабаси тасвирида «Шоҳнома»га ҳамоҳанглик бор. Демак, Ҳамид Олимжон «Семурғ»ни ёзишда туркий халқлар фольклори материалларидан завқ олиш билан бирга буюк Фирдавсий «Шоҳнома»сидан ҳам маълум даражада илҳомланган, дейиш мумкин. Умуман, Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон», «Ойгул билан Бахтиёр» ҳамда «Семурғ» дostonларидаги бадий-тасвирий воситаларда, ёзувчи услубида халқ дostonлари таъсири кучли эканлиги тадқиқотчилар томонидан исботланган. Фирдавсий бевосита халқ оғзаки ижодидан ёзиб олган сюжетлар асосида яратган дostonларни:

*Қадим замонларни этиб намоён,  
Сўзлаб берай энди ажиб бир дoston<sup>1</sup>, —*

сингари зачин характеридаги байтлар билан бошлайди.

Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» дostonидаги:

*Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон,  
Севгисиган бир янги дoston, —*

мисралари оғзаки ижод асарларига хос ана шу хислатнинг бевосита анъанасидир.

Атоқли шоир, забардаст драматург, нуктасанаж аллома Мақсуд Шайхзода Шарқ адабиётининг донишманди, унинг илғор анъаналаридан завқ олган санъаткор эди. Шоирнинг «Еттилик балладаси», «Чироқ», «Искандар зулқарнайн», «Тошкентнома» сингари баржаста асарларида биз ана шу сарчашмадан баҳраманд бўлганлигини кўраимиз. Агар «Тошкентнома»да шоир «Шоҳнома»да Фирдавсий таърифлаган Рустами Дostonгина торта олган «Ка-

<sup>1</sup> Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома, I китоб. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., Т.: 1975. 139-бет. Ш. Шомухамедов таржимаси.

мони Шоший»ни тилга олса, «Еттилик балладаси»- да еттилик халқ афсоналарини бирма-бир эслаб ўтиб ёзади:

*Сўнгра менга нақл этганди Фирдавсийнинг ўзи  
роstdан,  
Кайковусни излаганин етти манзил босиб Рустам...*

*Бир манзилда дев ўлдирган, бир манзилда арслон  
тилган,  
Бир манзилда қув маккора жодусидан у қутулган<sup>1</sup>.*

Балладада шоир етти йиллик режалар давридаги ўзбек кишиларининг улуғвор, яратувчилик қудратини олқишлаб, халқ афсоналари қай даражада гўзал бўлмасин, уларда таърифланган етти кунлиларнинг «Барчасига алишмайман етти йилим бир ҳафтасин» деган хулоса чиқаради. Бу асар Шайхзоданинг бутун араб ва форсий тилдаги адабиётни, халқ оғзаки ижодини гоята чуқур билганини, «Шоҳнома»ни қайта-қайта мутолаа қилганлигини тасдиқлайди.

## **Фирдавсий қаҳрамонлари сахнага**

Улуғ гуманист шоирнинг ажойиб дostonлари барча илм-адаб аҳли қатори бастакор ва драматурглар эътиборини ҳам ўзига жалб этди. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларининг бошларидаёқ «Шоҳнома» таржималари билан бир қаторда қўшни қардош республикаларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам Фирдавсий дostonлари сюжетлари асосида илк сахна асарлари яратилди.

Чунончи, 1905 йили Озарбайжон драматурги Шамсиддин Сомибей «Коваи оҳангар ёки Кова» драмасини яратди ва у Боку сахналарида муваффақият билан қўйилди. 1908 йили эса шоир ва драматург Озар «Дostonи Сухроб ва Рустам» номли тўрт мажлистан иборат бўлган сахна асарини яратди. Драматург асарда ўз шеърларидан фойда-

<sup>1</sup> Шайхзода. Асарлар. 2 том. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., Т.: 1971. 344-бет.

ланган: у 1909 йили Бокуда Ҳошимбой томонидан нашр этилган «Иттифоқ» газетасида эълон қилинган. Асар шеърӣй йўл билан ёзилган бўлиб, саккиз юз байтдан иборат. Ўша йили Рашид Афанди-зода таржимаси асосида машҳур бастакор Узейир Ҳожибеков «Рустам ва Сухроб» операсини яратди ва у Боку саҳналарида қўйилади.

1914 йили эса Бокудаги Иттиҳод мактабининг муаллимларидан Мирзо Ризо Воиззода «Достони Сиёвуш» номли тўрт пардали бир драма яратди. Асар ўша мактаб муаллим ва ўқувчилари томонидан саҳнага қўйилган. У унчалик шуҳрат топмаган, оммалашмаган. 1938 йили Ҳасан Рифъатов «Кова» номли опера яратишга киришган. Аммо айрим қисмларнигина ёзган, холос.

1934 йили улуғ Фирдавсийнинг 1000 йиллик юбилеи муносабати билан Ҳусайн Жовид «Сиёвуш» трагедиясини яратди. Асар Азизбоев номидаги драматик театрда қўйилади.

Бу саҳна асари орасида «Шоҳнома»нинг сермахсул таржимонларидан шоир ва драматург Озарнинг «Рустам ва Сухроб» асари анча муваффақият қозонган. У 60-йилларда ҳам Боку саҳналарида қўйилар эди.

Панжоблик драматург ва публицист Балвант Гаргиннинг ёзишича, ўтган асрнинг охирларида Ҳиндистонда ҳам «Шоҳнома» мотивлари асосида саҳна асарлари яратишга интилиш пайдо бўлган. Чунончи, драматург Какхушру Кабраджи томонидан Фирдавсий достони асосида яратилган «Рустам ва Сухроб» пьесаси ҳинд томошабинлари томонидан илиқ кутиб олинган<sup>1</sup>.

Тожик драматургиясида «Шоҳнома» дostonларини саҳнага олиб чиқиш ўтган асрнинг 30-йилларида бошланди. 1935—1936 йилларда атоқли санъат арбоби Абдушукур Пирмуҳаммадзода билан драматург Фани Абдулло «Рустам ва Сухроб» трагедиясини яратдилар ва у Лоҳутӣй номидаги театрда ҳозиргача муваффақият билан қўйиб келинмоқда. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Лоҳутӣй

<sup>1</sup> Балвант Гаргин. Театр и танец Индии. «Искусство», М., 1963. Стр. 90.

либреттоси асосида бастакор С. Балосонян билан Ш. Бобокалонов «Коваи оҳангар» операсини яратди. Мардлик ва жасорат, қаҳрамонлик, халқпарварликка чорловчи, зулм-зўрлик, ўзаро қонли урушларни лаънатлаб, адолат ва осойишталикни тарғиб этувчи бу асарлар тожик драматургиясида салмоқли ўрин эгаллаган<sup>1</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек илм-адаб аҳли орасида «Шоҳнома»га қизиқиш ва у билан ошно бўлиш жуда узоқ тарихга эга. Фирдавсий асарининг ҳозирги Ўзбекистон территориясида қайта-қайта кўчирилиши, таржимаси ҳам қўлёзма ва нашрий нусхалар сифатида тарқатилиш, тошкентлик Абдураҳмон ва бошқа мусаввирларнинг «Шоҳнома»ни ранг-баранг лавҳа, суратлар билан безашлари бу асарнинг халқ орасида янада кенг шуҳрат қозонишига сабаб бўлди. Ана шу қизиқиш ва шуҳрат драматургларни ҳам тўлқинлантиради. Маълумки, 1921 йилнинг охирларида Маннон Уйғур Бухорога келиб профессионал театр труппасини ташкил қилади. Йигирма беш кишидан иборат бўлган бу труппада «Ҳалима», «Андалузнинг сўнгги кунлари», «Кариманинг қотили», «Абулфайзхон» каби пьесалари билан бирга Ф. Ниёзийнинг «Шоҳнома» мотивлари асосида ёзган «Заҳҳоки морон» деган асари ҳам қўйилган. Аммо бу асар нашр этилмаган.

Фирдавсий асарини саҳнага олиб чиққан иккинчи драматург Ғози Юнус Олимовдир. У 1919 йили «Заҳҳоки морон» деган драма ёзади. Асар ўша йиллари «Турон» ва Карл Маркс номидаги театрларда саҳнага қўйилган. 1924 йили Самарқанд театри ҳам Садриддин Айний раҳбарлигида «Заҳҳоки марон»ни саҳналаштирган.

### «Заҳҳоки морон»

Ғози Юнус ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Фирдавсий «Шоҳнома»си достони асосида саҳна аса-

<sup>1</sup> Н. Х. Нурджанов. История таджикского советского театра. «Дониш», Душанбе, 1967. Стр. 245—256.



ри яратган ижодкор. У 1919 йили шоирнинг «Заҳҳок ва темирчи Кова» достони сюжети бўйича «Заҳҳоки морон» фожиасини яратди.

Маълумки, Фирдавсий Заҳҳок достонида бир томондан зулм-зўрликни, халқни хароб, мамлакатни хонавайрон қилувчи жоҳил, қонхўр шоҳни қаттиқ лаънатлайди; донишманд, халқпарвар, тадбиркор, адолатли ҳукмронни таърифлайди. Достоннинг энг характерли жиҳати шундаки, шоир зулм ва жаҳолатга ақл-идрокни, халқ куч-қудратини қарши қўяди. Хотимада жабрдийда меҳнаткаш халқ оддий темирчи Кова бошчилигида адолат учун бош кўтариб, қонхўр Заҳҳокни тахтдан ағдариб, унинг ўрнига одил Фаридунни қўяди. Бирлашган халқ қудрати олдида зулмат кучлари маҳкум бўлади.

Ану шу юксак халқчил ғояни Ғози Юнус саҳна тили орқали оммага тарғиб этади. «Заҳҳоки морон» фожиаси икки бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлак тўрт пардадан ташкил топган. Асар Карл Маркс труппасида бир неча йил давомида мунтазам қўйилган. Муаллифнинг таъкидлашича, «Эски Эрон турмушидан олиб ёзилган тарихий фожа» икки кун қўйилган. Чунки бир кунда қўйиш учун «театр мос бино билан, техникавий ашё билан ҳали таъминланмаган».

Биринчи бўлим тўрт мажлистан иборат бўлиб, унда Заҳҳок, Темуртош (Заҳҳокнинг отаси, мўйсифид), Шайтон, Боғбон, аскар ва ясовулар, вазирлар, умаролар, вакиллар ҳамда халқ қатнашади. Бу бўлим Заҳҳокнинг ўз отасини ўлдириб, тахтни эгаллаши билан бошланади. Шайтон Заҳҳокнинг елкасидан бўса олгач, у ердан икки илон ўсиб чиқиши, уни, албатта, одам мияси билан боқиш лозимлиги ҳақидаги васият билан тугайди. Иккинчи бўлимда пешодийлар шоҳи Заҳҳок, 1—2 вазир, 1—2 умаро, инқилобчи Меҳрос, Кова, унинг хотини Меҳрнос, Кованинг катта ўғли Ишқаш, Кованинг кичик ўғли Шопур, Кованинг қўшниси Бой, Бойнинг хотини Голбод, Шайтон, ҳуру филмонлар, жаллодлар, ясовул бошлиғи, ясовулар, паҳлавонлар, инқилобчилар, аскарлар иштирок этади. Воқеа Заҳҳок илонларига ўғиллари ем бўлган темирчи Кова бошчили-

гидаги халқ қўзғолони, золим Заҳҳокни ўлдириб, ўрнига донишманд, тадбиркор, билимдон Фариддунни шоҳ кўтариш билан, зулм-зўрлик устидан адолат ва ҳақиқат тантанаси билан тугайди.

Драмада адолат ҳамда ҳақиқат, нур ва маърифат кучлари билан зулмат ва разолат кучлари ўртасида кескин тўқнашув бўлади. Қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, ички кураши, икки қарама-қарши кутбнинг ўзаро жангида тобора ёрқин ифодаланиб боради. Бош қаҳрамон Заҳҳокнинг отаси гуманизм байроғи остида иш кўриб келган шаҳаншоҳ, «Халқ унинг юритган тўғри сиёсатидан миннатдор», у бутун фаолиятини халқни фаровон, юртни тинч сақлашга, адолатпешаликка қаратган. У «инсоният дунёсига қилган буюк хизмати, халқпарварликда кўрсатган фавқулодда ғайрат ва матонатни» туфайли халқнинг меҳру ҳурматини қозонади. Лекин ана шу халқпаравар, адолатпеша қаршисида разолат ва жаҳолат тимсоли — ўз зурриёди Заҳҳок пайдо бўлади. Заҳҳок ҳам анча ўқимишли, тадбиркор, камолотга етишган шахзода. Аммо ундаги ижобий жиҳатларни психологиясидаги шуҳрат, бойлик ва мансаб-мартабага ўчлик емириб ташлайди. У тож-тахтни қўлга киритиш йўлида, шаҳаншоҳ бўлиш иштиёқида ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмайди: «подшоҳ бўлиш учун дунёда қилмаган макру ҳийласи» қолмайди. Лекин халқнинг Мардусга бўлган муҳаббати тобора кучайиб, мустаҳкамланиб боради. Мана шу ўринда Заҳҳок характерининг туб моҳияти, барча қирралари намоён бўлади. У тож-тахтни қўлга киритиш учун «йўлимга тўғри келган ҳар бир монеликни таги ва бунёди билан юлиб ташлайман» дейди. Бу монелик отаси — Мардус эди. Заҳҳок подшоҳликни қўлга киритай деса, «фариштадек пок отаси»ни ўлдириш лозим. Падаркушлик қилса, халқ ундан «шаҳаншоҳнинг қонини» тилашидан қўрқади. Заҳҳок мана шу обу оташ орасида қолади, узоқ фикр қилади. Бу руҳий, ички жангда Заҳҳокдаги ҳирс, разолат голиб келади. Тўғри, Фирдавсийда ҳам, драмада ҳам бу йўлда унга Иблис — Шайтон Носихи Эмин йўл-йўриқ кўрсатади. Заҳҳок «падаркуш» деган доф-

дан сиртдан қутулгандек бўлади. У «отамни ўз қўлим билан ўлтурғонимни раия эшитсалар, мани бурда-бурда қилурлар», деб «Мардус таҳорат пайтида қудуққа қулаб» ўлди, деб шоҳона расм билан дафн эттиради. Бу даҳшатли воқеа бутун мамлакатда, сарой аъёнлари ўртасида кучли мотам, изтироб тугдиради.

Драманинг ҳар бир сахнасида халқ образи, до-нишманд вазирлар, умаролар образи хийла актив, ёрқин тасвирланган. Улар «халқ вакиллари ва қабила бошлиқлари, «раият юборган вакил»лар билан кен-гашгандан сўнггина Заҳҳокни шаҳаншоҳликка та-йин этадилар. Шоҳлик тожини кийиб, тахтга ўтир-ган Заҳҳокда манманлик, ғурур ва шуҳратпарастлик тобора илдиз отиб боради. Драматург энди Заҳҳок характери-ни бевосита Иблис — Шайтон Носихи Эмин билан узвий тасвирлайди. Чунки сарой ошхо-насининг бош ошпази вазифасини эгаллаб олган Иблис аслида разил ва қонхўр бўлган Заҳҳокни жаҳолат ботқоғи томон судрайди. Шон-шавкат кибри билан маст Заҳҳок Иблисининг ҳар қандай қабиҳ насиҳат ва йўл-йўриқларини бажонидил қабул эта-ди, бажариб боради. Бу эса Заҳҳокни мамлакат ол-дида, халқ наздида янги-янги жинойтлар қилишга, халққа, инсониятга қирғин келтирадиган қабоҳат да-ражасига етказди. Ҳақиқатда ҳам Иблис бўса қил-ган Заҳҳок елкаларидан чиққан икки илонни фақат одам мияси билан боқиб, тинчитадилар. Мамлакат хонавайронликка юз тутди, халқнинг қирилиб ке-тиш хавфи туғилади, мазлумларнинг нола-си кўкка ўрлайди, тоқати тоқ бўлади.

Драматург меҳнаткаш халқнинг зулм-зўрликка нисбатан ғазаб-нафратини, ҳақиқат ва адолат учун курашини хийла мукамал, таъсирчан тасвирлашга, курашчан, жанговар образини сахна тили орқали яратишга муваффақ бўлган. Драмага инқилобчилар, Меҳрос (инқилобчилар бошлиғи), Бой (Кованинг қўшниси) ва бошқа тўқима образларнинг кирити-лиши ана шу ният билан боғлиқ.

Айниқса, оддий темирчи Кова образи драмада анча мукамал чизилган. У ўз оиласини темирчи-ликдан келадиган даромад билан боқди, моҳир

ҳунарманд, юзлаб шогирдларнинг устози бўлган Ковани халқ ҳурмат қилади. Шунинг учун у Заҳҳок илонларига тўмаъ бўлган халқ аҳволига ачинади, уч ўғилдан ажралган темирчининг ғазаби аланга олади. Айниқса, ясовуларнинг разил, фирибгар ва сотқинликлари қаҳр-ғазабини оширади. Заҳҳок илонларига физо бўлиш чеки Бойнинг фарзандларига тушади. Аммо Бой ясовул бошлиғи билан унинг хизматкорларига пора бериб, ўғилларини олиб қолади.

Бу билан драматург асарни замонавийлаштирган, Туркистонда мардикор олишдаги адолатсизликларни ҳам кўрсатишга ҳаракат қилган, ўша пайтда бойлар ўз болалари ўрнига камбағалларнинг боласини мардикорликка жўнатган эди. Иккинчидан, драматург мазкур қистирма орқали ҳукмрон синфларнинг, юқори ижтимоий табақаларнинг ҳамиша меҳнаткаш халқ оммасини эзиш, талаш, оёқости қилиш эвазига давлат сурганликларини, бу икки ижтимоий табақа ўртасидаги зиддият чуқур ижтимоий заминга эга эканлигини кўрсатишга интилан.

Ҳақиқатда ҳам мана шу рўйирост қотиллик, Меҳрнознинг чирқираб, қон-қақшашига қарамай тўртинчи ўғлини ҳам олиб кетишлари Кованинг ғазабини аланга олдиради. У пешдоманини байроқ қилиб, ўзига ўхшаган йўқсуларни эргаштириб, тўғри Заҳҳок саройига ҳужум қилиб, уни тахтдан ағдариб ташлайди.

Драмада бирлашган халқнинг жангавор куч-қудратига ишонч, маърифат ва адолат тантанасига умид билан қараш ғоятда мукамал бир тарзда тасвирланган. Ҳозир Юнуснинг тарихий мавзуга мурожаат этиб, зулм-зўрликка қарши адолатни тарғиб этиши, халқ куч-қудратини таъриф-тавсифлаши, адолат тантанасини кўрсатиши жуда катта ижтимоий-сиёсий, тарбиявий аҳамиятга эга эди.

## Сиёвуш

«Шоҳнома» қаҳрамонларини ўзбек саҳнасига олиб чиққан иккинчи адиб Хуршиддир. Шоир ва драматург Хуршид 1945 йили «Сиёвуш» либреттосини ёзди. Беш пардадан иборат бу опера ўша йили Навоий номидаги театрда қўйилган.

Асарда Сиёвуш, Фарангис, Пирон, Бормон, Рустам, Зол, Афросиёб каби ижобий, Кайковус, Судоба, Қиёнуш, Суроқа, Қайдофа, Гарсеваз каби салбий образлар қатнашади.

Маълумки, Фирдавсий «Сиёвуш» достонида зулм-зўрлик, ўзаро феодал урушлар, манманлик ва шошқалоқлик, фисқу фасод, ғийбату иғво, ноҳақ қон тўкиш, талончилик ва хонавайронликни қаттиқ қоралаб, самимий муҳаббат, ақл-заковат, жасорат ва қаҳрамонлик, халқ, ватан ҳақида ғамхўрлик қилиш, сулҳпарварлик ва халқлар дўстлигини улуғлайди.

Драматург достоннинг асосий ғоявий йўналишини қамраб олган ҳолда, ундаги бир нуқтани — Сиёвушнинг туҳмат ва иғво туфайли бемаҳал ҳалок бўлиши жиҳатини саҳнага олиб чиқишга интиланган. Сиёвушдаги олижаноблик, уруш ва шошқалоқликка қарши нафрат, сулҳ ва тинчликка мойиллик, ҳар қандай иғво ҳамда фитнани мардонавор енгишга интилиш, сабот ва матонат асарда жуда мукамал ифодасини топган. Уни Афросиёбдаги матонат, одамийлик, сулҳжўйлик ром этади; отаси Кайковусдаги ғазабкорлик, шошқалоқлик ва жангжўйлик нафратлантиради:

*Бу сулҳ эл билан юрт учун яхшидир,  
Бунга ким ризо бермаса, ваҳшийдир!*

Шуни қайд этиш керакки, Хуршид асарда достоннинг асосий сюжет чизигини сақлаб қолиб, етакчи образларни айнан келтирса-да, аммо ҳам ғоявий йўналиш нуқтаи назаридан, ҳам баъзи образлар талқинида хийла эркин қалам тебратган. Чунончи, «Шоҳнома»да тасвирланишича, ақлу фаросат, тадбир, жасорат, қадду қомат, ҳусну жамолда ягонаи даврон бўлган, Рустами Достон тарбиясини кўрган Сиёвушга ўтай онаси Судоба биринчи кўринишдаёқ ошиғи беқарор бўлиб қолади. Ўз ҳарамига «ўғлим» деб чорлаб, ундан коми дил ҳосил қилишни сўрайди. Сиёвуш эса ҳарамдан қочиб чиқади. Судоба дод солади, бир энагани уриб ҳомиласини тушириб, «Сиёвуш

<sup>1</sup> Хуршид. Танланган асарлар, «Фан» нашриёти, Т.: 1967. 244-бет.

менга зўрлик қилиб ҳомиламни туширди», дейди. Либреттода эса ота-онаси қонини тилаб юрган Судоба (Кайковус Яманни забт этгач, шоҳни ўлдириб, қизини олиб келган эди) Сиёвуш ва отасини ўлдириш мақсадида Сиёвушни ҳарамга меҳмонга чорлаб, ним тахтга ўтқазиб, май нўш этади ва гўё унга ошиқ бўлган кўринади. Сиёвуш эса «туртиб ташлаб, чиқиб кетади». Судоба фарёд чекади:

*Кўйингиз мени, шоҳга айланг хабар,  
Хужум айлади менга у оқпагар<sup>2</sup>.*

Фирдавсийда Сиёвуш Гарсивазнинг тухмати туфайли қўл-оёғи боғланади ва Гарсивазнинг ўзи калласини олади. Либреттода эса аввал Сиёвушни, сўнгра Кайковусни ўлдириш ниятида юрган Қаёнуш Хўқандга келиб «Сиёвуш Афросиёбга қарши ҳозирланмоқда», деган ифво тарқатади. Буни эшитган Гарсиваз Афросиёбга «Душман фарзандини эъзозлаб, қизингни бериб, бойлик, шаҳар инъом этдинг», деб таъналар қилади ва лашкар тортиб Сиёвушни бандга оладилар. Орқада бекиниб турган Қаёнуш Сиёвушга қилич солади.

Либреттода Афросиёб қизи Фарангиснинг суратини Сиёвушга инъом-эҳсонлар билан юборади. Шаҳзода суратни кўриб маликага ошиқ бўлади. Фирдавсийда эса Пирон маслаҳати билан Фарангисни Сиёвушга беради.

Достонда Гарсиваз ва Афросиёб салбий образ сифатида талқин этилган. Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий ҳам Афросиёбни золим, босқинчи шоҳ сифатида тилга олади. Хуршид эса Афросиёбни ижобий образ сифатида талқин этади.

Рустам, Зол образлари ажойиб халқпарвар, тинчлик тарафдорлари, ватанпарвар, донишманд, тадбиркор шахсларни кўз олдимизда гавдалантиради. Кайковус эса худбин, айш-ишратга, босқинчиликка ружу қўйган, бойлик, мансаб-мартабага ўч, тадбирсиз, шошқалоқ шоҳ образидир.

Демак, драматург Хуршид Фирдавсий ғоялари-

<sup>2</sup> Ўша асар, 238-бет.

ни тарғиб ва ташвиқ этишда уни ўзбек китобхони ва томошабинларига етказишда катта хизмат қилган.

## Фирдавсийшунослик анъаналари

Ўзбек адабиётшунослигида Фирдавсий ижодини ўрганиш ва уни объектив баҳолаш узоқ тарихга эга. Шоир ижодига берилган илк баҳони биз Алишер Навоийда учратамиз. У Фирдавсийни «шеърят майдонининг гурди», «маснавий фанининг устози» деб атаган. Мунис, Огаҳий, Умидий, Сайқалий ҳам шоирни ўзларига устоз деб билганлар.

Аmmo том маънодаги фирдавсийшунослик бизнинг замонимизда бошланди. Юқорида таъкидлаганимиздек, 1919 йили Ғози Юнус Фирдавсий дostonи асосида «Заҳҳоки морон» фожиасини яратди. Ана шу асарнинг саҳналаштирилиши муносабати билан «Иштирокиюн» газетасида Фитратнинг «Заҳҳоки морон» муносабати ила», Хуршиднинг «Заҳҳок» деб номланган мақолалари босилди. Ҳар икки мақолада Фирдавсий ижодининг гуманистик, халқпарварлик моҳияти тўғри талқин этилиб, «Заҳҳоки морон» ҳам театрнинг, ҳам муаллифнинг катта ютуғи эканлиги объектив таъкидланган. Бу ўзбек илм-адаб аҳли орасида буюк шоир ҳақидаги дастлабки кузатишлар эди.

Шундан сўнг 1926 йили «Маориф ва ўқитувчи» журналида Чўлпоннинг «Шоҳнома»нинг туркча таржимаси хусусида» деган мақоласи эълон қилинди. Муаллиф буюк шоир асарининг дунё тилларига таржималари хусусида, Хомуший томонидан «Шоҳнома»нинг ўзбек тилига таржима қилингани ҳақида маълумот бериб, «...Тошбосмада босилгон у таржима ҳали ҳам меҳмонхонларимизни обод қилиб турадур», дейди. Шундан сўнг «Шоҳнома»нинг 1510 йили ҳижрийда султон Қансухгўр даврида қилинган шеърӣ таржимаси ҳақида маълумот берилади. Мақола муаллифининг таъкидлашича, таржима «Омадани нома ба Саъди Ваққос» деган фасл билан тугайди. Шундай кейин эса Фирдавсий билан Сул-

тон Маҳмуд ўртасидаги можаронинг насрий баёни келтирилади.

Чўлпоннинг мақоласи фактик маълумотларга бойлиги жиҳатидан қимматлидир. Шунини ҳам айтиш керакки, мазкур мақоладаги фактларни айрим ўртоқлар нотўғри тушуниб, янглиш талқин этганлар. Чунончи, Абдусалом Умаров ўзининг «Шоҳнома»нинг мукамал таржимаси» деб номланган мақоласида 1501—1510 йилларда Мисрда Султон Қансухгўр топшириғи билан диёрбакрли Шариф Амидий томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган бу таржимани «Шоҳнома»нинг тўла ўзбекча таржимаси» деб, уни «йўқолиб кетган», «қидириб топиб, нашр этиш» керак, дейди. Ваҳоланки, бу туркча таржиманинг мукамал нусхаси Душанбе ва Ленинград қўлёзма фондларида сақланмоқда; иккита номукамал қўлёзмаси эса Варшава ва Истанбулда.

Маълумки, Фирдавсийнинг 1000 йиллик юбилейи Ўзбекистонда ҳам катта тантананага айланди. 1934 йилнинг 13 октябрида Ўзбекистон Фанлар академияси ва Ёзувчилар қўмитасининг қўшма мажлиси бўлди. Унда Айний ҳамда Фитрат шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Кечада Шайхзода ва Титов ўз таржималарида «Шоҳнома»дан парча ўқиди. Усмон Носир «Султон Маҳмуд ҳажвияси»ни ўқиди. Юбилей муносабати билан Иззат Султоннинг «Ўлмас шоир», Айний ва Фитратнинг қатор мақолалари эълон қилинади.

Иззат Султон ўз мақоласида юбилей кечаси тантанаси хусусида хабар беради; юксак гуманистик ғояларни тарғиб этганлиги учун Фирдавсийни минг йилдан кейин ҳам эл эъзозлаётгани алоҳида қайд этилган.

Адабиётшунос Фитрат юбилей муносабати билан бир неча мақола эълон қилади. Улардан иккитаси киши диққатини ўзига жалб этади.

У ўзининг «Фирдавсий»<sup>1</sup> деган мақоласида шоирнинг ҳаёти ва ижодини кенг таҳлил қилишга урин-

<sup>1</sup> Фитрат. Фирдавсий. «Социалистик илм ва техника» журн. 1934. 9-сон, 1—16-бетлар.



ган. Муаллиф Фирдавсий яшаган тарихий шароит ва адабий муҳит ҳақида батафсил фикр юритиб, араб халифалигининг инқирозга юз тутишининг объектив сабабларини тўғри талқин этиб, дарий тили ва бу тилдаги «янги форс адабиёти»нинг вужудга келишини асосан тўғри ёритади.

Маълумки, халқпарварлик, ватанпарварлик, адолатли шоҳ, адолатга даъват, ўзаро қонли урушларга нафрат «Шоҳнома» ғоясининг асосини ташкил этади. Кова бошлиқ халқ қўзғалонининг Заҳҳокни тахтдан ағдариб ташлаши, Маздакнинг барчани тенг ҳуқуқли қилиш шиори остида бош кўтариши, Сиёвушнинг ўзаро урушларни қоралаб, сулҳ тузиш учун интилиши, ўзининг ўлими учун эмас, балки бу ўлим туфайли юз берадиган қонли урушлар, Эрон ва Турон халқи бошига тушадиган фожиаларга қайғуриши Фирдавсий гуманизмининг чўққиси ҳисобланади. Фитрат «Шоҳнома»нинг қисқача сюжетини баён этгач, «Кўриладирким, «Шоҳнома» китоби Эрон феодал аристократиясининг шон ва шавкатларини, давлат ва салтанатларини, уруш ва қаҳрамонликларини мақташ билан тўлган. Эрон феодал аристократияси Эроннинг қутқарувчилари, халоскорлари каби тасвир этилади. Мақола муаллифи Фирдавсийни «аристократия шоири» деб таърифлаб, «Шоҳнома»ни юксак бадиий дид ва маҳорат билан ёзилган жангнома», «Қаҳрамон достонлари — манзум жангнома ёзишда на Фирдавсийдан бурун, на ундан кейин ҳеч бир форс шоири келмади, «Шоҳнома» қимматида ҳеч бир қаҳрамон дoston ёзилмади. Қаҳрамон достони бўлиш жиҳатидан бу даврнинг «Шоҳнома»си қадим юнон шоири Ҳулифнинг (Гомернинг) «Илиада»сидан сўнгра дунёда биринчи деб қабул қилинди»<sup>1</sup>, дейди. Фитрат «Шоҳнома»даги Рустамнинг Ашкбус билан олишуви, жанг тасвири ва Саъди Ваққоснинг Эронга ҳужуми, Рустамнинг унга мактубинигина таҳлил қилган.

Адибнинг Фирдавсий ижодини ва у яшаган даврни таҳлил қилишга, айниқса, араб истилосининг

<sup>1</sup> Ўша журнал, 9-бет.

ёмон оқибатларини очиб ташлаш, унга қарши халқ ғазабини кўрсатишга интилиш 30-йиллар адабий ҳаётида бир ҳодисадир. Унинг Фирдавсий асарининг бадий қимматини анализ қилишга ҳаракат этиши, «Шоҳнома» билан «Қутадғу билиг»нинг ўхшаш жойларини мисоллар билан кўрсатиши ҳам диққатга сазовордир.

Фитратнинг иккинчи мақоласи «Эртақлар ва ҳақиқат», «Машғала» журналининг 1934 йил биринчи сониди босилди. Унда муаллиф Фирдавсийнинг фожиали ҳаёти билан, «Шоҳнома»нинг ёзилиши билан боғлиқ бўлган барча афсоналарни таҳлил этган, уларнинг қай даражада ҳаёт ҳақиқатига тўғри келиши ёки зидлиги ишонарли кўрсатилган. Мақолада Фирдавсийнинг санъаткорлик маҳорати ғоятда самимият билан баҳоланади. Бунинг яна қимматли томони шундаки, «Шоҳнома»нинг XVII асрга оид кўлёмасига чизилган миниатюралардан «Жанг манзараси», «Рустамнинг аждар билан жанги», «Сиёвушнинг қатл этилиши» биринчи бор ўқувчиларга тақдим этилган.

Урушдан кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослиги ўтмиш санъаткорларнинг меросини ўрганиш, нашр этиш билан бирга форс-тожик адабиёти классиклари, жумладан, Фирдавсий ижодини ўрганиш борасида ҳам жиддий ютуқларни қўлга киритди. Шоир ижоди хусусида қатор газета мақолалари эълон қилинди, махсус монографиялар, илмий мақолалар яратилди, номзодлик диссертацияси ёқланди<sup>1</sup>. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Н. М. Маллаевнинг «Абулқосим Фирдавсий»<sup>2</sup> рисоли диққатга сазовордир. Асарда олим Фирдавсий ижодини мукамал таҳлил қилган, «Шоҳнома»нинг етакчи ғоявий йўналишини алоҳида бобларда батафсил ёритган, унинг халқчил моҳиятини аниқ кўрсатиб берган. Шу билан бирга Фирдавсий даҳосининг ўзбек классик адабиёти, халқ оғзаки ижодига баракали таъсирини ҳам ишонарли далиллар билан кўрсатган. «Бироқ шуни таъкидлаш керакки, Фирдавсийнинг ўзбек адабиётига таъсири

<sup>1</sup> Х. Ҳомидов. «Шоҳнома»нинг ўзбекча таржимаси. Т.: 1967.

<sup>2</sup> Н. М. Маллаев. Абулқосим Фирдавсий. Ўзадабийнашр, Т.: 1962.

ҳамда «Шоҳнома»нинг ўзбекча таржималари мисолида биз халқлар ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларнинг ёрқин ифодасини кўрамыз»<sup>1</sup>, дейди муаллиф. Асар ўзбек адабиётшунослигида Фирдавсий ижодига бағишланган жиддий тадқиқот сифатида қимматлидир.

Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, профессор Шоислом Шомуҳамедов буюк шоир ижодини ўрганиш ва ташвиқ қилиш борасида энг кўп меҳнат қилган ижодкорлардан ҳисобланади. У дастлаб Фирдавсий ҳақида газеталарда бир қанча оммабоп мақолалар эълон қилди; шоирнинг панд-насиҳатларидан сайлаб таржима қилиб, ўзининг «Ҳақиқат излаб», «Минг бир ҳикмат» китобига киритди. Кейинчалик эса «Форс-тожик адабиёти классиклари»<sup>2</sup> асарида Абулқосим Фирдавсийга ҳам махсус боб ажратди. Муаллиф шоир ижодини ўзига хос синчковлик билан таҳлил қилиб, у қуйлаган юксак ғоялар ҳамон биз билан ҳамдам бўлиб, прогрессив имкониятга хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлайди. Сермаҳсул шарқшуноснинг «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм»<sup>3</sup> китобида «Шоҳнома»нинг ғоявий мотивлари чуқур текширилган. Асарнинг халқчил моҳиятини кўрсатар экан, олим қуйидагича ҳолисона хулосага келади: «Поэманинг бундай муваффақиятига сабаб, унинг халқчилиги, халқ орзу-умидларини тараннум этганлигидир. Ундаги одил шоҳлар, ватан ҳимоясига доим тайёр турган паҳлавонлар, ўз ёрларига чинакам дўст, ватанларига фидокор хотин-қизлар... бу китобни чинакам халқ мулкига айлантириб юборган»<sup>4</sup>. Китобда Фирдавсий ижодининг бошқа жиҳатлари ҳам анчагина пухта текширилган. Олимнинг филология фанлари доктори М. Н. Осмонов билан ҳамкорликда «Шоҳнома»нинг уч жилдлик янги шеърий таржимасига ёзган сўзбошиси, сўнгги сўзи ҳам фирдавсийшуносликка қўшилган маълум ҳисса ҳисобланади. Филология фанлари доктори Ж. Шарипов ўзи-

<sup>1</sup> Н. М. Маллаев. Абулқосим Фирдавсий. Ўзадабийнашр, Т.: 1962. 82-бет.

<sup>2</sup> Ш. Шомуҳамедов. Форс-тожик адабиёти классиклари. Ўзадабийнашр, Т.: 1963.

<sup>3</sup> Ш. Шомуҳамедов. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. Т.: «Фан», 1968.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 74-бет.

нинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» китобининг «Шоҳнома»нинг ўзбекча таржималари»га бағишланган бобида Фирдавсий «Шоҳнома»сининг Ўрта Осиёда тарқалиши, унинг илк таржималари ва мутаржимлар хусусидаги айрим қайдлари аниқлик талаб қилади. Чунончи, Хомуший ва Нурмуҳаммад Бухорий таржимасининг йили ҳамда асарнинг ҳажми нотўғри кўрсатилган<sup>1</sup>.

«Ўзбек адабиёти тарихи»нинг биринчи китобида ҳам Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си хусусида фикрлар мавжуд. Асарда «Шоҳнома»нинг асосий тематик ва ғоявий хусусиятлари тўғри таҳлил этилган. Аммо «Достонда Фирдавсий Рустам сиймосида араб босқинчиларига қарши курашга отланган ватандошларининг умумлашма образини яратади»<sup>2</sup> деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки бу ерда жаҳонпахлавон Рустами Достон билан араб босқинчиларига қарши курашган, шоҳ Яздигурднинг ўғли Рустам бир деб талқин этилган.

Демак, Фирдавсий ижодини жиддий тадқиқ ва таҳлил этиш XX асрдан бошланиб, ҳозирга қадар адабиётшунослигимиз бу борада ютуқларни қўлга киритди. Ўйлаймизки, «Шоҳнома»нинг янги шеърӣ таржималари асосида Фирдавсий ижодини тадқиқ ва таҳлил этишда янги-янги ютуқлар қўлга киритилади.

## Муаллифдан

Жаҳон адабиётининг энг ёрқин сиймоларидан бўлмиш Фирдавсий ҳаёти ва унинг мангу барҳаёт «Шоҳнома»сини тадқиқу ташвиқ этиш борсида олимларимиз катта ишлар қилдилар. Профессор Н.М. Маллаевнинг «Абулқосим Фирдавсий» (1962) китоби, Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, устоз Ш. Шомуҳамедовнинг «Форс-тожик адабиёти классиклари» (1963), «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» (1968) рисола-

<sup>1</sup> Ж. Шарипов. Ўзбекистонда таржима тарихидан. «Фан», Т.: 1965. 77—78-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. I том. «Фан», Т.: 1977, 163-бет.

рининг алоҳида боблари, «Шоҳ китоб ва унинг муаллифи» (1992), «Шоҳнома»нинг янги шеърӣй таржимасига ёзган сўзбошиси ва бошқа мақолаларда буюк шоир ижоди атрофлича таҳлил этилган. Олий ўқув юртлари дарсликлари, Ўзбек миллий энциклопедиясидан ҳам Фирдавсий ижоди муносиб ўрин олган. Аммо «Шоҳнома»нинг ўтмишда Ўрта Осиёда тарқалиши, унинг ўзбек классик шоирлари ҳамда халқ оғзаки ижодига таъсири, «Шоҳнома» дostonлари сюжети асосида вужудга келган халқ китоблари, Фирдавсий ва ўзбек маданияти муаммоси кенг кўламда махсус тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ушбу кузатишларимиз шу йўлдаги уринишлардан биридир. Шунинг учун айрим фикр-мулоҳазалар масаланинг қўйилиши тарзида бўлиши ҳам мумкин. Муаллиф қўлёзмани ўқиб, қимматли мулоҳазалар билдирганликлари учун марҳум профессорлар Н. М. Маллаев, Ш. Шомуҳамедов ҳамда доцент В. Раҳмонов ўртоқларга миннатдорчилик изҳор этади.

**МУНДАРИЖА****«Авесто» сабоқлари**

Зардушт . . . . .	4
«Авесто»нинг таркиби ва моҳияти . . . . .	13
Авестошунослик тарихи . . . . .	21
Зардушт фалсафаси . . . . .	34
Мозий ҳаёт қатлари . . . . .	42
«Авесто» ва бадий адабиёт . . . . .	49
Фирдавсий ва «Авесто» . . . . .	57
«Авесто»да таълим-тарбия ва устоз талқини . . . . .	67
«Авесто» ва тиббиёт . . . . .	73
«Авесто» жуғрофияси . . . . .	84
Оташкада — маънавият ва маърифат ўчоғи . . . . .	93
Ҳуқуқшунослигимиз сарчашмаси . . . . .	101
«Авесто»да оила ва аёл эрки талқини . . . . .	109
Қатрада ҳаёт акси . . . . .	115
Асл насли деб . . . . .	121
«Ардивиссура Анаҳито» қасидаси хусусида . . . . .	124
Зардуштийларни «оташпараст» деманг . . . . .	128
Етти иқлим ҳомийси . . . . .	132
Барҳаёт удумлар . . . . .	137
«Авесто» лугати . . . . .	140
Динкард . . . . .	143
Бундахишин . . . . .	147
Зардушт пандларидан . . . . .	154

**Фирдавсий ва ўзбек адабиёти**

Илк сарчашмаларда «Шоҳнома» излари . . . . .	160
«Рустам келса жавобин берур» . . . . .	165
Маснавийда устои фан . . . . .	167
Бағоят машҳурдур . . . . .	183
Серфайз шеърят . . . . .	188
Эртақларда «Шоҳнома» мотивлари . . . . .	204
Халқ китобларида «Шоҳнома» мотивлари . . . . .	218
Достонларда «Шоҳнома» анъаналари . . . . .	230
«Шоҳнома»нинг ўзбекча таржималари . . . . .	238
Элардан эларга, тиллардан тилларга . . . . .	249
Хомуший ва унинг ижоди . . . . .	259
Хомуший таржимасининг биз бир бадий хусусиятлари . . . . .	281
Нурмуҳаммад Бухорий таржимаси ҳақида . . . . .	298
Фирдавсий ва ҳозирга ўзбек адабиёти . . . . .	302
Фирдавсий қаҳрамонлари саҳнада . . . . .	311
Фирдавсийшунослик анъаналари . . . . .	311

**Ҳамиджон Ҳомидий**

**«Авесто»дан «Шоҳнома»га**

Шарқ нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2007

Муҳаррир *Р. Бойтўра*  
Бадий муҳаррир *М. Аъламов*  
Рассом *А. Баҳромов*  
Техник муҳаррир *Л. Хижова*  
Мусахҳиҳлар *А. Зокиров, Н. Ёролова*  
Саҳифаловчи *А. Шафиулина*

Босишга рухсат этилди 26.07.2007. Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 16,8. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 17,2. Адади 5000 нусха. Буюртма № 2483. Баҳоси келишилган нарҳда.

**Шарқ нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**